

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

С. С. ГУЛЯМОВ

ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

С. С. ГУЛЯМОВ

ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент
Шарқ
2002

*Тошкент давлат юридик институтининг
Илмий кенгашида маъқулланган*

Г–93 Гулямов С. С.

Халқаро савдо ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.:
Шарқ, 2002. – 319 б.

**ББК
67.412.8**

Ўзбек тилида биринчи марта нашр этиладиган ушбу дарслик Тошкент давлат юридик институтида ўқитиладиган «Халқаро савдо ҳуқуқи» фани дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда халқаро савдо ҳуқуқининг мазмуни очиқ берилган, объектлари ва субъектлари кўрсатилган, халқаро савдо битимлари, халқаро олди-сотди воситачилиги, халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро факторинг, халқаро молиявий лизинг, товарларни халқаро ташиш, халқаро савдода франчайзинг, халқаро инвестициялар каби масалалар киритилган, халқаро савдо муносабатларида юзага келадиган низолар ва уларни ҳал қилиш механизми очиқ берилган.

Юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир – Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
юридик фанлар доктори, профессор
Ҳ. Раҳмонқулов

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик
фанлар доктори, профессор **Э. Б. Зокиров**;
Халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар марказининг ди-
ректори, юридик фанлар номзоди, доцент **З. Т.
Убайдуллаев**

© С. С. Гулямов

СЎЗ БОШИ

Давлатнинг ҳуқуқ тизими бир қанча соҳаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос предметга ва ушбу предметнинг мазмунини ифодаловчи муносабатларни тартибга соладиган усулларига эга. Ушбу ҳуқуқ соҳалари бир вақтнинг ўзида шаклланмайди, янги ҳуқуқ соҳаларининг пайдо бўлиши, улардан баъзиларининг ўз аҳамиятини йўқотиши давлат ва жамиятнинг ривожланиш даврига боғлиқ. Янги ҳуқуқ соҳалари субъектив хоҳишга биноан эмас, балки объектив сабабларга кўра шаклланади ва ҳуқуқ тизими кўламида ўзига муносиб жой эгаллайди. Бундай шаклланиш жараёни узоқ муддат давом этади ва бунга асос солувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топишини тақозо қилади. Халқаро савдо ҳуқуқи ҳам ана шундай соҳалардан иборат.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон халқаро сиёсий, иқтисодий муносабатларда қатнашмас эди. Собиқ совет ҳокимияти даврида нашр этилган адабиётларда социалистик республикаларнинг халқаро муносабатлар субъекти эканлиги таъкидлаб ўтиларди, холос.

Собиқ СССРнинг 1977 йилги Конституциясидаги 80-моддага биноан, «Иттифоқдош республика чет давлатлар билан алоқа боғлашга, улар билан шартнома тузишга ҳамда дипломатия ва консуллик вакилларини айирбош-лашга, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақлидир», – дейилган эди. Амалда эса Белоруссия ва Украинадан бошқа бирон-бир республика чет давлатлар билан дипломатик, консуллик муносабатларини ўрнатишга ёки чет элда ўзларининг савдо ваколатхоналарини очишга эриша олмаган. Масаланинг бундай ҳал қилиниши оқибатида собиқ социалистик республикаларда ҳуқуқимизнинг алоҳида тизими сифатида халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ, жумладан халқаро савдо ҳуқуқи фанлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари деярли олиб борилмади, ушбу соҳалар юридик ўқув юртларида ўрганилмади.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон дунёда энг нуфузли халқаро ташкилот – БМТга аъзоликка қабул қилинди, мустақилликнинг илк давридаёқ жаҳондаги 150 дан ортиқ давлатлар уни расман тан олди. Республикамиз кўпгина обрўли халқаро жамиятлар ҳамда иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жаҳондаги энг катта мамлакатлар билан савдо ва иқтисодий соҳаларда муносабатлар ўрнатди, бу борада юритиш ошириш учун халқаро шартномалар, битимлар тузишда қатнашди, конвенцияларни ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро савдо ҳуқуқининг таркиб топиши ва шаклланиши учун қулай шароит юзага келди. Республикамиз барпо этишга киришган жамият мулкнинг барча шакллари, жумладан хусусий мулкнинг ҳам ташкил топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, жамиятни бошқариш тизимида тегишли демократик шакллар ва усуллардан фойдаланиш туфайли ушбу жамиятнинг табиатига монанд бўлган, унинг хусусиятларини ўзида мукамал акс эттирадиган, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатишга мўлжалланган ва сўнгги йилларда ҳуқуқ тизимида таркиб топган янги ҳуқуқ соҳалари учун манба бўлиб хизмат қилувчи қонун-қоидалар яратилди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида халқаро алоқаларини тобора кенгайтириб бормоқда. Давлатлараро ва ҳукуматлараро иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий ҳамда бошқа йўналишлардаги ўзаро алоқаларнинг кучайиши билан (бирга) юридик ва жисмоний шахслар амалга оширадиган ташқи иқтисодий фаолият тарзидаги муносабатлар ҳам кенгайиб, миқдор ва сифат жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. Мисол тариқасида шуни айтиш кифояки, республикамизнинг ташқи савдо муомаласи 2001 йил 1 январга келиб 3 бараварга ошди ва ҳозир у 170 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи савдо-сотик алоқаларини амалга оширмоқда. Шу давр давомида чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 31 баробар, улар экспорт қилаётган маҳсулотлар ҳажми эса 17 баробар

ўсди¹.

Давлатимиз раҳбариятининг ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, айниқса экспорт алоқаларини янада кучайтиришга йўналтирилган сиёсат юритаётганлиги, ташқи иқтисодий муносабатлар учун қулай юридик ва иқтисодий шароит яратилганлиги, бундай алоқаларнинг рағбатлантирилаётганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги чет эллар билан савдо-

¹ Қаранг: Налоговые и таможенные вести. 2001. № 35.

сотик ва бошқа иқтисодий муносабатларнинг авж олишига хизмат қилмоқда¹.

Республикаимиз Президенти И. А. Каримов ўзининг биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига фаол кириб бориши учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни барпо этганмиз»¹, – деб таъкидлаганида батамом ҳақ эди. Бундай шароитларнинг яратилиши, республикаимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниши натижасида мамлакатимизда, бошқа халқаро ҳуқуқ соҳалари билан бир қаторда, халқаро савдо ҳуқуқи фани бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва уни мустақил фан сифатида ўрганиш учун эҳтиёж сезила бошланди.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига биноан, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин». Ушбу қоида республикаимиз ташқи сиёсатининг асосий мазмунини халқнинг фаровон ҳаёти ва манфаатларининг таъминланиши ташкил қилишидан, ушбу мақсадда давлатимиз бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатишга тайёр эканлигидан далолат беради. Бундай алоқалар нафақат сиёсий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Давлатларнинг биргаликда корхоналар барпо этиши, инвестиция ва кредитлар ажратиш, товарлар олди-сотдиси, грант эълон қилиш асосида тегишли лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларни бажариш билан боғлиқ муносабатлар иқтисодий аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланувчи халқаро савдо ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. № 5-6-сон. 148 -модда; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги «Ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори // Частная собственность. 2001. № 9. С. 5; ва бошқ.

Халқаро савдо ҳуқуқи соҳасининг манбаларини ташкил қилувчи шартномаларда савдо алоқаларини тузишда тарафларнинг фойдаланиши зарур бўлган умумий қоидалар, шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқий лаёқати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, савдо арбитражига ёки холислар (холис ҳакамлар) судига тааллуқли масалаларга доир қоидалар назарда тутилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг, жумладан халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи сифатида халқаро шартномаларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан ўз ифодасини топган нормалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда давлатнинг ички қонунларига нисбатан кўпроқ қўлланилади.

Республикамизнинг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги 1995 йил декабрь қонунида² ўз аксини топган қоидалар 1969 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон ҳам қўшилган Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясига ҳамда Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йилги Вена конвенциясига асосланади.

1994 йил 15 апрелда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатларнинг раҳбарлари Эркин савдо зонаси ташкил қилиш тўғрисидаги битим ва унинг протоколини имзоладилар. МДҲ ташкил қилинганидан буён унинг иштирокчилари анча шартнома ва битимларни туздилар. Улар савдо ва иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, давлат чегаралари ва денгиз иқтисодий зоналарини муҳофаза қилиш ва бошқа иқтисодий масалаларга бағишланган.

Халқаро савдо масалаларига оид алоҳида конвенциялар қаторига биринчи галда Кўчар моддий ашёлар халқаро олди-сотдисиغا нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1995 йил Гаага конвенцияси, халқаро товарлар савдосида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғ-

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш - давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 114-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 12. 202-модда.

рисадаги 1958 йил Гаага конвенцияси, Халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1986 йил Гаага конвенцияси ва бошқалар кирази. Бир хил мазмундаги коллизия хусусиятга эга бўлган нормалардан ташкил топган ушбу конвенциялардан фарқли ўларок, 1964 йилда Гаагада Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисида бир хил мазмунга эга бўлган қонунлар қабул қилиш ҳақида конвенция тузилган эди. Ушбу конвенция

амалда кенг қўламда қўлланилмади ва унинг ўрнига 1980 йилда Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Товарлар халқаро олди-сотдисида доир шартномалар тўғрисидаги конвенцияси имзоланди. Мазкур Конвенция 1988 йил 1 январдан амалга киритилди.

1974 йилда Нью-Йоркда Товарлар халқаро олди-сотдиси бўйича даъво муддати тўғрисидаги конвенция тузилди ва 1980 йилда унга доир Қўшимча протокол қабул қилинди. Ўзбекистон Конвенцияни 1996 йил 30 августда ратификация қилди. Ушбу протоколга асосан 1974 йилдаги Конвенциянинг айрим қоидалари БМТнинг Товарлар халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги конвенцияси билан мувофиқлаштирилди. 1983 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда Товарлар халқаро олди-сотдисини бошқариш бўйича ваколатхона ташкил қилиш ҳақида конвенция тузилди, 1988 йилда эса Оттавада халқаро молиявий лизинг тўғрисида конвенция тузилди. Ўзбекистон уни 2000 йил 26 майда ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни, халқаро конвенциялари ва битимлари халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг манбаини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи оламга шиддат билан чиқиб бораётган, халқаро савдо-иқтисодий алоқалари мустаҳкамланаётган ва мамлакатимиз ягона жаҳон хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётган бугунги кунда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларидан хабардор мутахассис кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Халқаро савдо ҳуқуқи соҳасидаги зарур ахборотнинг етарли бўлиши, халқаро савдо муносабатларида юзага келаётган ва мураккаб масалалардан ташкил топган янги воқеалардан хабардор бўлиш, ушбу масалаларнинг ечимини топиш ва улар юзасидан илмий изланишлар олиб борилиши бу муносабатларнинг амалда ташкил қилиниши ва ривож топиши, муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилиниши учун имконият яратади.

«Халқаро савдо ҳуқуқи» ўқув фанининг ҳуқуқшунос ва иқтисодчи мутахассислигига эга бўлган кадрларни тайёрлаш учун тузилган ўқув дастурига киритилиши Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий

дастурида белгиланган вазифаларга мос келади, кадрларни мамлакатимиз тараққиёти йўналишларига, халқаро кўламда бозор муносабати талабларига мувофиқ тарзда тайёрланишига кўмаклашади.

Халқаро ҳуқуқ манбалари, халқаро шартномалар, конвенциялар асосида халқаро савдо муносабатларининг ташкил топишини ўрганиш, ушбу муносабатларга тааллуқли юридик атамалар ва ибораларнинг мазмун моҳиятини ўзлаштириш, муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар ва бу соҳада вужудга келадиган низоларга нисбатан қўлланиладиган нормаларни, низоларни ҳал қилувчи ташкилотлар ва суд тизимини билиш талабаларга ҳам, адвокатлар, юристлар ва ташқи савдо-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркор юридик ва жисмоний шахсларга ҳам баб-баравар зарур. Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, халқаро хусусий ҳуқуқ кафедрасининг ўқитувчиси иқтисод фанлари номзоди С. С. Гулямов Ўзбекистонда биринчи бўлиб тайёрлаган ушбу китоб бу борадаги мавжуд муҳим масалаларни ёритиб бериш, тушунмовчиликларга аниқлик киритиш, мутахассис ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларнинг билимларини оширишга хизмат қилади, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва ушбу масалаларга қизиқадиган китобхонлар учун яхши қўлланма бўлади, деб ўйлаймиз.

Ушбу дарсликни камчиликлардан мутлақо холи, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, мухтарам китобхон, сизнинг билдирган таклиф ва мулоҳазаларингиз китобнинг кейинги нашрларини янада мукамалроқ тайёрлашга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ,

**юридик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон
Фанлар академиясининг академиги**

I бoб. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪРИФИ

1-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир тармоғи бўлиб, турли давлатларнинг субъектлари ўртасида юз берувчи савдо-иқтисодий алоқаларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаради. Халқаро савдо ҳуқуқи фани мамлакатлараро савдо-сотик ва бошқа иқтисодий алоқаларнинг тез суръатлар билан кенгайиб бориши муносабати билан XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг тармоғи сифатида мустақил равишда шакллана бошлади.

«Халқаро савдо ҳуқуқи» (ингл. international trade law) тушунчасининг пайдо бўлиши ва кенг муомалага киритилишида БМТнинг 1966 йилда ташкил топган Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси – ЮНСИТРАЛ (United National Commission on international Trade law – UNCITRAL) муҳим ўрин тутди. Халқаро савдо ҳуқуқи фан сифатида ҳам, юридик атама сифатида ҳам ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган.

Халқаро савдо ҳуқуқининг таркиб топган ҳукмрон концепциясига мувофиқ, унга халқаро савдо-сотикни амалга оширишдаги хусусий муносабатларни тартибга солувчи «халқаро қонунчилик» ҳуқуқий нормаларининг йиғиндиси ва янги *lex mercatoria* (халқаро таомил ва одатлар) йиғиндиси деб таъриф бериш мумкин. Бунда «Халқаро қонунчилик» деганда, кўп томонлама халқаро шартномалар, халқаро ташкилотларнинг халқаро савдо алоқаларини тартибга солувчи ҳужжатлари назарда тутилади. Янги *lex mercatoria* деганда эса, кейинги даврларда таркиб топган ва халқаро муносабатлар муомаласига киритилган савдо-сотикқа оид таомиллар, расм-русум ва одатлар тушунилади.

Хусусий муносабатлар деганда хусусий шахслар, ўзаро ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган субъектлари, шунингдек, хусусий ва оммавий ҳуқуқ субъектлари ўртасида (ўз иммунитетидан воз кечган ҳолда, хусусий субъектлар билан тенг мавқеда) юз берувчи савдо-иқтисодий муносабатлар тушунилади.

Савдо-сотик муносабатлари деганда, товарларни олиш-сотиш, шу-

нингдек, иш ёки хизматларни бажаришга ҳамда реализация қилишга (сотишга) қаратилган ҳар қандай фаолият тури тушунилади. Халқаро савдо-сотик муносабатлари деганда эса, турли давлатларга мансуб бўлган субъектлар ўртасида юз берувчи алоқалар назарда тутилади.

Халқаро савдо ҳуқуқи савдо-сотик муносабатлари соҳасида турли давлатларга тегишли субъектлар ўртасидаги алоқаларда умумий қоидаларнинг жорий этилиши орқали, ушбу алоқаларни ўзаро мувофиқлаштиришга ва шу йўл билан савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

2-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ ЎҚУВ ФАНИНИНГ ТИЗИМИ

Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фани сифатида муайян тушунчалар ва ҳуқуқий институтлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро муайян тизимни, ягона фан соҳасини ташкил қилади.

Юқорида қайд этилганидек, халқаро савдо ҳуқуқи халқаро савдо алоқаларига оид муносабатларни икки манбага, яъни «халқаро қонунчилик» нормалари ва янги *lex mercatoria* қоидаларига таянган ҳолда тартибга солади. Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, муайян тизимга солиш билан бир қаторда, талабаларга, яъни келажакда халқаро муносабатлар соҳасида иш юритувчи бўлғуси мутахассис юристларга зарур маълумот бериш, уларга ушбу соҳа тўғрисидаги билимларни бериш билан ҳам шуғулланади.

Савдо-сотикқа оид халқаро муносабатлар халқаро савдо ҳуқуқининг турли нормалари билан ноизчил тарзда тартибга солинганда халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанига оид материалларни мунтазам тизим асосида баён этиш мумкин.

Халқаро савдо ҳуқуқининг предмети унинг таркибига киритилиши мумкин бўлган барча муносабатларни ва ушбу муносабатларга оид жами ҳуқуқий нормаларни ҳам ўз ичига олавермайди. Масалан, халқаро транспорт ҳуқуқининг тараққий топиши билан юклар ва йўловчиларни халқаро йўллар орқали ташиш билан боғлиқ муносабатлар халқаро транспорт ҳуқуқининг предметиға киритила бошланди ва айни пайтда (транспорт хизматининг кўрсатилиши, ушбу хизматнинг «сотилиши» нуқтаи назаридан қараганда) халқаро савдо фаолияти турларидан *lex mercatoria* бўлиб ҳам ҳисобланади.

Илмий-техникавий ютуқларнинг халқаро муомаласига тааллуқли муносабатлар ҳам ушбу объектлар олди-сотди предмети бўла олиши жиҳатидангина халқаро савдо ҳуқуқининг предмети таркибига киритилган бўлиб, аслида бу муносабатлар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг интеллектуал мулкларга оид тармоғига тааллуқлидир.

Ўқув материаллари баён этилиши жараёнида халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари ҳисобланувчи нормалар, жумладан халқаро конвенциялар, битимлар билан бир қаторда, тегишли давлатнинг миллий қонунчилик нормаларидан ҳам фойдаланилади ва бу нормалар халқаро савдо ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланмайди, аммо халқаро савдо ҳуқуқи билан функционал жиҳатдан боғланган нормалар сифатида қаралмоғи лозим. Миллий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш пайтида, унинг коллизия жиҳатлари (халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчилик ўртасидаги коллизиялар) ҳам назарда тутилиши лозим.

Халқаро савдо ҳуқуқини ўрганиш, халқаро хусусий ҳуқуқ билан бир қаторда, халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи, етакчи давлатларнинг миллий фуқаролик ҳуқуқлари ва бошқа соҳаларда ҳам муайян билимларга эга бўлишни талаб қилади.

Ушбу фанларнинг муайян элементлари халқаро савдо муносабатларини тавсифлашда албатта инобатга олинади. Ушбу курсда инвестиция фаолиятининг халқаро ҳуқуқий масалалари ҳам ёритилади.

Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг тизими ҳуқуқ манбаларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, бу соҳада эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимини топиш йўллари ҳақида ҳам маълумот беради, бу соҳадаги доктриналар, назарий ишланмаларни чуқур англаб етишга кўмаклашади.

3-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ БОШҚА ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИДАН ФАРҚИ

Халқаро савдо ҳуқуқи шакллангунига қадар, яъни XX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврда ҳозир унинг предмети бўлиб ҳисобланувчи муносабатлар турли давлатларнинг ҳуқуқий доктриналарида халқаро иқтисодий (хўжалик), халқаро хусусий, миллий фуқаролик, миллий савдо ёки хўжалик ҳуқуқларининг қисми сифатида талқин этиб келинган. Бу ҳол халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларига

ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларини аниқлашда муайян аҳамият касб этади.

Халқаро савдо ҳуқуқи ва халқаро иқтисодий ҳуқуқ таққосланганида, назаримизда, халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг (давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларга оид) таркибий қисми эканлигига эътибор қаратилмоғи лозим. Мазкур илмий қарашни бир қатор машҳур ҳуқуқшунос олимлар, чунончи, Россияда – И. С. Претерский, М. М. Богуславский, Г. И. Тункин, Д. И. Фельдман; Англияда – Я. Броунли, АҚШда – В. И. Леви, Францияда – П. Вейл, Италияда – П. Пиконе кабилар қўллаб-қувватлаб келдилар. Шу билан бирга, кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқий доктриналарида халқаро иқтисодий ҳуқуқ нафақат оммавий ҳуқуқнинг, балки халқаро хусусий ҳуқуқнинг ва ҳатто миллий ҳуқуқнинг ҳам бир қисми деб талқин этилади. Хусусан, ушбу таълимотни франциялик П. Рейтер, германиялик П. Фишер, англиялик В. Фридман, АҚШда А. Левинфельд каби ҳуқуқшунослар маъқуллайдилар.

Назаримизда, иккинчи таълимот, яъни халқаро иқтисодий ҳуқуқ бир неча ҳуқуқ соҳасига тааллуқли, деган қараш кўпроқ камчиликларга эга, чунки битта ҳуқуқ соҳасида турли ҳуқуқ тармоқларига оид регуляторлар ва услублардан фойдаланиш қийин.

Халқаро савдо ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасидаги фарқлар аниқланаётганда эътибор уларнинг предметиға қаратилмоғи лозим. Маълумки, халқаро хусусий ҳуқуқ коллизияли вазиятларда давлатнинг қайси ҳуқуқий нормалари татбиқ қилиниши лозимлигини белгилаб бериш билан шуғулланади. Халқаро савдо ҳуқуқи эса аниқ кўринишдаги савдо-иқтисодий муносабатларни халқаро хусусий ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш вазифасини бажаради. Россиялик И. С. Претерский, Л. А. Лунц, М. Г. Розенберг, С. Н. Лебедев, О. Н. Садиков, М. И. Брагинский, германиялик Л. Раапс, англиялик М. Вольф кабилар бундай таълимот тарафдорлари бўлиб ҳисобланадилар.

Юқоридаги қарашлар билан бир қаторда, Россияда С. Б. Крилов, М. С. Строгович, В. Э. Грабарь кабилар халқаро хусусий ҳуқуқни коллизияли муносабатларни тартибга солувчи соҳагина эмас, балки халқаро муносабатлар соҳасида аниқ хусусий алоқаларни ҳам тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси, деб ҳисоблайдилар. Назаримизда, коллизиявий хусусиятга

эга бўлмаган муносабатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ предметлари каторига киритилиши унча тўғри эмас.

Айрим муаллифларнинг фикрига қараганда, халқаро савдо ҳуқуқи манбалари таркибига савдога оид муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормалари ҳам киритилиши лозим. Россияда В. Э. Грабарь, М. С. Строгович, С. Б. Крилов каби олимлар ана шундай қарашларнинг тарафдори бўлиб ҳисобланадилар. Фикримизча, коллизиявий хусусиятга эга бўлмаган бошқа муносабатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига киритилиши унинг предмети доирасининг сунъий равишда кенгайтирилишига олиб келиши мумкин.

Францияда Ф. Фушер, Англияда К. Шмитдгофф кабилар савдо муносабатларига оид миллий қонунчилик нормалари ҳам халқаро савдо ҳуқуқига киритилиши лозимлигини айтадилар.

Юқоридаги таҳлил асосида халқаро савдо ҳуқуқи халқаро хусусий ҳуқуқнинг мустақил тартибга солиш предметига, ўзига хос усул ва воситаларига, ҳуқуқ манбаларига эга бўлган тармоғи эканлиги тўғрисида қатъий хулосага келишимиз мумкин. Халқаро савдо ҳуқуқи ЮНСИТРАЛ фаолиятида ҳам айнан ана шу мазмунда англаб келинади.

4-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИ

Халқаро савдо ҳуқуқи тармоғи ва атамаси нисбатан яқинда пайдо бўлган ҳамда муомалага киритилган бўлса-да, аммо халқаро савдо муносабатлари ва ушбу муносабатларнинг тартибга солиниши минг йилларга бориб тақалувчи тарихий илдизга эга. Чунки мазкур ҳуқуқ соҳаси билан бугунги кунда тартибга солинаётган муносабатлар, савдо-сотик алоқалари қадимги даврларда, инсоният жамиятида меҳнат тақсимооти юзага келган вақтлардаёқ пайдо бўлганлиги шубҳасиз. Қадимги Бобил, Миср, Греция, Рим, Хитой каби цивилизация ўчоқларидан топилаётган моддий маданият ёдгорликлари ва ҳужжатлар халқаро савдо алоқалари ўша пайтлардаёқ кенг ривожланганлигини, ер юзининг катта-катта минтақаларини қамраб олганлигини, инсоният бу соҳада ўша даврлардаёқ бой тажрибага, турфа анъаналарга эга бўлганлигини, бу муносабатлар изчил тарзда тартибга солинганлигини кўрсатади.

Маҳсулотнинг шахсий эҳтиёжни (қабила, уруғ эҳтиёжини) қондириш мақсадида эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилиши

ва сотилиши туфайли ўзаро битимлар тузила бошланган, жамиятда фуқаролар муомаласи шакллана бошлаган. Бундай муомала даставвал уруғ, қабила ўртасида юз берган бўлса, кейинчалик давлат пайдо бўлиши билан давлатлараро ва турли давлатларга мансуб шахслар ўртасидаги муносабатларга айлана борган.

Жамиятда меҳнат тақсимотининг кучайиб бориши, давлатлараро ҳўжалик алоқаларининг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг юксалиши натижасида ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган, вазифаси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилишдан иборат бўлган шахслар тоифаси пайдо бўлган. Улар ёрдамида савдо муомаласи (товарларнинг бозорда, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракатланишидан иборат муомала) амалга оша бошлаган. Бироқ, ушбу муомала, халқаро савдо алоқалари соҳасидаги айрим халқаро савдо таомиллари ва одатларини эътиборга олмаганда, узоқ вақтлар давомида изчил тарзда ҳуқуқий тартибга солинмай келди.

Халқаро савдо ҳуқуқининг ўзига хос кўринишлари, илк шакллари қадимги Рим республикаси даврига келибгина пайдо бўла бошлаган (*Jus gentium*).

«*Jus gentium*»нинг пайдо бўлиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқ: Рим давлатининг бошқа ҳудудларни забт этиши ва у ерларда савдо-сотикнинг йўлга қўйилиши натижасида ўша ерлик савдогарлар Рим ҳудудларида савдо қилиш истагини билдирдилар. Аммо Рим фуқаролари бунга қарши эдилар. Шу туфайли хорижий савдогарлар Рим фуқаролари ҳомийлигидан фойдаланишга, улар билан битим тузишга мажбур эдилар. Бунда Рим фуқароси ўз номидан бошқа Рим фуқаролари билан савдо-сотик алоқаларига киришган, хорижлик савдогарлар эса товарларнинг сотилишини ташкил қилганлар. Савдо алоқаларининг ҳажми ва даражаси паст бўлган дастлабки даврларда бундай тартиб томонларни қаноатлантирган ва ноқулайликлар туғдирмаган бўлса-да, кейинчалик, янги ҳудудларнинг забт этилиши, савдо ҳажмининг кескин ортиши муносабати билан мавжуд тартибни ўзгартириш зарурати юзага келган. Натижада хорижий фуқароларга ҳомийларсиз, мустақил равишда Римда савдо қилиш (Рим фуқаролари билан эркин битимлар тузиш) ҳуқуқи берилган.

Фуқаролар ўртасида савдо-сотик билан боғлиқ муносабатларнинг юзага келиши, унинг иштирокчилари ўртасида низолар келиб чиқиши,

ушбу низоларни ҳал этиш тартибини белгилашни тақозо этган. Ажнабий фуқароларнинг Рим давлати ички муомаласида қатнашиши натижасида низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал этишга имкон берувчи махсус судлар (*recuperatio*) пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан ажнабий савдогарларнинг Рим савдо муомаласига қатнашиши аввалги вақтларда Рим қонунчилигида (квирит ҳуқуқида) маълум бўлмаган янгича битимлар тузишнинг кучайишига олиб келган.

Буларнинг барчаси туфайли, милoddан олдинги III аср ўрталарида Рим давлатида янги маъмурий лавозим – перегринлар претори (*pretor peregrinus*), хорижликлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган мансабдор лавозими жорий этилди.

Перегринлар претори зиммасига, бошқа вазифалар билан бир қаторда, перегринлар (чет элликлар) билан римлик фуқаролар ўртасида юз берадиган низоларни кўриб чиқиб, ҳал этиш вазифаси юклатилган. Уларнинг ушбу соҳадаги фаолияти натижасида «халқлар ҳуқуқлар» (*Jus gentium*) деб юритилувчи янги ҳуқуқ тизимлари вужудга келди. Шу тариқа Қадимги Рим давлатида фақат римлик фуқароларга нисбатан қўлланиладиган миллий фуқаролик ҳуқуқи (*Jus civile*) билан бир қаторда, халқаро савдо алоқаларини тартибга солишга қаратилган халқаро савдо ҳуқуқининг миллий тизими ҳам шакллана бошлади (машҳур немис юристи Иэринг «*Jus gentium*»ни «халқаро савдо ҳуқуқи» деб номлаган).

Jus gentium қисман халқаро савдо ҳуқуқининг ўтмишдоши ҳисобланса-да, аммо, барибир, у Рим миллий ҳуқуқидан иборат бўлган ва шу сабабли халқаро ҳуқуқ соҳаси бўла олмасди. Бундан ташқари, император Юстиниан замонида келиб *jus gentium* ва *jus civile* ягона Рим фуқаролик ҳуқуқига қўшилиб кетган.

Қадимги Римда (феодализм даври арафасидаги Европа сингари) «умумфуқаролик муомаласи», «хўжалик муомаласи» ва «савдо муомаласи» тушунчалари ўзаро фарқланмаган.

Ривожланган феодализмнинг қарор топиши ҳамда табақалашув, табақалар ҳуқуқий мавқеининг белгиланиши билан савдогарлар, ҳунармандлар ва бошқа табақалар статусининг белгилаб қўйилиши жорий этилди. Савдогарлар табақасининг фаолияти натижасида Ғарбий Европада савдо, жумладан халқаро савдо муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солина бошлади.

Бу ҳол Италия, Франция, Германия каби мамлакатларда барча савдогарлар, ҳунармандлар ва бошқа касб эгаларининг корпорация (гильдия)ларга бирлашишлари билан юз бера бошлаган бўлиб, гильдия аъзоси бўлмаган савдогар амалда фаолият юрита олмаган. Бир гильдияга мансуб савдо аҳли ўртасида юз берувчи низолар гильдия ичида унинг ички иши сифатида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Савдотик соҳасида ўзига хос бўлган ва тан олинган одатлар, таомиллар пайдо бўла бошлаган. Кейинчалик ушбу одат қоидалари ёзилдиган бўлган.

Мамлакатлараро савдо алоқалари ривожланиши билан бирга урф-одатлар ҳам кенгайиб, такомиллашиб борган, турли корпорациялар ўртасида бу соҳада мавжуд бўлган фарқлар аста-секин барҳам топиб борган. Халқаро корпоратив ҳуқуқдан халқаро савдо ҳуқуқи (*Jus mercatorim*) ўсиб чиққан. Халқаро савдогарлар ҳуқуқининг манбалари сифатида Ўрта денгиз давлатларида қўлланиб келган одат нормаларининг ёзилган тўплами, денгиз ҳуқуқи қоидалари – «*Consulato del mare*» кабиларни келтириш мумкин. XII–XIII асрларда Англия ва Францияда кенг тарқалган ана шундай одат нормалари ёзилган тўплам «Олерион процессуал қоидалари тўплами» (*Roles d’Oleron*), «Висбий денгиз ҳуқуқи» кабиларни ҳам шундай манбалар жумласига киритиш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу одат ҳуқуқи нормалари фақат савдогарга, унинг ҳуқуқий статусигагина тааллуқли бўлиб, савдо ишларига татбиқ этилмаган.

Европа иқтисодий тараққиёти, савдо фаолияти билан қамраб олинган ҳудудларнинг кенгайиши туфайли, автоном савдо ҳуқуқининг аҳамияти аста-секин пасая бошлаган ва унинг ўрнига умумий хусусиятга эга бўлган халқаро савдо ҳуқуқи юзага кела бошлаган. Шу тариқа автоном савдогарлар ҳуқуқи ўз ўрнини «*Lex mercatoria*»га бўшатиб берган.

Мутлақ монархия ҳукмронлик қилган давлатлар савдогарлар мулкларини «национализация» қилишга уриниши билан XVII асрдан бошлаб ўрта аср савдогарлик ҳуқуқи инкирозга учрай бошлаган. Францияда 1673 йилда «Савдо ҳақидаги ордонанс (*Ordonance de commerce*)», Англияда «Халқ давлатлари», «Миллий ҳуқуқий тартибот доктриналари»нинг қабул қилиниши билан одат нормаларига қонун кучини бериш бошланган.

XIX аср бошларида миллий савдо ҳуқуқини модификациялашда янги давр бошланди. Францияда буюк француз инқилобидан кейин сиёсий тузум ўзгариб, янги савдо қонунчилиги вужудга келтирила бошланди. Шу туфайли 1807 йилда француз Савдо кодекси қабул қилинди (Code de Commerce).

Халқаро савдо ҳуқуқи ривождаги кейинги босқич 1848 йилда Вексель устави, 1861 йилда Умумгерман савдо низомининг қабул қилиниши (Deutsches Handelsgesetzbuch) билан боғлиқдир.

Аммо 1871 йилга келиб Германия империясининг юзага келиши ва Германия Божхона Иттифоқининг барҳам топиши билан Германия Савдо низоми халқаро савдо ҳуқуқининг манбаидан миллий қонунчилик ҳужжатига айланиб қолди.

«Халқаро савдо ҳуқуқи» тушунчаси XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярми давомида ҳуқуқий фанлар соҳасида қўлланилмади. Ҳозирги замон савдо ҳуқуқи нишонлари XIX аср охирларида юзага келган бўлиб, бунга халқаро савдо алоқаларининг кучайиши, унинг амалиётида турли қоидалар, ҳуқуқ институтларининг кенг қўллана бошланганлиги туртки бўлди. Бунда савдогарларнинг тармоқ уюшмалари ишлаб чиққан ва муомалага киритган шартнома намуналари, умумий қоидалар, тавсиялар муҳим ўрин тутди. Улар қаторига London Corn Trade Association, London Oil Seed Association, Refined Sugar Association ва бошқа кўплаб бошқа уюшмаларни киритиш мумкин.

Халқаро савдо соҳасида нодавлат ҳуқуқ ижодкорлигининг юрисдикцион аналоги бўлиб ҳамкорлик муҳокамаси ёки тижорат арбитражи ҳисобланади.

XXI асрнинг бошларига келиб халқаро савдо ҳуқуқи мукамал кўринишга эга бўлган, аниқ предметлари доираси билан ажралиб турувчи мустақил ҳуқуқ фани тармоғига айланиб улгурди.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳам жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида халқаро савдо-сотик муносабатлари ривожининг тарихида салмоқли мавқени эгаллаган.

Марказий Осиё ҳудудларида савдо-иқтисодий алоқалар тарихи ўзининг юксалиш ва гуллаб-яшнаш чўққилари ҳамда инқирозга юз тутиши билан тавсифланувчи, қадимий даврлар нафасини ўзида акс эттирувчи муайян босқичларга бўлиниши мумкин. Назаримизда, бу даврлар қуйидагилардан иборат:

Биринчи давр цивилизациядан аввалги тарих бўлиб, бу даврда Марказий Осиёда яшаб келган қабилалар, уруғлар ўзаро натурал айир-бошлашни амалга ошириб келганлар ва бундай муносабатлар улар ўртасида қарор топган урф-одатларга асосланган.

Иккинчи давр ушбу ҳудудларда давлатларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасида изчил ва мунтазам савдо-сотик алоқаларининг ривожлантирилиши билан ажралиб туради. Бу даврнинг муайян босқичидан бошлаб Марказий Осиё Фарб ва Шарқни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажара бошлаган. «Буюк ипак йўли» деб аталмиш савдо-карвон йўлининг асосан ушбу ҳудуддан ўтиши бу ерда савдо-сотикнинг авж олишига, савдо анъаналари, урф-одатларининг ривожланишига олиб келди. Бундай юксалиш жаҳондаги буюк кашфиётлар даврига, денгиз йўллари очилгунига қадар давом этди.

Учинчи даврга Марказий Осиёда мусулмон динининг қарор топиши, калом таълимотининг кенг тарқалиши хос. Ҳозирда мусулмон ҳуқуқшунослиги (фикҳ илми) жамиятдаги муносабатларни батафсил тартибга солиши жиҳатидан Рим ҳуқуқига яқин туриши ва ҳатто баъзи жиҳатларига кўра муайян устунликларга ҳам эга эканлиги қайд этилмоқда.

Савдо-сотикқа оид қоидалар Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг бевосита ўзида, улар асосида берилган фатволарда, имом Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» номли китобида, мусулмон ҳуқуқига оид бошқа кўплаб манбаларда назарда тутилган бўлиб, уларнинг асосий хусусияти шундаки, бу қоидалар барча мусулмон мамлакатларида деярли бир хилда қўлланилган, яъни байналмиал аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳолат халқаро савдо алоқалари тараққиётига хизмат қилган.

Мусулмон илоҳиёти (теологияси)да савдо-сотикқа оид асосий қоидалар, унинг ахлоқий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Мусулмон ҳуқуқининг халқаро савдо-сотик муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти бугунги кунда ҳам пасайган эмас ва ушбу муносабатларда ҳалоллик, поклик, инсоф-диёнатли бўлишни тарғиб этиши билан долзарблигича қолмоқда.

Тўртинчи давр Амир Темур давлатининг барпо этилиши билан бошланган бўлиб, бу давр Марказий Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши, давлатлараро ва халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар авж олиши билан диққатга сазовордир. Соҳибқирон Амир Те-

мурнинг шахсий ташаббуси Европа ва Осиёдаги кўплаб давлатлар билан савдо-иқтисодий, дипломатик алоқалар йўлга қўйилгани ҳамда ривожлантирилгани тарихдан яхши маълум. Темурийлар даврининг буюк манбаларидан бўлган «Темур тузуклари»да савдо-иқтисодий муносабатларга, кўшни давлатлар ва халқлар билан ўзаро алоқаларга катта эътибор берилган.

Бешинчи давр Амир Темур вафотидан кейин у барпо этган улкан империянинг парокандаликка юз тутиши, савдо-сотик соҳасида ҳам инқироз юз бериши, унинг оқибати сифатида Марказий Осиёнинг кичик-кичик хонликларга бўлиниб кетиши, ўзаро нифоқ-низоларнинг авж олиши билан ажралиб туради. Ушбу салбий тарихий жараёнларнинг мантиқий натижаси сифатида XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мустақилликнинг бой берилиши, шу жумладан ташқи сиёсий мустақилликни йўқотиш, халқаро хўжалик алоқаларининг ягона тизимидан ажралиб қолиш, маҳдудликка юз тутиш ушбу даврга хос хусусиятдир. Бундай тарихий инқироз мустақилликни қайта қўлга киритгунимизга қадар, яъни 1991 йил 1 сентябргача давом этди.

Олтинчи давр мамлакатимиз мустақил бўлган 1991 йил 1 сентябрдан кейинги янги тарихни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг асосий хусусияти халқаро ҳуқуқ принциплари ва қоидаларига тўла мос келувчи мустақил ички ва ташқи сиёсат юритилаётганлиги, ташқи иқтисодий муносабатлар ва ташқи савдо соҳасида давлатнинг якка ҳокимлигига батамом барҳам берилгани ҳолда хусусий ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг либераллаштирилиши ҳамда ҳар томонлама рағбатлантирилишида намоён бўлади. Ана шундай шароитда мамлакатимизда халқаро савдо ҳуқуқини ўрганиш, ҳуқуқнинг ушбу соҳасини мукамал ўзлаштирган иқтисодчи ва ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

5-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

Халқаро савдо ҳуқуқининг манбаларини бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни (халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни) тартибга солишга хизмат қилувчи нормалар ташкил этади. Халқаро савдо ҳуқуқи манбаларининг моҳияти, турлари ва савдо алоқаларини тартибга солишдаги ўрнини яхши тушуниб етиш муайян вазиятларда бу соҳадаги нормаларни тўғри танлаш ва қўллашга ёрдам беради.

Халқаро савдо муносабатларида қўлланиладиган ва савдо ҳуқуқи манбаи ҳисобланадиган нормалар шартли равишда қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- «халқаро қонунчилик»;
- янги *Lex mercatoria*;
- миллий қонунчиликнинг айрим қоидалари.

Энди ушбу манбаларнинг ҳар бир турини батафсилроқ ва атрофлича кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

5.1. «Халқаро қонунчилик» тушунчаси

Халқаро савдо муносабатларининг тартибга солинишида тўғри маънодаги, яъни у ёки бу махсус ваколатли ҳокимият органи қабул қилган, императив ва диспозитив кучга эга бўлган нормалар йиғиндиси қўлланилмайди. Бундай ҳуқуқий воситалар амалда мавжуд ҳам эмас. Бу ўринда «халқаро қонунчилик» деганда (ингл. *international Legislation*) халқаро ташкилотлар қабул қилган конвенциялар, давлатлараро кўп томонлама шартнома ва битимлар назарда тутилади. Халқаро қонунчиликнинг икки асосий шакли – халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларнинг қарорлари мавжуд.

Халқаро шартномалар деганда, гап хусусий ҳуқуққа оид муносабатлар ҳақидаги анъанавий халқаро конвенциялар, улардаги унификацияланган (бир шаклга келтирилган) қоидалар ҳақидагина эмас, унификация қонунларига илова қилинган ҳолдаги шартномалар ҳақида ҳам боради. Улар тегишли давлат ратификациялаганидан кейингина унинг учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Халқаро ташкилотларнинг қарорлари ҳам халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Масалан, Европа ҳамжамияти (ЕХ) аъзоси

бўлган давлатлар учун ЕХ кенгашининг қарорлари, МДХ давлатлари учун эса Ҳамдўстлик қарорлари (Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгашининг қарорлари) ана шундай ҳужжатлар жумласига киради.

«Халқаро қонунчилик» ҳужжатларини универсал ва регионал (минтақавий) ҳужжатларга ҳам бўлиш мумкин. «Халқаро қонунчилик»нинг шаклланиш жараёни – халқаро унификация деб, унинг натижасида юзага келган нормалар йиғиндиси эса – унификация ҳуқуқи деб юритилади.

Ҳуқуқ нормаларининг халқаро миқёсда унификациялашуви туфайли халқаро савдо муносабатларининг тартибга солинишида турли давлатлар қўллайдиган қоидалардаги фарқлар камайиб, халқаро савдо-иқтисодий алоқалар соҳасида ягона ҳуқуқ вужудга кела боради.

Халқаро савдо муносабатлари соҳасида ҳуқуқни унификациялашнинг дастлабки кўринишлари чек ва векселларга оид конвенцияларда (1930–1931 йиллар) ифодаланган. Товарларнинг халқаро олди-сотдисига оид қоидаларнинг унификацияланиши бу борадаги яна бир муҳим воқеа бўлди. XX асрнинг ўрталарида Миллатлар Лигаси қошида Рим шаҳрида хусусий ҳуқуқни унификациялаш институти (ҳозир УНИДРУА – UNUDROUT номи билан машҳур) ташкил этилиши билан бу йўналишдаги ишлар жонлантирилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу институт савдо муносабатларини унификациялашга оид ишларини давом эттирди. 1964 йилда Гаага шаҳрида икки конвенция (унификация қонуни матни билан) қабул қилиниши унинг фаолият натижаларидан бўлди.

Бироқ халқаро савдо ҳуқуқи ва унинг нормаларини унификациялаш юзасидан энг салмоқли ишларни БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) амалга оширди. Ушбу комиссия Венгрия давлатининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг қарори асосида 1966 йилда ташкил этилган эди.

Комиссия фаолияти натижасида халқаро савдо муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган икки конвенция ишлаб чиқилди. Улар: 1) Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар тўғрисидаги ва 2) Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар юзасидан даъво муддатлари тўғрисидаги конвенциялар эди.

Товарлар халқаро олди-сотдисига оид шартномалар юзасидан даъво

муддатлари тўғрисидаги конвенция 1974 йилда Нью-Йорк шаҳрида имзоланди. Товарлар халқаро олди-сотдисиға оид шартномалар юзасидан даъво муддатлари тўғрисидаги конвенция эса 1980 йилда дипломатларнинг халқаро Вена конвенциясида қабул қилинди ҳамда айни пайтда уни даъво муддати тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирувчи протокол ҳам имзоланди. Натижада 1974 йилги Даъво муддати тўғрисидаги конвенция мазмунан 1980 йилги Товарлар халқаро олди-сотдисиға оид шартномалар тўғрисидаги халқаро конвенцияға мувофиқлаштирилди.

Универсал «халқаро қонунчилик» билан бир қаторда ер юзининг муайян қисмларига дахлдор бўлган минтақавий «халқаро қонунчилик» ҳам шакллана бошлади. Минтақавий «халқаро қонунчилик»нинг пайдо бўлишида минтақавий халқаро ташкилотлар фаолияти етакчи ўрин тутди. Булар орасида Европа Иттифоқи доирасидаги уйғунлаштириш ва унификациялаш ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган, ҳозирда мустақил давлатлар ҳисобланувчи мамлакатлар қонунчилигининг ўзаро яқинлаштирилиши ва унификацияланиши СССР барбод бўлганидан кейин юзага келган халқаро минтақавий ташкилот – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолияти билан боғлиқ бўлди. МДХ давлатларининг кўп томонлама ва икки томонлама шартномалари улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси бўлиб хизмат қилди.

МДХ махсус минтақавий халқаро ташкилот сифатида ўз органлари (Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгаши ва бошқалар) орқали, давлатлараро аҳамият касб этувчи шартномалардан ташқари, протокол-қарорлар, протоколлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Айни пайтда МДХ фаолияти унга аъзо давлатлар фикр ва қарашларини ўзаро мувофиқлаштиришга, уйғунлаштиришга қаратилган. Шу сабабли у қабул қиладиган ҳужжатлар унга аъзо давлатлар миллий қонунчилиги нормаларидан устун бўлмайди.

Давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кенгашлари қабул қиладиган қарорлар тавсиявий хусусиятга эга бўлса-да, у ёки бу масалада давлатлараро шартномалар тузилишида катта аҳамиятга эга бўлади.

МДХга аъзо давлатлар Парламент Ассамблеяси қабул қиладиган тавсиявий қарорларни ҳам «халқаро қонунчилик»нинг минтақавий манбалари сифатида кўрсатиб ўтмоқ лозим.

МДХ фаолият олиб борган даврда хўжалик, савдо-сотик, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик каби масалаларда бир қатор конвенциялар ҳамда битимлар¹ қабул қилинди.

Савдо-сотикқа оид муносабатлар соҳасида ҳам МДХ доирасида қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Улар қаторига 1994 йил 15 апрелда Москва шаҳрида имзоланган «Эркин савдо зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги; 1993 йил 24 сентябрда имзоланган «Товарлар келиб чиқиш жойини аниқлаш қоидалари»; 1992 йил 15 майда Тошкентда имзоланган «Ташқи иқтисодий муносабатларда ҳамкорлик тўғрисида»ги; «Товарларни реэкспорт қилиш ва реэкспортга рухсат бериш тўғрисида»ги битим каби бир қатор ҳужжатларни киритиш мумкин.

Бундай минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар МДХ доирасида бошқа кўплаб масалалар бўйича, хусусан, ишлаб чиқариш, юк ташиш, қимматли қоғозлар муомаласи, интеллектуал мулк, инсофсиз рақобатни чеклаш, инвестиция фаолияти, низоларнинг ҳал этилиши каби соҳаларда ҳам қабул қилинган.

Халқаро савдо муносабатларида бу муносабатларга оид нормалар самарадорлигини ошириш, низоларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг бир хилда қўлланилишига эришиш ҳамда шарҳлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Универсал ва минтақавий халқаро савдо ҳуқуқи нормаларининг турли давлатларда бир хил татбиқ этилиши, тушунилиши мақсадида уларни шарҳлаш юзасидан зарур тадбирлар амалга ошириб келинади. Ана шу мақсадда халқаро конвенциялар матнида айрим нормаларга шарҳлар берилади. Халқаро қонунчилик нормаларини давлатларнинг олий суд маҳкамалари шарҳлайдилар, уларни унификациялаш ишларини амалга ошириб борадилар.

Халқаро қонун ҳужжатларидан фойдаланишнинг энг муҳим соҳаларидан бири миллий қонунчилик нормаларидаги «бўшлик»ларни

¹ Булар жумласига 1994 йил 15 апрелда Москва шаҳрида имзоланган «Ишлаб чиқариш, тижорат, кредит-молия, суғурта ва аралаш транснационал бирлашмалар тузиш тўғрисида»ги битим, 1998 йил 6 мартда Москвада имзоланган «Транснационал корпорациялар тўғрисида»ги, 1996 йил 18 октябрда Москвада имзоланган Фуқаро авиациясига оид

ушбу ҳужжатлар ёрдамида тўлдириш бўлиб, бунинг натижасида миллий қонунлар халқаро нормалар асосида ўзаро яқинлашиб, бирхиллиги ортиб боради.

5.2. Янги *Lex mercatoria*

Аввал таъкидланганидек, Ўрта асрлар Европасида *Lex mercatoria* номи билан машҳур бўлган урф-одат нормалари воситасида тартибга солинган халқаро савдо муносабатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб уларнинг қайта тикланишини кўзда тута бошлади. Бунга кўп мамлакатларнинг миллий қонунчиликларида назарда тутилган ва ҳуқуқий тизимларида кенг қўлланилган тарафлар эрки автономлиги принципи сабаб бўлди.

Мазкур принципнинг амал қилиши нафақат коллизия нормаларида (халқаро хусусий ҳуқуққа оид бўлган ва тарафларга у ёки бу ҳуқуқни танлаш имконини берувчи нормалар), балки фуқаролик ва савдо ҳуқуқи (айниқса шартнома мажбуриятларини унинг тарафлари эркин белгилай олишлари (*Gestaltungsfreiheit*) жараёнида аниқ кўзга ташланади) нормаларида, юрисдикция масалаларининг ҳал этилишида ҳам аниқ-равшан кўринади.

Ҳозирги замон савдо муомаласида алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулот етказиб бериш базаси (FOB, CIF ва бошқалар), ҳужжатли аккредитив, инкассо ва бошқа институтларнинг юзага келишида одат нормалари, уларни қўллаш амалиёти муҳим ўрин тутаяди.

Халқаро савдо муомаласи урф-одатлари ва принципларини уйғунлаштириш, такомиллаштириш ҳамда унификациялаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда муҳим ўрин тутаётган халқаро ташкилотлардан бири 1919 йилда Атлантик Сити шаҳрида таъсис этилган Халқаро савдо палатасидир (бош офиси Париж шаҳрида жойлашган). Ушбу ташкилот савдо соҳасидаги одат ва принциплар, халқаро савдо амалиётининг аҳволи тўғрисида ахборот берувчи бир қатор ҳужжатларни тайёрлаган. Савдо атамаларини

авиация техникасидан фойдаланиш ва уни таъмирлашга оид битим ва бошқа норматив ҳужжатларни киритиш мумкин.

шарҳлашга оид қоидалар бу соҳадаги илк ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланади. Бу қоидалар бугунги кунда ИНКОТЕРМС (International Commercial Terms – INCOTERMS) номи билан машҳур бўлиб, унинг биринчи таҳрири 1936 йилда, кейингиси 1953 йилда эълон қилинган, 1967 ва 1976 йилларда янги атамалар билан тўлдирилган. 1980 ва 1990 йилларда янги таҳрирда қабул қилинган ИНКОТЕРМС – 1990).

Халқаро савдо палатаси ҳужжатли аккредитивларни қўллаш юзасидан ҳам одат қоидалари асосида зарур тушунтиришлар берган. Уларнинг янги таҳрирдаги матни 1993 йилда қабул қилинган.

Шартнома кафолатларига оид «унификацияланган қонун» (единообразный закон) 1977 йилда қабул қилинган бўлиб, халқаро савдо муомаласида муҳим ўрин тутди. Унинг янги таҳрирдаги матни 1990 йилда қабул қилинган.

1966 йилда Халқаро реклама кодекси қабул қилинди. Халқаро савдо палатаси ишлаб чиққан ушбу Кодекс бу соҳада халқаро урф-одатларни унификацияловчи кўп қўлланиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Анъанага кўра, автоном савдогарлик ҳуқуқи жумласига, савдо одатларидан ташқари, намунавий контрактлар, битимларнинг умумий шартлари, контрактлар тузишга оид йўл-йўриқлар ҳам киради.

Намунавий контракт формулярида (ингл. model Contract, франц. Contract-tupe, нем. Formularvertrag) тайёр шартнома матни мавжуд бўлиб, унинг муайян қисмлари ёзиб тўлдирилади. Намунавий контрактларни одатда халқаро савдо муомаласининг йирик иштирокчилари ишлаб чиқадилар. Ҳозирги пайтда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси тайёрлаган намунавий контрактлар ва битимлар тузишнинг умумий шартлари катта аҳамиятга эга.

Текшириш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган савдо-иқтисодий алоқалар сиёсати принциплари ва бу алоқаларнинг ривожланиш принциплари ҳақида нималарни биласиз?
2. Халқаро савдо ҳуқуқи тармоғи предмети жумласига нималар киришини баён этинг.
3. Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг вазифалари нималардан иборат?

4. Халқаро савдо ҳуқуқ тармоғининг мустақил ҳуқуқий фан сифатида мавжуд бўлиши зарурлиги нималар билан белгиланади?
5. Халқаро савдо ҳуқуқи фани бошқа ҳуқуқий фанлар билан қандай алоқадорликда бўлади?
6. Халқаро савдо ҳуқуқи тарихи ҳақида сўзлаб беринг.
7. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари деганда нима назарда тутилади?
8. «Халқаро қонунчилик» (international legeletion) атамаси нимани англатади?
9. Халқаро шартномалар халқаро савдо ҳуқуқи манбаи сифатида қандай ўрин тутади?
10. МДХ доирасида қабул қилинган халқаро савдо-сотиққа оид халқаро ҳужжатлар ҳақида гапириб беринг.
11. «Янги Lex mercatoria» халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи сифатида қандай аҳамиятга эга?
12. Унификациялаштирилган қонун ва намунавий контракт халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи сифатида қандай аҳамиятга эга?

II боб. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Халқаро савдо муомаласи объектларининг доираси миллий қонунчилик тизимларида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқи объектларининг доирасидан унчалик катта фарқ қилмайди ва бу объектларнинг тўғри белгиланиши катта аҳамиятга эга.

Х. Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, «ҳуқуқий муносабатларда иш-тирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимага нисбатан қаратилган бўлса, ўша нарса фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади»¹.

Халқаро савдо муомаласининг ривожлана бориши билан савдо муомаласининг объекти деб ҳисобланиши мумкин бўлган предметларнинг турлари ҳам кенгая борди.

Агар халқаро савдо алоқалари юзага келган дастлабки даврларда, унинг объекти моддий шаклдаги товарлардан иборат бўлган бўлса, кейинчалик номоддий бойликлар ҳам бундай объектлар жумласига қўшила бошлади. XIX асрнинг охирларига келиб, нафақат мулклар ёки бошқа моддий ашёлар, балки мулкӣ ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар, ишлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар халқаро савдо объектлари орасидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Халқаро ташкилотларнинг қарори билан савдо муомаласидан чиқарилмаган ҳар қандай предмет халқаро савдо муомаласининг объекти бўлиши мумкин. Муайян давлат миллий қонунчилигига кўра, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган объектлар тегишли давлат фуқаролик ҳуқуқининг объектлари бўлиши мумкин. Айрим истисноларни ҳисобга олганда, халқаро савдо муомаласининг объектлари билан муайян давлат

¹ Раҳмонқулов Х. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисмига тавсиф ва шарҳлар. Т., 1997. 221-б.

фуқаролик муомаласининг объектлари ўзаро мос келади. Яъни айрим предметлар халқаро савдо муомаласининг объекти ҳисоблангани ҳолда,

миллий қонунчиликка кўра муомаладан чиқарилган ёки аксинча бўлиши мумкин.

Академик Х. Р. Раҳмонқуловнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқининг объектларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) ашёлар;
- 2) ишлар;
- 3) хизматлар;
- 4) интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари, номоддий неъматлар.

Халқаро савдо-сотиқ муомаласида қатнашувчи объектларни ҳам юқоридаги белгиларига кўра турларга ажратиш мумкин. Энди ушбу гуруҳга кирувчи предметларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

1.1. Товарлар

Товар деганда, моддий дунё ашёлари, уларнинг пул билан баҳоланган, савдо битимининг мавзуи бўла оладиган табиий муҳитдан олинадиган (масалан, кўмир, нефть ва бошқалар) ёки инсон қайта ишлайдиган кўринишлари назарда тугилади. Жисмоний ўлчовларга (оғирлик, ҳажм, узунлик ва ҳ.к.) эга бўлган, олиш-сотиш, ижарага бериш, айирбошлаш ва бошқа битимлар мавзуи бўла оладиган буюмлар товар бўлиши мумкин. Ушбу ашёлар ички хусусиятлари ҳамда ташқи ўлчамларига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Улар жисмонан мавжуд бўлганларидагина битим мавзуи ҳисобланиши мумкин. Халқаро савдо муомаласида товарлар муомала объекти сифатида турли мезонлар асосида тавсифланиши мумкин.

Тур белгиларига мувофиқ аниқланадиган товарлар учун ушбу мезонлар уларнинг ўлчамлари, оғирлиги, хили (сифати)га оид кўрсаткичлардан иборат. Товарларни миқдор жиҳатдан аниқлашнинг турли усуллари мавжуд. Бир хил товарлар ўлчаб кўрилади, бошқалари эса санаб чиқилади ёки эгаллаган ҳажми кўрсатилади ва ҳ.к.

Товарнинг оғирлигига нисбатан нетто оғирлиги (товарнинг ўзи) ва брутто оғирлиги (унинг идиш ва ўрамлари билан бирга олгандаги оғирлиги) фарқланади. Бунда товар баҳосини аниқлашда нетто оғирлиги, транспортга юклаб жўнатишда эса брутто оғирлигидан фойдаланилади. Ҳозирги пайтда ўлчов ва оғирликнинг турли тизимлари

мавжуд эканлиги ҳам эса сақланмоғи лозим. Халқаро савдо алоқаларида одатда метрик ўлчов тизими қўлланилади, аммо баъзи давлатларда ўлчовларнинг бошқа тизимлари ҳам қўлланилади.

Товар хили (сифати) одатда амалдаги миллий стандартлар ёки халқаро стандартларга мувофиқ аниқланади. Шунингдек, халқаро савдо битимларида корхонанинг ўзида келишиб белгиланадиган стандартлар қўлланилиши ҳам мумкин.

Индивидуал-аниқ товарлар, айниқса, мураккаб техника маҳсулотлари одатда тайёрловчи завод белгиладиган стандартлар ёки техник шартларга мувофиқ сифат жиҳатдан баҳоланади.

Халқаро олди-сотди шартномасини тузиш пайтида харидор маҳсулот тайёрловчи завод стандарти билан таниш деб тахмин қилинади ва шу сабабли товар ушбу стандартга мувофиқ келмаганда сифатсиз деб эътироф этилади.

Товарларнинг тавсифи юқорида санаб ўтилган мезонлар билан чекланиб қолмайди, чунки турли товарлар турлича хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Булардан ташқари, баъзи ҳолларда шартнома томонлари учун ўзлари илгари сурадиган талаблар ҳам (товарнинг қаерда тайёрланганлиги, ранги ва бошқалар) аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, индивидуал-аниқ товарларга ҳамда тур хусусиятларига эга бўлган товарларга нисбатан амалда ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги ўз товарларига нисбатан ҳам, ташқаридан келтирилган товарларга нисбатан ҳам сифат бўйича ўз талабларини белгилайди. Бу талаблар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги зарарли моддаларга, товар тайёрланган материалларга нисбатан уларнинг хавфсизлигига ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Шу сабабли экспортчи давлатнинг стандартларига мувофиқ келадиган товар импортчи давлатнинг ҳудудига киритилмаслиги, муомалага қўйилмаслиги мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасида айтилишича, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киритилаётган товарлар Ўзбекистон

Республикасида ўрнатилган техник, фармацевтик, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартларига мос келиши лозим»¹.

Кўп ҳолларда халқаро савдо битимлари тузиш пайтида сотувчи учун (харидор учун ҳам) ҳуқуқий оқибатлар товар индивидуаллаштирилганидан (ажратиб олинганидан) кейин юзага келади. Хусусан, халқаро олди-сотди шартномасига кўра, сотувчи товарни омордан EXW шартлари асосида юбориши лозим бўлса, харидор кечиктирган тақдирда (ўз вақтида олмаганида) товарнинг тасодифан (масалан, ёнғиндан) нобуд бўлиши туфайли юз берадиган оқибатлар харидор зиммасига тушади, бироқ бунинг учун товар тегишли даражада индивидуаллаштирилган бўлиши лозим.

Товарни индивидуаллаштириш учун муҳофазага лаёқатли белгилар ҳам, муҳофаза қилишга лаёқатсиз белгилар ҳам эътиборга олинади. Товарларни индивидуаллаштиришга ёрдам берувчи муҳофазаловчи белгилар сифатида одатда рўйхатга олинган товар белгиларидан фойдаланилади. Аммо товарнинг тегишлилиги муҳофаза белгилари билангина эмас, балки муҳофазалашга хизмат қилмайдиган белгилар (савдо, тижорат белгиси, партияси ва бошқалар) воситасида ҳам аниқланиши мумкин. Белгилар товарнинг бевосита ўзига ёки унинг ўрамига (кутисига) қўйилган бўлиши мумкин. Товарлар ана шу мақсадда этикетка ва тамғалар билан таъминланиши мумкин.

Ниҳоят, моддий объектлар халқаро олди-сотди шартномасининг мавзуи бўлгандагина халқаро савдо муомаласининг объекти бўлишини ҳисобга олганда, товарнинг яна бир муҳим хусусияти – унинг баҳоси эътиборга олиниши лозим.

Товар баҳоси мутлақ кўрсаткичларда (валютада ёки бошқа қиймат эквивалентида) ифодаланиши ёхуд унинг баҳосини аниқлаш усуллари кўрсатиб қўйилиши мумкин (масалан, кофенинг Лондон товар биржасидаги 1 август куни бўлган баҳоси унинг нархи сифатида эътиборга олиниши мумкин).

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. 5-6-сон 148-модда.

1.2. Пул

Халқаро савдо муомаласида пулнинг асосий вазифаси ҳисоб-китоб воситаси бўлиб хизмат қилишдан иборат. Пул тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси бўлишидан ташқари, кўпинча муомалада битим объекти бўлиб иштирок этиши ҳам мумкин.

Пул халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг мустақил объекти эканлиги тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда¹, давлатларнинг миллий қонунчилик ҳужжатларида қайд этиб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94-моддасида пул Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм ҳамда чет эл валютаси фуқаролик муомаласининг мустақил объектлари эканлиги белгилаб қўйилган.

Пулнинг кенг тарқалганлиги унинг муомалага ўта қобилиятлилиги билан боғлиқ. Банк коммуникация тизимларининг бугунги кунда тараққий топганлиги сабабли айтилган пул суммаси бир сутка давомида турли-туман битимларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Миллий ҳуқуқий доктриналар пулни фуқаролик (савдо) ҳуқуқи объекти сифатида қараш билан бирга, уни универсал товар сифатида таърифлайди. Башарти қарздор ўз мажбуриятини натурал ҳолда бажариши лозимлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, пул воситасида ҳар қандай мажбурият бажарилиши мумкин. Шу билан бирга, қуйидагилар туфайли пулнинг универсаллиги ўзгариб туради:

– эркин конвертацияланадиган, яъни бошқа валютага эркин алмаштириладиган, муайян шартлар мавжуд бўлганда чекланган даражада конвертация қилинадиган валютага алмаштириладиган валюталар, умуман конвертация қилинмайдиган, яъни бошқа валюталарга алмаштирилиши қийин бўлган ёки умуман алмаштирилмайдиган валюталарнинг мавжудлиги;

– валюта баҳоси доимий равишда ўзгариб туриши, яъни валютанинг реал харид қуввати бошқа валютага нисбатан ортиши ёки камайиши мумкинлиги;

¹ Қаралсин: БМТнинг товарларнинг халқаро олди-сотдисига шартномалари тўғрисидаги конвенцияси.

– тўлов валютасининг ўзгартирилиши баъзи мамлакатлардаги ҳуқук тизимларида ушбу давлат валюта қонунчилигининг бузилиши сифатида баҳоланиши мумкинлиги.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар туфайли мажбуриятни халқаро савдо битими шартларида назарда тутилганидан бошқа валютада бажаришни арбитраж органларининг уни лозим даражада бажармаслиги деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда пул, яъни қайсидир давлатнинг валютаси миллий қонунчилик билан тартибга солинади ва шу сабабли ушбу давлат ўз суверенитетидан келиб чиққан ҳолда пул турларини ўзгартириши (муайян пул бирликларини муомаладан чиқариб олиши ёки уларнинг муомалада бўлиш шартларини, тўлов воситаси сифатидаги режимини ўзгартириши) ҳам мумкин. Бироқ давлат ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни ҳисобга олмасдан, обрўли халқаро ва миллий ташкилотлар билан олдиндан маслаҳатлашувларсиз пул муомаласи соҳасида ўзгартиришларни жорий этиши миллий валютанинг харид қувватига кучли салбий таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли барқарор сиёсий ва иқтисодий вазиятга эга бўлган иқтисодий ривожланган давлатларда бундай ўзгаришлар амалга оширилмайди.

Халқаро савдо муомаласида миллий валютадан ташқари, бошқа ҳисоб бирликлари, клиринг валютаси сифатида қўлланиладиган валюталар ҳам учрайди (масалан, ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган Европанинг собиқ социалистик давлатларида кўчириладиган рубль, клиринг доллари (АҚШ ва Афғонистон ўртасида).

Бундан ташқари, бир қатор халқаро, ҳукуматлараро универсал ва минтақавий ташкилотлар халқаро савдо муомаласига «халқаро пул»ни киритиб турадилар. Масалан, ҳозир Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида махсус ҳисоб-китоб бирлиги ЭКЮ (ЕКУ), 1999 йил 1 январдан бошлаб эса Европа Иттифоқи мамлакатлари доирасида ягона валюта – EURO (евро) жорий этилди.

Тарихан пул ҳамма вақт тур белгилари билан ажралиб турадиган ашёлар қаторига киритиб келинган ҳамда бўлинадиган ва алмаштириладиган хусусиятга эга бўлган (олтин, кумуш тангалар, қуйма олтин ва ҳ.к.).

Аста-секин танга шаклидаги металл пулни банкнота (қоғоз пул, яъни тақдим этилганида танга шаклидаги реал пулга алмаштириб бериш

юзасидан банк мажбурияти) муомаладан сиқиб чиқарила бошланди. Кейинчалик банкноталар нақд пулсиз муомала қила бошлади, ҳисобкитоблар нақд пулни сиқиб чиқара бошлади. Нақд бўлмаган пул ҳисобдаги ёзувлар тарзида мавжуд бўлиб, аслида ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра муайян суммани бир ҳисобварақдан бошқа ҳисобвараққа ўтказиш мажбуриятини англатади. Шу тариқа пул ашё шаклидан мулкӣ ҳуқуқ шаклига айлана бошлаган.

1.3. Қимматли қоғозлар

Қимматли қоғозлар халқаро савдо муомаласининг мустақил объекти сифатида қадим даврлардан буён иқтисодий муносабатларда қатнашиб келмоқда (баъзи тадқиқотчилар унинг муомалага киритилиши тарихини қадимги Рим тарихи билан боғлайдилар). Товар муомаласи қимматли қоғозлар савдо муносабатларининг объекти сифатида тезлашувига, савдо муносабати қатнашчилари ҳуқуқларининг муҳофазаланишига хизмат қилади.

Қимматли қоғоз (франц. *titrecredit* ёки *titres negotiables*, нем. *Wertpapieren*) англо-америка ҳуқуқ тизимида оид давлатларда муомала ҳужжатлари деб юритилади. Халқаро савдо муомаласининг ушбу объектига бундай ном берилиши унга анъанавий ҳужжат тарзида ёндашилишидан келиб чиқади. Бугунги кунда қимматли қоғозлар ҳужжатсиз асосда чиқарилаётган ва муомалага киритилаётган ҳоллар ҳам маълум (бу айниқса акция ва облигацияларга тааллуқли). Шу муносабат билан «қимматли қоғоз»нинг умумҳуқуқий тушунчаси ҳам ўзгариб кетди.

Кўпчилик миллий ҳуқуқ тизимларида қимматли қоғоз (муомала ҳужжати) деганда, муайян мулкӣ ҳуқуқ мавжудлигини тасдиқловчи объект тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасида қимматли қоғозлар фуқаролик муомаласининг мустақил объекти эканлиги кўрсатиб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида қимматли қоғозларга таъриф берилган бўлиб, унда айтилишича, «Қимматли қоғозлар деганда, қимматли қоғозни муомалага чиқарган шахс билан бу қимматли қоғозни ўз қўлида ушлаб турган шахс ўртасида

мулкӣ ҳуқуқлар ёки қарз муносабатлари мавжудлигини ва улар юзасидан дивиденд ёки фойзалар тарзида даромадлар тўланишини, ушбу қимматли қоғоздан вужудга келувчи ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилиши мумкинлигини тасдиқловчи пул ҳужжатлари тушунилади»¹.

Кўпчилик ҳуқуқий тизимларда қимматли қоғоз (муомала ҳужжати) деганда, муайян мулкӣ ҳуқуқ мавжудлигини тасдиқловчи объект тушунилади. Бундай тарзда ва усулда юзага келган қимматли қоғоздан ҳамда у билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқдан белгиланган тарзда фойдаланиш, унга бўлган ҳуқуқни бошқаларга ўтказиш ҳақида фармойиш бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозларга бериладиган анъанавий тавсифнинг ўзига хос жиҳати унинг икки томонлама ҳуқуқий табиатидан, яъни бир томондан, қимматли қоғоз, мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, иккинчи томондан эса, мулкӣ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат – ашё (кўчар мулк) эканлигидан келиб чиқади.

Қимматли қоғозларнинг икки томонлама табиати унинг муомалага чиқарилиш ва муомалада бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ, чунки қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалага киритиш мулкӣ ҳуқуқларни уларга хос бўлган белгилар билан муомалага киритишнинг айнан ўзидан иборат.

Юқорида кўрсатилганидек, қимматли қоғозларнинг асосий хусусияти уларнинг муомала қобилиятига эгаллиги, яъни бу қимматли қоғозлар орқали мулкӣ ҳуқуқларни бир шахсдан бошқасига ўтказиш мумкинлиги, унда мажбуриятга эга шахсга мулкӣ ҳуқуқни бажариш мажбурияти ифодаланганлигидадир.

Шу туфайли қимматли қоғозлар муомала қобилиятининг шак-шубҳасиз эканлиги халқаро савдо муомаласида мажбур томон давлатининг миллий қонунлари воситасида таъмин этилади, чунки ҳозирги пайтгача ҳали халқаро миқёсда амал қиладиган «қимматли қоғозлар» яратилган эмас ва ҳар қандай қимматли қоғоз «миллийдир», яъни муайян давлатга тегишлидир.

Халқаро савдо муомаласида қимматли қоғозларнинг хилма-хил

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 9-сон. 325-модда.

турларидан фойдаланилади ва улар ўртасида қуйидагилар кенг тарқалган:

Облигациялар (ингл. bond) – қарзнинг мавжудлигини юридик шахс ёки давлат органи тасдиқлаши тўғрисидаги қимматли қоғоз бўлиб, уни чиқарган юридик шахс ёки давлат органи қарзни қайтариш муддати етиб келганда унинг эгасига облигацияда кўрсатилган суммани қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Вексель – вексель берувчининг ҳеч қандай шартларсиз қарз мажбуриятига эга эканлигини (оддий вексель – ингл. promisory note) ёки векселда кўрсатилган шахс мажбуриятини (кўчириладиган вексель – ингл. bill of exchange) тасдиқловчи қимматли қоғоз бўлиб, векселни қўлида сақлаб турган шахс векселда кўрсатилган муддатда вексель эгасига муайян пул суммасини тўлаши лозим бўлади.

Чек (ингл. check) – банкнинг чек эгасига муайян пул суммасини чек тақдим этилган заҳоти тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз бўлиб, уни чек берувчи шахс ёки банк ёзиб берган бўлиши мумкин.

Коносамент – (ингл. bill of lading) – юк ташувчи ёки унинг вакили (агенти) юк ташиш шартномасининг шартлари, юк жўнатувчининг номи, юкнинг хусусиятлари, юкнинг уни индивидуаллаштиришга имкон берувчи белгилари, юк топшириладиган жой, уни олишга вакил қилинган шахсни кўрсатган ҳолда берадиган қимматли қоғоз.

Акция (ингл. certificate of stock) – акциядорлик жамиятида иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Омборхона гувоҳномаси – (ингл. Warehouse receipt) – товарнинг омборхонада сақлаш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қимматли қоғоз.

Варрант (гаров гувоҳномаси, ингл. Warrant) – ушбу ҳужжат эгаси бўлган шахснинг омборга жойлаб қўйилган товарга нисбатан гаровга олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Деливери ордер (ингл. delivery order) – омбор эгасига, юк ташувчига омборхона гувоҳномаси ёки коносаменти берган бошқа шахсга берилган топшириқни ифодаловчи қимматли қоғоз бўлиб, унда деливери ордерида кўрсатилган шахсга муайян туркумдаги товарни топшириш лозимлиги кўрсатилади. Одатда, ушбу ҳужжатдан битта коносамент билан расмийлаштирилган катта туркумдаги товарларни

қисмларга бўлиб тарқатиш учун фойдаланилади.

Қимматли қоғозлар бир қатор хусусиятларига кўра таснифланади ва бу халқаро савдо муносабатларида турли ҳуқуқ тизимларида турлича, ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни, таснифлаш асосларига кўра, бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Континентал ҳуқуқ тизими доктринаси уларни расмийлаштиришдаги ҳуқуқнинг табиатига кўра қуйидагича таснифлайди:

– *пулли қимматли қоғозлар* (векселлар, чеклар, облигациялар ва х.к.). Буларда муайян суммадаги пул маблағини талаб қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлади;

– *широқчиликка оид қимматли қоғозлар* (акциялар ва унинг турлари). Уларда шахснинг акциядорлик жамиятида, бошқа хўжалик жамияти ёки ширкатида қатнаша олиш ҳуқуқи ифодаланади;

– *товарларга оид қимматли қоғозлар* (коносамент, деливери орде-ри, варрант ва бошқалар). Бундай қимматли қоғозларда муайян товарга бўлган ҳуқуқ ўз аксини топган бўлади.

Англо-америка ҳуқуқ доктринаси муомала ҳужжати ҳисобланувчи қимматли қоғозларнинг бошқача таснифини назарда тутди. Ушбу доктринага кўра, қимматли қоғозлар қуйидагиларга бўлинади:

а) *инвестиция қоғозлари*. Акциядорлик жамиятида қатнашиш (акция), акция эгаси (қарз берувчи) билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни тасдиқловчи муомала ҳужжати;

б) *савдо қоғозлари* – вексель, чек, депозит сертификати каби кўри-нишдаги муомала ҳужжатлари;

в) *товар-топшириқ ҳужжатлари* – ўз белгиларига кўра товарларга оид қимматли қоғозларга ўхшаш муомала ҳужжатлари.

Қимматли қоғозда белгиланган ҳуқуқ кимга тегишли эканлигига кўра, улар қуйидагиларга бўлинади:

– *«тақдим этувчига» деб берилган қимматли қоғоз*. Унда назарда тутилган ҳуқуқ ушбу қимматли қоғоз эгаси бўлган ҳар қандай шахсга тегишли бўлиши мумкин. Қимматли қоғозда кўрсатилган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш учун ушбу қимматли қоғозни бошқа шахсга топширишнинг ўзи етарли бўлади;

– *номи кўрсатилган қимматли қоғоз*. Унинг эгаси деб унда номи кўрсатилган шахс тан олинади. Номи кўрсатилган қимматли қоғозда

гувоҳлантирилган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш учун ягона эгасининг номи кўрсатилган ҳолда бошқа қимматли қоғозлар реестрига тегишли ёзув ёзилиши лозим бўлади;

– *ордер шаклидаги қимматли қоғоз*. Қимматли қоғозда кўрсатилган шахс ундаги ҳуқуқларни бевосита ўзи амалга ошириши ёки қоғоз устига тегишли ўтказиш ёзуви ёзиш орқали (индоссамент) ушбу ҳуқуқни бошқа шахсга бериб қўйиши мумкин. Бунда қимматли қоғоз билан тасдиқланган ҳуқуқнинг мавжудлиги учун ҳам, бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун ҳам индоссант (устхат ёзган шахс) жавобгар ҳисобланади. Индоссамент бланкали (ижро кимга нисбатан амалга оширилиши кўрсатилмайдиган) ва ордерли (кимга нисбатан ёки кимнинг буйруғига кўра бажарилиши кўрсатилган) бўлиши мумкин. Индоссамент қимматли қоғоздаги ҳуқуқни амалга ошириш топшириғидангина иборат қилиб, яъни бу ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтказилишини чеклашга қаратилган ҳолда берилиши мумкин. Бундай ҳолда индоссант индоссантнинг вакили сифатида ҳаракат қилади.

Айрим давлатларнинг миллий қонунчилиги айрим турдаги қимматли қоғозларни номи кўрсатилган, ордерли ёки тақдим этувчига деб бериладиган қимматли қоғозлар шаклида чиқарилишини тақиқлаб қўяди. Масалан, ГФР ва Швейцария қонунчилиги фақат номи кўрсатилган акциялар чиқарилишини назарда тутди.

Қимматли қоғозларнинг умумий таснифланишидан ташқари, кўпчилик ҳуқуқ тизимларида, уларнинг айрим турларига хос бўлган таснифлаш ҳам учраб туради. Масалан, акциялар оддий ва имтиёзли¹ акциялар тарзида муомалага чиқарилиши мумкин.

Бунда *оддий акция* деганда, одатда, акция эгасининг соф даромадининг бир қисмини (дивидендни) олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш, жамият тугатилганда эса унинг мол-мулкидан улуш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғозлар тушунилади.

Имтиёзли акцияда акция эгасининг жамият олган соф фойдадан

¹ Шунинг назарда тутиш лозимки, континентал Европа давлатлари қонунчилигидан фарқли ўлароқ, АҚШ ҳуқуқи номиналсиз акциялар, яъни ўз номинал баҳосига эга бўлмаган акциялар чиқарилиши мумкинлигини назарда тутди.

акция чиқарилиш пайтида белгилаб қўйилганидан кам бўлмаган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқи, акциядорлик жамияти тугатилганда эса кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингач, қолган мол-мулкдан оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзли шартларда улуш олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилади. Одатда, акциядорлик жамияти уставида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, имтиёзли акция эгаси жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Облигациялар эса оддий ва дисконт облигацияларга бўлинади. Бунда *оддий облигация* эгасига фоизлар тўланиши, тўлов муддати келганида унинг номинал қийматини олиш ҳуқуқи берилади. *Дисконт облигациялар* деганда эса, унинг эмитентлари (чиқарувчилари) номинал қийматидан паст баҳоларда жойлаштирадиган ва эгаси эса тўлов муддати келганда облигациянинг номинал қиймати миқдорида тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладиган қимматли қоғоз тушунилади.

Булардан ташқари, айрим давлатларнинг қонунчилиги (масалан, АҚШ) конвертацияланадиган қимматли қоғозларни ҳам тартибга солади. *Конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар* деганда, оддий ёки дисконт облигациялар назарда тутилади ва унинг эгасига тўлов муддати келганда ўз хоҳиши билан тегишли пул суммасини олиш ёки ушбу акциядорлик жамияти акцияларини пул ўрнига олиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, бир қатор давлатлар ҳуқуқ доктриналари ва қонунчилиги қимматли қоғозлар таснифланишининг бошқача турларини ҳам назарда туттади.

Қимматли қоғозларнинг шакли унга татбиқ этиладиган миллий қонунчилик билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида қимматли қоғозлар бланклар, сертификатлар, ҳисоб ёзувлари шаклида чиқарилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Қимматли қоғозлар муомаласини халқаро савдо ҳуқуқида тартибга солиш чеклар ва векселларга оид конвенциялар¹, минтақавий «халқаро

¹ Қаралсин: *Богуславский М. М.* Международное частное право. М., 1994. С. 245.

қонунчилик» хужжатлари¹ билан тартибга солинади. Тегишли ҳолларда бу муносабатлар тегишли миллий қонунчилик тизимига оид нормалар билан ҳам тартибга солиниши мумкин².

1.4. Интеллектуал фаолият маҳсуллари

Фан-техника тараққиёти туфайли фан ва техника иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланиб қолди, халқаро битимлар тузилишида интеллектуал фаолият натижаларининг битим объекти сифатида қатнашишини кенгайтирди.

Жисмоний ёки юридик шахснинг интеллектуал фаолият натижаларига ҳамда унга тенглаштирилган юридик шахснинг индивидуаллаштириш воситалари, товарларни, бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизматни индивидуаллаштиришга нисбатан мутлақ ҳуқуқлари шундан иборатки, интеллектуал фаолиятнинг бундай натижаларидан ва индивидуаллаштириш воситаларидан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилигига кўра фойдаланишлари мумкин.

Амалда барча миллий-ҳуқуқий тизимлар фан, адабиёт, санъат асарларини; фонограммалардан фойдаланиш ва эшиттиришни узатиш ёки ташкил қилиш; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари; интеграл микросхемалар топологияси; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)ни интеллектуал фаолият натижалари жумласига киритади. Индивидуаллаштириш воситалари қаторига эса, фирма номи, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товарларнинг келиб чиқиш жойи кабилар киритилади.

И. Насриевнинг таърифига кўра, «ижодий фаолиятнинг аниқ бир шаклда, кўринишда ифода этилган натижалари интеллектуал мулк

¹ Европа Иттифоқининг 1979 йил 5 мартдаги 79/279; 1980 йил 17 мартдаги 80/390; 1982 йил 15 февралдаги 81/121-сонли директиваларига қаралсин.

² Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида халқаро муносабатларга бу қонуннинг татбиқ этилиши назарда тутилган.

ҳисобланади ва қонун билан ҳимоя қилинади»¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида интеллектуал мулк объектлари бўлиб ҳисобланадиган предметлар доираси белгилаб қўйилган ва у асосан халқаро савдо муомаласида иштирок этувчи шундай объектларга мос келади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари, Фуқаролик кодекси қоидалари билан бир қаторда, кўпгина махсус қонунлар билан ҳам тартибга солинади². Ушбу қонунларда тегишли интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласи объекти бўлиши билан боғлиқ хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Халқаро савдо муносабатлари ва бошқа иқтисодий муносабатлар даражасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш махсус воситалар билан амалга оширилади. Ушбу масалада инсоният ҳамжамияти фаолиятининг кейинги тарихи давомида «халқаро қонунчилик» шакллانган.

Саноат мулки ҳуқуқининг объектлари, аниқроғи, ушбу объектларга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш 1883 йил 20 мартда Парижда бўлиб ўтган конференцияда имзоланган Саноат мулкни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция билан тартибга солинади (ушбу конвенцияга 1900 йилда, 1911 йилда, 1925 йилда, 1934 йилда, 1958 йилда, 1967 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). Ҳозирги пайтда ушбу конвенцияда юздан ортиқ давлатлар, шу жумладан, МДҲ аъзоси бўлган давлатлар ҳам иштирок этмоқдалар. Мазкур конвенцияга кўра, ихтирога, барча учун фойдали моделга, саноат чизмаси ёки моделига, фабрика ёки товар белгисига, фирма номига бўлган ҳуқуқлар, шунинг-

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т., 1998. 20-б.

² Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги; «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги; «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги (06.05.1994); «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги (30.08.2001); «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (12.05.2000) қонунлари ва яна бошқа бир қатор қонунлар.

дек, инсофсиз рақобатдан ҳимояланиш амалга оширилади.

Париж конвенцияси миллий режим принципига таянади ва «халқаро патент» ҳамда «халқаро товар белгиси» тушунчаларини жорий этмайди.

Конвенция фақат патент бериш ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш пайтида конвенция устунлиги принципига амал қилинишини таъминлайди, холос. Париж конвенцияси, қабул қилинганига бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, саноат мулки ҳуқуқлари соҳасидаги асосий кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлигича қолмоқда.

«Фабрика ва товар белгиларини халқаро рўйхатга олиш тўғрисида»ги 1891 йилги Мадрид конвенцияси (30 дан ортиқ давлатлар, шу жумладан, МДХнинг қатор давлатлари ушбу конвенция иштирокчилари ҳисобланадилар) товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Париж конвенциясини ўзига хос тарзда «тўлдиради». Ушбу конвенцияга кўра, товар белгисига бўлган ҳуқуқлар конвенция аъзоси бўлган давлатлар ҳудудида махсус рўйхатга олинмагани ҳолда, ҳимоя қилиниши мумкин. Париж конвенциясини «тўлдирувчи» ана шундай халқаро ҳужжатлардан яна бири 1973 йил 12 июнда Вена шаҳрида имзоланган «Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги шартнома»дир.

Муаллифлик ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ҳам юз йилдан кўпроқ вақтдан буён амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада қабул қилинган дастлабки ҳужжат Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1886 йил Берн конвенциясидир (унга 1896, 1908, 1914, 1928, 1948, 1967, 1971 йилларда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). Юзга яқин давлатлар бу конвенциянинг аъзоси бўлиб, унга мувофиқ, адабий ва бадиий асарлар муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Берн иттифоқи ташкил этилган.

Ушбу объектларга доир иккинчи муҳим ҳужжат ЮНЕСКО доирасида ишлаб чиқилган ҳамда 1952 йилда имзоланган (1971 йилда ўзгартишлар киритилган) Муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги (Женева) умумжаҳон конвенциясидир. Ҳозирги пайтда 80 дан ортиқ давлат, шу

жумладан, МДХ аъзоси бўлган ва Берн конвенциясида иштирок этмаган давлатлар ҳам мазкур конвенция қатнашчилари бўлиб ҳисобланадилар¹.

Интеллектуал мулк муаммоларини етарли баҳолаган ҳолда ва бу соҳадаги ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини жонлаштириш ҳамда янгилаш мақсадида 1967 йил 14 июлда Стокгольм шаҳрида конвенция имзоланди ва унинг негизида Интеллектуал мулклар бўйича умумжаҳон ташкилоти (WIPO) тузилди. Ушбу конвенциянинг 3-моддасига биноан, мазкур халқаро ташкилотнинг мақсади – турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали бутун жаҳонда интеллектуал мулк ҳимоясининг қўллаб-қувватланишини ташкил этиш, ҳозирда мавжуд бўлган халқаро ташкилотларнинг маъмурий жиҳатдан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлашдан иборат. Ташкилотнинг халқаро бюроси котибиятдан иборат бўлиб, унинг қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган.

«Интеллектуал мулкнинг» биринчи расмий таърифи WIPO ташкил этиш ҳақидаги конвенцияда баён этилган бўлиб, унга кўра, интеллектуал мулк деганда, адабиёт, санъат ва илмий асарлар, артистлик ижро фаолияти, овозли ёзувлар, радио ва телекўрсатувлар, инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтиролар, илмий кашфиётлар, саноат намуналари, товар ёки хизмат кўрсатиш белгилари, бошқа номлар ва савдо белгилари, саноат, савдо, адабиёт, санъат соҳасидаги ҳар қандай интеллектуал фаолиятга оид барча ҳуқуқлар назарда тутилади.

WIPOнинг ташкил этилиши саноат ва бошқа интеллектуал мулк соҳасидаги, уларни ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларнинг ҳал этилишига катта кўмак берди, уларнинг ривожлантирилишига хизмат қилди. WIPO ҳомийлиги остида қабул қилинган ҳужжатлардан бири 1970 йилда Вашингтон шаҳрида имзоланган Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома бўлди. Ушбу ҳужжат 1973 йилда кучга кирган бўлиб, 50 дан ортиқ давлат, шу жумладан, МДХ давлатлари ҳам унда

¹ Бундан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи «минтақавий халқаро қонунчилик» ҳам мавжуд, хусусан, Европа кенгашининг «Муаллифлик ва унга турдош бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муддатлари тўғрисида»ги 93/98 ЕС-сонли 1993 йил 29 октябрь директиваси.

иштирок этадилар.

Юқорида кўрсатилган шартномани тузишдан кўзланган асосий мақсад Париж конвенциясида назарда тутилган ҳудудий ҳимоя оқибатларини юмшатишга уринишдан иборатдир. Париж конвенциясига кўра, бир давлат берган патент фақат ушбу давлат ҳудудидагина ҳақиқий ҳисобланиб, бошқа давлат ҳудудида амал қилмайди. Патент муаллифи ўз ҳуқуқларининг бир неча давлатда ҳимоя қилиниши учун ҳар бир давлатдаги патент бюросида уларни рўйхатдан ўтказиши ва бунда ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилиги доирасида ҳаракат қилиши талаб этилади.

Бундан ташқари, манфаатдор шахс ҳар бир давлатда назарда тутилган расмий тўловларни, шунингдек, ҳуқуқий вакиллик учун ҳам ҳақ тўлаши лозим бўлади. Сермашаққатлиги ва қийинлиги сабабли ушбу талабни бажаришда муаммолар юзага кела бошлади ва кўпинча Париж конвенциясида назарда тутилган муддатларнинг бузилишига олиб келди.

Юқорида кўрсатилган сабаблардан ташқари, бошқа омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг натижасида Patent Cooperation Treaty (Патент кооперацияси ҳақидаги шартнома) тизимлари яратилди ва жорий этилди. Ушбу тизим қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- патент бюрolari ишини соддалаштириш ва бунда патентлар юзасидан кўп мартали тадқиқотлар ва масалаларини ҳал қилиш ҳаракатларига барҳам бериш;
- тақдим этилган патентнинг таъсирчанлигини ошириш;
- патентларга оид масалаларни ҳал қилишда унга ихтисослашган халқаро ташкилотлар фаолиятини ўзаро яқинлаштириш;
- патент ишларининг бажарилишида малакали, ишда керак бўладиган техника билан қуролланган ходимларга эга бўлиш;
- патентга оид бой ҳужжатлар тўпламига ва адабиётларига эга бўлиш;
- ихтироларни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий нормаларни ўзаро яқинлаштиришга уриниш ва ҳ.к.

1994 йил 15 апрелда Марокашда қабул қилинган ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти (WTO) тайёрлаган битим интеллектуал мулкни халқаро ҳуқуқий муҳофазалашга кўмаклашган навбатдаги омил бўлди. Унинг иловасида интеллектуал мулкнинг савдо йўналишлари масала-

лари юзасидан келишув назарда тутилган (ингл. Agreement on Trade Related Aspects of Intellectual Property Rights Including Trade in Counterfeit Goods ва унинг қисқача «TRIPS» деб юритиладиган келишуви Бутунжаҳон савдо ташкилотининг барча аъзоларини саноат мулкларини муҳофаза қилиш юзасидан Париж конвенциясининг Стокгольм матни атрофида бирлаштириш принципини ўрнатади, интеллектуал мулкнинг барча объектларини, хусусан, жуда юқори ҳимоялаш даражасини жорий этиш орқали товар белгиларини ҳам тартибга солади.

Бунда «TRIPS» режали марказлашган хўжаликдан эркин тадбиркорликка асосланган бозор хўжалик тизимига ўтаётган, ўз интеллектуал мулк тизимларида таркибий ислохотларни амалга ошираётган ва бу соҳада махсус муаммоларга эга бўлган умумжаҳон савдо ташкилотининг ҳар бир аъзоси ушбу даврда мазкур битимни қўллаш юзасидан кечиктириб туриш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини назарда тутди.

«TRIPS» келишуви, шунингдек, интеллектуал мулкнинг янги объектларини (масалан, компьютер дастурларини) ҳимоя қилишда ҳам муҳим тартибга солувчилик вазифасини бажармоқда. Хусусан, келишувнинг интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳажми уларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган иккинчи қисмида бевосита компьютер дастурларига оид қоидалар назарда тутилган. Аммо, энг аввало, келишувнинг 9-моддасида иштирокчи давлатлар Берн конференциясининг Париж конвенциясининг (6-lic моддаси изоҳи билан) 1–21-моддаларини ҳурмат қилишлари шарт эканлиги кўрсатилган (яъни шахсий муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ талабларни бажаришлари шарт деб кўрсатиб қўйилган). Ушбу норма, бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқини «ифодалаш шаклига» ҳам қўлланилиши, аммо ғоялар, таомиллар ҳаракат қилиш усуллари ва математик тушунчаларни қамраб олмаслигини қайд этади. Компьютер дастурларига келганда эса, келишувда компьютер дастурлари, чиқиш кодлари ва якуний тарзда адабиёт асарлари сифатида Берн конференциясининг Париж конвенциясига мувофиқ муҳофаза этилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, келишув иштирокчиси бўлган давлатлар ваколатли субъект компьютер дастурлари (ва кино санъати асарлари)ни тижорат мақсадларида жамоатчиликка тақдим этиши пайтида (Commercial rental to the Public) бундай асарлар

асл нусхасининг кўчирилган (репродуктив) нусхаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эгаллиги таъминламоғи лозим.

1.5. Ишлар ва хизматлар

Давлатларнинг миллий қонунчилик тизимларида иш (хизмат)ларнинг фуқаролик муомаласи объектига оид қоидалар халқаро савдо муносабатларида ушбу объектлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга жуда ҳам яқин бўлиб, кўп ҳолларда халқаро савдо муомаласида ҳам тегишли давлатларнинг миллий қонунчилик нормалари татбиқ этилади.

Иш ва хизматларнинг фуқаролик муомаласида иштирок этишига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 6, 37, 40-бобларида, иш ёки хизматнинг айрим турларига оид қонунлар¹ ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Халқаро савдо муносабатларида пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, воситачилик ҳақи (комиссия), топшириқ, омонат, агентлик шартномаси ва бошқаларнинг кенг тарқалиши халқаро савдо муомаласида моддий дунё объектлари ва интеллектуал мулклар билан бир қаторда, иш ва хизмат турларининг ҳам муносабат объекти сифатида иштирок этишига сабаб бўлди.

Пудрат шартномаси бажарилишининг натижаси моддий дунёнинг аниқ объекти бўлишига қарамай, шартноманинг предмети бўлиб мазкур объект эмас, балки пудратчи бажарган иш ҳисобланади. Айнан шу сабабли воситачилик ҳақи, топшириқ ва хизмат кўрсатиш кабиларга оид шартномаларда ҳам мол-мулклардан фойдаланилса-да, уларнинг объектлари бўлиб, бир шахс бошқа шахсга кўрсатган хизматлар ҳисобланади.

Бунда бир шахснинг бошқа шахс фойдасига қиладиган ҳаракати моддий объектлар ўзгартирилишидагина эмас, балки натижаси «янги

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги (29.08.1998), «Туризм тўғрисида»ги (29.08.1999), «Реклама тўғрисида»ги (25.12.1998), «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги (15.04.1999), «Почта алоқаси тўғрисида»ги (31.08.2000) ва бошқа қонунлари.

буюм яратиш» бўлмасдан, бевосита моддий оқибатни кўзламайдиган қулайликлар яратилишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Халқаро савдо муносабатларида кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми тобора ўсиб бормоқда, чунки предмети иш ва хизмат бўлган шартномалар доираси узлуксиз кенгаймоқда (бу нарса, хусусан, ахборотлаштириш, маслаҳат ва бошқа хизмат турларига ҳам тааллуқли).

1.6. Ахборот

Ошкор этилмайдиган турли хабарлар, маълумотлар фуқаролик муомаласининг объекти, олди-сотди муносабатларининг предмети ҳисобланувчи мулк эканлиги тўғрисидаги қоидалар давлатларнинг миллий қонунчилик тизимларида белгиланган бўлиб, мазкур қонунларда уларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситалари ҳам назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 64-бобида ошкор этилмайдиган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирларининг товар бозорида муомала объекти бўлиши, ҳуқуқий ҳимояланиши билан боғлиқ қоидалар белгилаб қўйилган.

Ахборот халқаро савдо муомаласининг мустақил объекти сифатида кўрсатилиши мумкин (бунда ахборот интеллектуал фаолият натижаси сифатида халқаро савдо муомаласининг объекти бўлиши мумкин), яъни инсон фаолиятининг турли соҳаларига оид билимлар, олам хусусиятларига оид маълумотлар аллақачондан буён халқаро савдо муносабатларининг объекти сифатида қаралади.

Ўзининг ташқи сифатларига кўра, ахборот моддий дунё ҳодисалари қаторига кирмайди, аммо уларнинг истеъмол қилиниши (шу жумладан, моддий дунё объектларига айлантирилиши) учун улар соф жисмоний ҳолда объектлаштирилмоғи, яъни қоғозга, магнит лентасига ёки бошқа ахборот ташувчи материалга кўчирилмоғи лозим.

Кейинги пайтларда бутун дунёнинг бирлашиб бораётганлиги, жумладан, компьютер тармоқлари, ахборот базасидан фойдаланиш натижасида бундай бирлашиш юз бераётганлиги оқибатида ахборот халқаро шартнома муносабатларининг объектига айланиб бормоқда.

2-§. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

2.1. Халқаро савдо муомаласи субъектларининг умумий тавсифи

Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро муносабатларни амалда бевосита тартибга солмайди ва бу муносабатларнинг субъекти бўлган, турли давлатларга мансуб юридик ва жисмоний шахслар уларга нисбатан миллий қонунчилик қоидалари қўлланилганидан (ташқи иқтисодий муносабат иштирокчиси сифатида рўйхатга олинганларидан) кейингина халқаро савдо муомаласида иштирок этиб, битимлар туза олиш ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни 3-моддасининг 2-қисмида айтилишича, «Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар, доимий яшовчи, яққа тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан машғул бўлишлари мумкин».

Халқаро универсал ва минтақавий ташкилотлар халқаро савдо муомаласи субъектларига оид қонунчиликни унификациялаш, мувофиқлаштиришга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиққан ва қабул қилганлар. Бу масалада, айниқса, Европа ҳамжамияти ҳуқуқида сезиларли ишлар амалга оширилган¹.

Бошқа бир қатор халқаро конвенцияларда ҳам халқаро савдо муомаласи субъектларига оид қоидалар назарда тутилган.

Европа Иттифоқи доирасида унинг аъзоси бўлган давлатлар учун савдо жамиятларининг ягона шакли вужудга келтирилади. Шу муносабат билан, Европа Иттифоқида биринчи (ҳозирча ягона) Европа савдо жамиятларининг ягона шакли – умумиқтисодий мақсадлар билан Европа бирлашмаси ташкил этилди. Умумиқтисодий мақсадларни кўзловчи Европа бирлашмаси Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган давлатлар учун савдо ҳуқуқининг янги турдаги субъекти ҳисобланади. Ушбу шаклнинг қабул қилинишида Европа Иттифоқи аъзоларининг савдо жамиятлари ташкил этишда у ёки бу миллий қонунчиликка

¹ Жумладан, Европа Иттифоқи 1968-1990 йиллар давомида савдо уюшмалари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа субъектлар ҳуқуқий мақомига оид ўндан ортиқ директиваларни қабул қилган.

бўйсунуш истаги йўқлиги, ўз ҳуқуқларининг камситилишини хоҳламаганликлари кўзга ташланади.

Тадбиркорлик субъектларига оид қонунчиликни унификациялашга қаратилган айрим ҳужжатлар МДХ доирасида ҳам қабул қилинган. Булар қаторига «Акционерлик жамиятлари тўғрисида»ги тавсиявий ҳужжат, МДХ давлатлари учун андаза (модель) сифатида таклиф этилган фуқаролик кодекси кабилар киритилиши мумкин. Уларда тўлиқ ширкат, ишончга асосланган ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона каби тадбиркорлик юридик шахсларининг шакллари тартибга солинган.

Бироқ на Европа Иттифоқи «қонунчилиги», на МДХ «қонунчилиги» халқаро савдо ҳуқуқи орқали халқаро савдо муомаласи субъектларининг фаолиятини батафсил тартибга солиш воситаси сифатида қаралиши мумкин эмас. Халқаро савдо муомаласи субъектининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашнинг амалий аҳамияти шундаки, бу масалани аниқ ҳал этмай туриб, ҳуқуқий лаёқат ҳажми (яъни шахснинг халқаро савдо муомаласида битимлар тузиш ҳуқуқи), шахс вакилининг битимлар тузиш пайтидаги ваколоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди.

Бундан ташқари, халқаро савдо операцияларини амалга ошириш пайтида тадбиркорлик субъектининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билиш катта аҳамиятга эга, чунки бу нарса шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу сабабли кейинги ўринларда халқаро савдо муомаласининг асосий субъектларига (халқаро ва миллий қонунчилик нуқтаи назаридан) қисқача тавсиф берилади, шунингдек, турли давлатларнинг субъектлари иштирок этган муносабатларда вужудга келадиган коллизия масалалари ёритилади.

Давлатнинг хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқий лаёқатини тан олиши ушбу шахсларнинг мазкур давлатга мансуб субъектлар билан битимлар тузиши ва ушбу давлат ҳудудида фаолият кўрсатишларининг зарур шarti ҳисобланади.

Амалда барча давлатлар жисмоний шахсларга ўз фуқаролари билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини беради (сиёсий ҳуқуқлардан ташқари), аммо муайян турдаги битимлар тузилишида маълум бир қўшимча талаблар ва шартларни белгилайди. Бир марталик халқаро савдо

битимлари тузишда одатда қандайдир расмиятчиликларга риоя этиш талаб этилмайди. Аммо ушбу шахс тегишли давлат ҳудудида ҳўжалик фаолияти юритишни мўлжаллаётган бўлса, мавжуд миллий қонунларга кўра, доимий яшаш ҳуқуқини олиши ҳамда тижоратчи сифатида рўйхатдан ўтиши талаб қилинади.

Хорижий юридик шахс ҳуқуқий лаёқатининг тан олиниш муаммоси анча қадимий тарихга эга. Бу ҳол дастлабки юридик шахслар давлат ҳокимияти органларининг махсус ҳужжати асосидагина ташкил этилиши мумкин бўлган, шу туфайли ушбу шахснинг мустақил ҳуқуқ субъекти эканлигини давлат тан олган ва ушбу ҳуқуқ алоҳида инъом сифатида қабул қилинган. Шу сабабли хорижий юридик шахслар бошқа давлат ҳудудида ушбу давлат махсус тан олинганидан кейингина эътироф этилган. Бу орқали ушбу давлат юридик шахсга бошқа давлат берган «ҳуқуқ»ни тан олган.

Ушбу сабабга кўра, миллий доктриналарда хорижий юридик шахсларнинг тан олиниши муаммосига турлича ёндашилади.

Баъзи давлатларда (хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда) хорижий юридик шахс тан олиниши учун, энг аввало, у рўйхатдан ўтган давлатнинг ўзида расмий тан олинган бўлиши лозим. Бунда, агар биринчи босқич судлари хорижий юридик шахсни у ташкил топган давлат суверенитетини мазкур давлат тан олинмаганлигини сабаб қилиб кўрсатган ҳолда, тан олишни рад этган бўлса, юқори босқич судлари эса бундай асосни қабул қилмаслиги мумкин. Чунки масалага бундай ёндашувни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий ноаниқликни, халқаро савдо муомаласида беқарорликни юзага келтирган бўлур эди.

Бошқа бир қатор давлатларда (масалан, Францияда) эса, чет мамлакат юридик шахси ушбу мамлакат билан тузилган халқаро шартнома мавжуд бўлгандагина тан олиниши мумкин. Бунда икки томонламалик нафақат юридик шахсни тан олиш масаласига, балки ушбу турдаги юридик шахс ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми ҳар иккала давлатда мос келишига ҳам тааллуқли бўлади.

Халқаро савдо муомаласида бир давлатнинг юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида мустақил юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритишни режалаштиришган ҳоллар тез-тез учраб туради. Бундай ҳолат кўпинча мазкур давлат миллий қонунчилиги билан махсус тартибга солинади. Ушбу ҳолларда хорижий шахслар ҳуқуқий лаёқати-

ни тан олиш масаласини мазкур шахсни муайян давлат ҳудудидаги хўжалик фаолиятига қатнаштириш билан чалкаштириб юбормаслик лозим.

Англияда хорижий юридик шахсларни хўжалик фаолиятига қатнаштириш масаласи компаниялар ҳақидаги қонун билан тартибга солинади. Бунда хорижий компания (Oversea company) деганда, Буюк Британия ҳудудларидан ташқарида юридик шахс мақомини олган компания тушунилади. АҚШда бундай юридик шахслар одатда «хорижий корпорациялар» (Foreign corporation) деб юритилади. Бунда «хорижий корпорация» тушунчаси нафақат АҚШдан ташқарида юридик шахс мақомини олган шахслар, балки АҚШнинг бошқа штатларида рўйхатдан ўтган юридик шахсларни ҳам ўз ичига олади, чунки АҚШнинг ҳар бир штати корпорациялар тўғрисидаги ўз қонунига эга.

Германия Федератив Республикасида ушбу мамлакат ҳудудида хўжалик фаолияти юритмоқчи бўлаётган хорижий юридик шахслар учун рухсат этишнинг яхлит тизими назарда тутилади. Бундай юридик шахс фаолият олиб бориши кутилаётган ўлка хўжалик вазирлигидан махсус рухсат олиши талаб этилади. Бунда рухсатноманинг ўзида фаолиятнинг муайян тури кўрсатилади, холос. Рухсатноманинг ўзи эса муддатли ёки шартли бўлиши мумкин. Агар хорижий давлатда Германияда ташкил этилган юридик шахс тан олинмаган ёхуд хорижий юридик шахснинг Устав маблағи ГФРда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлган тақдирда рухсат бериш рад этилиши мумкин.

Агар хорижий юридик шахс ГФР ҳудудида ўз бўлимини очмоқчи бўлса, ушбу бўлинмани ГФР хўжалик жамиятлари ва ширкатлари учун белгиланган тартибда савдо реестрида қайд этиш керак бўлади.

Шу билан бирга, хорижий субъектни юридик шахс сифатида тан олиш ва бошқа давлат ҳудудида хўжалик фаолияти билан шуғулланишига рухсат этиш эмас, балки унинг қайси давлатга тегишли эканлигини аниқлаш халқаро савдо муомаласига нисбатан анча мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади, чунки барча давлатларнинг миллий қонунчилиги турли давлат субъектлари учун турлича қоидаларни назарда тутди. Энг аввало, бу божхона тўловларига (бож ва йиғимларга) тааллуқли бўлиб, турли давлатларга мансуб субъектларга нисбатан турли бож ставкалари қўлланилади. Бундан ташқари, юридик шахснинг давлати ҳақидаги қоидалар айти пайтда халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар

билан боғланувчи бўғин вазифасини ҳам бажаради ва унинг воситасида юридик шахсинг ҳуқуқий лаёқатини белгилашда қайси ҳуқуқ қўлланилишини ҳам ҳал этади. Ҳозирги пайтда юридик шахсинг қайси давлатга тегишлилигини аниқлаш муаммоси бўйича уч хил асосий ёндашув мавжуд.

Биринчи доктрина – Инкорпорация доктринаси юридик шахсинг қайси давлатга тегишлилигини у жойлашган ерга кўра белгилайди («жойлашган ери» тушунчаси ушбу юридик шахс ижроия ва бошқарув органи жойлашган ҳудудни билдиради). Бунда юридик шахс жойлашган ер деганда, унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган жой эмас, балки унинг бошқарув органи амалда жойлашган ер тушунилади. Бунда ушбу доктринага амал қилувчи давлатлар (континентал Европанинг кўпчилиги давлатлари) қонунчилигига кўра, юридик шахс ўз ижроия органи жойлашган давлатда рўйхатга олиниши лозим. Бундай ёндашув хорижий юридик шахсни тан олишни чеклайди, чунки юридик шахс бошиданок рўйхатга олинган давлатидан бошқа давлат ҳудудида жойлашган ёки кейинчалик бошқа жойга кўчирилган бўлса, бу субъект юридик шахс сифатида тан олинмайди. Шу туфайли ушбу принцип юридик шахс жойлашган ерда ҳам ана шундай талаб қўйилсагина татбиқ этилиши ҳақидаги қоида билан чекланади.

Шу билан бирга, инкорпорация назарияси ҳам, юридик шахс жойлашган ер назарияси ҳам Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари пайтида кўпгина давлатларда юзага келган муаммоларни бартараф эта олмади. Кўпгина давлатлар рақобатчи компаниялар билан ҳар қандай шаклда ҳамкорлик қилишни тақиқловчи миллий ҳужжатлар қабул қилдилар ёки ушбу давлатнинг уруш ҳолатида бўлган давлат юридик шахслари билан ҳамкорлик қилиш тақиқланди. Айтайлик, немис акциядорлик жамиятининг, масалан, Швейцарияда масъулияти чекланган жамият ташкил этиши инкорпорация доктринасига мувофиқ, ушбу жамиятнинг Англия ва АҚШда душман компания деб тан олинмаслигига сабаб бўлар эди. Шу боис юридик шахсинг қайси давлатга тегишлилигини белгилашга оид учинчи доктрина – назорат доктринаси пайдо бўлди. Унга мувофиқ, юридик шахсинг қайси давлатга тегишли эканлиги қайси давлат субъектининг капитали ушбу юридик шахс устидан назорат қилишга таъсир этишига қараб аниқланадиган бўлди (мол-мулк (капитал)ининг асосий қисми қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса,

юримдик шахс ҳам шу давлатга мансуб бўлади).

Барча давлатларнинг қонунларида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишга доир мажбурий талаблар белгиланади. Одатда улар суд ёки маъмурий органлар амалга оширадиган савдо реестрларида қайд этилади. Масалан, Францияда бундай реестрларни савдо судлари, ГФРда биринчи босқич фуқаролик судлари, Англияда савдо вазирлиги, АҚШда штатларнинг маъмурий суд органлари, Россия Федерациясида эса Иқтисодиёт вазирлигининг қайд этиш палатаси юритади.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳамда унинг асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади¹.

Чет эл инвестициясига асосланган тадбиркорлик субъектлари (чет эл корхоналари, қўшма корхоналар)ни давлат рўйхатига олишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунига асосан ишлаб чиқилган².

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, юқоридагилардан ташқари, 2000 йил 7 октябрда 976-тартиб рақами билан «Ўзбекистон Республикасида ташқи фаолият субъектлари савдо реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом ҳам давлат рўйхатига олинган.

Халқаро савдо муомаласида савдо реестрларини юритишдан қуйидаги мақсадлар кўзланган:

- савдо жамиятлари (ширкатларини) рўйхатга олиш;
- савдо фаолияти субъектлари бўлган (савдога йўналтирилган) фирмаларни, шунингдек, ушбу субъект амалга ошириши мумкин бўлган

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги низом.

² Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги 336-сонли 1997 йил 2 июль низоми (кейинги қўшимчалари билан).

фаолият турларини рўйхатга олиш;

– савдо муомаласининг барча иштирокчиларига рўйхатга олинган субъект (унинг устав жамғармаси миқдори, жойлашган ери, бошқарув органи, битимлар тузишга ҳақли бўлган шахслар) тўғрисидаги маълумотларни бериш.

Халқаро савдо муомаласи иштирокчилари учун ушбу савдо муомаласи субъект номидан битимлар тузишга ҳақли бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар энг муҳим ҳисобланади. Қоидага кўра, бундай шахсларга тадбиркорнинг ўзи (юримдик шахс таъсис этмасдан тадбиркорлик қилганда) ёки юримдик шахс бошқарув органининг юқори мансабдори киради. Шунини назарда тутиш лозимки, кўпинча юримдик шахс номидан битимлар тузиш ҳуқуқига ушбу битимни биргаликда имзолайдиган тегишли мансабдор шахслар (масалан, корхона раҳбари ва бош бухгалтер) ҳақли бўладилар. Ёки бошқача қилиб айтганда, битим юримдик шахс номидан тузилган деб ҳисобланиши учун уни, масалан, ушбу юримдик шахсининг икки директори имзоламоғи лозим бўлади.

Юқоридаги шахслардан ташқари, савдо реестрида прокурист, яъни маҳсус кўшимча ваколатларсиз мазкур юримдик шахс номидан битимлар туза оладиган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилади. Бунда прокуристининг ваколатлари қандайдир тарзда чекланиши мумкин эмас ва у реестрга киритилган шахс номидан ҳар қандай битимларни тузишга ҳақли бўлади.

Одатда савдо реестридаги маълумотлар ошқора бўлиб, ҳар қандай манфаатдор шахс муайян субъект ҳақидаги маълумотлари бўлган савдо реестридан тасдиқланган кўчирма олишга ҳақли бўлади.

Савдо реестри маълумотларининг ошқоралигига оид умумий принципдан ташқари, кўпчилик давлатларнинг қонунларида савдо реестрига киритилган маълумотлар эълон қилиниши лозимлиги ҳақидаги янги тартиб белгиланган. Савдо реестрига киритилган маълумотларнинг ошқоралигига оид қоидалардан кўпчилик давлатларда амал қиладиган савдо реестридаги маълумотлардан хабардорлик ва бу маълумотларнинг ҳақиқийлиги презумпцияси принципи келиб чиқади. Унга кўра, ҳеч бир шахс савдо реестридаги маълумотлардан беҳабарлигини айтишга, субъектнинг ўзи эса реестрга киритилган маълумотларни ёлғон дейишга ҳақли эмас. Бу принцип халқаро савдо муомаласи учун катта амалий аҳамиятга эга, чунки халқаро савдо битимларининг субъектлари турли

давлатларда жойлашган бўлиб, кўпинча улар ўз ҳамкор ташкилотларининг қайси мансабдор шахслари битим тузишга ҳақли эканлигидан беҳабар бўладилар. Бироқ ваколати ҳақида олдиндан ишонч ҳосил қилмаган шахс билан битимда иштирок этиш орқали у таваккалчиликка йўл қўяди.

Халқаро савдо муомаласининг субъектлари у ёки бу давлат фуқаролик (савдо) муомаласи субъектларидан ҳеч бир жиҳати билан фарқ қилмайди, чунки шахс ўз миллий қонунчилигига асосан мустақил битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлар экан, кўпчилик давлатлар қонунчилигига мувофиқ, у халқаро савдо муомаласида ҳам битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шу сабабли миллий қонунчиликка кўра, фуқаролик ва савдо муносабатларининг субъекти деб тан олинадиган барча шахслар халқаро савдо муомаласининг субъектлари бўлишлари мумкин. Шу билан бирга, бундай шахслар доираси қуйидаги сабабларга кўра бирмунча торроқдир:

биринчидан, турли давлатларнинг субъектлари ўртасида тузиладиган ҳар қандай битим ҳам халқаро савдо муомаласига оид битимлар қаторига кирмайдир. Масалан, АҚШ фуқароси – резидентнинг, айтилик, Францияда ҳовли-жой сотиб олиши бу шахсни халқаро савдо муомаласининг иштирокчисига айлантормайди. Айни пайтда, ушбу фуқаро кейинчалик сотиш учун (тадбиркорлик мақсадида) ҳовли-жой сотиб оладиган бўлса, бундай битим халқаро савдо битими бўлиб, шахс халқаро савдо муносабати иштирокчисига айланади. Шу тариқа халқаро савдо ҳуқуқи учун халқаро савдо муносабатида қатнашувчи шахслар ва тадбиркорлик билан боғлиқ битимлар тузилишигина муҳимдир;

иккинчидан, миллий ҳуқуқнинг айрим субъектлари (масалан, хайрия жамғармалари, черковлар, бошқа нотижорат ташкилотлар) тадбиркорлик субъектлари бўлмайди. Улар халқаро савдо муомаласи (инсонпарварлик ёрдамларини ташиш, сақлаш ва ҳ.к.)да қатнашсаларда, аммо бу нарса ҳар замонда бир марта юз беради. Шу сабабли уларнинг фаолияти ушбу курсда кўриб чиқилмайди;

учинчидан, баъзи бир давлатларнинг қонунчилиги миллий ҳуқуқ субъектларига халқаро савдо муомаласида қатнашиш ва битимлар тузиш ҳуқуқини ўз-ўзидан бермайди. Масалан, иқтисодиётни эркинлаштиришдан олдинги даврда собиқ Иттифокда ташқи савдо битимлари

тузиш ҳуқуқига барча юридик шахслар эмас, балки фақат ихтисослашган ташқи савдо ташкилотларигина эга бўлганлар.

Халқаро савдо муомаласида қатнашувчи субъектларнинг доираси миллий қонунчилик воситасида белгиланиши туфайли, уларнинг рўйхати жуда кенг бўлиб, барча турларини мазкур курсда санаб ўтиш қийин.

Шу билан бирга, жаҳондаги асосий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш, у ёки бу хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилса-да, кўпчилик давлатлар миллий қонунчилигида учрайдиган қуйидаги турларини кўрсатиш имконини беради:

- хусусий тадбиркор;
- тўлиқ ширкат;
- коммандит ширкат;
- акционерлик жамияти;
- масъулияти чекланган жамият.

Бунда шунини таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган ташкилий-ҳуқуқий тадбиркорлик шакллари амалда халқаро савдо эҳтиёжлари туфайли юзага келган.

Халқаро савдо муомаласида, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, умумий иқтисодий мақсадли бирлашмалар, транснационал корпорациялар, бевосита давлатнинг ўзи ва давлат мулкчилигига асосланган бошқа субъектлар ҳам иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда хўжалик фаолияти ва тадбиркорликка оид бошқа қонунларда назарда тутилган турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар белгиланган тартибда халқаро савдо муомаласининг субъектлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, давлат монополияси ўрнатилган муайян товарлар юзасидан халқаро савдо муносабатларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган ташқи савдо компаниялари иштирок этиши белгилаб қўйилган. Уларга қуйида батафсил тўхталамиз.

2.2. Хусусий тадбиркор

Хусусий тадбиркор ёки савдогар, тижоратчи (АҚШда – individual

proprietorship, Англияда – sole proprietor, Германияда – Kaufmann) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг энг биринчи тарихий шаклидир.

Савдогарлар (яъни ўз номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар) инсониятнинг узоқ тарихи давомида амалда ягона савдо субъектлари бўлиб келганлар.

Бунинг устига ўрта асрлар даврида савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига фақат савдогарлар табақасининг аъзолари эга бўлганлар, бироқ капитализм ривожланиши билан ушбу ҳуқуқ барчага берилган. Шу билан бирга, кўпгина Европа давлатларининг қонунларида жисмоний шахс (МДХ мамлакатларининг кўпчилигида ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилмай туриб амалга оширувчи тадбиркор) савдо фаолияти билан шуғулланиши учун уни савдо рўйхатида (реестрида) қайд этиш талаб этилади. АҚШ қонунларида эса бундай талаб қўйилмаган. Уларда бундай шахс лицензия олиниши керак бўлган фаолият билан шуғулланишни ёки жисмоний шахс фамилиясидан фарқ қилувчи фирма номи остида савдо муомаласида қатнашишни режалаштирган тақдирдагина рўйхатга туриш мажбурияти белгиланган.

Бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда ҳуқуқнинг янги субъекти юзага келмаганлиги сабабли, халқаро савдо муомаласидаги битим бўйича ҳуқуқ ва бурчларни жисмоний шахснинг ўзи олади, бинобарин, хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми ҳам жисмоний шахс ҳуқуқий лаёқатининг ушбу шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жойдаги миллий қонун ҳужжатларининг нормалари билан белгиланган ҳажмига мос келади.

Тадбиркор сифатида қайд этилмаган жисмоний шахснинг тадбиркорлик битими тузиши ёхуд шахснинг тадбиркорлик реестрида қайд этилган тадбиркорлик фаолияти доирасидан чиқувчи битим тузиши битимнинг ҳақиқийлигига таъсир этадими, деган масала анча мураккаб масаладир. Кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилиги бундай битимлар тузганлик учун турли хил (маъмурий (солиққа оид), жиноий ва бошқа) жавобгарликни белгилаганлигига қарамай, мазкур шахс ўз ҳуқуқий лаёқатини ошириб юбориши натижасида тузган бундай битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисобламайди (чунки кўпгина давлатлар

доктринаси жисмоний шахсинг умумий ҳуқуқий лаёқатга эғалиги принципига асосланади).

Европадаги кўпгина давлатларнинг қонунларида тадбиркорларнинг савдо реестрида қайд этилишига доир талаб белгиланган бўлиб, тадбиркор фирмаси (савдо номи)ни ҳам қайд этиш зарурлиги кўрсатилган. Қоида тариқасида, фирма тадбиркорнинг ўзини кўрсатувчи (яъни унинг фамилиясини ўз ичига олган), шунингдек, у амалга оширадиган фаолият турини ифодаловчи номга эга бўлиши керак (масалан, «К.Шмидт. Улгуржи савдо»). Шундай қилиб, фирма номида фақат фамилия ва амалга ошириладиган фаолият тури кўрсатилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг бошқа шаклини ифодаловчи ўзга қисқартмалар бўлмаса, кўпинча бу тадбиркорлик фаолиятини жисмоний шахс амалга ошираётганидан далолат беради.

Хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) номидан битим тузиш ҳуқуқига фақат тижоратчининг ўзи эга бўлади. Бунда унинг мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи, айтайлик, акционерлик жамияти директорининг ҳуқуқлари каби чекланиши мумкин эмас. Тадбиркор номидан тузилган битимни муносиб шахс амалга оширганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун уни тадбиркорнинг ўзи имзолаганлигига ишонч ҳосил қилиш етарли.

Хусусий тадбиркорнинг корхонаси етарлича катта бўлса, савдо реестрига прокуристлар, яъни махсус ваколатларсиз ушбу тадбиркор номидан битимлар тузишга ҳақли бўлган шахслар ҳақида ҳам маълумотлар киритилади.

Бошқа барча шахслар хусусий тадбиркор номидан фақат ишончнома асосида битим тузишга ҳақлидирлар. Бунда айрим давлатлар (масалан, МДҲ мамлакатлари) қонунларида жисмоний шахс номидан ишончнома беришда уни нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилади.

Хусусий тадбиркор билан битим тузиш фойдалилигини кўрсатувчи муҳим жиҳат ушбу шахсинг ўз мажбуриятлари бўйича чексиз масъулиятга эғалигидир. Ҳатто шахсинг кейинчалик савдо реестридан чиқарилиши (масалан, тадбиркорнинг аризаси бўйича) факти ҳам у тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қабул қилган мажбуриятлар тўхтатилишига олиб келмайди.

2.3. Тўлиқ ширкат

Тўлиқ ширкат, худди жисмоний шахс амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти каби, савдо фаолиятини амалга оширишнинг анча қадимий шакли ҳисобланади. Савдонинг, айниқса, хорижий савдонинг ривожланиши савдогарлардан савдо операцияларини амалга ошириш учун ҳам маблағларини, ҳам шахсий кучларини бирлаштиришни талаб қилган. Шу боис ширкат бирлашмаларининг дастлабки шакллари Қадимги Римдаёқ маълум бўлган замонавий тўлиқ ширкатнинг жиҳатларига эга бўлган, илк ширкатлар эса тахминан XII асрнинг биринчи ярмида Венеция ва Генуяда «савдо компанияси» номи билан пайдо бўлган (савдо компаниялари XIII асрдан бошлаб кенг тарқала бошлаган). Кейинчалик янги савдо жамиятлари ва ширкатлари пайдо бўлиши билан тўлиқ ширкатга нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам аъзо бўлиб кирган.

Шундай қилиб, тўлиқ ширкат деганда, кўпчилик мамлакатлар қонунларида бир фирма асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар бирлашмаси тушунилади¹.

Европа давлатларининг қонунларида тўлиқ ширкатни савдо реестрида қайд этиш талаби белгиланган. Англия ҳуқуқида ширкатни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди, АҚШда эса ширкат шартнома имзоланган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва қонунда белгиланган айрим ҳоллардагина қайд этилиши талаб этилади.

Кўпгина давлатларнинг ҳозирги қонунларида, тўлиқ ширкатлар савдо муомаласининг субъектлари эканлигига (яъни тўлиқ ширкат ўз фирмаси номидан битимлар тузишга, шунингдек, судларда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли эканлигига қарамай), уларга юридик шахс ҳуқуқини бермайди. Шу билан бирга, Франция ҳамда унинг хусусий

¹ АҚШ қонунларида юридик шахс ташкил этмай туриб тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ширкат (шериклик) қоидалари асосида фаолият юритадиган joint venture ҳамда аъзолари ўз иштирокини акциялари билан тасдиқлайдиган ва, аслида, шерикларнинг масъулияти чекланган ширкатидан иборат бўлган joint stock association (or company) деган шакли мавжуд.

ҳуқуқи тизимига кирувчи давлатлар, шунингдек, Россия ҳуқуқига кўра, тўлиқ ширкатлар юридик шахслардир.

Тўлиқ ширкатнинг хўжалик жамиятларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳати шундаки, тўлиқ ширкатда юридик шахсларга хос бўлган ички ташкилот (бошқарув органлари тизими) бўлмайди. Бошқарув органлари (аввало, битимлар тузиш мақсадида тўлиқ ширкат номидан вакиллик қилиш) функцияларини бир ёки бир неча шериклар бажарадилар.

Тўлиқ ширкатнинг савдо реестрида қайд этилиши талаб этиладиган мамлакатларда фирма номига барча шерикларнинг исмини, шунингдек, уларнинг фаолият соҳаси (предмети)ни киритиш талаби мавжуд. Масалан, «Гольдшмидт ва Крамер. Автомобиллар прокати».

Хусусий тадбиркор (савдогар, тижоратчи) савдо фаолиятини амалга оширгандаги каби, тўлиқ ширкат шериклари ширкат мажбуриятлари бўйича чексиз биргаликдаги (солидар) жавобгарликка эга бўлгани туфайли, ушбу шакл бугунги кунда халқаро савдода кенг тарқалмаган. Тўлиқ ширкат шакли қўлланилганини учратиш мумкин бўлган ягона соҳа катта инвестиция лойиҳаларини кредитлаш учун ташкил қилинган банк бирлашмалари ёки катта объектларни қуриш учун яратиладиган қурилиш консорциумлари ёхуд суғурта ташкилотларидан иборат. Бундан ташқари, тўлиқ ширкатлар юридик шахс деб ҳисобланмайдиган мамлакатларда тўлиқ ширкат шаклидан солиқ юқини камайтириш мақсадида ҳам фойдаланилади, чунки тўлиқ ширкат «корпоратив» солиқлардан, аввало, фойда солиғидан озод қилинади, зеро тўлиқ ширкатнинг фойдаси шериклар фойдаси деб ҳисобланмайди ва шерикларнинг ўзлари солиққа тортилади.

2.4. Коммандит ширкат

Коммандит ширкат тўлиқ ширкатларга қараганда биров илгарироқ, Фарбий Европанинг феодал муносабатларга ўтиши ва халқаро савдо муомаласининг, шу билан бирга, соф хусусий хўжалик мақсадларини кўзловчи ихтиёрий ширкатларнинг юзага келиши билан пайдо бўлган. Коммандит ширкатлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 976 йил (Венеция)га тааллуқли, бироқ коммандит ширкатлар XII асрга келибгина кенг тарқалди. Айнан Италиянинг денгиз бўйидаги шаҳарларида ушбу даврда денгиз орқали савдо қилувчи савдогарларнинг

бирлашмалари кўпинча «коменда» – Венецияда у «колленца» деб номланган – шаклида намоён бўлган. Савдо фаолиятининг ушбу шакли турли хил ижтимоий гуруҳларга халқаро денгиз савдосида савдогарларга пул (мол) бериш орқали қатнашиш, бунда ушбу фаолиятдан катта фойда олиб, айти пайтда саёҳатларнинг қийинчиликлари ва хавфларидан фориғ бўлиш имконига эга бўлганлар.

Ҳозирги вақтда кўпгина давлатларнинг қонунларида коммандит ширкат деганда, ўз фирмаси орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзи қўшган улуш доирасида масъулиятга эга бўлувчи шериклар билан бир қаторда ширкат мажбуриятлари бўйича чексиз масъулиятга эга бўладиган лоақал битта шерик (тўлиқ шерик) мавжуд бўладиган ширкат тушунилади.

Коммандит ширкатлар савдо реестрида қайд этилиши керак. Масъулияти чекланган шерикчиликни қайд этиш талаби (тўлиқ ширкатдан фарқли равишда) Англия ва АҚШ қонунларида белгиланган. Англия қонунларига кўра ушбу талабга риоя этмаслик, масалан, масъулияти чекланган шерикларнинг масъулиятини чеклаш ҳақидаги қонуннинг қўлланилмаслигига олиб келади.

Тўлиқ ширкатлар каби, коммандит ширкатлар кўпгина давлатларнинг қонунларида (Франция ва француз тизими давлатлари ҳамда Россия бундан мустасно) юридик шахслар деб тан олинмайди.

Коммандит ширкатда тўлиқ шерикнинг ҳуқуқий ҳолати тўлиқ ширкатдаги шерикнинг ҳуқуқий ҳолатидан амалда ҳеч бир фарқ қилмайди. Коммандитист эса, тўлиқ шерикдан фарқли ўлароқ, юқорида айтилганидек, ширкат ишлари бўйича вакиллик қилишга ҳақли эмас ва фақат ўзи қўшган улуш доирасида масъулиятга эга бўлади.

Коммандит ширкат фирмасининг номи тўлиқ шериклардан ақалли бирининг номини ва ширкат шаклини ифодалаши керак (масалан, Германияда «Гольдшмидт ва К⁰, КГ»). АҚШ қонунчилигига мувофиқ, масъулияти чекланган ширкатнинг номида «Limited Partnership» сўзлари бўлиши керак.

Тўлиқ ширкатдан фарқли равишда, коммандит ширкат шакли халқаро савдода анча кенг қўлланилади, чунки у коммандитистнинг чекланган масъулиятидан ҳамда коммандит ширкат юридик шахс бўлмаганлиги туфайли бериладиган «корпоратив солиқлар» бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини беради. Бунда ширкат ишти-

рокчилари таркибига тўлиқ шерик сифатида масъулияти чекланган жамиятни қўшиш орқали тўлиқ шерикнинг чексиз масъулиятидан қутулиш мумкин бўлади.

2.5. Акционерлик жамияти

Акционерлик жамияти капитални бирлаштириш шакли сифатида капитализм ривожланиши билан кенг тарқалди¹, чунки тўлиқ шериклардан нафақат маблағ қўшиш, балки ширкат ишларида шахсан иштирок этиш талаб этиладиган савдо ширкатларидан фарқли равишда, акционерлик жамиятида биринчи ўринга капитал чиқади. Айнан акционерлик жамиятлари дастлабки тадбиркорлик бирлашмалари – юридик шахслар бўлган.

Акционерлик жамияти деганда (АҚШда – publicly held corporation², Англияда – Public limited company with share capital³, нем.

¹Позирги «акционерлик жамияти» институтига мос келувчи тадбиркорлик бирлашмалари тахминан XIX аср ўрталарида юзага келган, Полбуки, акционерлик жамиятларининг бевосита «аждоди» XVI-XVII асрлардаёқ халқаро денгиз (океан) савдоси Памда буюк жўррофий кашфиётлар даврида очилган Пудудларни мустамлака қилиш мақсадларида юзага келган мустамлакачи компаниялар бўлган (ваПо-ланки, XIX-XX асрлардаги бир қатор машПур тижоратчилари (коммерциалистлари)нинг акционерлик жамиятлари анча илгари, масалан, XV асрда - Генуэзиядаги Авлиё Георгий банки шаклида пайдо бўлган, деб Писоблайдилар).

²Акционерлик жамиятини билдирувчи инглизча термин сифатида кўпинча joint-stock company атамасидан фойдаланилади, аммо бу унчалик тўпри эмас, чунки Англияда ушбу термин инглиз компанияларига нисбатан деярли қўлланилмайди, АҚШда эса, юқорида кўрсатганимиздек, joint-stock company терминининг ўзи акционерлари чексиз масъулиятга эга бўлмаган юридик шахсларнинг Пуқуқларига эга бўлмаган тадбиркорлик бирлашмасини билдиради. Позирги вақтда АҚШ Пуқуқида ўзининг ташкилий шаклига кўра акционерлик жамиятига яқин бўлган тадбиркорлик ташкилотларига нисбатан «publicly-held corporation» терминидан фойдаланилади.

³ Англияда юридик шахс Пуқуқига эга бўлган компанияларнинг бешта асосий тури ажратилади:

а) устав капиталига эга бўлган масъулияти чекланган оммавий компания (public limited company with share capital);

б) устав капиталига эга бўлган масъулияти чекланган хусусий компания (private limited company with share capital);

Aktiengesellschaft, фр. society anonime), устав фонди улушларга бўлинган ва ушбу улушларга бўлган ҳуқуқ иштирокчиларига фойдадан ҳисса (дивидендлар) олиш, жамият тугатилган тақдирда мулкнинг бир қисмини олиш, шунингдек, бошқарувда иштирок этиш (айрим имтиёзли акциялар турлари бундан мустасно) ҳуқуқи акциялар билан тасдиқланадиган хўжалик жамияти тушунилади.

Акционерлик жамиятининг бошқа шаклларидаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлардан фарқ қилувчи жиҳати акцияларнинг, яъни иштирокчи акционерлик жамиятининг устав фондида улушга эга эканлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғознинг мавжудлигидан иборат¹.

Одатда акционерлик жамиятларини ташкил қилиш тартибига акцияларга обуна бўлиш, шунингдек, акционерлик жамиятининг ўзини, унинг акцияларини қимматбаҳо қоғоз сифатида қайд эттириш билан боғлиқ муайян қийинчиликлар хос.

Акционерлик жамиятининг фирмаси юридик шахснинг ушбу турини кўрсатиб туриши керак. Кўпинча бу қонунда белгиланган қисқартмалар, масалан: Германияда – АГ, Англияда – PLC, Франция, Италия ва (аббревиатуралар мос келиб қолганлиги туфайли) Польшада – S.A. шаклида бўлади.

Бошқарув (жумладан, ташқи вакиллик) функцияларини тўлиқ шериклар амалга оширадиган тўлиқ ва коммандит ширкатлардан фарқли равишда акционерлик жамиятида қуйидаги шаклларда бошқарув органлари тузилади:

– *акционерлик жамияти бошқарув органларининг уч бўгинли*

в) устав капиталига эга бўлмаган масъулияти чекланган хусусий компания (private limited company without share capital, company limited by guarantee);

г) устав капиталига эга бўлган масъулияти чекланмаган хусусий компания (private unlimited company with share capital);

д) устав капиталига эга бўлмаган масъулияти чекланмаган хусусий компания (private unlimited company without share capital).

Бунда акционерлик жамиятига энг яқин бўлган шакли устав капиталига эга бўлган масъулияти чекланган оммавий компания Писобланади.

¹ Бироқ акцияларнинг мавжудлиги, масалан, айрим Европа давлатлари, хусусан Франция қонунларида тартибга солинган акционерлик коммандитига Пам хосдир.

тизими, масалан, ГФРда бу акционерлар йиғилиши, кузатув кенгаши, идора (правление);

– бошқарув органларининг икки бўғинли тизими, масалан, АҚШда бу акционерлар йиғилиши ва директорлар кенгаши;

– акционерлик жамиятининг таъсис ҳужжатларига қараб икки ёки уч бўғинли тизим (масалан, Россияда).

Одатда акционерлар йиғилиши ва кузатув кенгаши (уч бўғинли бошқарув тизимида) акционерлик жамияти ишлари бўйича унинг ташқарисида вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди ва бу функцияни ижро этувчи орган аъзолари бажарадилар: Англия ва АҚШда – директорлар кенгаши, Францияда – маъмурий кенгаш, ГФРда – идоранинг вакиллари.

Акционерлик жамиятлари бугунги кунда капитални бирлаштиришнинг энг афзал шакли бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шаклидир, шу боис халқаро савдо муомаласида иштирок этувчи деярли барча йирик субъектлар акционерлик жамиятларидир. Йирик транснационал корпорацияларнинг бош ташкилотлари доимо акционерлик жамиятлари бўлади.

Шу билан бирга, акционерлик жамияти шаклининг ўзи унинг тўловга қобиллиги ва ишончлилигининг кафолати бўлмайди, чунки ҳозирги замон қонунчилигининг тамойилини устав фондининг энг кам миқдорини камайтириш ташкил этмоқда (АҚШнинг баъзи штатларидаги қонунларда умуман устав капиталисиз корпорациялар ташкил қилинишига йўл қўйилади), шу боис акционерлик жамияти нисбатан кичик капитал асосида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Устав капиталининг кам миқдорда бўлиши ва акционерлари масъулиятининг чекланган бўлиши акционерлик жамияти билан битим тузаётганда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатдир.

2.6. Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг анча янги шаклидир. Агар тадбиркорлик бирлашмаларининг бошқа шакллари савдо муомаласи амалиётида ишлаб чиқилган бўлса, хўжалик жамиятининг ушбу турини XIX аср охирларида немис юристлари сунъий равишда ишлаб чиққанлар. Ушбу шаклнинг

яратилишини икки асосий сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, XIX асрнинг 70-йилларида Германияда юз берган ва кўпчилик немис акционерлик жамиятларининг синишига олиб келган инқироз билан; иккинчидан, Германиянинг мустамлакаларини бўлиш жараёнида асосий мустамлака қилувчи давлатлардан қолишмаслик истаги билан. Бунинг учун мустамлака мамлакатларда уларнинг метрополияларга иқтисодий қарамлигини ўрнатиш (жумладан, Германияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш орқали) мақсадида пухта ўйланган савдо сиёсатини юритиш зарур бўлган. Тадбиркорлик бирлашмасининг тегишли шакли ҳам зарур бўлган, чунки акционерлик жамияти немис савдогарлари (тадбиркорлари)ни қониқтирмаган. Чунки бунда савдогар акционерлик жамиятининг фаолиятдан ажралиб қолган, тўлик ширкатда эса лозим даражадаги капиталистик асос бўлмаган ва масъулият чекланмаган. Шу боис «акционерлик жамияти» институтини такомиллаштириш орқали барча соҳаларни қамраб олувчи капиталистик асос иштирокчиларнинг жамият фаолиятдан шахсий манфаатдорлиги акционерлик жамиятига нисбатан кўпроқ бўлган шакли билан уйғунлашган ҳуқуқий тузилма яратилди. Ушбу ҳуқуқий тузилмани германиялик тадбиркорлар қўллаб-қувватлаганлар ва у 1892 йил 20 апрелда қонун даржасида мустаҳкамланган.

Тадбиркорликнинг ушбу шакли тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун шунчалик қулай бўлиб чиққанки, бугунги кунда ҳам халқаро савдо субъектларининг каттагина қисми (айниқса, Европада) айнан масъулияти чекланган жамият сифатида ташкил қилинган.

Масъулияти чекланган жамият деганда, устав фонди иштирокчиларига фойдадан ўз хиссасини (дивиденд), жамият тугатилган тақдирда эса мулкнинг бир қисмини олиш ҳамда бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи улушларга бўлинган хўжалик жамияти тушунилади¹.

Аслида, масъулияти чекланган жамиятнинг акционерлик жамияти-

¹ АҚШда масъулияти чекланган жамиятига яқин бўлган хўжалик юритиш шакли «ёпиқ корпорация» (closely-held corporation or close corporation), Англияда устав капиталига эга бўлган масъулияти чекланган хусусий компания (private limited company with share capital)дир.

дан асосий фарқи куйидагилардан иборат: масъулияти чекланган жамият иштирокчисидан нафақат ҳуқуқлар, балки мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин, шунингдек, масъулияти чекланган жамиятда унда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи акциялар бўлмайди. Масъулияти чекланган жамиятнинг акционерлик жамияти билан ўхшашлиги АҚШ ҳуқуқида айниқса сезиларлидир, чунки унда масъулияти чекланган жамиятининг ҳам, акционерлик жамиятларининг ҳам (ушбу терминларнинг европача тушунилишида) корпорацияларни тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш масалаларини тартибга солувчи айна бир қонунлар билан белгиланади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номида ё ушбу ташкилий ҳуқуқий шакл бевосита кўрсатилади, ё белгиланган шаклдаги аббревиатура бўлади (нем. GmbH, фр. S.R.L.).

3-§. ХАЛҚАРО САВДО МУОМАЛАСИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

3.1. Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси

Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ҳуқуқ субъектларини бирхиллаштиришга интилиш умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмасининг (фр. *groupement d'interet economique*) ташкил қилинишига олиб келди.

Юридик шахснинг ушбу турига иқтисодий манфаатларга асосланган Франция бирлашмаси асос бўлди. Франция қонунларига мувофиқ, иқтисодий манфаатларга асосланган бирлашма деганда, икки ёки ундан ортиқ жисмоний ёки юридик шахснинг иштирокчилари иқтисодий фаолиятига ёрдам бериш ёхуд ушбу фаолият натижаларини кўпайтириш ёки яхшилаш учун барча имкониятдаги усуллардан фойдаланиш мақсадида муайян муддатга тузиладиган бирлашмаси тушунилади.

Ушбу бирлашма савдо жамиятлари ва ширкатларининг бошқа шаклларида фойда олиш мақсадида эмас, балки иштирокчилари учун бошқа иқтисодий натижаларга эришиш, масалан, янги технологияларни ишлаб чиқиш, хомашё сотиб олиш каби мақсадларда тузилиши билан фарқ қилади.

Халқаро савдо муомаласи субъектларининг ушбу шакли Европа

Ҳамжамиятларида Европа Иқтисодий Иттифоқи кенгашининг Рим Шартномасининг 253-моддаси асосида қабул қилинган 1985 йил 31 июль қарори билан қонунлаштирилган.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмасининг таъсисчилари ЕИ иштирокчилари бўлган давлатлар ҳудудида жойлашган (яшайдиган) юридик ва жисмоний шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси ЕИ иштирокчиси бўлган давлатларнинг қайси бирида расмий адресга эга бўлса, ўшанисида қайд этилиши керак.

Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси юридик шахсдир, аммо у устав фонди билан ҳам, устав фондсиз ҳам ташкил этилиши мумкин. Бирлашма таъсисчилари унинг мажбуриятлари бўйича қўшимча биргаликдаги (солидар) масъулиятга эга бўладилар.

3.2. Транснационал бирлашмалар

Транснационал бирлашмалар улар таркибига кирувчи субъектларнинг ривожланган тармоғи мавжудлиги, шунингдек, улар эга бўлган катта капитал туфайли ҳозирги замон халқаро савдосида муҳим ўрин тутди. Йирик транснационал бирлашмалар бутун бошли минтақаларнинг иқтисодий сиёсатига таъсир кўрсатади, ҳукуматлар билан шартномалар тузади, шу боис айрим муаллифлар ушбу бирлашмаларни халқаро хусусий ҳуқуқ субъектларига киритишга мойилдирлар.

Транснационал бирлашма ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра турли давлатлар юрисдикциясида бўлган, юридик жиҳатдан мустақил, бироқ иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган ва одатда биттаси бошқаларини бошқариш орқали назорат қиладиган тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг гуруҳи («иқтисодий бирлашмаси»)дир.

Мазкур назорат транснационал бирлашмага кирувчи ҳар бир юридик шахснинг олий бошқарув органи устидан назоратни қўлга киритиш (олиш) орқали амалга оширилади. Бунга юридик шахсда олий бошқарув органининг қарорини қабул қилиш ёки рад этиш учун етарли бўлган ҳиссага эгалик орқали ҳамда билвосита назорат ёхуд бошқарув

(тобелик) шартномаси тузиш орқали ёхуд назоратнинг ўзга шакллариغا мувофиқ бошқа йўллар билан эришилади.

Бундан ташқари, транснационал бирлашма иштирокчилари бир-бирларига уларнинг олий бошқарув органларини назорат қилиш ёхуд, агар гуруҳ иштирокчиларининг ҳаракатларида бирдамлик кузатилса, билвосита биргаликда иштирок этиш орқали ўзаро таъсир кўрсатувчи юридик шахслар гуруҳидир.

Бунда турли давлатларнинг қонунлари ва доктриналарида ушбу ҳодисани таърифлаш учун «холдинг», «хўжалик бирлашмаси» («компаниялар бирлашмаси», «жамиятлар бирлашмаси»); «хўжалик гуруҳи»; «концерн»; «жамиятлар тизими»; «бир-бирига боғлиқ корхоналар (тудош корхоналар)»; «конгломерат», «ташкilotлар ташкilotи», («жамиятлар жамияти», «ширкатлар ширкати», «иккинчи гуруҳ ширкатлари») ҳамда «шўба жамият, ширкат, корпорация», «филиал»; «устунлик қилувчи ва қарам субъект»¹ (инглиз тилида бош ва тобе субъектга

¹ Францияда ва Европанинг бир қатор бошқа давлатларида «филиал» терминидан фойдаланилади. Франциянинг савдо ширкатлари тўғрисидаги қонунида акцияларининг 50 % дан ортиқ бошқа жамият (ширкат)га тегишли бўлган жамият (ширкат) филиал деб аталади. Агар бошқа жамият акцияларнинг 10 % дан 50 % гача эгалик қилса, бу Полат бир жамиятнинг бошқасида иштирок этиши деб тан олинади.

Англиянинг «Компаниялар тўғрисида»ги 1985 йил қонунига кўра, «она» компания иштирокида фаолият кўрсатадиган ва директорлар кенгашининг ташкил этилишини назорат қиладиган ёхуд барча акцияларининг ярмидан ортиқига эгалик қиладиган компания шўба компания Писобланади.

АҚШда корпорация, агар бошқа корпорация унга бевосита ёки билвосита эгалик қилса, уни назорат қилса ёки 25 % дан ортиқ овозларга эга бўлса, ёхуд кўпчилик директорлар сайланишини назорат қилса, ёхуд уни бошқаришга бевосита ёки билвосита назорат қилувчи таъсир кўрсатади деб эътироф этилса, бошқа корпорациянинг назоратида деб тан олинади.

Польша Республикасининг Қимматбаҳо қозғалар ва Помийлик фондлари тўғрисидаги 1991 йилги қонунида устунлик қилувчи ва тобе субъект кўрсатилган. Бунда устунлик қилувчи субъект деганда,

- бошқа шахснинг органида кўпчилик овозга эга бўлган (жумладан, бошқа шахслар билан шартнома асосида);

- бошқа шахснинг раъбар органи бўлган органнинг кўпчилик аъзоларини тайинлаш ёки чақириб олиш ҳуқуқига эга бўлган;

нисбатан «holding company»/«subsidiary», француз тилида – «societe-mere»/«filiale», немис тилида – «muttengesellschaft» / «Tochtergesellschaft») терминларидан фойдаланилади.

Холдинг асосан ҳуқуқнинг англо-америка тизимига хос бўлиб (ҳолбуки бошқа қонунчилик тизимларида ҳам холдинглар мавжуд), умуман иқтисодий бирлашмаларни ҳам, унинг асосий субъектини ҳам билдиради. Бош субъект бўлган холдинг кўпинча иқтисодий бирлашманинг «молиявий маркази ва «мия»сидир», бунда ушбу субъектнинг ўзи одатда хўжалик фаолияти билан шуғулланмайди.

Субъектлар гуруҳини холдингга ажратиш учун иқтисодий бирлашма қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

- бош субъект бўлган холдинг гуруҳининг бошқа иштирокчилари акцияларига эга бўлиши керак;
- бош субъект бўлган холдингга тегишли акциялар пакети гуруҳнинг бошқа иштирокчиларини назорат қилишга имкон бериши керак;
- холдинг назоратида бўлган гуруҳ иштирокчилари юридик жиҳатдан мустақил шахслар бўлишлари керак.

Ҳозирги замон холдинги ҳақида гап кетганда, одатда холдинг акцияларнинг фаол пакетига эга бўлмаслиги ҳам мумкинлиги, аммо гуруҳ иштирокчиларига ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши лозимлиги, масалан, абсентеизм йўли билан ҳар қандай қарорнинг қабул қилинишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлиши кераклиги ҳақида гапирилади.

Германия Федератив Республикасининг қонун ҳужжатларида, англо-америка тизимидан фарқли равишда, «ўзаро боғлиқ корхоналар (турдош корхоналар)», «концерн» атамаларидан фойдаланилади. Бунда ГФРнинг акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунида, «ўзаро боғлиқ корхоналар» ҳақида гап кетганда, улар ҳуқуқий жиҳатдан

- тобе жамият идораси аъзоларининг ярмидан ортиги айти айни пайтда устунлик қилувчи шахс ёки унга тобе бўлган шахс рақиб органининг аъзоси бўлган шахс устунлик қилувчи субъект деб тушунилади.

Шундай қилиб, устунлик қилувчи шахсни таснифлаш учун нафақат бошқа шахснинг бошқарув органига бевосита таъсир кўрсатиш фактидан, балки устунлик қилувчи субъектга боғлиқ шахслар орқали билвосита таъсир кўрсатиш фактидан ҳам фойдаланилади.

мустақил субъектлар сифатида қаралади.

ГФР доктринасига мувофиқ, тобе корхоналарга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи устунлик қилувчи корхона бўлган тақдирда тобе ва ҳукмрон корхона биргаликда **концерн**ни ташкил қилади.

Концерн мустақил субъектларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг барча концерн аъзоларининг фаолиятига дахлдор қарор қабул қиладиган битта маркази бўлади. Қоида тариқасида қарор қабул қилиш функциясини концерннинг бозорда устун мавқега эга бўлган иштирокчиси бажаради. Концерн одатда устунлик қилувчи субъект ушбу бозорда фаолият кўрсатувчи бошқа субъектларда иштирок этишнинг назорат қилувчи ҳиссасига эга бўлиши оқибатида ташкил топади. Бу эса уни холдингга ўхшаш қилади.

Бундан ташқари, бўйсунуш шартномалари¹ ёки бир корxonанинг бошқасига кириши тўғрисидаги шартномаларнинг томонлари ҳам концерн сифатида эътироф этилади. Ягона раҳбарият бирлаштирган бир-бирларидан мустақил корхоналар ҳам концерн сифатида қаралади. Бунда холдингдан фарқли равишда концерндаги бошқарувчи корхона кўпинча хўжалик фаолиятини амалга оширади.

Россияда транснационал бирлашмаларни ташкил қилишда молиявий-савдо гуруҳи шаклидан ҳам фойдаланиш мумкин. 1995 йил 30 ноябрда қабул қилинган Россия Федерациясининг федерал қонунида молиявий савдо гуруҳи дейилганда, инвестицияга оид ҳамда бошқа лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун технологик ёки иқтисодий жиҳатдан бирлашиш мақсадида молиявий саноат гуруҳи ташкил қилиш ҳақидаги шартнома асосида асосий ва шўъба жамият сифатида амал қилувчи ёхуд ўз мулкани, жумладан, мулкый ҳуқуқларини (иштирок этиш тизими) қисман бирлаштирган юридик шахслар мажмуи тушунилади.

¹ Бошқарув (бўйсунуш) шартномаси бўйича бир шахс (тобе шахс) хўжалик фаолиятига доир масалалар бўйича бошқа шахс (бошқарувчи шахс)нинг бошқарув (бўйсунуш) шартномасида белгиланган ваколатлари доирасида берган топшириқларини бажариш мажбуриятини олади. Бошқарувчи шахс, ўз навбатида, бошқарувчи шахс ваколатларига киритилган ва тобе шахс учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш мажбуриятини олади.

3.3. Давлат

Анъанага кўра давлат оммавий ҳуқуқ субъекти, яъни бошқа субъектларга нисбатан ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект сифатида қаралади. Бироқ, шу билан бирга, давлат хусусий ҳуқуқ субъекти, яъни мулкӣ, бинобарин, савдо муносабатларига киришиши мумкин бўлган шахс сифатида ҳам қаралади. Шу муносабат билан халқаро соҳада ҳам давлат нафақат икки мустақил субъект сифатида бошқа давлатлар билан муносабатларга киришиши, балки бошқа субъектлар билан тенг асосларда савдода иштирок этиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти миллий хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, яъни унинг бутун ҳудудига таъсир этганлиги сабабли, давлат унинг ҳудудидан ташқарида ҳокимият субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас. Бироқ, бунда шаклланган халқаро одатларга кўра, давлат ўз суверенитетини йўқотмайди, бунинг натижасида давлат савдо муносабатларида халқаро савдонинг бошқа субъектлари билан тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун у ўз иммунитетидан воз кечиши зарур, чунки давлатнинг унинг ҳудудидан ташқарида ҳам қисман сақланадиган суверенитети унинг розилигисиз уни бошқа давлатда судга тортиш имконини бермайди. Давлат унга нисбатан ҳам, халқаро савдо муомаласининг бошқа субъектига нисбатан ҳам иммунитетдан воз кечган тақдирда шахснинг субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай чоралар қўлланилиши мумкин. Амалиётда давлатлар иммунитетдан умуман воз кечмайдилар (халқаро оммавий ҳуқуқ принциплари асосида бунинг имкони ҳам йўқ), балки буни муайян битимлар тузиш чоғидагина қиладилар.

Давлат халқаро савдода кўпинча қуйидаги муносабатларнинг иштирокчиси сифатида қатнашади:

– давлат қарзлари, жумладан, давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш орқали (чунки анъанага кўра, давлатлар маблағни нафақат ички манбалар, балки ташқи манбалар ҳисобидан ҳам жалб этадилар, бунинг устига ташқи қарзлар нафақат бошқа давлатлардан, балки хусусий субъектлар, масалан, банклардан ҳам олинади);

– давлатнинг ушбу давлат субъектларининг қарзлари бўйича кафолатлари (давлат ушбу давлатнинг субъектига берилган хусусий қарз бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаган тақдирда);

– инвестиция шартномалари (улар орқали ривожланаётган давлатлар айрим субъектларга махсус имтиёзлар ва афзалликлар бериш орқали ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун қўшимча маблағларни жалб қиладилар);

– товарларни халқаро олиш-сотиш шартномалари (одатда бу ташқи савдо монополияси жорий қилинган ёки ташқи савдо чекланган тақдирда юз беради).

Давлат халқаро савдо бўйича битимларга ўз органлари орқали киришади. Давлат қарзлари ёки кафолатлари масаласида бу ё давлат ҳукумати, ё молия вазирлиги ёки миллий (марказий) банк бўлади. Инвестиция шартномаларини ё ҳукумат, ёки давлатнинг иқтисодий (ташқи иқтисодий) сиёсати учун масъул бўлган вазирлиги (иқтисодиёт вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ҳ.к.) тузади. Товарларни халқаро олиш-сотиш шартномаларига келсак, ушбу ҳолларда давлат одатда давлатнинг бошқа давлатлар ҳудудидаги дипломатик вакили статусига эга бўлмаган махсус ташкил этиладиган бўлинмалар, айнан савдо ваколатхоналари орқали ҳаракат қилади.

3.4. Давлат мулкига асосланган субъектлар

Айрим давлатларнинг қонунларида юридик шахсларнинг давлат мулкига асосланган тадбиркорлик билан шуғулланувчи махсус турлари белгиланган. Масалан, Россия Федерациясининг қонунларида Россия Федерациясининг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилмалари, шунингдек, Россия Федерациясининг ўзи давлат мулкининг бир қисмини ажратиш ва ушбу мулк асосида таъсисчининг тасарруфида ушбу мулкка бўлган мулкдорлик ҳуқуқини сақлаб қолиш ва мулкни корхонага хўжалик юритуви ҳуқуқи билан топшириш асосида юридик шахс мулкини ташкил қилиш орқали таъсис этиладиган **унитар корхоналар** тартибга солинган.

Давлат, хўжалик жамиятлари ва ширкатларидан фарқли ўлароқ, унитар давлат корхоналарининг мулкини тасарруф этиш чегараларини белгилаб қўйиши мумкин. Шу боис бундай субъектлар битим тузганда, уларнинг ҳуқуқий лаёқати доирасини текшириш зарур. Давлат унитар давлат корхонаси мулкининг мулкдори бўлишга ва унинг хўжалик фаолиятини юритишга таъсир кўрсата олишига қарамай, мулкка

хўжалик юритуви ҳуқуқида эгалик қилувчи унитар корхонадаги ушбу таъсир фақат умумий масалалар билан чекланган бўлиб, корхонанинг аниқ хўжалик фаолиятини амалга оширишига аралашмайди, бунинг натижасида давлат унитар корхонанинг мажбуриятлари бўйича кўшимча масъулиятга эга бўлмайди.

Давлат мулкига асосланган субъектлар Франция, ГФР, Англия ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида ҳам назарда тутилган. Ушбу юридик шахслар нафақат хўжалик жиҳатидан, балки молиявий жиҳатдан ҳам давлат билан тўлиқ боғлиқдир, чунки кўпинча уларнинг даромадлари ва харажатлари давлат бюджети орқали ўтади (шу боис улар солиқ тўламайдилар).

3.5. Бизнестраст

Бизнестраст бошқача қилиб Массачусетс трасти деб номланади. Бунинг сабаби шундаки, дастлаб ушбу шаклдан 1910 йилдан 1925 йилгача Массачусетс штатида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда, бенефициарларнинг чекланган масъулиятидан фойдаланиш ва кўчмас мулкни харид қилиш битимларида корпорациялар учун белгиланган чекловларни бартараф этишда фойдаланилган. Бизнестраст фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, яъни фойда олиш ва уни бенефициарлар ўртасида тақсимлаш мақсадида тузиладиган трастдир¹. Бунда бенефициарлар ҳуқуқлари, трастнинг бошқа турларидан фарқли равишда, одатда траст сертификатлари деб номланадиган қимматбаҳо қоғозлар ёрдамида расмийлаштирилади.

АҚШда бизнестраст (ушбу шакл АҚШнинг барча штатларига ҳам хос эмас) корпорацияга бирлашмаган (инкорпорацияланмаган) ассоциация, яъни юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлмаган шахсларнинг

¹ Англо-америка ҳуқуқий ҳужжатларининг кўпчилигида таърифланишича, траст шахслар ўртасида муайян мулк масаласида юзага келадиган ишончли муносабат бўлиб, унга кўра, бир шахс (трасти) умумий ҳуқуқ бўйича мулкка нисбатан адолат ҳуқуқи бўйича мулкдор титулининг сақловчиси бўлмиш бошқа шахс (бенефициар) фойдаси учун худди шу мулк мулкдорининг ҳуқуқий титулини сақловчи (барча учинчи шахслар учун - мулкдор) ҳисобланади.

бирлашмаси сифатида қаралади. Бироқ АҚШнинг айрим штатларида муайян мақсадлар учун бизнестраст корпорация (юримдик шахс) сифатида қаралади. Бундан ташқари, солиққа тортиш мақсадида, шунингдек, банкротлик таомилида бизнестрастларга нисбатан АҚШ федерал қонунларида доимо корпорациялар учун белгиланган қоидалар қўлланилади.

Бизнестраст АҚШда тадбиркорлик бирлашмасини ташкил қилишнинг шартнома (ширкат, шерикчилик) ва юримдик шахс (корпорация) билан бир қаторда турадиган учинчи асосий шакли ҳисобланади. Шу боис у мазкур шахсларга ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Бунда бизнестрастнинг тўлиқ ширкатдан асосий фарқи бенефициарларнинг траст мажбуриятлари бўйича чекланган масъулиятга эгалигидан иборат (яъни бенефициарлар, ширкатдаги шериклардан фарқли равишда, траст мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар).

Бизнестраст ўзининг айрим белгилари (қимматбаҳо қоғозларнинг мавжудлиги, тадбиркорлик даромадини олувчи шахслар масъулиятининг чекланганлиги) бўйича бизнескорпорацияларга ҳам яқин туради. Бироқ ушбу шакллар ўртасида жиддий фарқлар ҳам бор. Хусусан, корпорация ҳар доим рўйхатдан ўтказилиши керак, бизнестрастлар масаласида эса АҚШнинг айрим штатларидагина шундай талаблар қўйилган.

Корпорация юримдик шахс бўлганлиги учун тузилган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга битимни тузган бошқарувчи эмас, корпорациянинг ўзи эга бўлади. Бизнестрастда эса тузилган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга корхона (бизнестраст) эмас, балки трасти эга бўлади.

Бироқ ҳуқуқий табиати нуқтаи назаридан бизнестраст ва корпорация кўп белгилари бўйича бир-биридан фарқ қилишларига қарамай, амалда улар ташқи аломатлари бўйича ўхшаш кўринади, чунки бизнестраст одатда ташқаридан қараганда акционерлар йиғилишига ўхшаш бўлган ўз органларини туза оладиган кўп сонли бенефициарларга эга бўлади. Йирик бизнестрастларда трасти томонида ташқаридан қараганда корпорацияларнинг директорлар кенгашига ўхшаш бўлган ўз бошқарув органини тузадиган шахслар одатда кўпчилик бўлади.

Текшириш учун саволлар

1. Халқаро савдо ҳуқуқи объектлари деганда нималар тушунилади?
2. Халқаро савдо ҳуқуқи объектларига нималар киради? Уларга таъриф беринг.
3. Халқаро савдо ҳуқуқининг субъектлари деганда кимлар назарда тутилади?
4. Халқаро савдо ҳуқуқи субъектларига таъриф беринг.
5. Халқаро савдо ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқий ва муомала лаёқатлари, ушбу лаёқатларнинг вужудга келиши, мазмуни ҳақида нималарни биласиз?
6. Резидентлар ва норезидентлар кимлар?
7. Савдо реестри нима ва унинг юритилиши нима учун зарур?
8. Чет эл юридик шахси ҳақида нималарни биласиз?

III боб. ХАЛҚАРО САВДО БИТИМЛАРИ

Халқаро савдо-сотик муносабатларининг ривожланишида ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг самарали тартибга солинишида халқаро савдо битимларига тўғри таъриф берилиши алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро савдо амалиётида ушбу тушунчанинг таърифланишида маълум яқдиллик шаклланган бўлса-да, аммо муайян ўзига хос қарашлар ҳам йўқ эмас. Умуман олганда, *халқаро савдо битими* деганда, камида икки давлатга мансуб бўлган юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар туфайли ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар назарда тутилади. Биргина давлатга алоқадор ҳолда (бир давлат ичида, қонунчилиги доирасида) тузиладиган битимлар, ҳатто улар турли давлатларга мансуб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузилган тақдирда ҳам, халқаро эмас, балки миллий битимлар сифатида эътироф этилади.

Халқаро савдо битимларининг ҳуқуқий режими кўпгина сабабларга кўра миллий режимга бўйсунувчи битимлардан фарқ қилади. Амалда барча давлатларда халқаро битимларга бошқа давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши мумкин. Бунинг учун коллизия нормалари билан белгиланган алоқадорлик мавжуд бўлиши, бошқа давлат ҳуқуқидан фойдаланиш *fori* давлатнинг ҳуқуқий тартиботига зид келмаслиги талаб этилади. Халқаро савдо битимининг томонлари битимда қўлланиладиган ҳуқуқни одатда ўзлари танлайдилар («контракт қонунини» танлаш мумкинлиги қоидаси). Бунда фақат аниқ бир давлат ҳуқуқига бўйсунуш зарур бўлган битимлар бўлишига йўл қўйилади, яъни баъзи давлатлар ҳуқуқи фақат айрим битимларга нисбатангина ҳуқуқ тизимининг танланишига йўл қўяди. Баъзи битимларда эса (айтайлик, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар) ҳуқуқни танлаш батамом истисно этилади, бундай битимларга кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат қонунчилиги қўлланилади, аксинча, битимларнинг бошқа турлари ҳар қандай давлат қонунчилигига бўйсунуши мумкин.

Миллий ва халқаро битимларнинг ҳуқуқий режими ўртасидаги фарқ фақатгина коллизиявий нормалари ҳамда юрисдикция масалалари билангина чекланмайди. Бу фарқлар, бир томондан, унификациялаш

моддий ҳуқуқининг ривожланиши (асосан халқаро хусусиятга эга муносабатларнинг тартибга солиниши); иккинчи томондан эса, миллий ҳуқуқ тизимлари доирасида бундай муносабатларни тартибга солувчи махсус нормаларнинг яратилиши билан ҳам боғлиқ.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда унификациялаш ҳуқуқи ҳужжатларида ҳамда миллий қонунчилик нормаларида халқаро савдо битими тушунчаси қандай ёритилишини кузатмоқ лозим.

Халқаро олди-сотди муносабатларига нисбатан ана шундай нормалар энг кўп учрайди. Моддий кўчар ашёларнинг олди-сотдиси ҳақидаги 1964 йилги Гаага унификациялаш қонунида ҳамда бундай олди-сотдилар бўйича шартномалар тузиш тўғрисидаги ягоналик қонунида назарда тутилишича, ушбу қонунлар турли давлатларда жойлашган корхоналарга эга бўлган томонлар ўртасида тузиладиган шартномаларга, башарти улар қуйидаги предмет мезонларга жавоб берса, қўлланилади:

– агарда шартнома тузиш пайтида бир давлат ҳудудидан бошқа давлат ҳудудига маҳсулотлар ташилган ёки ташилаётган бўлса;

– оферта ёки акцептдан иборат хатти-ҳаракат турли давлатлар ҳудудида амалга оширилган бўлса;

– ашё оферта ёки акцепт ҳисобланувчи ҳаракат содир этилган давлатдан бошқа давлат ҳудудида топширилса.

Ушбу ҳужжатларда шу билан бирга тарафлар корхонага эга бўлмаса, одатда жойлашган ери аниқланиши агар шартнома хат жўнатиш орқали тузилган бўлса, оферта ва акцепт бир давлат ҳудудида амалга ошган деб ҳисобланиши учун оферта ва акцепт ҳисобланувчи ёзишмалар айна бир давлат ҳудудидан жўнатилган ва шу давлатнинг ўзида қабул қилинган бўлиши лозимлиги назарда тутилган. Кейинги қоида унификациялаш қонунини қўллашга турлича ёндашувнинг олдини олиш, турли давлатларда тарафлар эркининг намоён бўлишини белгиловчи турли концепциялар билан боғлиқ англашилмовчиликларни бартараф этиш мақсадида киритилган.

Гаага унификациялаш қонуни олди-сотдининг халқаро табиатини белгилашга қаратилган бир неча мезонларни жорий этди. Бунда асосий мезон ҳисобланган субъект(яъни томонлар турли давлатларда корхоналарга ёки одатдаги жойлашган ерига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаб) ҳам предмет мезонлари билан боғлиқ бўлади.

Айтиш жоизки, унификацияланган қонун матнининг ўзида субъектга оид асослар турли давлатларга мансубликнинг кўрсатилишини талаб қилмайди, ушбу қонунлар матнини ўз ичига олувчи конвенцияларнинг ўзида мазкур конвенцияларни ратификация қилиш ёки уларга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатда олди-сотди шартномаси тарафлари турли давлатда корхоналарга эга бўлган ёки лоақал турли давлатларнинг ҳудудида одатдаги жойлашган ерига эга бўлганларидагина, ушбу унификацияланган қонундан фойдаланиш ҳақида изоҳ бериб қўйиш мумкин.

1964 йилги Гаага унификациялаш қонуни билан белгиланган қоидалар назария ва амалиётда битим мавзусига нисбатан қўшимча мезонлар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан муайян шубҳалар юзага келишига сабаб бўлди. Шу боис ЮНСИТРАЛ доирасида ишлаб чиқилган кейинги икки конвенцияда фақат битта мезондан – субъект мезонидангина фойдаланилди.

Ҳар иккала конвенция, яъни 1974 йилги Халқаро олди-сотди шартномалари юзасидан даъво муддати тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси (1980 йилги Вена протоколи таҳририда) ҳамда 1980 йилги Товарлар халқаро олиш-сотиш шартномалари юзасидан даъво муддатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси турли давлатлар ўз савдо ўрнига (Place of Business) эга бўлсалар ва бу давлатлар конвенция аъзоси ҳисоблансалар ёки халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига кўра – конвенция аъзоси бўлган давлат қонуни қўлланиладиган бўлсагина татбиқ этилади. Тарафлар турли давлатларда савдо жойига эга эканлиги, башарти бу ҳолат шартномага асосланмаган бўлса ёхуд илгари тузилган битимдан келиб чиқмаса ёки шартнома тузишдан аввал берилган бошқа ахборотга асосланмаган бўлса, эътиборга олинмайди.

Вена конвенциясининг сўнгги қоидаси ёрдамида тарафлардан бири учун кутилмаган тарзда, башарти бу тараф ўз шартномавий ҳамкори бўлган иккинчи тараф турли давлатда савдо жойига эга эканлигидан беҳабарлиги оқибатида конвенциядан фойдаланишнинг олдини олишга ҳаракат қилди.

Сўнгра, Вена конвенциясига кўра, томонлар турли давлатларда биттадан ортиқ савдо жойига эга бўлсалар, ушбу шартнома ва унинг бажарилиши билан энг кўп алоқадор бўлган жой эътиборга олинади. Бунда шартнома тузишдан аввал ёки шартнома тузиш пайтида маълум

бўлган савдо жойи, агар тарафлар савдо жойига эга бўлмасалар, уларнинг одатдаги жойлашган жойи ҳисобланади.

Муайян давлатнинг моддий ҳуқуқида назарда тутилган махсус тартибга солишдан халқаро битимга нисбатан фақат мазкур битимга ушбу давлат ҳуқуқи қўлланилиши лозим бўлган ҳолдагина фойдаланилади.

Шу билан бирга, баъзи давлатларда халқаро савдо битимларига оид муайян қоидалар ушбу битимлар хорижий қонунчилик билан тартибга солинган ҳолларда ҳам татбиқ этилиши инобатга олинмоғи лозим. Масалан, Франция суд амалиётига кўра, халқаро битим шартларига киритилган шартнома нормаларини, улар олтин ва валютага оид бўлса, уларга қўлланиладиган ҳуқуқ буни тақиқлаши ёки йўл қўйишидан қатъи назар, умумий қоидага кўра тан олинади.

Халқаро савдо битимларини тузиш тартиби миллий қонунчилик нормаларида белгилаб қўйилган қоидаларга асосланади ва турли миллий ҳуқуқий тизимларни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутади. Ҳар қандай битим оферта тақдим этиш ва уни акцептлаш ёхуд тарафлар ўртасида батафсил музокаралар олиб бориш йўли билан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида битимлар тузиш пайтида оферта тақдим этиш, уни кўриб чиқиш ва акцептлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367–375-моддаларида ёритиб берилган.

Академик Ҳ. Р. Раҳмонқуловнинг ёзишича, «таклифни (офертани) акцептлаш учун олган шахснинг (акцептантнинг) шартномага тегишли маълум ҳаракатларни бажариши шартномани тузишга берган розилиги деб ҳисобланади»¹.

Халқаро савдо битимларини биржалар, аукцион (ким ошди савдоси), халқаро ярмаркалар ва тендер (танлов) йўли билан тузиш ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, уларни батафсилроқ кўриб ўтаемиз.

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т., 1997. 495-б.

1-§. БИРЖАЛАРДА БИТИМЛАР ТУЗИЛИШИ

Одатда биржа функциясини юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланувчи ва ўзи жойлашган давлат назорати остида ҳаракат қилувчи савдо ташкилотларининг бирлашмалари бажаради. Товар биржаларидаги битим мавзуларини турли-туман оммавий товарлар (масалан, нефть, пахта, хом ипак, дон, қанд, ёғ, кофе, какао, табиий каучук, темир, рангли металллар, кўмир ва бошқалар) ташкил қилади. Биржа уставига кўра, унда битимлар тузишга биржа харажатларини тўловчи биржа аъзолари ёки биржа устави ва регламентига тўла амал қилиш мажбуриятини олувчи (муайян ҳақ тўлаш шарти билан) ҳар қандай шахслар қўйилиши мумкин.

Биржада битимлар тузиш техникаси жуда такомилга етказилган бўлиб, амалда катта туркумдаги товарларни бир жойдан бошқа жойга ташимаган ҳолда зудлик билан сотиш ёки сотиб олиш имконини беради. Кўпинча биржа битимларининг предмети ҳали ишлаб чиқарилмаган товарлар ҳисобланади. Бунда битимлар оғзаки, баъзан эса битим тузиш истагини конклюдент ҳаракатлар, «имо-ишоралар орқали» баён этиш ва шундан сўнг дарҳол қисқа ёзувлар билан тасдиқлаш орқали тузилади.

Биржа битимларини биржа мажлисига тўпланадиган, ўз мижозлари топшириғини олган ва уларнинг таклифларини илгари сурадиган маклерлар тузадилар. Ихчамлаштириш мақсадида нархлар имо-ишоралар билан, кафтни муайян тарзда буриш, бир ёки бир неча бармоқни очиш йўли билан қандай баҳоларда сотиб олмоқчи ёки сотмоқчи эканлиги, товар туркумларининг сони маълум қилинади. Сотиб олиш ва сотиш бўйича таклифлар ўзаро жуда яқинлашган пайтда маклерлар товар баҳоси ва миқдори ёзилган карточкаларни ўзаро айир-бошлайдилар, шартноманинг бошқа барча шартлари мувофиқлаштирилган (унификацияланган) бўлади. Биржа битимлари тузиш пайтида битим тузишнинг юксак даражада унификацияланган ва етарлича аниқ ишлаб чиқилган умумий шартларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси биржаларида ҳам (товар, хомашё, кўчмас мулк, фонд ва бошқа биржалар) халқаро савдо битимларини тузиш амалиёти аста-секин шаклланиб бормоқда. Ўзбекистон биржаларида савдо битимларини тузишда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунлари (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси,

«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»¹ янги таҳрирдаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари) доирасида ҳамда халқаро-ҳуқуқий нормаларга амал қилинган ҳолда фаолият юритилади.

2-§. АУКЦИОН

Аукционлар (ким ошди савдолари) махсус ташкил этилган юридик шахслар бўлиб, хусусий капитал ёки савдо бирлашмалари ҳамда биржаларнинг улушлари асосида ташкил этилади. У қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлат назоратида фаолият юритади. Аукцион сотиладиган барча товарлар аукцион корхонасининг дўконида сақланиши билан биржалардан фарқ қилади, яъни эҳтимол тутилган харидор сотиш учун мўлжалланган товарнинг сифати ва аҳволи билан бевосита танишиш имконига эга бўлади.

Умумий қоидага кўра, аукцион савдосининг предметини бир хил тусга эгаллиги туфайли сифатини текшириш талаб этилмайдиган товарлар ташкил қилади. Типик аукцион товарларига ёғоч, тамаки, чой, мева-чевалар, тирик ва музлатилган балиқ, мўйна, олмослар кабилар киритилади. Баъзи товарлар (масалан, хом тери) биржа савдосининг ҳам, аукцион савдосининг ҳам предмети бўлиши мумкин.

Аукционда савдо-сотик одатда ошкора савдолар шаклида, турли усулларда, жумладан *in plus* ёки *in minus* шаклида амалга оширилади ёхуд битим тузишнинг бошқа умумий шартлари билан чеклаб қўйилмайди, яъни контрактнинг мазмуни унинг томонлари хоҳишига кўра эркин белгиланиши, шу жумладан, томонлардан бири таклиф қилган намунавий контракт асосида белгиланиши мумкин. Аммо кўпинча бундай битимлар ярмарка тамом бўлганидан кейин тузилади ва экспортчиларга намоиш қилиш учун қўйилган товарлар учун оферталар йиғиш билан чекланади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунларида (Фуқаролик кодексининг 379–381-моддалари) аукционни ўтказишнинг умумий қоидалари белгилаб қўйилган.

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги 2001 йил сентябрь қонуни (янги таҳрирда) // Халқ

3-§. ТЕНДЕР

Халқаро тендер (танлов)ларни одатда муайян товарларнинг катта партиясини сотиб олиш, катта ҳажмдаги пудрат ишларини бажариш (масалан, саноат объектлари мажмуини, йўллар, портлар ва бошқаларни куриш)дан манфаатдор бўлган давлат органлари, коммунал тузилмалар, йирик корхоналар, шунингдек, хусусий капиталга асосланган ташкилотлар ёки йирик давлат лойиҳаларининг ижрочилари ўтказдилар.

Тендерни унинг ташкилотчиси ўзаро қиёслаш мумкин бўлган муайян миқдордаги оферталарни таҳлил қилиш асосида амалга оширади. Ушбу оферталар тендер ташкилотчиси илгари сурадиган шартлар асосида баҳоланади. Тендер шартларига мувофиқ келмайдиган таклифлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, савдо иштирокчилари (оферентлар) ўзларининг намунавий контрактларидан ушбу ҳолда фойдалана олмайдилар ва тендер ташкилотчиларининг шартларига мослашишлари зарур бўлади.

Тендер очик (бунда ҳар қандай манфаатдор шахс иштирок этиши мумкин) ёки ёпиқ (бунда муайян миқдордаги танланган шахсларгина қатнашиши мумкин) бўлади.

Очик халқаро тендер ўтказилиши тўғрисидаги хабарлар нафақат миллий оммавий ахборот воситаларида, балки оферта олиниши эҳтимол тутилаётган давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилинади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан олганда, тендер ўтказиш ҳақидаги эълон муайян ёки номуайян доирадаги шахсларга оферта юбориш, айрим ҳолларда эса ташкилотчи танлаган оферент билан музокаралар юритиш учун қилинган таклиф сифатида қаралиши лозим.

Тендер қатнашчилари топшираётган оферта улар учун мажбурият туғдирадиган бўлиши, яъни офертани тендер ташкилотчиси акцептлаган (тендерда оферта ғолиб чиққан) тақдирда шартнома тузилишини реал назарда тутиш лозим. Акцептнинг бундай имконияти тендер ташкил этган томон кўрсатган муддат ўтгунига қадар сақланиб туриши лозим.

сўзи. 2001. 29 сент.

Шу билан бирга, одатда офертани тендер бошланадиган санагача қайтариб олишга йўл қўйилади.

Тендер ташкилотчиси одатда офертани очиш муддатини, шунингдек, ўзи учун маъқул келадиган офертани танлаб олиш муддатини белгилайди. Танлаш пайтида у ҳеч бир қоида билан боғланмаган бўлади ва одатда сабабини кўрсатмаган ҳолда тендерни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Офертаси қабул қилинмаган тендер аъзолари офертани тайёрлаш учун сарфланган харажатларнинг қопланишини тендер ташкилотчиларидан талаб қилишга ҳақли бўлмайдилар.

Кўпинча тендер шартларига кўра, оферент шартномани бажариш имконияти ҳақида далил тақдим этиши лозим бўлади. Масалан, миллий савдо-саноат палатаси ёки давлат савдо ваколатхонасининг тавсияси, шунингдек, тендерни таъминлаш учун оферентнинг гаров тариқасида муайян суммадаги пулни банк аваллаган векселни ёки банк кафолатини тақдим этиши кабилар бундай далил сифатида қабул қилиниши мумкин. Оферта рад этилган ёки тендер бекор қилинган тақдирда ушбу кафолат таъминоти (пул, вексель, кафолат) оферентга қайтариб берилади. Шу билан бирга, оферта қабул қилинган (яъни, таклиф тендерда ютиб чиққан) тақдирда оферта эгаси бўлган шахс шартномани бажаришдан бўйин товласа, тендерни таъминлаш учун қабул қилинган гаров суммалари тендер ташкилотчилари фойдасига олиниши мумкин. Айрим ҳолларда оферентлар ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари учун тендерда ютиб чиққан шахслардан тендер таъминоти учун олинадиган гаров суммаси оширилиши мумкин.

Тендер орқали битимлар тузишга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 55-бобида (976–980-моддаларда) назарда тутилган оммавий танловга оид қоидалар қўлланилади.

4-§. САВДО МУЗОКАРАЛАРИ ЙЎЛИ БИЛАН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ

Халқаро шартномаларнинг оферта ва акцептлаш асосида тузилиши олди-сотдига оид халқаро шартномаларни тузишнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Шу билан бирга, халқаро савдо муомаласидаги янгича шакллар ҳисобланувчи ёки иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан анча мураккаб бўлган шартномалар кўпинча узоқ давом этадиган ва толиқтирувчи музокаралар йўли билан тузилади. Мисол тариқасида

ноу-хауни топшириш, лицензия битимлари тузиш, саноат мажмуаларини қуриш, лизинг шартномаси тузиш, саноат кооперациялари ҳақидаги келишувларга эришиш, қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан тузиладиган шартномаларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, типик бўлган товарлар, масалан, мураккаб машина ва механизмларни сотиш шартномалари ҳам одатда музокара юритиш орқали тузилади.

Савдо музокаралари томонларнинг бир-бирларига таклифлар тақдим этиши, қарши таклифлар билдириши, муайян шартларни илгари суриши, муҳокама қилинаётган шартнома шартлари бўйича ён беришларни таклиф этиши каби ўзаро ҳаракатларга асосланади. Музокаралар хат ва ёзишмалар воситасида, томонларнинг шахсан ёки ўз вакиллари орқали учрашишлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Бевосита мулоқот орқали олиб бориладиган музокараларда томонлар билан бирга экспертлар (ҳуқуқий, техник, молиявий ва бошқа) ҳамда таржимонлар қатнашишлари мумкин.

Қатъий қарор қабул қилиш ҳуқуқи томонларга тегишли бўлади.

Шартноманинг асосий шарти унинг предмети бўлиб ҳисобланади ва бу шарт тарафлар ўртасида биринчи навбатда келишиб олинади. Предмети ҳақида келишиб олганларидан сўнг тарафлар бошқа шартлар, хусусан товар (хизмат) баҳоси, ҳисоб-китоб қилиш усули, мажбуриятни бажариш жойи, шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш усуллари, қўлланиладиган ҳуқуқ ва бошқалар тўғрисида келишиб оладилар.

Музокаралар бошланишидан аввал ёки музокаралар давомида ниятлар ҳақидаги хатлар (ингл. *letter of intent*, франц. *lettres d'intentions*) орқали бир ёки бир неча марта ўз мақсад ва истакларини белгилаб олишлари мумкин.

Турли ҳуқуқий тизимларда ниятлар ҳақидаги хатлар мажбурий кучи ҳамда ҳуқуқий оқибатларига кўра баҳоланади. Айрим ҳолларда ниятлар ҳақидаги бундай хатлар белгиланган шартларга тўғри келса, дастлабки шартнома (франц. *avant-contact*, нем. *Ververtrag*) тузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Савдо-сотик юзасидан музокараларга киришиш томонларни шартнома тузишга мажбур эта олмайди, яъни томонларнинг ҳар бири ўз

олдига қўйган мақсаднинг рўёбга чиқишига кўзи етмаса, музокараларни тугатиши мумкин. Шу билан бирга, музокаралар давомида томонлар ўзларининг яхши ниятларини намойиш этишлари, ўзларини шароитга мос равишда тутишлари, ҳалолликларини намойиш этишлари, музокара махфийлигига қатъий амал қилишлари лозим. Шартнома тузиш нияти бўлмагани ҳолда (масалан, рақобатчилар билан шартнома тузилишини барбод қилиш мақсадида) музокараларни қасддан чўзишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳаракатга йўл қўйган, ўз ҳамкорининг ишончини суиистеъмол қилган шахс шартнома тузиш пайтида айбли ҳаракат содир этган ҳисобланади (*culpa in contrahendo*). Бундан жабр кўрган томон кўрилган зарарнинг қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Аммо бундай зарарни қоплаш асослари (шартномали ёки деликт) ва ҳажми (шартноманинг салбий оқибатлари доирасида зарарни тўла қоплаш – *domnum emergens la lucrum cessans* – зарарни шартнома салбий манфаатлари доирасида) турли ҳуқуқий тизимларда турлича баҳоланади. Шундай қилиб, тараф тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигини билган, уни бажариб бўлмаглигини олдиндан тушунган ва алдов йўли билан бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилмаган ҳолат шу тарих баҳоланади.

Музокаралар олиб бориш пайтида шартнома шартлари аста-секин келишилиши билан боғлиқ равишда қайси пайт шартнома тузилган вақт бўлиб ҳисобланади, деган савол туғилади. Ушбу муаммо турли ҳуқуқ тизимларида турлича баҳоланади.

Айрим давлатлар қонунчилигига мувофиқ, шартноманинг барча муҳим шартлари ҳақида ўзаро келишувга эришиш етарли ҳисобланади (масалан, олди-сотди шартномасида бу шартлар шартнома предмети ва баҳосидан иборат). Ушбу шартлар бўйича келишувга эришилгач, шартнома тузилган ҳисобланади. Бошқа шартлар эса ҳуқуқ нормалари, одатлар ва бошқа норматив бўлмаган манбалардан келиб чиқади. Бошқа ҳуқуқий тизимларда томонлар шартнома тузиш ҳақида музокара юритаётган томонлар музокара предметиға оид барча шартлар тўғрисида келишиб олган пайтдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади.

Булардан ташқари, оралиқ концепциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларда айримлар биринчи ёндашувни, бошқалари эса иккинчи ёндашувни баъзи бир истиснолар билан тўлдирган ҳолда асос қилиб оладилар.

Иккинчи ёндашувда нафақат асосий шартлар тўғрисида, балки иккинчи даражали шартлар тўғрисида ҳам келишиб олиш талаб этилади.

Жумладан, Швейцария қонунчилигига кўра, агар шартномада тарафлар шартноманинг барча асосий шартлари юзасидан келишувга эришганлари ҳолда, келгусида бир тўхтамга келолмасалар, шартнома тузилмаган ҳисобланади, деб кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган деб ҳисобланади. Шартноманинг бошқа (асосий бўлмаган) шартларини эса, низо чиққан-чиқмаганидан қатъи назар, суд-ҳуқуқ нормалари, одат қоидалари ва иш ҳолатларига кўра қабул қилади.

ГФР, Франция, Бельгия ва Италия қонунларига мувофиқ, аниқ ҳолатдан бошқача хулоса чиқмаса, томонлар шартноманинг барча муҳокама этилаётган шартлари юзасидан келишиб олишлари лозим. Иккинчи даражали (муҳим бўлмаган) шартлар ҳақида келишилмаган бўлса ҳам, томонлар ўртасида шартномавий мажбуриятлар юзага келавериши белгиланиши мумкин. Бундай иккинчи даражали шартлар Швейцария қонунчилигида ҳам айни шу тарзда белгиланади.

Турли ҳуқуқий тизимларда музокаралар пайтида тузиладиган шартномага оид масалалар турлича тартибга солиниши туфайли тарафлар савдо музокараларини олиб бориш пайтида эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишлари лозим. Шу муносабат билан шартномада унинг барча бандлари (шу жумладан иккинчи даражали шартлари) юзасидан бир битимга келинишидан энг кўп манфаатдор бўлган томон шартноманинг барча шартлари ҳақида (иккинчи даражали шартлар ҳақида ҳам) келишувга эришилганидан кейин шартнома тузилган бўлиб ҳисобланишини махсус кўрсатиб қўйиши зарур. Энг яхшиси, шартномада унинг барча шартлари ҳақида келишилиб, охириги матнида ушбу шартнома ҳар икки томон имзолаганларидан кейин кучга кириши махсус кўрсатиб қўйилиши керак.

Халқаро савдо шартномасида кўп ҳолларда уни кучга киритиш учун давлат органининг розилиги бўлиши, экспорт ёки импорт лицензияси олиниши, хорижий субъектлар фойдасига тўловлар тўлаш билан боғлиқ бўлган валюта операцияларини амалга ошириш учун рухсатнома олиш ҳақидаги қоидаларни назарда тутати. Шу муносабат билан ушбу рухсатномаларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш муаммоси юзага келади. Тузилган шартноманинг бажарилиши учун давлат органларининг рухсат бериши талаб этиладиган бўлса, бундай шартнома шартли

кечиктирилган ҳолда тузилган шартнома деб баҳоланади (яъни давлат рухсат берса, кучга киради, акс ҳолда тузилмаган ҳисобланади). Аммо тузилган контракт чексиз муддат давомида шартли хусусиятга эга бўла олмайди, чунки мазкур шарт юз беришини узоқ вақт кутиш тарафлар манфаатларига мувофиқ келмаслиги мумкин. Шу сабабли, кўпинча контрактда томонлардан қайси бири ва қанча муддат давомида масалан, экспорт лицензияси олиш масаласини ҳал этиши лозимлиги белгилаб қўйилади. Шундай рухсатномани олиш мажбурияти юклатилган тараф ўз мажбуриятини ғайрат билан бажариши, иккинчи тарафни шундай рухсатнома олинган-олинмаганлигидан хабардор қилиши керак бўлади.

Башарти шартномадан бошқача хулоса келиб чиқмаса, давлат органларидан рухсат олиш мажбурияти рухсат олиниши лозим бўлган давлат ҳудудидаги тарафнинг зиммасига юкланади, учинчи давлатлардан рухсатнома олиш мажбурияти ушбу мажбуриятни бажариши талаб қилинадиган томонга юклатилади.

Берилган лицензиянинг бекор қилиниши ёки ваколатли давлат органининг шартнома ижросини тақиқлаб қўйиши (масалан, муайян товарлар экспорти ёки импортнинг тақиқланиши) шартноманинг ҳақиқий ҳисобланишига таъсир этмайди, аммо қарздор томонни мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин (*fait du prince*).

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги бўйича ташқи савдо контрактларининг ваколатли давлат органларида рўйхатга олиниши¹, муайян савдо-иқтисодий битимлар юзасидан белгиланган тартибда лицензиялар олиниши лозимлиги назарда тутилган².

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 декабрда 988-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари тузадиган экспорт-импорт контрактларини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиш тўғрисида»ги низом; 989-сонли «Бартерга оид контрактларни рўйхатга олиш ҳақида»ги низом ва бошқалар.

² Қаралсин: Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонуни; Ўзбекистон Республикаси Ва-

5-§. БИТИМ ШАКЛЛАРИ

Жаҳоннинг кўплаб ҳуқуқий тизимларида миллий қонунларда махсус кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари вазиятда тарафларга шартнома шаклини эркин танлаш ҳуқуқи берилган. Шу билан боғлиқ равишда қўлланиладиган ҳуқуқда шартнома шаклига амал қилмасликдан бошқача оқибат юз бериши назарда тутилмаган бўлса, шартнома шакли шартнома ҳақиқийлиги хусусида низо қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Шартнома тузишда муайян (асосан ёзма) шаклга риоя қилиш унга амал қилмаганлик учун муайян санкциялар қўлланилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда шаклга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлиши (*ad solemnitatem ad validitatem*), шартноманинг далилий кучига таъсир қилиши (*ad probationem*), муайян ҳуқуқий ҳаракатнинг оқибатига таъсир этиши (*ad eventum*) мумкинлиги ушбу санкциянинг кўринишларидандир. Шартнома тузиш шаклини танлаш эркинлиги, хусусан, савдо муомаласига, шу жумладан халқаро савдо муомалаларига ҳам тааллуқлидир. Асосан, Франция Фуқаролик кодексида мажбурият суммаси муайян миқдордан кўп бўлганида шартноманинг ёзма шаклда бўлиши шарт эканлигини *ad probationem* шarti асосида белгиланар экан, ушбу қоида савдо битимларига нисбатан татбиқ этилмаслиги назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддасида битимлар шакли билан боғлиқ равишда юзага келадиган коллизиявий масалаларга оид қоидалар назарда тутилган. Унда айтилишича, битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди.

Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма

зирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги (2000 йил 14 сентябрь таҳририда) «Лицензиялаш тартиби ҳақида»ги низоми.

шаклда тузилади.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли ушбу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулк эса Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига бўйсунди.

Битимларнинг шакли, уларни оғзаки тузишга йўл қўйиладиган chegarалар, ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган битимлар ва уларнинг шаклига амал қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105–112-моддаларида баён этилган.

Халқаро битимлар шаклига нисбатан либераллашув (эркинлаштириш) шартномага қўлланиладиган ҳуқуқ ёки битим тузиш жойи ҳуқуқи билан белгиланган шаклга риоя этилишини назарда тутувчи коллизия нормалар мавжудлиги билан боғлиқ равишда кенгайиб бормокда.

6-§. ХАЛҚАРО САВДО-СОТИҚ ШАРТНОМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ

Халқаро савдо шартномаси ҳам бошқа шартномалар сингари шарҳлашни тақозо этади. Унда фойдаланилган атамалар ва жумлалар, агар улар тушунарсиз бўлса ёхуд уларни бевосита ижро қилиш пайтида у ёки бу қоидаларнинг маъноси ҳақида шубҳа туғилса, уларни шарҳлаш – талқин этиш, «мағзини чақиш» зарурати туғилиши мумкин. Ҳар қандай шартнома камида икки шахснинг ихтиёри ва уни тарафлар имзолаган ягона матнда ифодалаш оқибатида юзага келади. Бунда ҳар икки томоннинг хоҳиш-истаги ҳар доим ҳам мос келвермайди, чунки шартнома матнида шартнома иштирокчиларининг ҳақиқий истаги тўлиқ ифодаланмаган бўлиши мумкин.

Шартномани талқин этиш одатда шахс эркини шарҳлашнинг хусусий кўриниши сифатида тушунилади. Аммо халқаро савдо шартномаларини шарҳлаш миллий хусусиятга эга бўлган фуқаровий-ҳуқуқий битимларни шарҳлашга қараганда анча мураккаб иш ҳисобланади. Бу нарса шартноманинг ҳар икки томони ўз ҳуқуқий ва иқтисодий тизимида тарбиялангани ва шу сабабли айни битта тушунчани улар турлича талқин этишлари мумкинлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, шартнома тарафлардан лоақал биттаси учун хорижий бўлган тилда ифодаланиши, унинг тили шартнома

тартибга солинадиган ҳуқуқ тилидан фарқланиши мумкин.

Бу тил ҳатто шартномани шарҳлаётган шахслар (судьялар, ҳакамлар) учун ҳам хорижий тил бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, халқаро соҳада халқаро савдо шартномаларини шарҳлашга хизмат қилувчи, унга оид қоидаларни белгиловчи умумий тарзда қўлланиладиган ҳужжат йўқ. Бироқ бундай ҳужжатни яратишга уринишлар бўлган (масалан) УНИДРУА (12-ҳужжат, UNIDROIT 1977). Шу билан бирга, «халқаро қонунчилик» ҳужжатларида битимларнинг айрим турларини шарҳловчи нормаларни ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 363-моддасида шартноманинг шарҳланиши юзасидан қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган: «Суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади».

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

Шартномани шарҳлашга оид қоидалар ўзаро тузилган шартномада ҳам назарда тутиб қўйилиши мумкин ва бу ҳол келгусида низолар юз беришининг олдини олади.

7-§. ХАЛҚАРО САВДО БИТИМЛАРИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

Шартномада белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари, яъни мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатлари мажбурият ҳуқуқининг энг кенг қатламли қисмларидан ҳисобланади.

Ушбу муносабатларни турли ҳуқуқ тизимларида тартибга солиш кўп ёки оз даражада жавобгарлик юзасидан умумий қоидаларни ва аниқ

нормаларни, шунингдек, прецедент хусусиятига эга бўлган янада аниқроқ суд қарорларини назарда тутди. Жавобгарликнинг асосий институтларидан ҳисобланувчи «айб», «сабабий боғланиш» каби тушунчалар узоқ вақтдан буён доктринал низоларнинг мавзуи ҳисобланиб келади. Шу сабабли уларга оид муносабатларнинг турли ҳуқуқий тизимларда тартибга солиниши бир-биридан жиддий равишда фарқ қилади. Бундан ташқари, турли давлатларнинг ҳуқуқ тизимларида жавобгарлик нормалари мажбуриятлар ҳақидаги бошқа нормалар билан биргаликда белгиланади ва шу туфайли ушбу давлат ички муомаласи эҳтиёжларини энг аввало ҳимоя қилади, бунда «оммавий» манфаатларни муҳофаза қилишни хўжалик муомаласини ҳимоя қилишдан устун қўяди.

Халқаро савдо битимининг тарафлари қўлланилаётган ҳуқуқнинг диспозитив нормаларидан қочишга ҳаракат қиладилар ва жуда кўп ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни бевосита шартномага киритадилар.

Бундай амалиёт қуйидаги афзалликларга эга:

– қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш имкони бўлмаса ёки бундай танлаш ҳақиқий ҳисобланмайдиган ҳолларда ёхуд шартномани бажариш билан боғлиқ ноаниқликлар мавжуд бўлганда ҳуқуқий мавҳумликни бартараф этиш имконини беради;

– аниқ, муайян ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида сўз кетганда жавобгарликка оид нормаларни кераксиз умумлаштиришларга йўл қўймаган ҳолда соддалаштириш имконини беради;

– халқаро муомалада қатнашаётган субъектларнинг турли ҳуқуқий тизимларга бўйсунувчи шартномаларга нисбатан жавобгарлик масалаларида ўз шартномавий амалиётини белгилашига имкон беради;

– жавобгарликнинг умумий нормаларини халқаро муомаланинг умумий эҳтиёжларига ва айнан ушбу аниқ соҳа эҳтиёжларига мослаштириш имконини беради. Масалан, ҳозирги пайтда халқаро савдо муомаласида жавобгарликдан озод қилиш мезонларини объективлаштириш тамойили кузатилмоқда ва бу турли ҳуқуқ тизимларига (хусусан, континентал Европа ҳуқуқ тизимларига) нисбатан амалга ошмоқда.

Шартномали жавобгарликка оид нормалар битимларнинг якуний молиявий натижалари учун жуда катта аҳамиятга эга. Жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни таърифлаш имкониятлари халқаро шартнома-

ларда миллий шартномаларга нисбатан жуда кенгдир. Шу сабабли жавобгарлик масалалари амалда барча турдаги халқаро савдо шартномаларининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо шартнома нормалари кўп ҳолларда жавобгарлик институтига оид барча муносабатларни қамраб ололмайди ва шу сабабли шартнома тарафларни жавобгарликдан озод қилиш асослари, қарздор қарзини кечиктириши туфайли шартнома шартларидан чекиниш сабабларини белгилаш билан чекланади.

Булардан шу нарса келиб чиқадики, тегишли ҳуқуқ билан тартибга солинадиган соҳада шартномани бузиш ва зарар кўриш ўртасидаги сабабий боғланиш масалалари, шунингдек, учинчи шахслар ҳаракати учун жавобгарлик, шартнома муддатлари кечиктирилишининг оқибатлари ва бошқа қоидалар сақланиб қолади.

Халқаро савдо битимлари бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг амалий аҳамияти катта эканлиги ушбу муносабатларнинг баъзи халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинишига сабаб бўлди. Хусусан, Моддий кўчар предметлар олди-сотдиси ҳақидаги 1964 йилги Гаага унификацияланган қонуни ва 1980 йилги Товарлар олди-сотдиси оид шартнома тўғрисидаги Вена конвенциясида жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар назарда тутилган. Шу билан бирга, халқаро савдо ҳуқуқи учун Гаага унификацияланган қонуни унчалик катта аҳамиятга эга эмас, шу сабабли Товарлар халқаро олди-сотдиси оид шартномага нисбатан 1980 йилги Вена конвенцияси қоидаларидан фойдаланилади. Ушбу конвенция тарафлар шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда юзага келувчи уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини етарлича батафсил тартибга солади.

Қарздорда мажбуриятни бажариш бурчи ва кредиторда унинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи борлиги ҳар қандай мажбуриятнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, халқаро савдо муомаласида фақат икки томонлама мажбуриятлардан фойдаланилади ва унда ҳар икки тараф ўз мажбуриятини бажариши ва айни пайтда иккинчи тарафдан ҳам унинг мажбуриятлари бажарилишини талаб қилишга ҳақли бўлиши зарур.

Тарафларнинг шартнома юзасидан жавобгарликлари, улар ўзларининг асосий ёки қўшимча мажбуриятларини бажармаслик фактига йўл қўйган тақдирда келиб чиқади ва бу ҳол «мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик» деб юритилади.

Мажбуриятларни бажариш қоидалари мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари билан бирга қўшилган ҳолда мажбурият ҳуқуқининг асосларини ташкил этади. Ушбу қоидалар халқаро савдо муомаласи нуқтаи назаридан қараганда жавобгарликка нисбатан камроқ ўзига хосликка эга. Шу туфайли мажбуриятларни бажариш қоидалари халқаро шартномалар ёки халқаро норматив ҳужжатлар билан камдан-кам ҳоллардагина белгиланади ва бу билан қўлланиладиган моддий ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш истисно этилади. Чунки халқаро шартнома тарафлари турли давлатлар ҳудудида бўлганлиги сабабли, шерик бошқа тараф давлатидаги хўжалик муомаласи тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайди, халқаро савдо ҳуқуқи фанида, шунингдек, халқаро арбитраж амалиётида ҳар икки томон мажбуриятни лозим даражада бажариши учун ҳамкорлик қилиши шарт эканлиги кўрсатилган.

Мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликка оид миллий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-бобида (324–339-моддалари), товар муомаласига оид айрим қонунларда белгилаб қўйилган.

Товарлар олди-сотдисига оид шартномавий муносабатларда истеъмомолчига етказилган зарар учун жавобгарликнинг коллизия масалалари Фуқаролик кодексининг 1195-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, «Товарлар сотиш, ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан истеъмомолчи кўрган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабга нисбатан истеъмомолчининг талабига кўра:

- истеъмомолчининг турар жойи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи;
- ишлаб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ёки манзили жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи;
- истеъмомолчи товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади».

Шартномадан воз кечиш мажбурият бажарилмаганда қўлланиладиган чора сифатида айрим миллий ҳуқуқ тизимларида назарда тутилган.

Шартномадан воз кечиш (ингл. *anticipatory breach*) Англия ҳуқуқига хос бўлиб, ушбу институт, шунингдек, 1980 йилги Вена конвенциясида ҳам қабул қилинган (Конвенция 29-моддасининг 1-қисми). Қарздор мажбуриятни бажариши керак бўлган муддат етиб келгунига қадар ўз мажбуриятини бажармаслигини аниқ маълум қилса, шартномадан воз

кечиш юз берган ҳисобланади. Қарздор ҳеч қандай далил тақдим этмагани ҳолда унинг мажбуриятни бажара олмаслиги равшан бўлиб қолган вазият ҳам шартномадан воз кечишга тенглаштирилади. Одатда кредитор шартномадан воз кечиш юз берган пайтда мажбурият бажарилмаганлиги учун назарда тутилган ҳимоя усуллари қўллаши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам (336-модда) шартномадан воз кечиш мумкинлиги назарда тутилган.

Халқаро савдо муносабатларида мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларига Халқаро олди-сотди шартномалари ҳақидаги Вена конвенциясининг қоидалари татбиқ этилиши мумкин.

8-§. ХАЛҚАРО САВДО ШАРТНОМАЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Баъзан тарафлар фавқулодда ҳоллар ёки ҳуқуқий воқеа-ҳодисалар юз бериши оқибатида (масалан, маҳсулот етказиб берувчининг ишлаб чиқариш корхонаси ёнғин туфайли нобуд бўлса ёки товар етказиб берилиши БМТ мазкур мамлакатга мол олиб киришни тақиқлагани туфайли мумкин бўлмай қолса, ёхуд хомашёни қатъий белгиланган нархларда етказиб бериш юзасидан шартнома тузилганидан сўнг ушбу хомашёга нисбатан жаҳон нархларининг кескин ва кўп миқдорда ошиб кетиши туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлса-ю, аммо тарафлардан бири учун фавқулодда қийинчиликларни юзага келтирса ва бошқалар) ўз мажбуриятларини бажаришлари мумкин бўлмай қолади. Бундай вазиятларда шартномада белгиланган нархларда хомашё етказиб бериш бир томон учун ҳалокатли бўлиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ва шартноманинг бажарилишини қийинлаштирадиган ёки умуман мумкин эмас қилиб қўядиган бундай ҳолатлар муайян давлат қонунчилигида ҳамда халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида тартибга солинади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида кўрсатилишича, «башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган

тараф мажбуриятни лозим даражада бажаришига энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздор шерикларининг мажбуриятларни бузиши, зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг йўқлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Мажбуриятни қасдан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди».

Мажбуриятни бажариб бўлмаслик жавобгарликдан озод қилишнинг умумий шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Ушбу шарт-шароитлар ҳуқуқ назариясида бир неча гуруҳларга бўлинувчи турли сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Улар жумласига энгиб бўлмас кучлар ҳам киради. Энгиб бўлмас кучни қуйидагича таърифлаш мумкин: энгиб бўлмас куч – юз беришини олдиндан кўра-билиш мумкин бўлмаган ташқи ҳолат ҳисобланадиган фавқулодда ҳодиса.

Энгиб бўлмас куч ҳисобланувчи қуйидаги ҳолатлар гуруҳларини кўрсатиш мумкин.

Табиий офатлар – анъанага кўра жавобгарликдан озод қилишнинг тарихий жиҳатдан энг қадимий асосларидан бири. Уларнинг ажратилиши Рим ҳуқуқи билан боғлиқ. Бундай табиий офатлар қаторига сув тошқинлари, бўронлар, яшин уриши, зилзила, юқумли касалликлар эпидемияси кабилар киради. Англо-америка ҳуқуқида бундай ҳолатларда «Act of God» («Тангрининг иродаси») атамаси ишлатилади.

Ҳарбий ҳаракатлар (лотинча – Vis armata). Ушбу ҳолат ҳам етарли даражада қадимий ҳуқуқий анъаналарга эга. Ҳарбий ҳаракатлар деганда, одатда эълон қилинган ва эълон қилинмаган урушлар, фуқаролик урушлари ва инқилоблар, исён ва кўзғолонлар тушунилади. Англия ҳуқуқида бундай ҳолатларга нисбатан «Act of King's Enemies» («кирол душманларининг ҳаракати») атамаси ишлатилади.

Иш ташлашлар. Ушбу ҳодиса тез-тез юз бериб туриши туфайли учинчи ўринда тавсифланмоқда. Шунини қайд этиш лозимки, собиқ социалистик мамлакатларнинг қонунчилиги иш ташлашни олдини олиб бўлмайдиган кучлар жумласига киритмайди, чунки ушбу давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари иш ташлаш бўлиши мумкин эмаслигига асосланган эди (уларда ушбу ҳодиса фақат капиталистик давлатларгагина хос деб ҳисобланган). Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун иш ташлашлар

олдиндан кўриш мумкин бўлмаган ва олдини олиб бўлмайдиган ҳодисалардан ҳисобланади. Чунки корхона раҳбариятидан иш ташловчилар талабларини тўла қондирган ҳолда иш ташлашнинг олдини олишни талаб қилиш мумкин эмас (ушбу ҳолда гап сиёсий меҳнат-ҳуқуқий мажбуриятлар ҳақида эмас, балки фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлар тўғрисида бормоқда). Муайян иш ташлаш қонун билан белгиланган таомил (процедура) доирасида (қонуний рухсат этилган ҳолда) ёки ғайриқонуний равишда ўтказилаётганлигининг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Аксинча, ғайриқонуний ҳаракат фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари учун янада қутилмаган ҳисобланади. Айтиш керакки, стихияли иш ташлашлар фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун кўпроқ хавф-хатар туғдиради ва уларнинг натижасида кўпроқ зарарли оқибатлар юзага келади. Шунга кўра, ғайриқонуний иш ташлашларни жавобгарликдан озод қилишга асос бўладиган олдини олиб бўлмас ҳодисалар таркибидан чиқариш мантиққа зид ҳисобланган бўлур эди.

Ишлаб чиқариш корхонасида юз берган авариялар. Бундай ҳодисалар жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида фақат истисно ҳоллардагина тан олинади. Фавқулодда ҳолатлар ёки табиий офатлар оқибатида юз берган ишлаб чиқаришдаги авариялар жавобгарликдан озод қилиш асоси деб топилиши мумкин. Аммо кичик авариялар юз берганда, айниқса бу авариялар эҳтиёт қисмлар йўқлиги, ускуналар эскилиги ва бошқа ҳолатлар туфайли юз берган бўлса ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи олдиндан кўра билиши мумкин бўлса, у ҳолда ҳар қандай суд ёки арбитраж бундай ҳодисаларни енгиб бўлмас куч ва жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида эътироф этиши мумкин эмас.

Транспорт қийинчиликлари. Ушбу турдаги ҳолатлар алоҳида гуруҳни ташкил этмаслиги лозим, чунки улар ё табиий офатлар, ё давлат органларининг қарорлари натижасида юз беради (йирик транспорт фалокатлари юз берган ҳоллар бундан мустасно). Улар, шунингдек, олдини олиб бўлмайдиган ҳолат ҳисобланиши мумкин. Бироқ бу масала одатда бирмунча мунозаралидир. Чунки, масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи мол ташиш йўналишини ўзгартириши орқали юз берган қийинчиликни четлаб ўтиш чораларини кўриши лозим бўлади. Шунини ҳисобга олиш керакки, сотувчи транспорт қийинчилиги

юз берган пайтда (масалан, чегара ёпилган вақтда) сотишга мўлжалланган товарга эга эканлигини (шу пайтда товар унинг қўлида ҳақиқатда мавжудлигини) исботлаб бериши керак бўлади.

Давлат органларининг ҳужжатлари. Бу турдаги ҳолатлар жавобгарликдан озод қилиш асослари ҳисобланувчи ҳолатларга доир назарияларда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ушбу масалада етарлича қарма-қарши қарашлар мавжуд. Мазкур масала Франция доктринасида ҳар томонлама кенг ишлаб чиқилган, шу туфайли халқаро савдо муомаласига нисбатан олганда «Принцип ҳужжати» (*fait duprince*) деган француз атамасидан фойдаланиш мумкин. Даставвал ушбу атама билан давлат органларининг бир томонлама ҳужжатлари қамраб олинар эди. Кейинчалик ушбу ҳужжатлар қаторига миллатлараро хусусиятга эга бўлган органлар (масалан, БМТ) ҳужжатлари ҳам киритилди.

Мажбуриятларни бажариш мумкин эмаслиги экспортнинг тақиқланиши ёки давлат ёхуд халқаро ташкилотларнинг бошқа қарорлари (масалан, эмбарго қўлланилиши) туфайли юз бериши мумкин. Аммо турли давлатларнинг доимий фаолият юритувчи арбитраж органлари турлича қарашлар ва ёндашувларга эгадирлар. Шунини эсда сақлаш лозимки, олди олиб бўлинмайдиган кучлар муайян шартнома ижросига таъсир этадиган бўлсагина, жавобгарликдан озод қилиш асоси деб тан олиниши мумкин.

Вазиятнинг фавқулодда тарзда ўзгариши концепцияси халқаро савдо ҳуқуқида лотинча *rebus sic stantibus* атамаси билан аталади. Ушбу атама лотинча «шартномалар бажарилиши шарт» деб аталувчи қатъий қоидани юмшатишга қаратилган.

Шартномаларнинг бундай шартларига нисбатан ҳам кўпинча инглизча «hardship» атамаси қўлланилади.

Ушбу қоидаларнинг татбиқ этилиши зарурати хўжалик муомаласи барқарорлигини айниқса ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз бераётган шароитда сақлаб туриш учун юзага келади, дегувчи айрим муаллифлар фикрига қўшилиш мумкин.

Мазкур қоидани қўллашнинг асосий шarti вазиятнинг фавқулодда (жиддий равишда) ўзгариши ҳисобланади.

Вазиятнинг ўзгариши у таъсир этадиган предметга ёки юз берган ўзгариш хусусиятларига кўра таснифланиши мумкин. Баъзи бир ҳуқуқий тизимлар предмет асосида, бошқалари эса ўзгариш хусуси-

ятларига кўра ажратилади.

Айтиш мумкинки, бу ҳолатлар тарафлардан бирининг мажбурияти бажарилиши учун фавқулодда қийинчиликлар келтириб чиқариш ёки бу мажбурият бажариладиган бўлса, ҳар икки томон учун катта зарар келтиришга сабаб бўлиши ҳамда ушбу ҳолатларинг вужудга келиш эҳтимолини шартнома тузиш пайтида олдиндан кўриш мумкин эмаслиги бундай ҳолатларга ҳавола қилишнинг асосий шarti бўлиб ҳисобланади.

Халқаро савдо муомаласи амалиётида вазият фавқулодда тарзда ўзгаришининг куйидаги кўринишлари тез-тез учраб туради:

– шартнома тузиш пайтида мавжуд бўлган шарт-шароитнинг барҳам топиши (масалан, қарздор томонда шартноманинг бажарилишини жуда мураккаблаштирадиган даражадаги молиявий қийинчиликларнинг юз берганлиги);

– шартнома имзоланаётган пайтда мавжуд бўлмаган янги шарт-шароитнинг юзага келганлиги (масалан, ишлаб чиқариш технологиясининг тубдан янгиланиши, янги бож тарифларининг жорий этилиши, давлат сиёсатида юз берган ўзгаришлар туфайли жиддий чеклашларнинг жорий этилиши ва ҳ.к.).

Жавобгарликдан озод қилишнинг биринчи ва аниқ шarti, энг аввало, енгиб бўлмас кучлар пайдо бўлиши фактининг ўзидир. Фақат шартнома тузилиб, имзоланганидан кейин юз берган ҳолларгина мажбурият учун жавобгарликдан озод қилишнинг асоси (ижронинг кейинчалик мумкин бўлмай қолиши деб аталувчи ҳодиса) сифатида тан олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар асосий мезонларга мувофиқ келгандагина жавобгарликдан озод қилишнинг асоси бўла олади, ушбу асосий мезон вазифасини енгиб бўлмас куч ҳисобланувчи ҳолат билан шартнома бажарилмасдан қолганлиги факти ўртасида мавжуд бўладиган сабабий боғланиш ўтайди.

Ушбу алоқадорлик бевосита бўлиши фараз қилинади. Арбитраж амалиётига кўра, агар ҳодиса шартномада назар тутилган муддат ўтганидан сўнг юз берган бўлса, бунда сабабий боғланиш узилган ҳисобланади. Шунини унутмаслик керакки, мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган қарздор ижро муддати ўтгандан кейин юз берган енгиб бўлмас ҳолатларга ҳавола қилиши ва шу асосда жавобгарликдан

озод қилиниши мумкин эмас.

Енгиб бўлмас куч билан мажбуриятнинг бажарилмай қолиши ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлигини исботлаш қарздорнинг зиммасига юклатилган бўлиб, у шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажариш учун барча зарур чораларни кўрганлигини исботловчи далилларни, гарчи бундай уринишлар ижобий натижа бермаслиги олдиндан маълум бўлса-да, тақдим этиши лозим.

Жавобгарликдан озод қилишнинг учинчи асоси мажбуриятни бажариб бўлмаслигидир. Бу асос энгиб бўлмас кучлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларидан келиб чиқмайди, аммо адабиётларда ва арбитраж қарорлари амалиётида энгиб бўлмас ҳодисалар мажбуриятни бажаришга муайян тўсқинлик яратган бўлса, бу ҳол жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмаслиги ҳақидаги қарашлар қарор топган.

Халқаро савдо муносабатларидаги кўпчилик мажбуриятларга нисбатан мажбуриятнинг бажарилиши учун зарур барча шароитлар яратилишига (молиявий маблағлар мавжудлиги, хомашё, энергия, иш кучи, қайта ишловчилар имконияти, транспорт воситалари ва бошқалар) қарздор масъулдир деган қоида қўлланилади. Ушбу воситаларнинг йўқлиги ёки уларни олиб бўлмаслиги (башарти бу ҳол объектив тўсқинликлар билан боғлиқ бўлмаса) жавобгарликдан озод этишга асос бўладиган ҳолат бўлиб ҳисобланмайди. Агар бажариб бўлмаслик қарздорга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (воқеа, ҳодисалар) билан боғлиқ бўлса, юқорида санаб ўтилган асосларнинг бирига тааллуқли бўлади.

9-§. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР ЮЗ БЕРГАНЛИГИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Ҳозирги пайтда бундай ҳодисалар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни турли давлатларнинг савдо палаталари (савдо-саноат палаталари ва бошқалар) тақдим этиб келмоқда ҳамда бу ҳужжатлар мажбурият бажарилмай қолганда жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида эътиборга олинмоқда.

Бундай ҳодисаларнинг юз берганлиги ҳақидаги «сертификат»да савдо палаталари ушбу ҳодиса юз берганлиги фактини қайд этиш билан чекланадилар ҳамда бундай «сертификат» берилишининг ҳуқуқий

оқибатларини текшириб ўтирмайдилар, ушбу сертификат кейинчалик жавобгарликдан озод қилиш учун асос деб топиладими-йўқми, бу нарса уларни асло қизиқтирмайди. Шу сабабли сертификат беришни сўраб ариза бериш пайтида кейинчалик ҳавола қилиниши лозим бўлган аниқ фактларни танлаб олиш лозим бўлади. Шунингдек, қайси фактлар шерик томон ёки арбитраж органи тан олишида кўпроқ эҳтимолга яқинлиги ҳам ҳисобга олинмоғи лозим.

Савдо палаталарига мурожаат қилиш юзасидан қабул қилинган кўп йиллик амалиётга мувофиқ, сертификат бериш тўғрисидаги аризалар билан одатда ўзининг хорижий шериклари олдида бевосита жавобгар бўладиган ташкилотлар, яъни халқаро савдо битимини бевосита тузган субъектлар мурожаат қиладилар.

Аризада, қоидага кўра, қуйидагилар назарда тутилмоғи лозим:

- аризачи учун жавобгарлик келтириб чиқараётган шартноманинг мавзуи;
- шартноманинг иккинчи тарафи;
- шартнома имзоланган вақт ва унинг тартиб номери;
- сертификат нима мақсадда берилиши лозимлиги;
- мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилаётган ҳодиса ва унинг тафсилотлари, яъни бу ҳодиса қаерда, қанча вақт давомида амал қилиб турганлиги;
- ушбу ҳодиса билан мажбурият бажарилмай қолганлиги ўртасида қандай сабабий боғлиқлик борлиги ва ҳ.к.

Аризага аризачи ҳавола қилаётган ва савдо палатаси тасдиқлаши лозим бўлган ҳодиса юз берганлигини тасдиқловчи далил-ҳужжатлар илова қилинмоғи лозим. Бундай далил-ҳужжат ваколатли орган берган ҳужжат шаклида бўлиши керак. Бундай ҳужжатлар жумласига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш корхонасида юз берган ҳодиса тўғрисидаги баённома, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг хати, тегишли ташкилот маъмурий органининг гувоҳномаси (масалан, метеорология институтининг, сув хўжалиги идорасининг қаттиқ совуқ, сув тошқини бўлгани ҳақида берган гувоҳномалари) ва ш.к.

Ҳодиса юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда халқаро савдо субъекти раҳбариятининг ёзма тасдиқномаси бўлганда ҳам савдо палатаси сертификат бериши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, бундай хатлар расмий хусусиятга эга бўлиб, ундаги

фактларнинг тўғрилиги учун бундай хатга имзо чеккан шахс жавоб беради.

10-§. ХАЛҚАРО САВДО ШАРТНОМАЛАРИДА ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОИДАЛАРНИНГ НАЗАРДА ТУТИЛИШИ

Халқаро савдо шартномаларининг шартларини тайёрлаш пайтида энгиб бўлмас ҳодисанинг содир бўлиши мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида етарлича кенг тасаввурга эга бўлиш талаб этилади ва шундагина уларни батафсил тасвирлаш мумкин бўлади. Шартномани тайёрлашда одатда шундай ҳолатлар тасвирланадики, уларнинг юз бериши шартномавий муносабатларда энгиб бўлмас куч ҳисобланади, жавобгарликдан озод қилишга асос бўлиб хизмат қилади, тасдиқланиш процедураси ва оқибатлари шартномавий мажбуриятлар юзасидан энгиб бўлмайдиган куч ҳисобланувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланади.

Шартномада энгиб бўлмас куч ҳисобланувчи ҳолатларни ёки аҳволнинг фавқулодда ўзгариши бўлиб ҳисобланувчи ҳодисаларни ёхуд ушбу иккала категорияни ҳам мувофиқлаштирувчи нормаларнинг бўлиши асосий қоида ҳисобланади. Фақат шартнома суммаси унча катта бўлмаган ёки муайян ҳолатларда тузиладиган шартномалардагина тарафлар халқаро савдо шартномаларини тайёрлаш (масалан, танлов асосида шартнома тузиш) пайтида бундай нормалар киритилишини назарда тутмаслиги мумкин.

Шартномадаги нормалар жавобгарликдан озод қилиш механизмларини назарда тутмоғи лозим. Башарти тарафлар ўзаро тузган шартномаларида жавобгарликдан озод қилишга қаратилган бундай механизмни кўзда тутмаган бўлсалар, жавобгарликдан озод қилиш асослари ушбу шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқади.

Шартнома нормаларини тайёрлашда одатда Халқаро савдо палатасининг 1985 йилги нашрида назарда тутилган энгиб бўлмас куч ва фавқулодда ўзгаришларга оид таърифдан (*rebus sic stantibus*) ҳамда 1980 йилги Вена конвенциясидаги таърифлардан (Конвенциянинг 79-моддаси) фойдаланилади.

Бундай номаларга оид етарлича ёрқин мисоллар БМТнинг Европа

Иқтисодий Комиссияси тайёрлаган намунавий шартномаларда ҳам кўзда тутилган. Турли-туман халқаро савдогарлар тармоқ бирлашмалари ҳам энгиб бўлмас кучлар таърифини ишлаб чиқмоқдалар. Мисол тариқасида Муҳандис-маслаҳатчилар халқаро федерацияси 1977 йилда тайёрлаган муҳандислик ва қурилиш ишларига оид шартномаларнинг умумий шартларини келтириш мумкин (ушбу федерациянинг штаб-квартираси Гаага шаҳрида жойлашган). Мазкур «шартлар», одатда, «FIDIC Умумий шартлари» деб юритилади (термин ушбу ташкилотнинг французча номидаги сўзларнинг биринчи ҳарфларидан ташкил топган), энгиб бўлмас кучларга оид ҳолатлар ушбу қоидаларнинг 65–66-бандларида ифодаланган.

Энгиб бўлмас кучлар ва вазиятнинг фавқуллодда ўзгариши тўғрисидаги шартномада кўрсатилган изоҳга мисол тариқасида Халқаро савдо палатасининг изоҳларини келтириш мумкин. Хусусан, Халқаро савдо палатаси энгиб бўлмас кучлар тўғрисидаги қуйидаги изоҳларини таклиф қилади:

1. Жавобгарликдан озод қилиш асослари. Томонлар қуйидаги чегаралар доирасида ҳаракат қилган бўлсалар, мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар:

– мажбуриятнинг бажарилмаслигига назорат қилиб бўлмайдиган тўсқинликлар сабаб бўлган бўлса;

– шартномани имзолаш пайтида ушбу тўсқинлик мавжудлигини ва унинг мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилиши мумкинлигини мавжуд оқилона усуллар билан олдиндан кўра билиш мумкин бўлмаса;

– ушбу тўсиқ оқилона усулда эътиборга олинмаган, олдиндан кўра олинмаган, лоақал унинг оқибатлари кўра олинмаган бўлса.

2. 1-бандда эслатилган тўсқинликлар қуйидаги ҳодисалардан келиб чиқиши мумкин (қуйида ҳисобланган рўйхат тугал эмас):

а) эълон қилинган, эълон қилинмаган урушлар, фукаролик урушлари, исён, кўзғолон, инқилоблар, қароқчилик ҳаракатлари, саботаж (путур етказиш) ҳаракатлари;

б) табиий офатлар, чунончи, бўрон, циклон, зилзила, цунами, тошқинлар, яшин туфайли зарар етиши;

в) портлаш, ёнғинлар, машиналарнинг, фабрикаларнинг, ҳар хил ускуналарнинг нобуд қилиниши;

г) бойкот эълон қилиниши, ҳар хил иш ташлашлар ва ишга

келмасликлар, ходимларнинг ишдан бўйин товлаши, фабрика ва унинг ҳудудларини эгаллаб олишлари, ишда узилишлар қилиниши (жавобгарликдан озод қилишни талаб қилаётган томон корхоналарида ушбу воқеалар юз берса);

д) давлат органларининг қонуний ёки ғайриқонуний ҳаракатлари.

3. Агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, 1-банд мақсадларига ваколатга эга эмаслик, лицензия ҳамда чиқиш ҳуқуқининг йўқлиги ва бошқа ҳолатлар киритилмайди.

Жавобгарликдан озод қилишни сўраётган томон мажбуриятнинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳолат юз берганига доир ахборотни олган заҳоти у ҳақда ва бу ҳодисанинг мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилувчи оқибатлари тўғрисида иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Шунингдек, бундай ҳолатлар барҳам топган ёки бартараф этилган тақдирда ҳам бу ҳақда дарҳол хабар бериши шарт.

Жавобгарликдан озод қилиш тўсқинлик юз берган пайдан бошлаб, тўсқинлик ҳақида кечикиб хабар берилганида эса ана шундай хабар олинган пайдан бошлаб, қўлланилиши мумкин. Тўсқинлик ҳақида иккинчи томонга хабар бермаслик шу туфайли юз берган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз вақтида хабар бермаган тараф зиммасига юклайди.

11-§. ДАЪВО МУДДАТИ ҲАҚИДАГИ ҚОИДАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИДАГИ АҲАМИЯТИ

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларида вақт ўтиши билан муайян ҳуқуқий оқибатлар юз бериши белгиланган. Халқаро савдо шартномалари тарафларининг талаблари муайян вақт ўтиб кетганидан кейин билдирилган тақдирда, уларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келиши ва ҳатто уларни ҳал этиб бўлмаслиги мумкин.

Даъво муддати билан боғлиқ муаммолар халқаро савдо ҳуқуқида жуда катта аҳамият касб этади: «Халқаро қонунчиликда» тегишли нормалар бўлмаганда даъво муддати масалалари ёки қўлланиладиган моддий ҳуқуқ нормалари билан ёхуд, масалан, англо-америка ҳуқуқидаги сингари суд қонунлари нормаларига асосан (*Lex fori*) тартибга солинади. Сўнгги қоида шундай изоҳланиши мумкинки, бу давлатларда даъво муддати масалалари процессуал ҳуқуқ нормаларида (ингл.

Limitation of action) назарда тутилган ва муайян вақт ўтганидан кейин судга мурожаат қилиш имкониятларини чеклашни назарда тутди. Турли ҳуқуқий тизимлар ўртасида мавжуд бўлган улкан фарқлар контрагентлар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий вазиятларга баҳо берилишида қийинчиликларни келтириб чиқаради ҳамда низоли вазиятларнинг ҳал этилишини мураккаблаштиради. Бунда сўз «даъво муддати» тушунчасининг турлича таърифланиши тўғрисидагина кетмасдан, шу билан бирга, ушбу институтга нисбатан турлича давлатларда турли-туман концепциялар мавжуд эканлиги ҳам назарда тутилмоқда. Айрим мамлакатларда даъво муддати моддий ҳуқуқ институти сифатида қаралса, бошқаларида эса процессуал ҳуқуқ институти, яъни судга мурожаат қилишда қўлланиладиган масала сифатида қаралади. Шу сабабли юзага келаётган амалий қийинчиликлар даъво муддати билан боғлиқ муносабатларни халқаро шартномалар даражасида тартибга солиш ҳамда унификациялаш (мувофиқлаштириш) заруратини юзага келтирди ва шу тариқа халқаро савдо муомаласининг шаклланишига сабаб бўлди.

Ушбу соҳада биринчи уриниш ҳуқуқий фанлар халқаро уюшмасининг ташаббуси билан (1964 йилда) амалга оширилди. 1966 йилдан бошлаб мазкур соҳада БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) ҳам муайян ишларни амалга оширди. Бунинг натижасида 1974 йил 14 июнда Нью-Йорк шаҳрида «Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларида даъво муддатлари тўғрисидаги конвенция» имзоланди.

Ушбу конвенция 1974 йилда, яъни 1980 йилги Вена конвенциясидан олдин қабул қилинганлиги сабабли, уни тўлдириш зарурати пайдо бўлди ва шу сабабли 1980 йил 11 апрелдаги «Товарларнинг халқаро олди-сотдисида оид даъво муддатлари тўғрисидаги конвенцияни» ўзгартириш тўғрисидаги протоколга кўра, унга муайян тузатишлар киритилди. Бу нарса ҳар иккала конвенция матнларини бири-бирига мувофиқлаштирди.

Даъво муддатига оид ушбу конвенция 46 моддадан иборат бўлиб, қуйидагиларни тартибга солади:

- қўлланилиш соҳаси;
- даъво муддатининг ўтиши;
- даъво муддати ўтишининг узилиши ва қайта тикланиши масала-

ларини;

- тарафларнинг даъво муддатини ўзгартириши;
- даъво муддатига оид умумий чекловлар;
- даъво муддати ўтишнинг оқибатлари;
- даъво муддатининг ҳисобланиши;
- даъво муддатларининг халқаро муносабатларда қўлланилиши.

Конвенцияда ундан фойдаланиш, баёнот бериш, изоҳлар беришга оид махсус қисм ҳамда яқунловчи қоидалар ҳам назарда тутилган.

Конвенциянинг 7-моддасида Вена конвенциясида баён этилган принцип – Конвенция қоидаларини қўллаш ва шарҳлаш пайтида унинг халқаро хусусиятга эга эканлиги ва унификацияга эришишга кўмаклашиши лозимлиги такрорланган.

Конвенциянинг 8-моддасида даъво муддати тўрт йил қилиб белгиланган.

Ушбу норма турли делегациялар эгаллаган позициялар ўртасидаги ўзаро ён беришлар оқибати бўлиб, ҳар бир делегация ўз миллий ҳуқуқ тизимидан келиб чиққан ҳолда қисқа ёки узоқроқ даъво муддатини таклиф этган эдилар. Даъво муддатининг давомийлиги масаласи ҳам, қайси пайдан бу муддат ҳисоблана бошланиши лозимлиги ҳам қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Натижада даъво муддатини ҳисоблаш талаб қилиш муддати пайдо бўлган пайдан бошланиши, бунда муддатнинг кечиктирилиши ҳам, томонларнинг бир-бирларига хабар юбориши тўғрисидаги талаблар ҳам даъво муддати ўтиши бошланадиган вақтнинг ҳисобланишига таъсир этмаслиги келишиб олинган.

Конвенциянинг 10-моддасида унинг 9-моддасида назарда тутилган умумий қоидага аниқлик киритилган. Унга кўра, шартноманинг бузилиши туфайли талаб қилиш ҳуқуқи ана шундай бузилишга йўл қўйилган кундан бошлаб пайдо бўлади. Шартномага кўра, етказиб берилган товардаги нуқсонлар ёки бошқа камчиликлар туфайли талаб қилиш ҳуқуқи ушбу товар топширилган ёки унинг қабул қилиниши рад этилган кундан бошлаб пайдо бўлади. Шартнома тузишдан аввал, уни тузиш пайтида ёки шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилган ёлғонга асосланувчи талаблар юзасидан даъво муддатининг ўтиши ёлғон аниқланган кундан ёки уни аниқлаш учун керак бўладиган оқилона муддатдан бошлаб ҳисобланади.

Конвенциянинг 11-моддасига кўра, башарти сотувчи товарга

нисбатан аниқ ифодаланган ва муайян муддат билан ёхуд бошқача усулда чекланган кафолат берган бўлса, у ҳолда даъво муддатининг ўтиши харидор муайян талабни қўйган, талаб билдириш учун асос бўлган факт (ҳолат) юз берганлигини маълум қилган вақтдан бошланади.

Конвенциянинг 12-моддаси шартномадан воз кечиш ҳуқуқига нисбатан даъво муддати тўғрисидаги қоидаларни белгилайди. Ушбу моддада шартномага нисбатан қўлланиладиган нормада назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлганда тарафлардан бири шартни бажариш муддати келгунга қадар шартномани бекор қилиши ҳақида баёнот бериши ва бу ҳуқуқни амалга ошириши мумкин бўлади. Бундай ҳолатларга асосланган талабларга нисбатан даъво муддатининг ўтиши иккинчи тараф баёнот берган кундан бошланади. Агар шартномани бекор қилиш тўғрисидаги баёнот шартнома ижросини амалга ошириш муддати етиб келгунга қадар берилган бўлса, у ҳолда даъво муддатининг ўтиши шартномани ижро қилиш муддати келган пайтдан бошланади.

Маҳсулот етказиб бериш ёки товарларни қисмларга бўлиб сотишга оид шартномаларга тааллуқли муносабатлар алоҳида тартибга солинган. Хусусан, Конвенция 12-моддасининг 2-қисмига кўра, қисмларга бўлиб-бўлиб етказиб бериш ёки товарларни сотиш тўғрисидаги шартномаларнинг бузилиши юзасидан даъво муддатлари бузилган ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланиши белгиланган. Бундай бузилиш сабабли тарафлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги баёнот беришга ҳақли бўлса ва бу ҳуқуқни амалга оширсан, у ҳолда даъво муддатининг ўтиши йўл қўйилган бузилиш ҳақида иккинчи томонга хабар юборилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Даъво муддатини ҳисоблаш усули Конвенциянинг 28, 29-моддаларида белгиланган. Даъво муддати уни ҳисоблашнинг бошланишига мос келувчи куннинг охирида ўтган ҳисобланади. Агар даъво муддатининг охирги куни тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, у ҳолда ушбу ойнинг охирги куни даъво муддати ўтишининг охирги куни ҳисобланади. 29-модда байрам кунлари масаласини тартибга солади.

Конвенцияда «даъво муддати узайтирилишини» давлатнинг ички қонунчилиги билан тартибга солишдаги ўзига хос жиҳатлар эътиборга олинган. Шу муносабат билан қуйидаги уч тоифа фарқланади:

- даъво муддатининг узилиши;
- даъво муддатининг янгитдан, қайтадан ўта бошлаши;
- даъво муддатининг тўхтатилиши.

Даъво муддатининг узайтирилиши қуйидаги ҳолларда юз беради:

- 1) судда иш қўзғатилиши (13-модда);
- 2) арбитраж судларида иш қўзғатилиши (14-модда);
- 3) бошқа шаклдаги ҳуқуқий муҳокамага киришилганлиги (15-модда).

Конвенциянинг 19-моддасига мувофиқ, кредитор даъво муддати ўтгунига қадар қарздор тижорат корхонасига эга бўлган давлатда 13–16-моддаларда назарда тутилмаган у ёки бу ҳаракатни содир этса ва бу ҳаракат ушбу давлат ҳуқуқига кўра даъво муддатининг қайта тикланишига сабаб бўлса, у ҳолда янги 4 йиллик даъво муддати қайта ўта бошлайди.

Башарти қарздор даъво муддати ўтгунига қадар ўз қарзини ёзма равишда кредитор олдида тан олса, у ҳолда ана шундай тан олиш юз берган кундан бошлаб янги тўрт йиллик даъво муддати ўта бошлайди. Қарздорнинг кредиторга фоизларни тўлаши, мажбуриятнинг қисман бажарилиши ҳам қарзни тан олиш деб эътироф этилади ва юқоридаги ҳуқуқий оқибатни, яъни 4 йиллик даъво муддатининг янгитдан бошланишига сабаб бўлувчи оқибатни келтириб чиқаради.

Нихоят, Конвенцияга кўра, даъво муддати тўхтатиб турилиши мумкин. Хусусан, унинг 21-моддасига мувофиқ, агар даъво кредиторга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муддатини узайтириш мумкин бўлмаса, ана шундай сабабларни келтириб чиқарган воқеа-ҳодиса бартараф этилганидан сўнг бир йил давомида даъво муддати ўтмаган ҳисобланади, яъни ушбу бир йил давомида даъво муддати тўхтатиб турилади.

Аммо, конвенция қоидаларидан қатъи назар, даъво муддати, у ўта бошлаган пайдан бошлаб ҳисоблаганда, узоғи билан 10 йилдан сўнг ўтган ҳисобланади (23-модда).

Даъво муддати тарафлар аризаси ёки келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Қарздор даъво муддати давомидаги кредиторга тақдим этган ёзма аризасига кўра даъво муддати ўтишининг узилишига сабаб бўлиши бундан мустасно (22-модда).

Даъво муддатининг ўтганлиги низони кўриш пайтида ишда

иштирок этаётган тарафларнинг аризасига кўра қабул қилинади (24-модда). Даъво муддати ўтишининг оқибати талабнинг барҳам топишида намоён бўлади. Даъво муддати ўтиб кетганидан кейин билдирилган талаб тан олиними ва мажбурий тарзда бажарилиши мумкин эмас. Шу билан бирга, бундай талаб қарши талабни ҳисобга ўтказиш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Даъво муддати ўтганидан кейин қарздор мажбуриятни бажарганида, у шу асос билан реституция талаб қилишга (ижронинг орқага қайтарилишини талаб қилишга) ҳақли бўлмайди. Мажбуриятни бажариш пайтида даъво муддати ўтганлигини билмаганлиги ҳам ижронинг қайтарилишини талаб қилишга асос бўла олмайди (26-модда).

Асосий талаб бўйича даъво муддатининг ўтганлиги кўшимча талаблар юзасидан ҳам (фоиз тўлаш, айбона (неустойка) тўлаш ва ҳ.к.) даъво муддати ўтиш сабаб бўлади.

Даъво муддати тўғрисидаги асосий миллий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (12-боб, 149–163-моддалар), шунингдек, товар муомаласига оид бошқа махсус қонунлар ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасига мансуб бўлган субъект (юримдик ёки жисмоний шахс) иштирок этадиган халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда юз берадиган низоли масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1183-моддасида назарда тутилган. Унда айтилишича, «даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юримдик шахси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади».

12-§. ТОВАРЛАРНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ОЛИШ-СОТИШ ШАРТНОМАСИ

Товарларни халқаро олиш-сотиш шартномаларининг тузилиш тарихи минг йилликлар билан ўлчанади, чунки жамиятда меҳнат тақсимооти ва товар айирбошлаш жараёнлари инсоният тараққиётининг илк даврларига бориб тақалади. Дастлабки даврларда бу муносабатлар халқаро савдо муносабатларида мамлакатлар, халқлар ўртасида, савдо

аҳли орасида шаклланган таомиллар, урф-одатлар билан тартибга солинган бўлса, кейинчалик, алоқаларнинг ривожланиши, савдо операциялари сони ва массасининг ортиши билан бу муносабатлар халқаро савдо одатлари доирасига сиғмай қола бошлади ҳамда уларни халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солиш зарурати юзага келди. Шу эҳтиёж туфайли турли давлатлар савдо-сотик қоидаларини бир-бирига мувофиқлаштириш, ихчамлаштириш (унификациялаш) ва шу йўл билан турли давлатларга мансуб субъектлар ўртасида савдо алоқалари амалга оширилаётганида вужудга келиши мумкин бўлган ноқулайликларни бартараф этиш вазифаси юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Олди-сотди шартномаси кўпчилик миллий ҳуқуқий тизимларда айнан шу тарзда таърифланади ва унинг моҳияти – савдо-сотик предметини топшириб, унинг учун белгиланган пулнинг тўланишидан иборат бўлади. Аммо бундай унификация олди-сотди шартномасини тартибга солишга тааллуқли қоидаларнинг айнан бир хил эканлигини англамайди ва кўпгина ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлиши мумкин.

Давлатлар ўртасидаги савдо муомаласи иқтисодий соҳадаги ҳар томонлама ҳамкорлик элементи сифатида нормал халқаро муносабатларнинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Товарлар оқимининг жадал ўсиши айни пайтда бу соҳада ҳуқуқий муаммоларнинг ҳам ўсишини англатади, савдогарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, унинг ўзи буни тасаввур қила олмаса-да, ҳуқуқий ҳаракат ҳисобланади. Турли ҳуқуқий тизимга мансуб бўлган субъектлар ўртасидаги олди-сотди шартномалари бир ҳуқуқий тизим ичидаги субъектлар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномаларига қараганда анча мураккабдир. Ҳуқуқнинг айнан шу соҳасида халқаро олди-сотди шартномаси тузиш билан боғлиқ муносабатларни унификациялаш кўпроқ талаб этилади.

Узоқ вақтлар давомида муайян ҳажмда унификациялаш вазифасини маълум ҳудудларда амал қилган савдо урф-одатлари бажариб келган (бажариб келмоқда). Ушбу одатлар муайян товарлар ёки товар гуруҳларига нисбатан қўлланилган.

Халқаро миқёсда олди-сотди ҳуқуқини унификациялаш борасидаги ҳаракат бошланганига 50 йилдан ошиб кетди. Бу ғоянинг муаллифи Эрнест Рабл ҳисобланади. Ҳаракатни 1926 йилда халқаро ҳуқуқ институти бошлаб берган бўлиб, 1928 йилда халқаро савдо тараққиётидан бевосита манфаатдор бўлган Голландия ҳукумати назорати остида халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича конференция ўтказилган.

1930 йилда ушбу мавзунини ўша пайтда Миллатлар Лигаси ҳомийлигида иш олиб бораётган Рим Хусусий ҳуқуқини унификациялаш институти қабул қилди. Ушбу масаладаги биринчи лойиҳани турли ҳуқуқ тизимлари вакиллари томонидан ташкил топган комиссия тайёрлади. Бу лойиҳа 1935 йилда Миллатлар Лигаси Кенгашига тақдим этилди, кейин эса фикр-мулоҳазаларни тўплаш мақсадида аъзо давлатларга юборилди.

Лойиҳа муаллифларининг олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлган:

– айрим давлатлар ҳуқуқининг ўрнини босадиган ёки коллизия нормаларни амалга киритадиган ёхуд савдо моҳиятига дахлдор бўлган таъсирчан халқаро ҳуқуқини, халқаро қонунни вужудга келтириш;

■ мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмидан ажралган (мавҳумлашган) ҳолдаги олди-сотди ҳуқуқининг алоҳида тартибга солинишига эришиш.

Аmmo муаллифлар *ins codens* қонунини яратишни кўзламаган бўлсалар ҳам, бу янги нормаларни томонлар ҳеч бир давлат ҳуқуқига муносабат этмаган ҳолда сўзсиз қўллашлари лозим эди.

Лойиҳа юзасидан мулоҳаза ва қўшимчалар шаклидаги жавоблар 24 та давлатдан олинди. Рим институтининг Директорлар кенгаши тўрт кишидан иборат комиссияга олинган таклифларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани қайта ишлашни топширди. Қайта ишланган лойиҳани Институт Директорлари кенгаши 1939 йилда маъқуллади.

Лойиҳани баҳолаш борасидаги кейинги ишлар Иккинчи жаҳон уруши муносабати билан узилиб қолди ва фақат 1951 йилда икки жаҳон урушлари оралиғидаги даврларда ҳуқуқини унификациялаш ташаббускорларидан бири бўлган Голландия ҳукумати Гаага дипломатлар конференциясини чақирди. Унинг ишида 25 та давлат, шунингдек, БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг вакиллари, Хусусий ҳуқуқини унификациялаш халқаро институти, Париждаги Халқаро савдо палатасининг вакиллари иштирок этдилар. Конференция Рим

лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва айна пайтда кейинги вақтларда юз берган ўзгаришларни, бу соҳадаги урф-одатларни ўрганиш, умумлаштириш учун ишчи комиссия тузди. Янги лойиҳа 1955 йилда тамомланиб, Голландия ҳукуматига тақдим этилди, у эса лойиҳани манфаатдор мамлакатларга юборди. Комиссия Рим лойиҳасига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритган бўлса-да, аммо унинг аввалги муаллифлари белгилаган доирадан четга чиқмади.

Лойиҳа муаллифлари сотувчи ва харидор мажбуриятлари устида ишлар эканлар, мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмига оид кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар. Натижада шартноманинг бекор бўлиши ва амал қилишига оид масалалар махсус нормаларнинг предмети бўлиши тўғрисидаги қоида қабул қилинди. Мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишига оид масалалар ҳам махсус ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозимлиги ҳақидаги қоидалар ишлаб чиқилди. 1962 йилда Комиссиянинг икки мажлиси (Римда ва Парижда) бўлиб ўтди ҳамда унда билдирилган мулоҳазалар асосида лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, 1963 йилда Комиссия лойиҳани тасдиқлади. Комиссия иши Голландиянинг Гаага конференциясини чақиришига асос бўлди.

Конференция 1964 йил 2 апрелдан 25 апрелгача бўлиб ўтди. 1964 йил 25 апрелда 28 та давлатнинг вакиллари дипломатик конференциянинг якуний ҳужжатини имзоладилар. Якуний ҳужжатдан ташқари конференцияда моддий кўчар ашёлар халқаро олди-сотдиси бўйича унификацияланган ҳуқуққа ҳамда моддий кўчар ашёлар юзасидан халқаро олди-сотди шартномаларини тузиш ҳақидаги унификацияланган ҳуқуққа тааллуқли қоидаларга оид иккита конвенция ишлаб чиқилди.

Халқаро олди-сотдига оид унификацияланган ҳуқуққа тааллуқли конвенция 15 моддани ҳамда олти бобга бўлинган ва 101 моддадан иборат иловани ўз ичига олади. Дастлабки икки боб кириш қисм вазифасини бажаради ва унда ҳуқуқнинг қўлланилиш соҳаси, умумий қоидалар, турли ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги ўзаро ён беришларни ифодаловчи таърифлар акс эттирилган. III ва IV бобларда унификацияланган ҳуқуқнинг энг муҳим қисмлари – сотувчи ҳамда харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Қолган икки бобда харидор ва сотувчи мажбуриятининг умумий масалалари ҳамда таваккалчилик хатарига оид масалалар ёритилган.

Гаага конвенцияси имзоланганидан кейинок у халқаро майдонда кенг қўллаб-қувватлана олмаслиги маълум бўлиб қолди. Энг асосий айбловлардан бири – Конвенцияни ривожланган мамлакатлар вакиллари бўлган тор доирадаги мутахассислар ишлаб чиққанлиги ва ривожланаётган мамлакатлар бунда қатнаштирилмаганлиги эди.

Жиддий айбловлар, шунингдек, Конвенция тузилишининг, унинг мураккаблиги, қўполлиги, объектив ва субъектив мезонларнинг амалий аҳамияти камлиги каби масалаларга ҳам тааллуқли эди. Бундай вазиятда халқаро олди-сотди муносабатларининг халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлайдиган ягона режимини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1966 йилда Венгрия делегациясининг таклифига биноан, БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди ва унинг вазифалари қаторида БМТнинг тўрт мақсадидан учтасига алоқадор бўлган фаолият йўналишларини белгилади. Комиссиянинг фаолият дастурини тасдиқлаш пайтида Венгрия делегацияси ушбу комиссиянинг халқаро савдо ҳуқуқини унификациялаш ва уйғунлаштириш билан назарий жиҳатдан шуғулланувчи орган бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигига, унинг асосий вазифаси амалий тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди.

Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиянинг мақсади – ушбу соҳада шу пайтгача амалга оширилган ва тарқоқ ҳолда бўлган ишларни умумлаштириш, назарий тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, унинг натижасида давлат ва савдо ташкилотлари халқаро савдо ҳуқуқини соддалаштириш ва унификациялаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришларига эришишдан иборат.

Ашёларни халқаро миқёсда олиш-сотиш, унинг доирасида эса 1964 йилги Гаага конвенцияси манфаатдор давлатлар комиссия ишида алоҳида эътироф этган муҳим масалалардан ҳисобланади. Иш ўта эҳтиёткорлик билан бошланди. Аввал БМТ Бош Котиби орқали турли ҳуқуқий тизимга эга бўлган давлатларга Конвенциянинг низоли бандлари, уларни аниқроқ ифодалашга оид фикрларнинг мулоҳазалари, умуман, Конвенцияга бўлган муносабатларини баён этиш ва таклифлар билдириш сўралган анкеталар тарқатилди, бундай тадбирнинг мақсади

кўчар мулклар олди-сотдиси ҳақидаги Гаага конвенциясини турли ҳуқуқий тизимдаги давлатлар учун маъқул ва қўллаб-қувватладиган аҳволга келтиришдан иборатлиги таъкидланди.

БМТнинг бошқа органларидаги сингари комиссия аъзоларини алмаштириб туриш принципнинг жорий этилиши ушбу мақсадга эришишнинг муайян кафолати бўлиб хизмат қилди. Мазкур принципнинг жорий этилиши туфайли Конвенция фақат муайян ривожланган давлатлар манфаатинигина ифодамайди, деб айб қўйиш учун асос қолмади. Комиссия Конвенцияни ўрганиб чиқиш натижасида юборилган фикр-мулоҳазалар билан бирга, келгусида уни яхшилаш юзасидан таклифлар беришни ҳам сўради ва барча шубҳа-гумонларни диққат билан таҳлил этиш лозимлигини қайд этди. Ана шу мақсадда комиссия бу борадаги ишларни жамлашга хизмат қилувчи махсус орган – моддий кўчар ашёлар олди-сотдиси бўйича халқаро ишчи гуруҳини ташкил этди.

Ушбу ишчи гуруҳ фаолиятининг натижаси сифатида 1980 йилдаги Вена шаҳрида бўлиб ўтган дипломатлар конференциясида, конвенция қабул қилинди. (United Nations Convention on Contracts for the International Sale of Goods-Documents: A/CONF. 97/18).

13-§. ТОВАРЛАР ОЛДИ-СОТДИСИГА ОИД ВЕНА КОНВЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

«Товарларни халқаро олиш-сотиш шартномалари тўғрисида»ги 1980 йилги Вена конвенцияси халқаро товар айирбошлаш муносабатларининг етакчи шакли бўлган олди-сотди шартномаларининг тартибга солинишида асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Вена конвенциясининг ижодкорлари ўз олдиларига объекти жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки оқим – олди-сотди шартномаларини миллий қонунчилик тизимларини ҳамда замонавий савдо муомаласидаги универсал хусусиятларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштиришдан иборат ғояни амалга ошириш мақсадини қўйган эдилар. Шу сабабли конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқий ечимлар ва механизмлар айрим давлатларнинг миллий қонунчилигида белгиланган қоидалар, анъаналар ва ҳуқуқий амалиётдан фарқ қилади (айтиш мумкинки, баъзан жиддий равишда фарқ қилади).

Ҳозирги замон халқаро савдо муомаласи уни унификациялашга қаратилган тамойиллари билан ажралиб туради. Ушбу соҳадаги ассиё ҳаракатларнинг олди-сотдига оид ечимларни топишга қаратилганлиги улкан аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Европада юз бераётган воқеалар ривожда икки тамойилни кузатиш мумкин: булар марказдан қочма ҳаракатлар (СССРнинг тарқалиб, Чехословакия ва Югославиянинг бўлиниб кетиши) ҳамда интеграция (бирикиш) жараёнлари (яъни Европа Иттифоқининг кенгайиши, янги миллий тизимлардан юқори турувчи хўжалик ташкилотларининг вужудга келиши (СЕҒТА) кабилардир.

Шунингдек, ҳуқуқий жабҳада унификациялашга интилиш тамойилини ҳам кузатиш мумкин. Ушбу тамойилнинг ривожини Европа Иттифоқининг барпо бўлиши, давлатларнинг ички ҳуқуқий тизимларини мувозанатлаш, халқаро конвенцияларни, шу жумладан, Вена конвенциясини қўллаб-қувватлаш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотининг (WTO – World Trade Organization) таъсис этилишида аниқ кўрса бўлади.

Халқаро савдо муомаласида пайдо бўлаётган ва кенг маънода тушуниладиган ҳуқуқий қарорлар унификациясиз халқаро савдо алоқалари тараққиётини ва унинг чуқурлашувини, турли хил ички ҳуқуқий тизимларга эга бўлган давлатларда жойлашган корхоналар ўртасида ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришни тасаввур этиб бўлмайди. Бу гап, айниқса, асосий муаммоларга, жумладан халқаро олди-сотди шартномаси муаммолари, хусусан, халқаро бозорда кучайиб бораётган рақобатнинг натижаси бўлмиш халқаро меҳнат тақсимотида дахлдор бўлиб, халқаро савдо муомаласининг ривожланиши учун муҳим бўлган ҳуқуқий институтлар унификациясини тақозо этмоқда.

Халқаро конвенцияларнинг асосий вазифаси мазкур муносабатларда қўлланилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқий нормалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишдан иборат. Халқаро конвенциялар шундай тарзда ифодаланмоғи лозимки, токи унда моддий ҳуқуқни бир вақтнинг ўзида унификациялаш ва шарҳлашда яқдилликка эришиш мумкин бўлсин. Вена конвенциясининг муаллифлари ҳам худди ана шундай принципни асос қилиб олган эдилар.

Конвенция савдо битимларининг формал-ҳуқуқий томонларини ихчамлаштириш орқали халқаро савдо ҳамкорлигининг ривожланишига

кўмаклашиб улгурди. Шартнома тузаётган томонлар миллий шартнома тизимларини, унинг нозик томонларини билишлари шарт эмас. Бунинг ўрнига улар дунёнинг энг муҳим тилларига таржима қилинган, ҳозирнинг ўзида деярлиўн йиллик қўлланилиши амалиётига эга бўлган ягона ҳужжатдан фойдаланишлари кўп сонли шарҳлар ва бой суд амалиётига мурожаат қила олишлари мумкин.

Таъкидлаш керакки, халқаро олди-сотди шартномасига оид ҳуқуқнинг унификацияланиши, Конвенциянинг қўлланилиши, кўпгина афзалликлар яратиш билан бир қаторда, унга яқинда қўшилган давлатларда дастлаб муайян муаммолар туғдирди ва бундай муаммолар бундан кейин ҳам пайдо бўлаверади. Вена конвенциясини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар ҳам анча мураккаб. Конвенция ундан ташқаридаги шартномалар ва томонлар ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий тизимларга қўшимча бўлади, чунки тегишли миллий ҳуқуқий тизимга оид қонунчилик нормалари «бирламчи ҳуқуқий қатлам» бўлади.

Конвенцияни қўллаш пайтида у турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ён босишлар ифодаси эканлиги ҳам унутилмаслиги лозим. Эришилган ён беришлар ўзига хос манфаатлар ўйини сифатида замонавий, мослашувчан нормалар яратилишидан ташқари, Конвенция таркибий тузилишини бузадиган, уни қўллаш пайтида муаммолар туғдирадиган янгича ифодаларнинг ҳам яратилишига олиб келди.

Конвенциядаги унинг қўлланилишига оид соҳа қоидаларида Конвенция билан тартибга солинадиган ва унинг қўлланилиши доирасига кирмайдиган муносабатлар кўрсатиб қўйилган.

Савдо фаолиятини турли давлатларда амалга оширадиган тарафлар ўртасида тузиладиган шартнома муносабатларига куйидаги шартлардан ақалли биттаси бажарилганда Конвенция қоидалари татбиқ этилади:

- ҳар икки давлат ҳам аҳдлашувчи давлат (Конвенция томони) ҳисобланса;
- халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари аҳдлашувчи давлатлар ҳуқуқини қўллаш лозимлигини назарда тутса.

Бир қанча давлатлар Конвенциянинг 95-моддасида назарда тутилган имкониятдан фойдаландилар ва унинг қоидаларини фақат биринчи ҳол юз берган тақдирдагина қўллашга келишиб олдилар.

Жаҳон миқёсида Конвенциянинг қўлланилиши тобора кенгайиб

бораётганлиги туфайли бундай мурожаатларнинг амалий аҳамияти ҳам камайиб боради.

Тарафлар савдо корхоналарининг турли давлатларда жойлашганлиги мезони масаласида Париж Апелляция суди француз савдогарининг Францияда жойлашган немис сотувчисининг воситачи бюроси орқали тузган олди-сотди шартномасини миллий шартнома деб тан олиб бўлмаслиги, чунки воситачи бюро ҳуқуқий лаёқатга эга эмаслиги ҳақида ажрим чиқарди. Баён этилган вазиятда суднинг фикрига кўра, француз ва немис савдогарлари ўртасида шартнома тузилган бўлиб, Конвенция 1-моддасининг 6-бандига кўра, Конвенция қоидалари қўлланиладиган (халқаро савдо-сотик) муносабат ҳисобланади.

Конвенциянинг якуний қисмида унинг ҳудуд бўйича амал қилиши юзасидан икки қўшимча чеклов жорий этилган бўлиб, у фақат айрим давлатлардагина қўлланилади. Аммо бу чеклаш давлат бошқа халқаро шартноманинг иштирокчиси бўлгандагина қўлланилади. Иккинчи чеклаш шундан иборатки, давлат ўшандай ёки ўшанга ўхшаш миллий ҳуқуқ тизимига эга бўлган тақдирда, у ушбу Конвенциянинг муайян муносабатга нисбатан қўлланилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

Суд амалиёти Конвенциянинг уни қўллашга оид қоидаларини талқин этишда изчилдир. Агар томонлар ўзаро келишиб, бошқа ҳуқуқни танламаган бўлсалар, у ҳолда Конвенция қоидалари улар учун мажбурий кучга эга деб ҳисобланади.

Судлар Конвенцияни унга қўшилган давлатлар ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми деган қатъий фикрдадилар. Хусусан, Германиядаги ва бошқа давлатлардаги умумий судлар шундай ҳисоблайдилар (Ober Landgericht Frankfurt a.M, SU 261/90, Landgericht Hamburg S O 543/88). Шундай ҳолни бошқа давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Бунга Аргентина умумий судларининг амалиёти мисол бўлиши мумкин. Ушбу давлат суди ишни кўриш жараёнида АҚШнинг Огайо штатидан бўлган сотувчи билан аргентиналик савдогар ўртасида тузилган товарлар олди-сотдисига доир халқаро шартнома Конвенция ваколатига киришини, чунки ҳар икки давлат ҳам Конвенцияга мазкур шартнома тузилишидан аввал аъзо бўлганлигини қайд этди (Jurgado Nacional de primera instancia in lo Commercial No.7, Secretario No.14, 1991 йил 20 майдаги қарор). Халқаро савдо арбитражининг ҳам ана шундай амалиётига, айниқса, Париждаги Халқаро савдо палатаси арбитраж судининг амалиётига

эътибор қаратиш лозим (масалан, 5713-сонли 1984 йилги ва 7153-сонли 1992 йилги ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар).

Ушбу масалада *ad hoc* (муайян ишни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган) ҳакамлик судларидан бири диққатга сазовор мавқени эгаллади. Италиялик сотувчи ва япониялик харидор ўртасида товарлар юзасидан тузилган контрактда шартнома «фақат итальян қонунларига асосланиши» белгилаб қўйилган. Суд мазкур низони ҳал этиш жараёнида Япония Конвенцияни ҳали ратификация қилмаганлиги ёки шартноманинг ўзи бевосита Италия қонунларига бўйсундирилгани туфайли, кўпчилик овоз билан Конвенция ушбу муносабатга қўлланилмайди деган, қарорга келди. Суднинг фикрича, тарафлар хоҳиши билан Италия қонунларининг танлаб олинганлиги конвенциянинг қўлланилмаслиги учун оқилона истисно бўлиб ҳисобланади. Аммо ҳакамлардан бири *Votum Separatum* (алоҳида фикр)да Италия ҳуқуқини танланганлиги томонлар Конвенциянинг қўлланилишига рози эканликларини англатишини, чунки Конвенциянинг 6-моддасидан шундай хулоса келиб чиқишини билдирган.

Италия суди 1993 йил 14 январдаги процесда ҳам юқоридаги ҳакамлик судининг йўлини тутди ва нафақат Конвенцияга қўшилгани (Швеция бу Конвенция иштирокчиси эмас), балки томонлар шартнома Италия ҳуқуқи билан тартибга солинишини танлаганликлари учун ҳам улар ўртасидаги муносабатга Конвенция нормалари қўлланилмаслигини таъкидлади. Суднинг фикрича, томонлар ўртасида қайси ҳуқуқни қўллаш ҳақида келишув бўлмагандагина Конвенциянинг 1-моддаси татбиқ этилади (*Tribunale Civile di Monza*). Халқаро савдо палатасининг ҳакамлик суди ўзининг 7197-сонли ишга доир суд амалиётида Австрия ва Болгария фирмалари ўртасидаги низода томонлар ўз муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тизимини танламаганликлари туфайли, мазкур муносабатда Австрия ҳуқуқи қўлланилиши ҳақида қарор чиқарди ва ўз қарорини, Вена Конвенциясининг 1-моддасига мувофиқ, Австрия қонунчилиги конвенцияда инкорпорациялангани билан асослади.

Вена конвенциясида олди-сотди шартномаси ва пудрат шартномаси (хизмат кўрсатиш шартномаси) фарқланади (3-модда). Бунда келгусида ишлаб чиқариладиган ёки тайёрланадиган товарларни етказиб беришга доир муносабатлар ҳам олди-сотди шартномаси билан тартибга

солинади. Фақат келгусида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотнинг хомашёси, бутловчи қисмларини буюртмачи етказиб бериши лозим бўлгандагина, у олди-сотди ҳисобланмайди ва бунда хизмат кўрсатишга оид шартномалар ҳақида сўз юритилиб, унга Вена конвенцияси татбиқ этилмайди.

Австриядаги бошқа суд эса товар ишлаб чиқариш учун кетадиган материалларнинг асосий қисмини буюртмачи етказиб берганлиги учун ва товар ишлаб чиқарувчининг асосий вазифаси буюртмачи томон тақдим этган материаллар билан иш бажариш (хизмат кўрсатиш) бўлганлиги туфайли, улар ўртасидаги шартнома муносабатларини олди-сотди шартномаси деб эътироф қилмади (Supreme Court суд амалиёти; 806509/93, 1994 йил 27 октябрь).

Чемберридаги Апелляция суди ҳам шунга ўхшаш вазиятда шартномани олди-сотди шартномаси деб тан олмади.

Гренобл Апелляция суди эса, бунинг аксича, 1995 йил 26 апрелдаги суд ишида фойдаланилаётган омборни олиш-сотиш ҳақидаги шартномада уни қисмларга ажратиш ва ташиш харажатлари ҳам олди-сотди шартномасига киритилганлиги, бу сумма шартнома умумий суммасида салмоқли ўрин тутмаслиги учун уни бўлақларга ажратиш (демонтаж қилиш) ва ташиш ишлари Конвенциянинг таъсир доирасига тушиши ҳақида қарор қабул қилди (3-модда, 2-банд).

Вена конвенциясида унинг таркибидан чиқарилган олди-сотди савдосининг турлари белгилаб қўйилган (булар жумласига аукционда, қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ёки бошқа мажбурий усулларда сотиш, ёхуд сотиладиган буюм хусусиятига кўра: қимматли қоғозлар, акция ва облигациялар, чеклар, ҳаво ёки сув транспорт кемалари, электр энергияси каби предметларни олиш-сотиш киритилган). Кўпчилик давлатларда ушбу предметлар билан бўладиган олди-сотди шартномалари уларнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус нормалар воситасида тартибга солинади.

Германия суди бозорни таҳлил қилишга оид ахборот олиш-сотиш шартномасини бундай шартнома деб эътироф этмади. Суднинг фикрича, олди-сотди шартномасида муайян ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга ўтади. Бозорни таҳлил қилиш маълумотлари объективлашган товар бўлса-да, аммо бунда шартноманинг бош мақсади буюмга эгалик ҳуқуқини ўтказиш эмас, балки муайян

ахборот хизмати кўрсатишга қаратилган ва шу сабабли бу шартномани Конвенцияда тушунилган маънодаги олди-сотди шартномаси деб ҳисоблаб бўлмайди.

Германия суди эса компьютер дастурлари олиш-сотишга оид шартнома муносабатлари Конвенция билан тартибга солинадиган муносабатлар эканлигини эълон қилди (Landgericht Munchen I; НКО 24667/93, 1993 йил 8 февралдаги суд амалиёти).

Конвенциянинг мазкур қоидалари таъсирида суд амалиёти шаклланди.

Вена конвенциясининг предмети шартнома тузиш, харидор ва сотувчининг шартнома қоидаларидан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан чекланади. Конвенциянинг шартнома ёки унинг бир қисмининг ҳақиқий ҳисобланиш-ҳисобланмаслиги, сотилган буюмга мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши, товар туфайли бошқа шахсларга зарар етказиши каби масалаларга алоқаси йўқ.

Германия суди муайян ҳуқуқни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларга тегишли нормани татбиқ этиб, ушбу муаммо Конвенция билан тартибга солинмаслигини кўрсатди (1994 йил 24 январдаги суд иши, Zammergericht Berlin 2U 7418/922, шунингдек, 1995 йил 9 июндаги Oberlandesgericht Hamm, 11U 1991/94).

Шу тариқа бошқа суд банк қафолатларини тақдим этиш ва фойдаланиш, шунингдек, асоссиз бойиш учун жавобгарлик масалаларига Конвенцияни эмас, балки тегишли давлатнинг ички қонун ҳужжатларини қўллаш лозимлигини кўрсатган (1995 йил 8 февралдаги суд қарори. Landgericht Munchen, 7 U 1720.94).

Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотишдаги бош принцип тарафларнинг шартнома эркинлигидир. Ушбу принципнинг қўлланиши туфайли, улар Конвенция қоидалари қўлланишини истисно қиладилар ёки ундан чекиниш, унинг қоидалари натижаларини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Конвенция қўлланилишининг истисно этилиши туфайли тарафлар Конвенция аъзоси бўлмаган давлат ҳуқуқи билан ёки ўзаро шартнома муносабатларига мос келувчи ҳар қандай бошқа ҳуқуқ билан ўзаро шартнома алоқаларини тартибга солишга келишиб олишлари мумкин. Конвенцияда белгилаб қўйилган қоидалардан бошқача принципларнинг шартномада назарда тутилиши доимо Конвенция қоидаларидан чекиниш юз берганлигини англатади.

Товарларни халқаро олиш-сотишнинг тартибга солинишини унификациялашга мўлжалланган Вена конвенцияси барча ҳуқуқий тизимларда бир хил тушунилган ва талқин этилган тақдирдагина ўз мақсадларига тезроқ эришади. Ушбу конвенцияни ишлаб чиқиш пайтида унинг аниқ-равшан ва осон тушуниладиган бўлишига катта эътибор берилди.

Бундай ҳолда барча тарафлар, шу жумладан давлат ва ҳакамлик судлари ўз зиммаларига Конвенциянинг халқаро хусусиятини эътиборга олиш, уни қўллашда унификацияга эришиш, халқаро савдода эҳтиёткорлик принципларига амал қилиш мажбуриятларини оладилар.

Хусусан, ушбу конвенция билан тартибга солинадиган масалалар предметига оид қоидалар унда аниқ белгиланмаган бўлса, ушбу масалалар Конвенциядаги умумий принципларга мувофиқ ҳал этилади. Фақат ана шундай умумий принциплар мавжуд бўлмаган ҳолдагина айрим давлатнинг қонунлари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига кўра татбиқ этилиши мумкин (Конвенция 7-моддасининг 2-бандида у таянадиган умумий принциплар асосида Конвенциядаги нуқсонларни бартараф этишга оид талаблар, бундай умумий принциплар бўлмаганда эса, халқаро хусусий ҳуқуққа кўра қўлланиладиган ҳуқуқ тизимига асосланувчи қоидалар назарда тутилган). Гернобл Апелляция суди судда иш кўришни қасддан чўзиш мақсадида ўз процессуал ҳуқуқларини суиистеъмол қилган томон хулқ-атворини холис ният принципига зид келувчи ҳаракат деб баҳолади ва иккинчи томонга ушбу хатти-ҳаракат оқибатида кўрган зарарни қоплаш мажбуриятини юкледи (1995 йил 22 февралдаги қарор).

Конвенцияни талқин этишда давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш элементи бўлган тенглик принципини ифодаловчи муқаддима қисми муҳим ўрин тутди.

Конвенцияда (8-модда) шартнома тузилиши ёки бажарилиши билан боғлиқ равишда томонлар берган баёнот ва (ёки) уларнинг хулқ-атвори қандай талқин этилиши лозимлиги тўғрисидаги қоидалар назарда тутилади.

Одатлар ҳақида сўз кетганда, Конвенция халқаро одатларни ҳам, маҳаллий, анъанавий ва замонавий одатларни ҳам назарда тутди.

Вена конвенцияси халқаро олди-сотди шартномаларининг шаклига қандайдир алоҳида талаблар қўймайди. Хусусан, конвенциянинг 11-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши ё

тасдиқланиши ёхуд шаклан бошқаларга бўйсуниси мажбурий эмас. У исталган воситалар, шу жумладан гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ҳам исбот қилиниши мумкин. Шунга қарамай, шартнома ёзма шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам ёзма шаклда амалга оширилмоғи лозим. Чунки Конвенция 29-моддасининг 2-бандига кўра, шартнома қандай шаклда бўлса, ана шундай шаклда ва усулда ўзгартирилиши мумкин.

14-§. ХАЛҚАРО ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА УЛАР ЮЗАСИДАН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Вена конвенциясининг иккинчи қисми таклиф (оферта) юбориш ва таклифни қабул қилиш (акцепт) орқали шартнома тузиш масалаларига бағишланган. Шартнома шу тарзда тузилганда таклиф амалда акцептлангани (қабул қилингани) ҳолда шартнома тузилган ҳисобланади.

Конвенцияга кўра, қуйидаги жиҳатларга эга бўлган хоҳиш-ироданинг ҳар қандай шаклда ифодаланиши оферта (таклиф) бўлиб ҳисобланади:

- ўз белгисига эга бўлади, яъни оферта эгасининг манзили аниқ кўрсатилган бўлади;
- аниқ ифодаланади, яъни шартномага оид муҳим таклифларни аниқ ҳамда тўлиқ равишда назарда тутади;
- қатъий бўлади, яъни таклиф эгасининг шартнома тузиш юзасидан хоҳишини аниқ ифодалайди.

Венгрия Олий суди оферта ва унинг акцептланиши аниқ ифодаланмаган вазиятда тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топди (1992 йил 25 сентябрдаги суд иши), чунки тарафлар шартнома баҳосини келишиб олмаганлиги туфайли суд шартномани тузилмаган деб ҳисоблади.

Германиядаги суд, тарафлар товар сифати юзасидан бир фикрга кела олмаганликлари туфайли, шартномани ҳақиқий деб эътироф этмади (Конвенциянинг 18–19-моддалари) (1995 йил 31 мартдаги суд иши. Oberlandesgericht Frankfurt a.M/ 25U 185/54).

Адресат (акцепт юборилган шахс) баёнот бериш орқали ёки товарни таклиф қилаётган томон учун тушунарли бўлган бошқача

усулда таклиф акцепланганлигини маълум қилади (Конвенциянинг 18-моддаси 1-бандига мувофиқ).

Сукут сақлаш ёки ҳеч қандай ҳаракат қилмаслик ўз-ўзича таклифни қабул қилиш (акцептлаш) бўлиб ҳисобланмайди. Шунга қарамай, розилик айрим ҳолларда товарни юбориш ёки белгиланган баҳони тўлаш йўли билан ҳам ифодаланиши мумкин. Акцепт сифатидаги бундай ҳаракат содир этилиш пайтида самара бериши мумкин.

Бундай тезис учун диққатга сазовор асосни Швейцариядаги судлардан бири топди. Сотувчи таклиф юборганлигининг тасдиқланиши, кейин эса харидорнинг жавоб бермаганлиги Конвенция 9-моддасининг 1-бандида баён этилган тушунчага мувофиқ келувчи одатнинг ифодаси деб топилди. Суд томонлар ушбу одатни олдиндан келишилган усулда қўллаганликларини, бундай маъқуллаш хусусиятларини олдиндан билган ёки билишлари лозим бўлганлигини тан олди (1992 йил 21 декабрдаги суд иши. Civil Court of Baset Stadt, P4 1994/238).

Конвенция 14-моддасининг 2-банди номаълум доирадаги шахсларга қаратилган таклифларни тартибга солади, яъни таклиф сифатидаги оммавий офертани назарда тутди. Шу йўл билан Конвенция 14-моддасининг 1-бандидаги таклиф эгаларига оид каттиқ талаблар бироз юмшатилади, оферта йўлланган шахс уни қабул қилиб олиши билан у кучга киради (Конвенция 15-моддасининг 1-банди).

Шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф (оферта) амалий аҳамият касб этадиган имкониятдаги уч хил вазият қуйидагилардир:

- таклифни юбориш;
- таклифнинг мазмуни билан танишиб чиқиш;
- таклифнинг адресатга етиб бориши.

Бунда Конвенцияда сўнгги нуқтаи назарга амал қилинган.

Оферта ҳам бекор қилиниши (Конвенция 15-моддасининг 2-банди) ёки қайтариб олиниши (Конвенция 16-моддасининг 1-банди) мумкин.

Конвенция таклиф маъқуллангунига қадар қайтариб олиниши кераклиги ҳақидаги доктрина билан уни муайян вақт давомида қайтариб олиб бўлмаслиги ҳақидаги доктриналар ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллайди. Умумий қоидага кўра, офертани қайтариб олиш мумкин. Аммо бунга ҳамкор ўз розилигини билдиришидан аввалгина йўл қўйилади.

Оферта унинг қабул қилиниши учун муайян муддат белгилангани

ҳолда ёки қатъий эканлиги аён этилгани ҳолда эълон қилинган бўлса, уни қайтариб олиш мумкин эмас. Шунингдек, шахсинг юборилган офертасини қайтариб олинмайдиган, деб ҳисоблайдиган ҳолларда ҳам оферта чақириб олиниши мумкин эмас. Ҳатто қайтариб олинмайдиган оферта ҳам, башарти у рад этилса ва бу ҳол оферентга маълум бўлса, ўз кучини йўқотади (Конвенциянинг 17-моддаси).

Шартнома тузиш пайтида, айниқса, олди-сотди шартномаларини тузиш пайтида офертага розилик билдирилиши, шу билан бирга, қўшимча ёки бошқа шартларнинг баён этилиши билан боғлиқ муаммолар юзага келиб туради. Конвенцияга кўра, қўшимча ва бошқа шартлар оферта шартларини жиддий тарзда ўзгартириб юбормаса, унга берилган акцепт сифатида қабул қилинади. Аммо оферент бундай таклифларга ўз эътирозини баён этган ҳоллар бундан мустасно, башарти оферент шундай эътирозларини дарҳол билдирмаган бўлса, акцептант таклиф қилган шартларда шартнома тузилган деб ҳисобланади (Конвенциянинг 19-моддаси).

Агарда қўшимча ва бошқа шартлар оферта шартларини тубдан ўзгартириб юборадиган бўлса, у ҳолда офертага берилган жавобнинг ўзи қарши оферта бўлиб ҳисобланади ва шартнома тузилиши учун у қабул қилинган бўлиши лозим.

Товар баҳоси, тўлов усули, миқдори ва сифати, етказиб бериш жойи ва муддати, томонлардан бирининг жавобгарлик ҳажми, низоларнинг ҳал этилишига оид қўшимча ва бошқа шартлар оферта шартларини тубдан ўзгартирувчи шартлар қаторига киради.

Конвенция 18-моддасининг 2-бандидаги қоидалардан истиснолар Конвенциянинг 21-моддасида назарда тутилган. Унга кўра, кечикиб етиб келган акцепт оферент дарҳол акцептантга хабар берган ҳолдагина ўз кучини сақлаб қолиши мумкин. Акцепт ҳам бекор қилиниши мумкин, аммо бунинг учун бекор қилиш ҳақидаги хабар оферент муайян ҳаракатларни қилгунигача қадар етиб борса, кучда бўлган ҳисобланади (Конвенциянинг 22-моддаси).

Конвенциянинг 23-моддасига биноан, акцепт Конвенция қоидаларига кўра кучга кирган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Шу билан бирга, Конвенция шартноманинг тузилиш жойини ҳал этолмайди.

Ниҳоят, конвенция музокаралар йўли билан шартномалар тузиш масаласини тартибга солмайди, аммо шу йўл билан шартнома тузиш

халқаро амалиётда тобора кенг тарқалиб бормоқда.

Айни пайтда, музокаралар йўли билан тузиладиган шартномаларга Конвенция қоидаларини татбиқ этиш мумкинлиги истисно этилмайди. Бундай ҳулосага Конвенция 6-моддасининг мазмуни билан танишиб келиш мумкин. Ушбу моддада томонларнинг ўзаро муносабатларида автономиянинг тан олиниши баён этилади, шартнома тузиш усулини танлаш эркинлиги эътироф этилади. Конвенциянинг 11-моддаси шартнома шаклига алоҳида талаблар қўймайди. Шартнома томонлар ўз эркини мустақил равишда билдириш орқали тузилиши мумкин.

Конвенция 29-моддасининг 1-бандига кўра, шартнома томонлар ўртасидаги оддий келишув йўли билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (агар шартномада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса).

Халқаро олди-сотди шартномаси юзасидан томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид халқаро-ҳуқуқий қоидалар Вена конвенциясининг III қисми (25–88-моддалари)да баён этилган.

Конвенциянинг 25-моддасида «шартноманинг жиддий равишда бузилиши» тушунчаси келтирилган бўлиб, унга кўра, шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бузилиши иккинчи томонга у шартнома тузиш туфайли кўзлаган даромадни олиш имкониятидан батамом маҳрум этадиган даражада зарар етказса, шартномани ана шундай бузиш жиддий равишда бузиш деб баҳоланади. Айбдор томон бундай жиддий оқибатлар юз беришини билмаган ҳамда ана шундай оқилона шароитларда бошқа ҳар қандай шахс ҳам оқибатларини кўриши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шу туфайли Конвенцияда шартноманинг жиддий равишда бузилиши оддий бузилишидан фарқланади. Шартнома жиддий равишда бузилган ҳоллардагина кредитор Конвенцияда назарда тутилган жазо чораларидан (Конвенциянинг 46, 49, 51-моддаларида – харидорга, 64-моддасида эса – сотувчига ана шундай имконият назарда тутилган) фойдалана олади.

Шартномани жиддий бузиш туфайли юз берган зарар томонлардан бирини шартнома тузишдан кўзлаган мақсадининг амалга оширилишидан жиддий равишда маҳрум этганми-йўқми, деган саволга жавоб беришда ишнинг аниқ ҳолатлари, хусусан, шартнома тузиш мақсади, шартноманинг хусусияти, мажбуриятларнинг ва мажбуриятларининг

хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. «Зарар» тушунчаси Конвенцияда кенг талқин этилади ҳамда кредиторнинг мол-мулкига етказилган реал зарарни ҳам, шунингдек, бой берилган даромад ва маънавий зарар ўрнининг қопланишини ҳам ўз ичига олади.

Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли юз бериши мумкин бўлган зарар юзасидан масъулият қарздорнинг зиммасида бўлади. Бундан шундай хулоса чиқадики, зарурат тутилганида зарар юз бериши мумкинлигини олдиндан кўриб бўлмаслигини исботлаш мажбурияти қарздорнинг зиммасида бўлади.

Юз берган зарарни олдиндан кўра билиш мумкин ёки мумкин эмаслигини баҳолаш айти шу вазиятда қарздорнинг ўрнида бошқа шахс бўлганида зарарли оқибатнинг олдини ола билармиди, деган саволга жавоб ахтариш орқали амалга оширилади. Табиийки, юз берган зарар шартноманинг бажарилмаслиги билан бевосита сабабий боғланишда бўлмоғи лозим.

Сотувчининг асосий мажбуриятлари маҳсулотни етказиб бериш, товарга оид барча ҳужжатларни, унга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни шартнома шартлари ҳамда конвенцияга мувофиқ топширишдан иборат бўлади.

Конвенцияда сотувчи ўз мажбуриятларини қачон, қаерда ва қандай қилиб бажариши лозимлиги тўғрисидаги зарур қоидалар шартноманинг ўзида бўлмаганида фойдаланишга мўлжалланган қўшимча тартиблар назарда тутилган.

Конвенцияда товарнинг сифатига қўйиладиган ва сотувчига юклатиладиган бир қатор мажбуриятлар белгиланган. Умуман олганда, сотувчи шартномада кўрсатилган миқдор, сифат ва хусусиятларга эга товарларни белгиланган ўрам ва идишларга жойланган ҳолда етказиб бериши лозим (Конвенциянинг 35-моддаси). Ушбу мақсадда товарнинг шартнома шартларига мувофиқ эканлигини аниқлашда қуйидаги саволларга жавоб олиниши талаб этилади:

- мазкур товар одатда фойдаланиладиган мақсадда фойдаланиш учун яроқлими?
- шартнома тузиш пайтида сотувчига маълум қилинган махсус мақсадларга мувофиқми?
- сотувчи харидорга тақдим этган намунага мос келадими?

– ушбу товарлар учун белгиланган ўрам ва идишларга жойлаштирилганми?

Конвенциянинг 36-моддасига кўра, сотувчи таваккалчиликнинг харидорга ўтиши пайтида мавжуд бўлган номувофиклик учун, ҳатто агар ушбу номувофиклик фақат кейинчалик аниқланса ҳам, шартнома ва Конвенция бўйича товарларнинг ҳар қандай номувофиклиги учун жавоб беради.

Сотувчи, шунингдек, товарга нисбатан таваккалчилик сотувчидан харидорга ўтганидан кейин пайдо бўладиган ва унинг ҳар қандай мажбуриятни бузишининг оқибати ҳисобланган, номувофиклик учун чунончи у ёки бу муддат давомида товар оддий мақсадлар учун ёки бирор-бир аниқ мақсадлар учун яроқли бўлиб қолишининг ёхуд келишилган сифатлар ёки хоссалар сақланиб қолишининг ҳар қандай кафолати бузилиши товарнинг исталган номувофиклиги учун ҳам жавоб беради.

Конвенция нормалари гуруҳларидан бири товарларни халқаро миқёсда олиш-сотишда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу нормалар сотувчининг зиммасига бошқа шахслар ҳуқуқидан бутунлай холи бўлган, шу жумладан саноат ёки интеллектуал мулк сифатида ҳам бошқа шахслар ҳуқуқларидан холи бўлган товарларни топшириш мажбуриятини юклайди (Конвенциянинг 42-моддаси).

Сотувчининг сифатли маҳсулот етказиб бериш мажбурияти масаласида Конвенцияда сотувчининг зиммасига товарларни кўздан кечириш мажбурияти ҳам юкланади(38-м.).

Сотувчи товарда аниқланган нуқсонлар, шартномага номувофикликлар ҳақида улар аниқлангач оқилона муддатларда, аммо товар амалда топшириб бўлингач икки йил ичида аниқланса (агар бу муддат кафолат муддатига тўғри келса) харидорни хабардор қилиши лозим (Конвенциянинг 39-моддаси).

Агар сотувчи ушбу ҳолатлар мавжудлигини билган ёки билиши лозим бўлган, аммо бу ҳақда харидорни хабардор қилмаган бўлса, юқорида сўз юритилган ҳолатлар (Конвенциянинг 36 ва 39-моддалари)ни баҳона қилиши мумкин эмас. Бинобарин, қасддан ҳаракат қилган сотувчи товардаги нуқсонлар ҳақида кечикиб хабар топганлигини баҳона қилолмайди.

Харидор сотувчига мажбуриятни бажариши учун қўшимча оқилона

муддат белгилаши мумкин (Конвенция 47-моддасининг 1-банди). Германиядаги судлардан бири бундай қоидаларга таянган ҳолда 1990 йил 24 апрелдаги қарорида товарни қабул қилишдан бош тортиш ҳолатини шартномадан четга чиқиш деб, тан олмас экан, харидор шартномани бажариш учун қўшимча муддат белгилаганлигини кўрсатиб ўтган (Amtsgericht Oldenbyrginin Holstein, 5C73/84) шундай қарор қабул қилар экан, қўшимча муддатлар белгиланмаслиги оқибатида жавобгар томонда биргина ҳуқуқ – товон талаб қилиш ҳуқуқи сақланиб қолаётганлигини кўрсатган (16 U 11993-иш).

Конвенция 49-моддасининг 1-бандига кўра, харидор:

а) агар сотувчининг шартнома ёки мазкур Конвенцияда белгиланган мажбуриятларидан исталган бирини бажармаслиги шартноманинг жиддий равишда бузилишига олиб келса; ёки

б) товар етказиб берилмаган тақдирда, агар сотувчи, 47-модданинг 1-бандига мувофиқ, харидор белгилаган қўшимча муддат давомида товарни етказиб бермаса ёки у бундай тарзда белгиланган муддат давомида етказиб беролмаслигини маълум қилса, шартномани бекор қилиш тўғрисида баёнот бериши мумкин.

Ана шундай ҳимояланиш ҳуқуқларига тенг келадиган ҳуқуқий воситалар Конвенциянинг 64-моддасида сотувчига нисбатан ҳам назарда тутилган.

Нихоят, Конвенциянинг 50-моддасига кўра, товар шартномага мувофиқ бўлмаса, ҳақи тўланган-тўланмаганидан қатъи назар, харидор унинг нархини тегишли шартнома бўйича товар ўша пайтда эга бўлган қийматга мутаносиб равишда пасайтириши мумкин. Бироқ сотувчи аниқланган нуқсонларни бартараф этса ёки уларни сотувчи бажаришини рад этса, харидор нархни пасайтира олмайди.

Товарнинг белгиланган талабларга мослиги масаласида эътирозлар билдириш шартларидан бири – бундай талабларнинг ўз вақтида баён этилишидир. Конвенция 39-моддасининг 1-бандига кўра, агар харидор номувофиқлик хусусиятини аниқланганидан ёки аниқлаши керак бўлганидан кейин зарур муддатда сотувчига бу тўғрида маълумотнома битилган билдиришномани бермаса, харидор товарнинг номувофиқлиги юзасидан эътироз қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Конвенциянинг 43-моддасида ҳам шунга ўхшаш тартибга солиниш ҳолатлари белгиланган.

Ушбу қоида нисбатан бой суд амалиётига асосланади. Германиядаги суд ишларининг бирида кўрсатиб ўтилишича, товар жойида қабул қилиб бўлинганидан сўнг орадан 7 кун ўтганидан кейин унинг шартномага номувофиқлиги ҳақида талаб билдирилганлиги сабабли, харидор товар нархининг пасайтирилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган (Oberslandesgericht Dusseldorf, 17 U 82/93. Шунга ўхшаш кўрсатмалар 1992 йил 27 апрелдаги суд ишида ҳам кўрсатилган. Landgericht Baden-Baden 4 O 113/90).

Бошқа суд иши бўйича эса даъвогарга товар нархини пасайтириш мажбурияти юклатилган, чунки товардаги нуқсонлар ҳақида жавобгар хабар берган бўлса-да, даъвогар уларни бартараф этишдан бош тортган (1992 йил 27 апрелдаги суд иши. Тицино Контонлиги).

Германиядаги суд ўзининг 1989 йил 3 июлдаги қарорида сотувчига юборилган хабарномада товарнинг нуқсонлари аниқ кўрсатиб берилмаганлиги туфайли ушбу нуқсонларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлигини кўрсатди (Ladericht Munchen/НКО 3726/89, шунингдек, Ladgericht Stuttgart. 1989 йил 31 августдаги №2 KfH 97/89-сонли суд иши).

Худди шу тарзда Венгрия савдо-саноат палатаси қошидаги суд ҳам харидор товар номувофиқликлари ҳақида батафсил баён этмаганлиги сабабли товар нархини тўлаши лозим, деган қарорга келган (Конвенция 39-моддасининг 1-банди), (1995 йил 5 декабрдаги UI/9431-сонли суд иши).

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, зарарни қоплатиш ҳимояла-нишнинг ҳуқуқий воситаларидан бири бўлиб, унинг бошқа воситалари билан бир қаторда қўлланилиши мумкин.

Конвенциянинг 74-моддасига мувофиқ, томонлардан бири шартномани бузганлиги учун кўриладиган зарар шартнома бузилиши оқибатида бошқа томон кўрган зарарга тенг миқдорни ташкил этади (бой берилган фойда ҳам шулар жумласига киради). Қопланадиган зарар миқдори шартномани бузган томон шартномани тузиш пайтида ўз мажбуриятлари доирасида олдиндан кўрсатган зарар миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

Конвенциянинг 75 ва 76-моддаларида зарарни қоплаш йўлларини аниқлашнинг муқобил усуллари назарда тутилади. 75-моддага кўра, зарарнинг қопланишини талаб қилаётган томон товарнинг шартномада

белгиланган нархи билан унинг ўрнига бошқа товар сотиб олингандаги нархи ўртасидаги фарқни, шунингдек, ҳар қандай қўшимча зарарнинг қоплаб борилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Конвенциянинг 76-моддасида зарарнинг жорий баҳоларда қопланиши белгиланган.

Ҳакамлар суди, юқорида келтирилган қоидаларга кўра, даъвогар ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ (адвокат хизмати учун қилинган) харажатларнинг ҳам зарар сифатида қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги тўғрисида қарор чиқарди (1996 йил 21 июндаги қарор. *Schiedsgericht der Handelckammer Hamburg*).

Германиядаги суд ўзининг 1991 йил 16 сентябрдаги қарорида ишлаб чиқарувчининг виндикация агентлигини ишга жалб этилганлиги билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳақидаги талабини рад этар экан, агентлик кредиторга қараганда самаралироқ воситаларни қўллаш олсагина, ушбу воситалар лозим восита ҳисобланади, деган фикрни баён этди (*Landgericht Frankfurt a.M. 3/11 03/S1*).

Конвенциянинг 77-моддасига кўра, шартнома бузилганлигини далил қилиб келтираётган тараф, зарарни, шу жумладан бой берилган даромадни камайтириш учун ушбу вазиятда оқилона ҳисобланадиган тадбирларни кўрган бўлиши лозим. Агар бу мажбурият бажарилмаса, шартномани бузган томон қопланиши талаб қилинаётган зарар миқдорини шунга мутаносиб тарзда пасайтиришни талаб қилиши мумкин бўлади.

Агар жавобгар томон, ўз мажбуриятининг бажарилмаслиги у назорат қила олмайдиган тўсқинлик туфайли келиб чиққанлигини ва шартномани тузишда ушбу тўсиқ ҳисобга олиншини, ёхуд мазкур тўсиқ ёки унинг оқибатларининг олди олиншини ёки бартарф этилишини кутиш оқилона эмаслигини исботлаб берса, ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди (Конвенция 79-моддасининг 1-банди).

Ушбу истисно, шунингдек, шартномани бажариш учун жалб этилган бошқа шахс уни бажармай қолган ҳоллар учун ҳам татбиқ этилиши мумкин (Конвенция 79-моддасининг 1-банди).

Юқорида келтирилган қоида форс-мажор ҳолатларнинг мослашувчан тузилишини вужудга келтиради. Бундай мослашувчанлик шундан иборатки, форс-мажор ҳолатлар туфайли юз берган воқеа шартномани бажармаган томон ушбу воқеани олдиндан кўра олганми,

олдини олиши мумкин бўлганми, бу воқеа оқибатларини бартараф эта олганми, деган саволларга жавоб бериши орқали баҳоланади, чунки форс-мажор ҳолатлар субъектив хусусиятга эгадир.

Юқоридагиларга қўшимча равишда Конвенциянинг 80-моддасида бир томон бошқа томоннинг мажбуриятни бажармаслигини ушбу бажармаслик биринчи томоннинг ҳаракатлари ёки нуқсонлари туфайли келиб чиққан даражада далил қилиб келтира олмайди деб, кўрсатиб ўтилган (*Venire Conta proprium factum*).

Конвенциянинг 80-моддасида шартноманинг бажарилишида унинг томонлари ўзаро ёрдам беришлари лозимлиги принципи маъқулланган.

Конвенциянинг 71-моддасига мувофиқ, башарти шартнома томонларидан бирига шартнома тузилганидан сўнг иккинчи томон ўз мажбуриятларининг асосий қисмини бажара олмаслиги ёки ушбу томон имкониятларининг чекланганлиги, тўловга қобилиятсизлиги ёки шартномани бажаришга тайёргарлик кўриш жараёнидаги хулқ-атвори шартноманинг тўлиқ бажарилишига шубҳаланиш учун асос бўлса, у ҳолда бу томон ижронинг ўзига тегишли қисмини тўхтатиб туриши мумкин.

Шартномани бажаришни тўхтатувчи томон, бу томон товар жўнатилгунча ёки жўнатилганидан қатъи назар, бу ҳақда дарҳол иккинчи томонга маълум қилиши ва агар бошқа томон ўз мажбуриятлари бажарилишига етарлича кафолат берса, уни бажаришни давом эттириши керак.

Агар шартнома бажарилиши учун белгиланган санагача томонлардан бири шартномани жиддий равишда бузиши аниқ бўлса, бошқа томон уни бекор қилиш ҳақида баёнот бериши мумкин.

Агар вақт имкон берса, шартномани бекор қилиш режаси ҳақида баёнот бермоқчи бўлган томон бошқа томонга ўз мажбуриятлари бажарилишининг етарли кафолатини бериш учун бошқа томонга мақбул билдиришнома юбориши керак. Конвенциянинг 73-моддасида нуқсонли товарлар бир неча марта такроран юборилган тақдирда шартномани бекор қилиш мумкинлиги белгиланган.

Вена конвенцияси шартноманинг ҳар икки томони зиммасига иккинчи томонга тегишли бўлган товарнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини юклайди. Бу мажбурият халқаро савдо муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга, томонлардан бири бошқа давлат ҳудудида

бўлган ҳолат учун бу айниқса муҳимдир. Муайян ҳолларда ихтиёрида товар бўлган томон товарни сотиши мумкин ва баъзан бунга мажбур ҳам бўлади. Товарни сотиб юборган томон тушган пулдан товар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги харажатларни қоплаш мақсадида оқилона ҳажмларда олиб қолиши, қолган сумма доирасида иккинчи томон билан ҳисоб-китоб қилиши лозим бўлади.

Шартноманинг бекор қилиниши зарарлар ундирилишига бўлган ҳуқуқ сақланиб қолган ҳолда, ҳар икки томонни шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод қилади.

Шартноманинг бекор қилиниши низоларни ҳал қилиш тартибига ёки томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли бўлган коидаларга дахл қилмайди. Шартномани тўлиқ ёки қисман бажарган томон ўзига тўланган пулни қолдиришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар томонларнинг ҳар иккиси бир-бирига муайян нарсаларни қайтариши лозим бўлса, у ҳолда бу мажбурият бир вақтнинг ўзида амалга оширилмоғи лозим.

Конвенция 82-моддасининг 2-бандида агар харидор товарни олган ҳолатида қайтара олмаса, шартномани бекор қилиш ёки сотувчидан товарни алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шартномани бекор қилиш ҳуқуқидан ёки етказиб берилган товар ўрнига бошқа товар берилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган харидор, Конвенциянинг 82-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий ҳимояланишнинг барча воситаларини ўзида сақлаб қолади.

Венгрия савдо-саноат палатаси ҳакамлар судининг фикрича, форс-мажор ҳолатлари туфайли кўрилган зарар учун товар билан боғлиқ равишдаги хатар юз берган томон жавоб беради (1996 йил 10 декабрдаги суд иши. ИВ 9601/74).

Россия Федерацияси савдо-саноат палатаси қошидаги Халқаро тижорат ҳакамлар суди товар ишлаб чиқарувчи томоннинг товарни етказиб беришдан бош тортиши харидорни жавобгарликдан озод қилиш учун етарли асос ҳисобланмаслиги туфайли, жавобгар (харидор) ўзини жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар мавжудлигини исботлаб бера олмайди, деб тан олди.

Жавобгар мажбуриятни бажармаслиги ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли юз берганлигини, унинг олдини олиш имконияти

бўлмаганлигини исботлаб бериши мумкин (1995 йил 16 мартдаги №155, 1994 суд иши).

Шу суднинг ўзи 1995 йил 17 октябрдаги қарорида (123/1992-сонли қарор) томонларнинг етарли валюта маблағига эга эмаслиги уларни жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлувчи форс-мажор ҳолат деб ҳисобланмаслигини кўрсатди.

Ўз мажбуриятларини бажармаган томон ўзига халал бераётган ҳолатлар ва уларнинг мажбуриятни бажаришга салбий таъсири тўғрисида иккинчи томонни хабардор қилиши лозим (Конвенция 79-моддасининг 4-банди).

Товарнинг йўқолиш ёки нобуд бўлиш хавф-хатари қайси пайтдан бошлаб сотувчидан харидорга ўтишини тўғри белгилаш халқаро миқёсда тузилган товарларни олиш-сотиш шартномаларида жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Томонлар ушбу масалани шартномада ёки намунавий савдо тушунчалари (масалан, INCOTERMS) қоидаларидан фойдаланган ҳолда аниқ белгилаб олишлари мумкин. Шунга қарамай, шартномада бунга (савдо тушунчаларига) оид келишувларни назарда тутмайдиган кўп учрайдиган вазиятлар учун Конвенцияда тегишли тартиб-қоидалар назарда тутилган (Конвенциянинг 67-моддаси). Яъни агар олди-сотди шартномасида товарни транспорт воситаларида ташиш назарда тутилган бўлиб, сотувчи уни шахсан харидорга муайян жойда топшириши белгиланмаган бўлса, сотувчи товарни биринчи ташувчига – транспорт корхонасига топширган пайтдан бошлаб товарнинг нобуд бўлиш ёки йўқолиш хавфи сотувчидан харидорнинг зиммасига ўтади. Агар товар сотувчи аниқ белгиланган жойда харидорга топширилиши лозим бўлса, товар ушбу жойда ташувчига топширилган пайтдан бошлаб хатар сотувчига ўтган ҳисобланади.

Кўпинча шартнома турдош (индивидуаллаштирилмаган) товарларга тааллуқли бўлади. Шу сабабли товар харидор ихтиёрига топширилгунига қадар ажратилиши (индивидуаллаштирилиши) лозим бўлади. Ўшангача товарнинг йўқолиш хавф-хатари сотувчида бўлади ва харидорга ўтмайди.

Вена конвенциясида шартноманинг бажарилиш муддати келишидан олдинроқ томонлардан бирининг ўз мажбуриятларини жиддий равишда бажара олмаслиги ёки шартнома шартларини кўпол равишда бузиб бажариши аён бўлиб қоладиган вазиятлар учун мўлжалланган нормалар

назарда тутилган. Конвенцияда бундай ҳоллар томонлардан бири шартнома ижросини кечиктириб турадиган, шартнома эса ушбу томон шартномадан четга чиқиши ҳақида маълум қилгунча амал қилиб турадиган вазиятлардан фарқланади.

Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш шартномаларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солувчи асосий ҳужжат Вена конвенцияси бўлса-да, аммо ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бошқа бир қатор халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжудлиги ёдда тутилмоғи лозим. Булар қаторига аллақачон тарқаб кетган бўлса-да, собиқ социалистик давлатларнинг Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгаши (ИЎЁК) ўша пайтларда қабул қилган ва муайян ҳолларда айрим давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда қўлланиб келаётган (масалан, Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида) маҳсулот етказиб беришнинг умумий шартлари, бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Булардан ташқари, халқаро шартномаларни ифодаловчи «халқаро қонунчилик» ҳужжатларидан мустақил равишда халқаро олди-сотди шартномаси муносабатларининг тартибга солинишида томонлар учун қоидага айланиб қолиши мумкин бўлган турли-туман намуналар ва намунавий шакллар муҳим ўрин тутиши мумкин. Бу ўринда мисол тариқасида 1994 йилда UNIDROT қабул қилган «халқаро савдо шартномалари»нинг принципларини ёки БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси ишлаб чиққан турли товарлар (масалан, машина ва ускуналар)ни экспортга етказиб беришнинг умумий шартлари (188 ва 574-сонли ҳужжатлар), контрактларининг умумий шартларини келтириш мумкин. Улар жумласига яна ускуналарни экспортга сотиш ва монтаж қилишнинг умумий шартлари (188-Ф ва 574А-ҳужжатлар), кўплаб ишлаб чиқариладиган металл буюмлар экспорт-импорт савдосининг умумий шартлари кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Муомалада савдогарлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг турли ташкилотлари тайёрлаган контрактларнинг турли-туман намуналари учрайди (масалан, дон, табиий маҳсулотлар кабилар бўйича). Бундай ташкилотларнинг энг машҳурлари қаторига Британия жун конфедерацияси, Лондон какао ассоциацияси, Ўсимлик ёғлари, уруғ ва мой ассоциациялари федерацияси (FOSFA), Ем-хашак ва дон бўйича савдо ассоциацияси (GAFTA), Металлар бўйича Лондон биржаси ва

бошқаларни киритиш мумкин.

Ниҳоят, товарлар олди-сотдисини халқаро миқёсда тартибга солувчи манбалар ҳақида гап кетганида Халқаро савдо палатаси эълон қиладиган ҳужжатларни кўрсатиб ўтмаслик мумкин эмас. Бунда, энг аввало, савдо атамаларини шарҳлаш бўйича халқаро қоидалар (ИНКОТЕРМС) (сўнгги таҳрирдагиси Халқаро савдо палатасининг 1990 йилги 460-нашрида эълон қилинган) махсус таъкидланмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида олди-сотди шартномаларига оид муносабатлар миллий фуқаролик қонунчилиги билан батафсил тартибга солинган. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари кенг қамровли ва асосий манба бўлиб ҳисобланади (29-боб, 386–511-моддалар).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-моддасида Ўзбекистон Миллий ҳуқуқ тизими учун универсал бўлган принцип назарда тутилган бўлиб, у олди-сотди шартномаси билан тартибга солинадиган муносабатларга ҳам дахлдордир.

Ушбу моддада айтилишича, «агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади».

Текшириш учун саволлар

1. Халқаро савдо битимлари деганда нима назарда тугилади?
2. Халқаро ва миллий савдо битимлари нимаси билан фарқ қилади?
3. Биржа, аукцион, танлов, халқаро ярмаркаларда савдо битимлари тузишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
4. Савдо музокаралари, уларнинг мазмуни ва амалга оширилиши ҳақида нималарни биласиз?
5. Битимларнинг қандай шакллари мавжуд?
6. Халқаро савдо битимларида жавобгарлик юклаш ва жавобгарликдан озод қилиш қандай хусусиятларига эга?
7. Форс-мажор нима ва у халқаро савдо-сотик алоқаларида қандай ўрин тутади?
8. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда даъво муддати, унинг қўлланилишига оид масалалар қандай ҳал этилади?
9. «Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотишга оид даъво муддатлари тўғрисидаги конвенция ҳақида нималарни биласиз?»

10. Халқаро олди-сотди шартномаси нима ва у халқаро товар муомаласида қандай ўрин тутади?
11. Вена конвенциясига кўра олди-сотди шартномаларини тузишга қандай талаблар қўйилади?
12. «Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш шартномалари тўғрисида»ги Вена конвенциясида томонларнинг жавобгарлиги қандай белгиланган?
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг олди-сотди шартномасини тузиш ва бажаришга оид қоидалари қандай ва уларнинг халқаро олди-сотди шартномаларини тузишдаги аҳамияти нимадан иборат?

IV боб. ХАЛҚАРО ОЛДИ-СОТДИ ВОСИТАЧИЛИГИ

1-§. ХАЛҚАРО ОЛДИ-СОТДИ ВОСИТАЧИЛИГИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Савдо фаолиятини амалга ошираётган ҳар қандай шахс (кенг маънода) ўз товарлари (иш, хизматлари)ни сотиш бозорининг кенгайишидан манфаатдордир. Ишлаб чиқарувчилар ўз миллий бозорларини ўзлаштирганларидан кейин маҳсулотларини бошқа давлатларга ҳам ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса товарлар сотиш ҳажмини янги бозорларда янада кенгайтириш билан бир қаторда, ушбу бозорлардаги юқори баҳолар ҳисобига олинадиган фойданинг ҳажмини ошириш имконини ҳам беради.

Аммо маҳаллий ва халқаро бозорларни яхши биладиган воситачиларсиз товарларни хорижий давлатлар бозорида сотиш кўпинча жуда қийин бўлади. Сотувчи воситачиларни жалб этиш йўли билан ўз хавфхатарини камайтиради ва айни пайтда бошқа мамлакат бозорини ўзлаштириш билан боғлиқ харажатларни камайтиришига эришади.

Бунда миллий ва халқаро савдо амалиётида воситачилик (иқтисодий атамаси) жуда кенг маънода тушунилади. Масалан, Англияда воситачига нисбатан «агент» атамаси қўлланилади. Агент ўз хатти-ҳаракатлари билан принципалга (сотувчига) битимлар тузиш ҳамда товарларни сотишда кўмаклашади. Шу билан бирга, баъзи ҳуқуқий тизимларда «воситачи» атамаси тор маънода ҳам тушунилади ва мустақил равишда амал қилгани ҳолда битим тузувчи томонларга ўзаро шартнома тузишларида кўмаклашувчи шахсни ҳам билдиради¹.

Халқаро савдо воситачилигини кенг маънода кўриб чиқишда унинг

¹ Шунинг назарда тутмоқ керакки, халқаро савдо воситачилиги товарларни сотиш, сотиб олиш ёки бошқа мажбуриятларни бажариш (масалан, кредитга оид шартнома тузилишида молиявий воситачилик қилиш)га қаратилиши мумкин. Аммо муносабатларни тушуниб етишни осонлашириш мақсадида, ушбу бобда товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш шартномаси бўйича воситачи товарнинг сотилишига кўмаклашувчи шахс сифатида кўриб чиқилади.

уч асосий шаклини кузатиш мумкин:

1. Унинг кенг тарқалган шакли савдо ваколатхонаси бўлиб, бунда шахс (савдо воситачиси) муайян ҳақ эвазига ўз фаолиятини ўзига берилган топшириққа мувофиқ тарзда амалга оширади (кейинчалик – савдо ваколатхонаси).

2. Воситачиликнинг иккинчи шакли – дистрибьюторлик (тижорат концессионерлиги) билан боғлиқ воситачилик бўлиб, унга кўра дистрибьютор товарни ўз ҳисобидан сотиб олади ва ишлаб чиқарувчи (экспортчи) билан тузилган давомли шартнома асосида ўз номидан сотади. Дистрибьюторлик фаолияти, энг аввало, иқтисодий маънодаги савдо воситачилиги жумласига киради, чунки, расман, дистрибьютор бошқа шахс номидан ҳаракат қилмасдан, таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда мустақил ҳаракат қилади. Аммо, иқтисодий нуқтаи назардан олганда, дистрибьютор ишлаб чиқарувчига унинг товарларини доимий асосда истеъмолчига етказиб беришда кўмаклашади ва, шундай қилиб, ушбу занжирда воситачилик вазифасини бажаради.

3. Воситачиликнинг учинчи шакли бўлган соф воситачилик халқаро савдо муомаласида камроқ тарқалган. Бу фаолиятни маклер (брокер) амалга оширади. Маклер (брокер) мустақил равишда ва топшириқсиз ҳаракат қилгани ҳолда шартномалар тузишга кўмаклашади. Тор маънодаги «воситачилик» тушунчасининг мазмунини айнан маклерлик ташкил этади.

Халқаро савдо воситачилигини тартибга солувчи халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларини кўриб чиқишдан аввал турли давлатлар ҳуқуқ тизимларидаги воситачилик билан боғлиқ муносабатларни тасвирлашга ҳаракат қиламиз. Чунки халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида турли ҳуқуқий тизимлар учун хос бўлган атамалардан фойдаланилади ва шу боис уларнинг миллий ҳуқуқдаги мазмунини яхши англаб олмай туриб халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушуниб етиш анча қийин бўлади.

Савдо воситачилиги билан боғлиқ масалалар тури давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларида ўзига хос тарзда тартибга солинган бўлиши ва муайян фарқларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида воситачилик тадбиркорлик шаклларида бири сифатида алоҳида моддалар билан тартибга солинган (46-бобнинг 832, 848-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 832-моддасига кўра, воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи учинчи шахс билан тузган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларига эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, комитент воситачига вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, воситачига ҳақ берилиши керак бўлганда эса, унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт. Бу қоида вакил топшириқнинг бекор қилинганини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин бажарган топшириққа татбиқ этилмайди.

Энди халқаро савдо воситачилигининг айрим шакллари ва уларнинг турли давлатлар қонунларида тартибга солинишига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Савдо ваколатхонаси. Агентлик шартномаси Англия ва АҚШ ҳуқуқида кенг доирадаги воситачилик муносабатларига нисбатан қўлланилади. Агентлик муносабатлари деганда, бир шахс бошқа шахс ўз номидан қарор қабул қилмайдиган, айти пайтда ўз хизмат бурчи тақозоси билан хизмат қилиши шарт бўлган шахс сифатида ҳаракат қилмайдиган ҳолда, у ёки бу ҳаракатни содир этишга жалб этиладиган муносабатлар тушунилади (ингл. independent contractor). Шундай қилиб, Англия ва АҚШ ҳуқуқида «агент» атамаси юридик ёки амалдаги ҳар қандай вакиллик муносабатларига нисбатан қўлланаверади (Бунда агентга ваколат берувчи томон (шахс) «принципал» деб юритилади).

Агентлик муносабатларининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар қандай принципал агент билан бевосита муносабатда бўлади. Яъни Англия ва АҚШ ҳуқуқига агентлик муносабатини агент принципал учун бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятлар оладиган ҳамда агент аввал бевосита ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар оладиган, кейинчалик муайян ҳаракатлар содир этиш йўли билан бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни принципалга ўтказадиган муносабатлар таниш эмас. Бунда агент принципал манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётган шахс сифатида

муносабатда иштирок этаётганлигини кўрсатган ёки кўрсатмаганлигининг аҳамияти бўлмайди. Бошқа шахслар билан бўладиган муносабатларда принципал манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётган шахс эканлигини кўрсатмаганлиги агент ва принципал ўртасида агентлик муносабати мавжуд эмаслигидан дарак бермайди, фақат агентнинг ўзи билан муносабатга киришган бошқа шахс олдидаги масъулиятни кучайтиради, холос. Чунки ушбу ҳолда ҳуқуқ агент билан битим тузгани ҳолда унинг агент эканлигидан беҳабар бўлган учинчи шахс манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.

Шундай қилиб, «агент» тушунчасининг энг умумий таърифи шундан иборатки, у принципал номидан ҳаракатлар содир қилишга вакил қилинган ёки шундай деб тасаввур қилинадиган, унинг номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қиладиган шахс ҳисобланади. Бунда аниқ ифодаланган ваколатлар деганда, агент ва принципал ўртасида ўзаро келишилган ваколатлар; тасаввур қилинадиган ваколатлар деганда эса, улар ўртасида махсус келишиб олинмаган бўлса-да, савдо муомаласи амалиётига кўра одатда принципал агентга берадиган ваколатлар назарда тутилади. Ушбу тахмин қилинадиган ваколатлар агентнинг принципал олдидаги мажбуриятларини лозим даражада бажаришига кўмаклашади.

Англия ва АҚШ ҳуқуқи агентлик шартномаларини турлича таснифлаш имконини беради.

Англо-америка ҳуқуқида, энг аввало, қуйидагилар фарқланади:

- номланган принципаллар (named principal);
- очиқ принципаллар (disclosed principal);
- яширин принципаллар (undisclosed principal).

Номланган принципал деганда, агент бошқа шахсга маълум қилган принципал тушунилади.

Очиқ (аниқ) принципал деганда, мавжудлигини агент бошқа шахсга маълум қилган, аммо ким эканлиги номаълум бўлган принципал тушунилади.

Махфий (яширин) принципал эса бошқа шахслар учун номаълум бўлиб қолади. Бошқа шахс агент билан алоқада бўлаётганлигини билмайди ва бу нарса битим тузиб бўлингачгина унга маълум бўлиши мумкин.

Англия ва АҚШ доктриналарида таснифлаш асосларига кўра

агентларнинг бир неча тури ажратилади. Таснифлаш асосларидан энг муҳимига кўра, улар бош агент (general agents) ва махсус агент (special agents)ларга бўлинади.

Англия ҳуқуқига кўра, бош агент муайян соҳада ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкин бўлган шахсдир. АҚШ ҳуқуқида эса бош агент бир неча битимни тузиши, унинг натижасида принципалга давомли хизмат кўрсатиши мумкин бўлади. Шу сабабли АҚШ штатларининг қонунларида ўз принципали фойдасига ҳар қандай битимларни туза оладиган шахсни билдирувчи «универсал агент» (universal agent) тушунчаси ҳам назарда тутилган.

Англия ҳуқуқига кўра, махсус агент қатъий белгилаган ҳаракатларни амалга ошира оладиган шахсдир. АҚШ ҳуқуқида эса махсус агент хизмати натижасида узоқ муддатли (давомли) муносабат юзага келмайди.

Бундан ташқари, Англия ҳуқуқи (хусусан, факторлар тўғрисидаги қонун – Factors Act 1889) савдо агентларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Улар жумласига, ўзининг одатдаги фаолиятлари доирасида товарларни сотиш, сотиш мақсадида товарлар консигнацияси, товарларни сотиб олиш ёки товарларни таъминлаш учун аванслар жалб этиш ишлари билан шуғулланади. Савдо агентлари жумласига факторлар, брокерлар, делькредери агентлари киритилади,

Англия ҳуқуқида ҳам, АҚШ ҳуқуқида ҳам *фактор* деганда, яширин принципал манфаатлари йўлида ҳаракат қиладиган махсус агент тушунилади. Ушбу агент принципал товарларини ҳақ эвазига сотиш учун жалб этилади ва товарларни принципалнинг ўзи ёки бошқа шахслар агентга беради. «Фактор» атамасидан ташқари, «консигнация *агенти*» (ингл. consignee agent) ёки *комиссион агент* (ингл. commission agent), АҚШ ҳуқуқида эса, шунингдек, «комиссион савдо агенти» (ингл. commission merchant) тушунчалари ҳам қўлланилади. Англиянинг прецедент ҳуқуқи факторнинг оқилона чегараларда товарларни кредитга сотиши мумкинлигини назарда туттади.

Савдо агентларининг иккинчи тури *брокерлар* бўлиб, улар савдо вакиллари ҳисобланмаганликлари туфайли, уларнинг ҳуқуқий ҳолати куйида алоҳида кўриб чиқилади.

Делькредере (Del credere) агенти харидор принципал олдидаги товар учун пул тўлаш мажбуриятини бажармаганида, ушбу пулни тўлаш

мажбуриятини ўз зиммасига олади.

АҚШда ҳам, континентал Европа ҳуқуқидаги сингари, товарларни кредитга сотиш билан шуғулланувчи фактор принципал учун, ҳуқук нормаларига мувофиқ, делькредере агенти бўлиб ҳисобланади.

Континентал Европа ҳуқуқи вакил ўз номидан ёки бошқа шахс номидан ҳаракат қилаётганига катта аҳамият беради (айниқса, савдо муомаласи соҳасида). Бу нарса одатда «бевосита вакиллик» ёки «билвосита вакиллик» тушунчалари билан боғланади.

Бунда бевосита (тўғри) вакиллик деганда, бир шахс (вакил) бошқа шахс (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг манфаатлари йўлида битимлар туза олиши мумкин бўладиган муносабатлар тушунилади. Билвосита (эгри) вакилликда эса шахс (комиссионер) битимларни ўз номидан, аммо бошқа шахс (комитент) фойдасига ҳамда унинг ҳисобидан тузади.

Таъкидлаш керакки, континентал Европа мамлакатлари ҳуқуқида билвосита (эгри) вакиллик бевосита (тўғри) вакиллик институтига қараганда анча аввал юзага келган.

Ҳозирги пайтда «комиссионер» тушунчасининг энг умумий таърифи Франция Савдо кодексида берилган. «Комиссионер» атамаси (франц. *commissionnaire*) ўзининг ёки жамиятнинг номидан комитент фойдасига (франц. *commettant*) ҳаракат қилувчи шахсни англатади.

Баъзи давлатларнинг қонунларида «комиссионер» тушунчаси унинг фаолият соҳасини ҳам қайд этиш орқали кенгайтирилади. Масалан, Германия Савдо қонунларига мувофиқ комиссионер деганда (нем. *Kommissionar*), товарларни ёки қимматли қоғозларни ўз номидан бошқа шахс фойдасига сотиб олиш ёки сотиш билан касб сифатида шуғулланадиган шахс тушунилади.

Швейцария мажбурият қонунида комиссионер комиссия ҳақ эвазига кўчар мулк ёки қимматли қоғозларни ўз номидан бошқа шахс фойдасига сотиб оладиган ёки сотадиган шахс сифатида таърифланади.

Савдо-сотиқнинг тараққиёти тижоратчининг ёлланма ходими бўлмаса-да унинг номидан битимлар туза оладиган шахсларнинг фаолиятини махсус тартибга солиш заруратини юзага келтирди. Шу муносабат билан континентал Европа мамлакатлари қонунчилигида бевосита савдо вакилчилиги институти юзага келди. У савдо агентлари (тижорат вакили) (франц. *agent commercial*, нем. *Handelsvertreter*,

итальянча – agente)ни бирлаштирди. Ушбу институт илк бора Германия Савдо қонунлари тўпламида тартибга солинган эди, кейинчалик эса бундай нормалар Италия, Швейцария ва Франция қонунларида ҳам пайдо бўлди.

Германия Федератив Республикасининг қонунларида тижорат вакили (агент)нинг ҳақ-ҳуқуқларини тартибга солувчи кўпгина императив (мажбурловчи) нормалар назарда тутилган ва унда тижорат вакили (агент) деганда, бошқа тижоратчи фойдасига битимлар тузадиган шахс назарда тутилади¹. Шунини таъкидлаш керакки, бундай шартнома ГФР ҳудудидан ташқарида бўлган шахс билан тузилганда ГФР қонун нормаси императив хусусиятини йўқотиб, диспозитив бўлиб қолади.

Швейцария мажбурият қонунида тижорат вакили (агент) бир ёки бир неча шахс учун савдо битимларида доимий вакиллик қилувчи, улар номидан ва ҳисобидан битимлар тузувчи, аммо улар билан меҳнат-ҳуқуқий муносабатида бўлмайдиган шахс сифатида таърифланади. Швейцария қонунчилигининг ўзига хос жиҳати шундаки, тижорат вакилликка оид муносабатларни тартибга солувчи нормалар агент Швейцария ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча ҳолларда қўлланилади.

Франция қонунчилигида савдо агенти деганда, шундай ишончли шахс (франц. mandataire) тушуниладики, у доимий ва мустақил касбий фаолияти ва ишга ёлланиш шартномаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи номидан ва ҳисобидан савдо-сотик, ижара ёки хизмат кўрсатиш соҳаларидаги шартномаларни муҳокама қилиш ва тузиш билан шуғулланади.

Италия Фуқаролик кодексига кўра эса агентлик шартномаси деганда, томонлардан бири муайян ҳудудда муайян ҳақ эвазига бошқа шахс фойдасига шартномалар тузишда кўмаклашиш юзасидан доимий масъулиятни зиммасига оладиган шартнома тушунилади.

¹ ГФР ҳуқуқи тижорат вакили (савдо агенти)нинг алоҳида тури - агент-делькредерини ажратиб кўрсатади. Бундай вакилликнинг хусусияти шундаки, у бошқа шахслар билан бўладиган битимларда ушбу битимларнинг бажарилишига кафил бўлади.

Шундай қилиб, тижорат вакиллиги (агентлик) шартномасининг юқорида кўрсатилган континентал Европа мамлакатларида тартибга солинишини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу давлатлар қонунчилигида тижорат вакиллиги шартномаси деганда, агентнинг ишонч билдирувчи (вакил қилувчи) товарлари ёки хизматларининг муайян бозорларда ҳаракатланишини таъминлаш мажбуриятини олиши, шу орқали ваколат берувчи билан ушбу бозор истеъмолчилари ўртасида бевосита шартномалар тузиши назарда тутилади. Шу тарзда тижорат вакиллиги (агентлик) шартномасининг топшириқ шартномасидан асосий фарқи шундаки, агентнинг асосий вазифаси шартнома тузиш (ёки вакил қилувчи номидан юридик аҳамиятли ҳаракатлар қилиш)дан иборат бўлмасдан, балки (ушбу шартномани агент ёки вакил қилувчи имзолашидан қатъи назар) шартномалар тузишга кўмаклашишидан иборат бўлади.

Халқаро вакилликнинг иккинчи шакли *дистрибьюторлик* (дилерлик) (ингл. distributorship, dealership), тижорат концессияси бўлиб, фақат иқтисодий маънодагина вакиллик бўлиб ҳисобланади.

Вакилликнинг мазкур шакли турли давлатлар қонунчилигида ҳар хил номлар билан аталади. ГФРда Allientriebshandler, Alleinvertreter, Eigenhandler, Generalvertrete, Konzessionar, Vertriebshandler, Vertragshandler каби атамалардан фойдаланилади ҳамда энг кўп ишлатиладигани ва энг сўнггиси ҳисобланади. Францияда эса уни ифодалаш учун concessionnaire de vente exclusive, concessionaire, agent general, agent exclusif, Италияда – vend fore con esclusiva, rivenditore autorizzata, rappresentante esclusivo, concessionario каби атамалар ишлатилади.

Бундан ташқари, халқаро савдо амалиётида «агент-дистрибьютор», «агент-дилер» тушунчалари ҳам учраб туради, бир қатор давлатлар қонунчилигида эса дистрибьютор фаолиятининг баъзи йўналишлари бўйича агентга тенглаштирилади: Иордания ва Яманда бу тушунчадан қайд этиш кўрсатмаси сифатида фойдаланилади; Ливан, Гватемала, Доминикан Республикаси каби давлатларда эса ҳомийлик қилаётган воситачининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда қўлланилади. Германия суд амалиётида дистрибьюторлар (дилерлар) ва концессионерларга нисбатан муайян ҳолларда тижорат вакилининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қоидалар қўлланади (масалан, бу нарса миждозларни йўқотиб

кўйганлик туфайли етган зарар ўрнини қоплаш масалаларига тааллуқли бўлади).

Ушбу шаклдаги воситачи (дистрибьютор) ўз фаолиятини иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда доимий вакиллик муносабатларига яқин бўлган муносабат сифатида, ишлаб чиқарувчи билан доимий алоқаларига асосланган ҳолда амалга оширади (чунки дистрибьюторнинг муайян савдо маркаси билан белгиланган маҳсулотларни сотиш тизимига кўшиб олинishi катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлади).

Одатда дистрибьютор ишлаб чиқарувчи (экспортчи) билан давомли шартнома тузади ва унга кўра ишлаб чиқарувчи ёки экспортчидан даврий равишда сотиб оладиган муайян ҳажмдаги товарларни муайян белгиланган бозорларда сотиш мажбуриятини олади. Бунда ушбу фаолиятни дистрибьютор ўз номидан ва таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда, аммо ишлаб чиқарувчининг хўжалик манфаатлари йўлида амалга оширади.

Аслида, ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютор ўртасидаги шартнома маълум доирага солинган шартнома бўлиб, унга кўра ишлаб чиқарувчи (экспортчи) муайян савдо маркасига эга бўлган товарни доимий равишда сотиш ва ушбу дистрибьюторни ўзининг маҳсулотларини сотиш тармоғига кўшиб олиш мажбуриятини олади.

Ўз навбатида, дистрибьютор ҳам товарларни ушбу ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан сотиб олиш ҳамда муайян ҳудудларда сотиш мажбуриятини олади. Қоида тариқасида дистрибьютор зиммасига савдо фаолиятини амалга оширишда хизмат кўрсатишнинг муайян савиясини таъминлаш, сотишдан кейинги сервис хизматини ҳамда рекламасини амалга ошириш мажбуриятлари ҳам юкланади. Айни пайтда, дистрибьюторнинг юридик жиҳатдан мустақиллиги ишлаб чиқарувчи (экспортчи)нинг унга муайян таъсир ўтказишини ва дистрибьюторга ўз фаолиятини амалга ошириш усуллари ҳақида муайян кўрсатмалар беришини истисно этмайди, чунки халқаро дистрибьюторлик шартномаси доирасида одатда ишлаб чиқарувчи корхона дистрибьюторга муайян ҳудудда ўзининг савдо маркасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ишлаб чиқарувчи корхона дистрибьюторнинг маҳсулотлар сотиш тармоғига кўшилиши учун муайян имконият яратиши лозим. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи ўз савдо-сотик стратегияси мақсадларидан

келиб чиққан ҳолда муайян ассортиментдаги товарлар билан таъминлаши керак. Шу билан бирга, дистрибьютор ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан олди-сотди шартномаси тузилишини (башарти ишлаб чиқарувчи (экспортчи) қандайдир сабаблар билан мол етказиб беролмай қолса) талаб қилишга ҳақли бўлмайди, аммо товар етказиб берилмаслиги туфайли кўрган зарари қопланишини талаб қила олади.

Одатда ишлаб чиқарувчи дистрибьюторни керакли ахборот ва реклама материаллари билан таъминлашга мажбур бўлади.

Ишлаб чиқарувчида холис бўлиш, яъни барча дистрибьюторлар учун бир хил шароитни таъминлаш мажбурияти бўлади.

Тижорат вакилидан фарқли ўлароқ, дистрибьютор товарларни сотишда келиб чиқадиган барча харажатларни ўзи кўтаради. Аммо ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқ тарзда жиддий харажатлар қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Дистрибьюторлик шартномасининг муҳим хусусияти шундаки, бу шартнома жуда кўп ҳолларда мутлақ бўлиб, ишлаб чиқарувчи (экспортчи) товарларни мазкур ҳудудда дистрибьютор билан келишмасдан сотиши мумкин бўлмайди. Ўз навбатида, дистрибьютор ҳам ушбу ишлаб чиқарувчи билан рақобатлашаётган шахслар товарларини сотмаслик мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, дистрибьютор (дилер)лик қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

– дистрибьюторлик мураккаб шартнома бўлиб, унда олди-сотди муносабатлари, билан бир қаторда, пудрат (хизмат кўрсатиш) муносабатлари, хусусан, реклама қилиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бошқалар, шунингдек, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни, энг аввало, товар белгиларига бўлган ҳуқуқни топшириш ҳам белгиланган бўлади;

– дистрибьюторлик шартномаси давомли ва муайян доирада амал қилувчи шартнома бўлиб ҳисобланади ва унинг доирасида аниқ олди-сотди шартномалари тузилади;

– дистрибьютор расман ишлаб чиқарувчи (экспортчи)дан мустақил равишда фаолият юритади;

– дистрибьютор шартномага кўра унга сотиладиган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритади;

– дистрибьютор олинган товарга ҳақ тўланиши учун ишлаб чиқарувчи (экспортчи) олдида тўла жавобгар бўлади ва бунда олинган

товар сотилмай қолишининг аҳамияти бўлмайди;

– дистрибьютор ўз ҳаракатлари билан ишлаб чиқарувчи (экспортчи) учун ҳуқуқлар ва мажбуриятлар юзага келтира олмайди;

– дистрибьюторнинг тегишли ҳудуддаги фаолияти мутлақ (эксклюзив) бўлиб ҳисобланади ва бу ҳудудда бошқа дистрибьюторнинг фаолият юритиши ёки ишлаб чиқарувчининг сотиш билан шуғулланиши мумкин бўлмайди.

Халқаро савдо вакилликнинг учинчи шакли «*соф воситачилик*» бўлиб, континентал Европа мамлакатларида «маклерлик», англо-америка ҳуқуқ тизимида эса «брокерлик» тарзидаги ҳуқуқий ҳодиса сифатида (ингл. *brokerage*) қўлланилади.

Германия савдо қоидалари тўпламида маклер деганда, доимий ваколатга эга бўлмагани ҳолда шартнома асосида ҳамда касб сифатида бошқа шахслар манфаати йўлида товарлар ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, суғурта қилиш, ташиш, кемаларни ва бошқа савдо-сотик ашёларини ижарага олиш шартномаларини тузишда воситачи сифатида иштирок этадиган шахс тушунилади.

Италия Фуқаролик кодексига маклер деганда (итальянча – *mediatore*), икки ёки ундан ортиқ шахсни шартнома тузиш мақсадида бир-бири билан боғлаб қўядиган, аммо уларнинг ҳеч бири билан ҳамкорлик муносабатида бўлмайдиган, ҳеч кимга бўйсунмайдиган ёки ҳеч кимнинг вакили бўлиб ҳисобланмайдиган шахс назарда тутилади.

Шундай қилиб, маклер деганда, фаолиятидан ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмайдиган, аммо савдо муомаласининг иштирокчилари ўртасида шартномалар тузилишига кўмаклашадиган ёки бунга шароит яратадиган шахс тушунилади, яъни маклер юридик аҳамиятга эга бўлмаган, аммо амалий натижалар берадиган ҳаракатларни амалга оширувчи шахсдир. Унинг мақсади юридик аҳамият касб этувчи битимлар тузишга кўмаклашишдир.

Маклерларнинг ҳуқуқий ҳолати бўлғуси битим томонлари берган ваколатга боғлиқ бўлмайди.

Маклер билан бўладиган ички муносабатларнинг тартибга солиниши муайян ҳуқуқ тизимида қандай конструкциядан фойдаланишига боғлиқ бўлади. Агар топшириқ бериш институтидан фойдаланилмаса, у ҳолда воситачи (маклер) келгусида битим тузадиган шахс манфаатлари йўлида ғайрат кўрсатишга мажбур бўлмайди, чунки

маклернинг ҳаракати ҳар доим ҳам шартнома тузилишига олиб келавермайди. Агар воситачилик (маклерлик) топшириқ бериш институти орқали тартибга солинадиган бўлса, маклер шартнома тузиш ниятида бўлган томонлар манфаатига мос равишда ғайрат кўрсатиши лозим бўлади ва ўзининг айбли ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун ўзига ваколат берган шахслар олдида жавоб беради.

Маклернинг фаолияти унга нисбатан оммавий ишонч туғдирмоғи лозим. Айнан ошкора ишончга сазовор бўлиши лозимлиги туфайли, дастлабки даврларда маклерлик фаолияти билан давлат тайинлаган шахсларгина шуғулланишга ҳақли бўлганлар. Ҳозиргача ҳам Францияда маклерликнинг муайян турлари билан (айниқса, валюта ва фонд биржаларида) давлат тайинлаган маклерлар шуғулланишлари мумкин. Ҳозирги пайтда маклерлар давлатдан мустақил бўлсалар-да, аммо кўп ҳолларда ўз фаолиятларини бошлашлари учун аввал давлатнинг муайян процедурасидан ўтказиладилар.

Англия ва АҚШ ҳуқуқида ушбу параграфда кўриб чиқиладиган воситачилик тури брокерлик деб юритилади. «Брокер» тушунчаси (ингл. *broker*) одатда савдо агентларига нисбатан ишлатилади. Ушбу агентлар бошқа шахслар ўртасида шартнома тузиш учун муайян ҳақ эвазига воситачиликка жалб этиладилар. Яъни брокер одатда мижозларни сотиладиган товарлар билан таништириш ва шартнома тузиш учун имконият яратиш орқали ўз принципалига шартнома тузишда кўмаклашади.

Брокер томонларнинг манфаати йўлида ҳаракат қилади ва фаолияти континентал Европа мамлакатлари ҳуқуқи билан тартибга солинадиган маклердан фарқли равишда, муайян принципал манфаатига хизмат қилувчи агент сифатида қаралади.

Бундан ташқари, брокер расмий бозорларда (масалан, биржаларда) ишлар экан, шартнома тузиш ваколатига эга бўлиши мумкин, аммо бунда энди «соф ҳолдаги» брокер бўлиб ҳисобланмайди ва «холис» воситачи бўлмай қолади.

Аммо, таъкидлаш зарурки, брокерлар ва маклерлар ўз фаолиятларини формал (институционаллаштирилган) бозорларда амалга оширадилар. Шу туфайли воситачиликнинг ушбу шакли халқаро савдо муомаласида унинг бошқа шаклларига нисбатан камроқ оммалашган.

Шу билан бирга, Европа Иттифоқи комиссияси, Европа Иттифоқи

суди сингари тақиқ ушбу товарларни қайтариб сотадиган шахс сифатида ҳаракат қилувчи вакиллар (агентлар) тузган шартномаларга қўлланилишини кўзда тутлади.

Халқаро савдо вакиллигининг фаолияти тартибга солувчи «халқаро қонунчилик» ҳужжатларидан ташқари халқаро савдо муомаласи қатнашчилари учун тавсияларни назарда тутувчи мўътабар халқаро ташкилотларнинг бир қатор ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Энг аввало, Халқаро савдо палатасининг 1991 йил ноябрь ойидаги 496-сонли намунавий тижорат агентлиги контракти (The ICC Model Commercial Agency Contract), Тижорат агентлик контрактларини тузиш бўйича Халқаро савдо палатасининг тавсиялари (The ICC Guide for the drawing up Commercial Agency of Contracts, Халқаро савдо палатасининг 1983 йилги 410-сонли нашри), шунингдек, Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат контрактига шарҳлар (512-сонли нашр) шулар қаторида кўрсатиб ўтилмоғи лозим.

Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат Агентлиги контракти халқаро савдо муомаласида қўлланилиши учун тавсия этиладиган тижорат агентлиги контрактининг лойиҳасидан иборатдир. Бунда ушбу намунавий контракт халқаро савдо амалиёти, шунингдек, савдо вакиллиги бўйича кўпчилик миллий қонунчилик тизимлари тан олган принципларни эътиборга олган ҳолда тайинланган.

Ушбу контрактни тайёрлаш жараёнида халқаро конвенциялар, ҳамда Европа ҳамжамияти қонун ҳужжатлари ҳисобга олинган. Муқаддимада кўрсатилганидек, ушбу контракт халқаро савдо вакиллиги соҳасида тартибга солишни уйғунлаштириш секин кетаётганлиги, у айрим йўналишларнигина қамраб олаётганлиги ва шу туфайли контрактлар тузиш бўйича бир хил қоидалар ишлаб чиқиш зарурлиги муносабати билан қабул қилинган. Шу туфайли намунавий контракт миллий қонунлар билан тартибга солиниш презумпциясига эмас, балки халқаро савдода тан олинган принципларга таянган ҳолда тайёрланган.

Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактларини тузиш бўйича қўлланмаси тижорат агентлик контрактлари тузиш пайтида музокаралар олиб бориш тартиби ва контракт мазмунини ўз ичига олади.

Халқаро савдо палатасининг намунавий контракти, энг аввало, қуйидагиларга мўлжалланган:

– сотиш юзасидан агентлик шартномалари (сотиб олувчи агенти эътиборга олинмаган ҳолда сотувчи томон агенти шартномалари);

– хизмат кўрсатиш юзасидан агентлик шартномалари (яъни товарларни сотиш билан боғлиқ агентлар);

– товарлар консигнацияси бўйича агентлик шартномалари (консигнация омборида товарлари сақланаётган агент ва товарлар тарқатиладиган мамлакатда жойлашган омбор агенти).

Халқаро савдо ҳуқуқида, савдо воситачилигидан ташқари, дистрибьюторликни ҳам халқаро тартибга солувчи бир қатор ҳужжатлар мавжуд.

Масалан, Европа ҳамжамияти қонунчилиги дистрибьюторлик шартномаларини Рим шартномаларининг 85-моддаси таъсиридан холи қилувчи ҳужжатларни кўзда тутди. Энг аввало, Европа ҳамжамиятининг 1983/83-сонли Эксклюзив дистрибьюторлик шартномаси тўғрисидаги директиваси ҳамда 123/85-сонли Автомобиллар дистрибьюторлигига оид шартномалар тўғрисидаги директиваси бунга мисол бўлиши мумкин.

Халқаро савдо муносабатларида савдо воситачилигидан кенг фойдаланилиши ушбу масалада халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларини юзага келтирмай қолмайди ва бу масала, айниқса, савдо воситачилигига тааллуқли бўлади.

Хусусан, Женевадаги дипломатия конференциясида 1983 йил 17 февралда УНИДРУА доирасида тайёрланган Халқаро миқёсдаги товарлар олди-сотдисиди вакиллик тўғрисидаги конвенция имзоланди.

Ушбу конвенция товарларни халқаро олиш-сотиш ҳақидаги Вена конвенциясига қўшимча равишда қабул қилинган бўлиб, умумий ва континентал ҳуқуқ тизимларининг савдо вакиллиги шартномаси юзасидан қарашларини унификациялаш (бирхиллаштириш)га қаратилган уриниш бўлиб ҳисобланди.

Конвенция савдо вакиллиги бўйича муносабатни тартибга солар экан, савдо вакилининг ваколатларини, бу ваколатларнинг бекор бўлиши шартларини белгилашга, шунингдек, агентнинг принципал учун битим тузиши оқибатларини баён этишга катта эътибор берди.

Конвенция принципал ва учинчи шахс турли давлатларга мансуб бўлган, агентни эса принципал товарларни олиш-сотиш шартномасини тузишга вакил қилган ҳолларда татбиқ этилади. Бунда агентнинг

«миллати» (қайси давлатга мансублиги), юқорида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда, конвенциянинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди.

«Халқаро қонунчилик» ҳужжатлари орасида, Женева конвенцияси билан бир қаторда, вакиллик ҳақидаги шартномаларга ва Воситачилик ҳақидаги шартномаларга қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги конвенцияни ҳам (1978 йил 14 март Гаага) кўрсатиб ўтиш лозим. Шу билан бирга, ушбу конвенция халқаро хусусий ҳуқуққа ҳам тааллуқлидир, чунки унинг асосий қоидалари коллизия масалаларига бағишланган, яъни савдо воситачилигига доир шартномаларни тузиш ва бажаришда қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масалалари ҳал этилган¹.

¹ Ушбу Конвенцияга мувофиқ, қўлланиладиган ҳуқуқ масаласи шартномада кўрсатилмаган ҳолларда халқаро воситачилик битимининг томонлари ўз муносабатларида қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш имконига эса бўладилар. Гаага конвенцияси конвенция иштирокчиси бўлган давлатларнинг халқаро агентлик шартномаларига оид коллизион нормалари ўрнини босади ва бунда ушбу муносабатга оид миллий доктриналарни бирлаштиради.

Гаага конвенцияси агентлик шартномаларининг хилма-хил турларида (тижорат воситачилиги шартномаларига ҳам) қўлланилади. У қонуний вакилликка, оила ёки мерос ҳуқуқига асосланган бошқа вакилликларга, суд қарорига кўра вакилликларга ҳамда хусусий вакилликнинг айрим бошқа турларига ҳам қўлланилмайди (хусусан, траст ёки бошқариш функциясини бажариш ишончли бошқариш билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди).

Гаага конвенцияси томонлар ўзаро келишиб танлаган ҳуқуққа афзаллик беради. Аммо томонлар қайси ҳуқуқ қўлланилиши масаласини ҳал қилмаган бўлсалар, конвенция бу муносабатларни қуйидагича тартибга солади:

1) агентлик шартномаси (тижорат вакиллиги шартномаси) агент давлатининг қонунларига бўйсунди;

2) агар агентнинг тижорат корхонаси бўлмаса, шартнома агент доимий яшайдиган жой қонунига бўйсунди;

3) агар агент ёки принципал бир неча корхонага эга бўлса, у ҳолда агентлик шартномаси агентлик муносабати энг кўп боғлиқ бўлган жой қонунига бўйсунди;

4) қўшимча боғич сифатида Конвенцияда агентлик шартномаси агентнинг асосий фаолияти кечадиган жой қонунига бўйсунishi белгилаб қўйилган бўлиб, бунда принципал ушбу давлатда ўз корхонасига эга бўлган ёки доимий яшайдиган ҳоллар ҳам назарда тутилган.

Коллизия муаммоларига, шунингдек, 1980 йил 19 июнда Римда Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган «Шартномали мажбуриятларга қўлланиладиган қонун ҳақида»ги конвенция ҳам бағишланган. Ушбу конвенция нормалари агентлик муносабатларига ҳам татбиқ этилади.

Кўрсатиб ўтмоқ лозимки, Европа Иттифоқи доирасида қабул қилинган юқоридаги Конвенциядан ташқари яна халқаро савдо воситачилиги масалаларига оид минтақавий қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Энг аввало, Европа Иттифоқи кенгашининг 1986 йил 18 декабрдаги 86/653-сонли Директивасига эътибор қаратилмоғи лозим. Унда тижорат агентларига тааллуқли масалалар назарда тутилган. Ушбу Директивани қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад тижорат агентларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини миллий қонунларда мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Директива Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлатларнинг ҳудудида агентлик шартномасини тартибга солувчи қонунларни унификациялашга қаратилди. Унда, энг аввало, принципал номидан битимлар тузиш ва музокаралар олиб бориш ваколатига эга бўлган мустақил агентларнинг манфаатлари эътиборга олинди.

Директивада мустақил тижорат агенти (ингл. self-employed commercial agent) ўзга шахс номидан товарларни харид қилиш ёки сотиш шартларини муҳокама қилиш ёхуд шартнома тузиш ваколатига эга бўлган мустақил воситачи сифатида таърифланади.

Мазкур Директивага кўра агентлик шартномаси деганда, агентнинг принципал билан учинчи шахс ўртасида шартнома муносабатлари

Конвенция, шунингдек, агент ва учинчи шахс, принципал ва учинчи шахсга нисбатан қўлланиладиган қонун масаласини ҳам ҳал қилган. Принципал ва учинчи шахс ўртасидаги муносабатларда агент ўз мажбуриятларини бажараётган пайтда унинг корхонаси жойлашган жой қонунининг қўлланилиши умумий қоида сифатида белгиланган (Конвенцияда ушбу қоидадан баъзи истиснолар ҳам назарда тутилади ҳамда агентнинг бир неча корхоналари мавжуд бўлганда агентлик шартномаси билан энг кўп боғлиқ бўлган корхона қаерда жойлашган бўлса, ўша жой қонунчилиги татбиқ этилиши ҳам белгилаб қўйилган.

ўрнатишдан иборат пировард мақсад йўлида юридик ва амалий ҳаракатларни бажаришига қаратилган шартнома тушунилади. Директивага кўра, агент, қоида тариқасида, принципал номидан ҳаракат қилади, аммо у принципал номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда ўз номидан ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Агентлик шартномаларининг муайян турлари (хусусан, мутлақ (экссклюзив) ваколатни кўзда тутувчи шартномалар) монополияга қарши чекловларни жорий этувчи Рим шартномасининг 85-моддасига зид келиб қолиши мумкинлиги назарда тутилгани ҳолда, Европа Иттифоқи суди ўз қарори билан шундай агентлик шартномаларининг катта қисмини Рим шартномасининг 85-моддаси таъсиридан чиқариб олди.

Бундан ташқари, Европа ҳамжамиятининг комиссияси 1962 йил 24 декабрдаги хабарномаси билан мутлақ вакиллик шартномаларига (мутлақ агентлик шартномаси) чекловчи амалиётни тақиқлаш ҳақидаги қоидалар қўлланилмаслигини белгилади. Ушбу хабарномага мувофиқ, Рим шартномасининг 85-моддаси тижорат вакили (агенти) Европа ҳамжамиятининг катта қисмида мажбуриятга эга бўлган ҳолларда башарти у:

- корхона номидан битимлар бўйича музокаралар олиб борса;
- битимларни корхоналар номидан ва ҳисобидан тузса;
- битимни ўз номидан, аммо корхона ҳисобидан тузадиган бўлса, татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мазкур хабарномада юқорида кўрсатилган қоидалардан истиснолар ҳам назарда тутилган ва уларга кўра башарти агент (вакил):

- *шартнома предмети бўлган йирик товарлар омборининг мулкдори сифатида қатнашадиган бўлса;

- *мижозларга ўз ҳисобидан бепул техникавий хизмат кўрсатилишини ташкил этиши ёки таъминлаши лозим бўлса;

- *битим баҳоси ёки шартларини аниқлаши мумкин бўлса, юқоридаги қоидалар қўлланилмайди.

Бундан ташқари, халқаро дистрибьюторлик Халқаро савдо палатасининг ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Булар: Дистрибьюторлик бўйича намунавий контракт (ХСПнинг 518-сонли нашри) ва Халқаро савдо палатасининг дистрибьюторлик бўйича халқаро контрактлар тузиш юзасидан қўлланмаси (ХСПнинг 441-сонли нашри)

кабилардан иборатдир.

Халқаро савдо ҳуқуқининг халқаро савдо вакиллиги муносабатларини тартибга солувчи манбалари сифатида ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциацияси, йирик савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган шаклларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, халқаро воситачилик шартномаларига, «халқаро қонунчилик» ҳужжатлари билан бир қаторда, миллий қонунчилик нормалари ҳам қўлланилади. Бунда кўпчилик давлатлар қонунчилигида савдо воситачилиги шартномаси тузилиши пайтида қўлланилиши лозим бўлган императив нормалар белгилаб қўйилган.

Масалан, савдо воситачилиги шартномасининг тузилиши кўп ҳолларда сотувчининг воситачи давлат ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошириши деб қаралади, шу туфайли бундай шартномалар давлат органларида рўйхатга олинади ва даромадлардан солиқ ундирилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, давлатнинг монополияга қарши қонунлари савдо воситачилиги шартномаси бўйича томонларнинг шартнома шартларини белгилаш ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

2-§. ХАЛҚАРО САВДО ВАКИЛЛИГИ

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, турли давлатлар миллий қонунчилиги нормаларини ҳамда халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида тижорат воситачилиги, комиссия ва агентлик шартномалари ўз моҳиятларига кўра халқаро воситачиликнинг бир турини – халқаро савдо вакиллигини ташкил этади. Шу сабабли «ишонч билдирувчи» атамаси (франц. *commetant ou mandant*, нем. *unternehmer*, итальянча – *preponente ёки mandante*) инглизчадаги «принципал» (*principal*) атамасига, «вакил» атамаси эса (франц. *representant*, итальянча – *rappresentante*, нем. *Handelsvertreter ёки Vertreter*) инглизча «агент» атамасига мувофиқ келади.

Шундай қилиб, халқаро савдо вакиллигига оид шартномаларга қуйидаги умумий жиҳатлар хослиги ҳақида сўз юритиш мумкин:

* савдо вакили (агент) ўзига ишонч билдирувчи шахс (принципал) берган топшириқ доирасида фаолият юритади;

* савдо вакили (агент) сотиладиган товарга нисбатан мулк ҳуқуқини олмайди;

* савдо вакили (агент) товарнинг йўқолиши ёки охириги харидор унинг пулини тўламаслиги билан боғлиқ хатар учун жавоб бермайди (делькредере-вакил бундан мустасно);

* савдо вакили (агент) ўз фаолиятини маълум ҳақ эвазига амалга оширади;

* савдо вакили (агенти)нинг хатти-ҳаракатлари туфайли ишонч билдирувчи (принципал, комитент) учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келиши мумкин;

* савдо вакили (агент) ўз ишлари ҳақида ишонч билдирувчи комитент (принципал) олдида ҳисоб беришга мажбур бўлади.

Уларнинг умумий хусусиятларини батафсил кўриб чиқамиз.

Савдо вакилига бериладиган топшириқ халқаро савдо вакиллиги шартномасининг асосини ташкил этади, чунки унда савдо вакили амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар ҳажми очиб берилади.

Айнан шу сабабли «Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактлари тузиш юзасидан қўлланма»сида савдо вакилига бериладиган топшириққа катта аҳамият берилган.

Савдо вакилига мутлақо турли шартларда топшириқ берилиши мумкин, яъни у тор ёки кенг ваколатга эга бўлгани ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Шунга кўра, савдо вакили учинчи шахслар билан тузиладиган битим шартларини ўзи белгилаши ёки учинчи шахслар билан тузиладиган битимнинг ҳар бир шартини принципал билан олдиндан келишиб олган ҳолда, тор доирада ҳаракат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, Халқаро савдо палатаси (ХСП) агент (вакил)га бериладиган топшириқни муфассал тартибга солишни тавсия этади. Хусусан, шартномада принципал вакилга бераётган топшириқлар ҳажми аниқ ҳамда тушунарли тарзда кўрсатилиши, агент принципал олдиндан маъқулламаган шартномани тузишга ҳақли эмаслиги кўрсатилиши лозим. Халқаро савдо палатаси, шунингдек, савдо вакили фақат принципалнинг олдиндан берган розилиги билангина савдо, кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиши мумкинлиги шартномада қайд этиб қўйилишини назарда тутаяди. Халқаро савдо палатаси ҳатто шартномада агент (вакил) шартнома тузишга ҳақли бўлган ва ҳақли бўлмаган мижозлар тоифаларини ҳам белгилаб қўйишни тавсия этади.

Савдо вакили тузадиган шартноманинг предмети қонуний топшириқлардан иборат бўлиши мумкин, чунки савдо вакилига қўлланиладиган миллий қонунчиликка хилоф бўлган битимни тузиш топширилиши мумкин эмас. Шунингдек, «халқаро қонунчилик» талабларига зид битимлар тузиш топшириғини беришга ҳам йўл қўйилмайди. Савдо вакили топшириқни бажариши учун олдиндан муайян давлат органининг рухсатини олиш талаб этилса, одатда бундай рухсатни савдо вакилининг ўзи олади. Халқаро савдо палатаси ўз қўлланмасида англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида шартномада шундай рухсатнома олиш мажбурияти кимнинг зиммасида эканлигини кўрсатиб қўйишни тавсия қилади.

Халқаро савдо палатаси шартномада савдо вакили (агент) ўз принципали, мол-мулки, ҳуқуқ ва манфаатларини кўриқлашга мажбур эканлигини кўрсатиб қўйиш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Бундан ташқари, шартномада мутлақ ҳуқуқларни, шу жумладан, саноат мулкига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, инсофсиз рақобатдан ҳимояланиш масалалари кўзда тутилмоғи лозим. Шунингдек, вакил принципал ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши ҳақида хабар бериши шарт эканлиги кўрсатилиши керак.

Принципал тузилган шартнома доирасида савдо вакилига тижорат сири ҳисобланувчи ахборотни ишониб топшириши туфайли, Халқаро савдо палатаси шартномада вакил бундай маълумотларни ошкор қилмаслиги, улардан шартнома амал қилишдан тўхтагач ҳам фойдаланишга ҳақли эмаслиги махсус белгилаб қўйилишини тавсия қилади.

Шунингдек, кўрсатиб ўтиш лозимки, савдо вакиллиги шартномасида савдо вакили фаолияти доирасига товарларнинг бозорда ҳаракатланишини таъминловчи қайси юридик ёки амалий ҳаракатлар, хусусан маркетинг фаолияти, эҳтимол тутилган ҳамкорлар билан иш ёзишмалари олиб бориш, харидорларнинг шикоятлари ҳақида принципални хабардор қилиб бориш кабилар вакил фаолиятининг доирасига кириши кўрсатиб қўйилмоғи даркор.

Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида агент келишилган минимал ҳажмдаги товарларни сотиш (ўтказиш) лозимлиги ҳам назарда тутилган.

Савдо вакили ўз ҳаракатлари билан принципал номидан битимлар туза олиши учун унинг ваколатлари лозим даражада расмийлаштирилган бўлиши талаб этилади. Бундай ваколатлар, масалан, ГФР ва Швейцария қонунчилигига кўра – ишончнома (ваколатнома) бериш йўли билан, Францияда – агентлик шартномасига тегишли ёзув киритиш орқали, Италия Фуқаролик кодексига кўра эса, – махсус шаклдаги ишончнома (ваколатнома) (*agente con rappresentanza*) бериш орқали расмийлаштирилади.

Кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро савдо амалиётининг кўрсатишича, савдо вакили принципал топшириқларини бажариш чоғида, ҳатто аниқ-равшан кўрсатмалар бўлмаса-да, мавжуд савдо урф-одатлари доирасида ҳамда принципал учун энг фойдали тарзда ҳаракат қилишга мажбур ҳисобланади. Бунда савдо вакили, хусусан, коммиссионер учинчи шахслар билан шартномада белгиланганидан фойдалироқ тарзда принципал учун битимлар тузган тақдирда, миллий қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, олинган кўшимча фойдани бутунлай принципалга топширади (ГФРда) ёки у билан тенг бўлишиб олади (масалан, Россияда). Аммо халқаро воситачилик шартномасида олинган фойдани тақсимлашнинг ҳар қандай бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

Халқаро савдо муомаласида принципал аниқ-равшан топшириқ

берган ҳолларда ҳам, агар вакил аввалдан принципалнинг розилигини олиш имконига эга бўлмаса ёки принципал вакилнинг бу ҳақдаги сўровига жавоб бермаган бўлса, вакилга принципал манфаатлари йўлида унинг топшириқларидан четга чиқиш ҳуқуқи берилади. Савдо вакили топшириқ доирасидан четга чиққанида, у дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши лозим бўлади. Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш тўғрисидаги 1983 йилги Женева конвенциясида ҳам шу назарда тутилган. Унга кўра, принципал агентнинг ўз ваколатларидан четга чиқиб ёки ваколат олмаган ҳолда содир этган ҳаракатларини маъқуллаши мумкин.

Агентнинг ваколат доирасидан четга чиқиб ёки ваколат олмасдан қилган ҳаракатларини принципал маъқулламаган тақдирда бу ҳаракатлардан принципал учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бунинг устига, етарли асосларсиз принципал кўрсатмаларидан четга чиқиш вакилнинг жавобгарлигига, хусусан принципал кўрган зарар (учинчи шахс зарарининг ҳам) ўрнининг қопланишига сабаб бўлади. Масалан, савдо вакили товарни шартномада кўрсатилганидан паст нархда сотадиган бўлса ва товарни юқорироқ баҳоларда сотиш имкони бўлмаганлигини, унинг сотилмасдан қолиши, ундан ҳам каттароқ зарар юз беришига олиб келиши мумкинлигини исботлаб беролмаса, нархлар (шартномадаги нарх билан амалда сотилган нарх) ўртасидаги фарқни қоплаб беришга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикасида савдо вакилликка оид муносабатлар топшириқ шартномасини тартибга солувчи нормалар билан тартибга солинади ва ушбу нормалар савдо вакили (топшириққа кўра иш юритувчи агент) билан топшириқ берувчи – принципал ўртасидаги муносабатларга татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-боби (817–825-моддалари) ана шу масалаларга тааллуқли бўлиб, 817-моддада топшириқ шартномасига кўйидагича таъриф берилади: «Топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади».

Савдо вакили принципал ҳисобидан ва унинг фойдасига ҳаракат қилиши туфайли, учинчи шахслар билан тузиладиган битимлардан

олинадиган барча иқтисодий фойдани айнан принципал олади. Шу билан бирга, бундай натижани унинг ўзи битим тарафи сифатида қатнашиши орқали ёки билвосита, яъни савдо вакили тузган битимлардан олиши мумкин.

Женева конвенциясига кўра, агентнинг ўз ваколатлари доирасида қилган ҳаракатлари натижасида, башарти учинчи шахс унинг агент сифатида ҳаракат қилаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, принципал ва учинчи шахс ўзаро боғланадилар. Аммо учинчи шахс агентнинг агент сифатида ҳаракат қилганлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, агент тузган шартнома фақат томонларнигина бир-бирига боғлайди, холос.

Умумий ҳуқуқ принципларига мувофиқ, у билан битим тузаётган томон яширин агентлик шартномасига кўра агент сифатида иш олиб бораётганлигини билиб қолса, у ҳолда бу ҳаракат учун агентни ёки принципални жавобгарликка тортиш юзасидан муқобил ҳуқуққа эга бўлади. Бундан ташқари, агент ва учинчи шахс ўртасидаги муносабатларга принципалнинг ўзи аралашishi ва учинчи шахс билан бевосита алоқа ўрнатиши мумкин.

Континентал Европа ҳуқуқий доктринаси (англо-америка ҳуқуқидан фарқли равишда) комиссия шартномасига кўра, гарчи битимда комитент кўрсатиб қўйилган ва ҳатто учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришилган тақдирда ҳам (масалан, товарни топшириши орқали) шартнома тарафи бўлиб комиссионер ҳисобланади, комитент эса комиссионер ўзининг битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқларини комитентга ўтказгандагина битим иштирокчиси бўлиши мумкин (масалан, учинчи шахс комиссионер билан тузган шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилмаган ёки шартнома муддатидан олдин бекор бўлган ҳолларда).

Халқаро савдо вакиллиги шартномаларини бажариш жараёнида савдо вакили муайян ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин, чунки у учинчи шахслар билан бўладиган муносабатларда ўз номидан ҳаракат қилади ҳамда учинчи шахслар учун ўз мулкларини сотаётган ёки ўзи учун мулк сотиб олаётган шахс ҳисобланади.

Шу билан бирга, амалда барча давлатларнинг миллий қонунларида ҳамда халқаро савдо амалиётида савдо вакилида принципал сотиш учун вакилга топширган ёки вакил принципалга топшириш учун сотиб олган

ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келмаслиги назарда тутилган.

Кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилиги ва халқаро савдо ҳуқуқи ҳужжатларида савдо вакилининг ижрони бошқа шахсга ишониб топшириб қўйиши мумкинлиги, яъни ўзига ўринбосар топиши (субагент, субкомиссионер) мумкинлиги белгиланган. Бунга савдо вакилига принципал махсус ваколат берган ҳолларда ёки бир қатор миллий қонунларга ва халқаро савдо амалиётига кўра халқаро савдо вакилликнинг айрим турларида муайян шарт-шароитлар туфайли бунга мажбур бўлинса ҳам йўл қўйилади.

Савдо вакили ўз хоҳишига кўра ўринбосарни тайинлайдиган бўлса, унинг барча ҳаракатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида агар агент субагентнинг шартномасини тузадиган бўлса, ўз субагенти ҳаракатлари учун ҳам жавоб бериши лозимлиги айтилади.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 822-моддасида қуйидагилар кўрсатилган:

«Агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ёки вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса, вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли.

Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топширган вакил бу ҳақда дарҳол топшириқ берувчини хабардор қилиши шарт.

Топшириқ берувчи вакил танлаган ўринбосарни рад этишга ҳақли, ўринбосарнинг номи топшириқ шартномасида келтирилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вакил ўринбосарининг номи шартномада кўрсатилган бўлса, вакил ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар бўлмайди.

Агар ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса-ю, лекин ўринбосарнинг номи унда кўрсатилган бўлмаса, вакил ўринбосарнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

Агар вакилнинг ўринбосари томонидан иш юритилиши топшириқ шартномасида назарда тутилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг ҳар қандай ҳаракатлари учун жавобгар бўлади».

Савдо вакилининг принципал олдидаги жавобгарлиги тўғрисида сўз

кетганда, савдо вакилининг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини учинчи шахслар ҳаракати учун жавобгарликдан фарқламоқ лозим.

Бунда миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро савдо муомаласи амалиётида жавобгарликнинг умумий қоидаларига мувофиқ, савдо вакили ўз айбли ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун принципал олдида жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бундай зарар, масалан, учинчи шахслар билан битим тузиш пайтида савдо вакили ўз ваколатлари доирасидан четга чиққанида ёки зарур даражада ғайрат кўрсатмаганида юзага келиши мумкин.

Шу билан бирга, савдо вакили принципал товарларининг тасодифан нобуд бўлганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлмайди. Бундай йўқотиш ёки зарар етказиш савдо вакилининг айбли ҳаракатлари туфайли юз берган ҳоллар бундан мустасно.

Аммо халқаро савдо вакиллиги шартномасида савдо вакили ўз қўлида бўлган принципал товарларини суғурталаш лозимлиги белгилангани ҳолда савдо вакили бундай суғурта шартномасини тузмаган бўлса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун принципал олдида тўлиқ жавобгар бўлади.

Агар халқаро савдо вакиллиги шартномада савдо вакили принципал олдида учинчи шахслар ҳаракати учун кафилликни ўз зиммасига олса (делькредерелар – *del credere*), у ҳолда савдо вакили принципал олдида учинчи шахс билан бир қаторда (солидар) жавобгар бўлади.

Умумий қоидага кўра, савдо вакили принципал манфаати йўлида битим тузадиган учинчи шахслар ҳаракати учун принципал олдида жавобгар бўлмайди. Шу билан бирга, савдо вакили учинчи шахслар билан битим тузиш пайтида тегишли эҳтиёт чорасини кўриши, яъни тўлов қобилияти шубҳа туғдирадиган шахслар билан битим тузмаслиги лозим.

Принципал учинчи шахслар билан бевосита алоқага киришмаганлиги туфайли уларнинг тўлов қобилиятини текшириб кўриш имконига эга бўлмайди. Шу боис халқаро савдо палатаси ўз тавсияларида агентлик шартномаларига бу борадаги жавобгарликка доир шартларни киритиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Агар учинчи шахс савдо вакили олдидаги ўз мажбуриятларини бажармайдиган бўлса, у ҳолда амалдаги барча ҳуқуқий тизимларда принципалга (агар у битим тарафи ҳисобланмаса) битимга мустақил

равишда қўшилиш ва ўз манфаатларини савдо вакили принципал учун тузган битим шартларига кўра ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган. Жумладан, Женева конвенциясида агар агент принципал олдидаги мажбуриятларини учинчи шахс ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли адо этолмаган бўлса, у ҳолда принципал агент ўрнида битимга қўшилиши, учинчи шахс билан муносабатга киришиши, учинчи шахсга нисбатан тараф сифатида барча ҳимояланиш воситаларини қўллаши, мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини талаб қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Худди шунингдек, Женева конвенциясида агар агент учинчи шахсга нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки бажара олмайдиган бўлса, учинчи шахс принципалга мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутилади. Бунда учинчи шахснинг ёки принципалнинг номи тегишлича учинчи шахсга ёки принципалга номаълум бўлса, у ҳолда агент учинчи шахсга принципал номини, принципалга эса учинчи шахс номини маълум қилишга мажбур бўлади.

Вакилнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 820-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга биноан вакил қуйидагиларни бажариши шарт:

- ўзига берилган топшириқни ушбу Кодекснинг 822-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шахсан ўзи бажариши;
- топшириқ берувчининг талабига мувофиқ унга топшириқ қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши;
- топшириқни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топшириқ берувчига топшириши;
- топшириқ бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топшириқ берувчига қайтариб бериши ва, агар шартнома шартларига ёки топшириқнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши.

Халқаро савдода кўпинча принципал халқаро савдо вакиллиги шартномасини тузиш чоғида савдо вакилига муайян ҳудудга ёки миқдорларнинг муайян доирасига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни беради. Бундай мутлақ ҳуқуқ принципалнинг муайян ҳудудда бошқа шахслар билан бундай шартномалар тузмаслик мажбуриятини олишида ёки ушбу ҳудудда тузилган ҳар қандай битимлар юзасидан, шу жумладан,

принципалнинг ўзи тузган битимлардан ҳам маълум миқдорда ҳақ олинишида кўзга ташланиши мумкин.

Шу муносабат билан, масалан, Англия ҳуқуқида монопол агент (Sole agent) ва мутлақ агент (exclusive agent) ўзаро фарқланади. Агар монопол агент билан шартнома тузилса, принципал бошқа агентлар ва дистрибьюторлар билан шартнома тузмаслик мажбуриятини олади, аммо товарларни ўзи сотиши мумкин бўлади. Агар мутлақ агент билан шартнома тузилган бўлса, принципал ўз зиммасига агент ҳудудида унинг иштирокисиз товарларни сотмаслик мажбуриятини олади.

Шу муносабат билан Халқаро савдо палатаси қўлланмасида кўрсатилишича, шартномада агент фаолият юритадиган ҳуқуқ аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим. Бунда Халқаро савдо палатаси томонлар ушбу масалани тартибга солиш пайтида миллий қонунчиликнинг монополияга қарши қоидаларини эътибордан қочирмасликлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Бундан ташқари, Халқаро савдо палатаси принципал муайян ҳудудда савдо вакили (агент)га монопол ёки мутлақ ҳуқуқлар бериш билан бирга ушбу ҳудудда ўзи ҳам мустақил равишда савдо билан шуғулланиши мумкинлигини назарда тутди. Ушбу ҳолда шартномада бундай битимлар ҳажмидан савдо вакилига комисион ҳақ тўлаш назарда тутилиши ёки тутилмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, халқаро савдо вакиллиги шартномасини тузиш пайтида унда савдо вакили тегишли ҳудудда принципал билан рақобатлашмаслиги, яъни принципалнинг рақобатчилари ўз маҳсулотларини тақдим этмаслиги, жойлаштирмаслиги (бошқа шахслар билан воситачилик алоқаларига киришмаслиги), ишлаб чиқармаслиги лозимлиги назарда тутилмоғи керак.

Топшириқ бажариб бўлингач, савдо вакили битим бўйича олинган барча нарсаларни принципалга топшириши лозим.

Савдо вакилига принципал товарларини сотиш ва ушбу товар учун пул олиш вазифаси топширилган бўлса, унда савдо вакили бундай тўловни олгач, томонлар келишиб, шартномада белгиланган муддатларда тегишли суммани принципалга ўтказиши лозим бўлади. Халқаро савдо вакиллиги шартномасига кўра, савдо вакили принципал учун қандайдир товарни сотиб олиши керак бўлса, агент учинчи шахс билан тузилган шартномада принципални юкни олувчи сифатида кўрсатиб қўйиши ёки товарни олгач, уни мустақил равишда принципалга топшириши лозим

бўлади.

Халқаро савдо вакиллиги шартномаси муддатидан аввал бекор бўлган тақдирда, савдо вакили учинчи шахслар билан тузилган битимлар бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг принципалга ўтказилишини таъминлаши лозим.

Савдо вакили ижро предметлари билан бир қаторда ҳали муддати ўтмаган ишончномани ҳам қайтариб топшириши керак бўлади.

Шуни инобатга олиш керакки, савдо вакили ўз ҳаракатларини одатда доимо принципал ҳисобидан амалга оширади ва шу сабабли топшириқ бажариб бўлингач, принципал савдо вакили қилган барча харажатларни қоплаб бериши ҳамда шартномада назарда тутилган ҳақни тўлаши лозим. Бунда кўпчилик миллий ҳуқуқ тизимлари ва халқаро савдо амалиётига мувофиқ, савдо вакили ўзининг принципалга бўлган талабларини қондириш мақсадида ўз қўлида бўлган, аммо принципалга тегишли предметларни (шу жумладан пул маблағларини) ушлаб қолиши мумкин.

Ўз навбатида, топшириқ бажариб бўлингач, принципал лозим даражадаги ижрони қабул қилиб олиши лозим. Ижрони қабул қилиш рад этилган тақдирда эса савдо вакили ашёларни сақлаб туриш учун ўзида олиб қолади. Принципал учун бундай ҳолда ижрони кечиктирганлик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар юзага келади.

Топшириқ бажариб бўлингач ёки топшириқни ижро қилиш муддати давомида шартномада назарда тутилган ҳолларда савдо вакили ўз фаолияти тўғрисида принципалга ҳисобот тақдим этиши лозим бўлади.

Савдо вакилининг ҳисоботида одатда қуйидагилар кўрсатилади:

- топшириқни бажариш босқичлари ва тартиби;
- топшириқнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо вакили топшириқни бажариш жараёнида қилган харажатлар ва бу харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Бунда, халқаро савдо амалиётининг далолат беришича, савдо вакилининг ҳисоботида нафақат бажарилган ҳаракатлар ва эришилган натижалар, балки бозор конъюнктураси, мижозлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳам киритилиши лозим. Кўп ҳолларда савдо вакили ҳисоботида бошқа манбалардан олинган маълумотлар ҳам қўшилади ва ушбу маълумотлар принципалга савдо агенти маълум қилган ахборотнинг объективлигини текшириб кўриш имконини беради.

«Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида» халқаро савдо вакил-лиги тўғрисидаги шартномада қилинган тегишли харажатларни принципал қоплаб бериши аниқ кўрсатиб қўйилиши лозимлиги айтилади. Бундай харажатлар қаторига суғурта, сақлаш, ташиш, экспедиторлик хизмати кўрсатиш, ўраш ва қутиларга жойлаш харажатлари, суд жараёнлари билан боғлиқ харажатлар киритилиши мумкин.

Айни пайтда, харажатлар ҳақида шартномада ҳеч нарса айтилмаган бўлса, савдо вакили эса бу харажатларни қилмаслик мумкин эмаслигини исботлаб бера олмаса, принципал бундай харажатларни қоплашдан бош тортиши мумкин.

Савдо вакилига тўланадиган ҳақ масаласида, халқаро савдо муомаласи амалиётида ушбу ҳақни ҳисоблашнинг қуйидаги шакллари ишлаб чиқилган:

- ўтказилган (сотиб олинган) товар суммасига нисбатан фоизларда;
- принципал белгилаган нарх билан савдо агенти сотган нарх ўртасидаги фарқ тарзида;
- қатъий суммаларда;
- аралаш шаклда.

Агар савдо вакилига муайян ҳудудда мутлақ ҳуқуқ берилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳудудда учинчи шахслар билан тузилган барча битимлардан, ҳатто унинг ўзи қатнашмаган бўлса ҳам, унга муайян ҳақ тўланади. Баъзан бундай имконият савдо вакиллиги шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам сақланиб қолади.

Агар савдо вакили битимни учинчи шахс бажаришига кафил бўлган бўлса (делькредере), у ҳолда бунинг учун принципал унга қўшимча ҳақ тўлайди.

Қоидага кўра, савдо вакили битим ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бажарилмай қолган ҳолларда ҳам минимал даражада ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида шартнома бекор бўлганида мижозлардан ажралиб қолганлик учун товон ҳамда тегишли ҳақлар тўланиши ҳақидаги шартларни шартномага киритиш тавсия этилади.

Одатда халқаро савдо вакиллиги шартномасига кўра, мажбуриятлар бажарилиши билан бекор бўлади, аммо улар муддатидан олдин ҳам

бекор бўлиши мумкин.

Бунда халқаро савдо палатасининг намунавий контрактида халқаро савдо вакиллиги шартномаси муайян муддатга тузилган бўлса, у томонлардан бирининг хоҳишига кўра бекор қилиниши мумкин бўлмайди. Агар у муддатсиз бўлса, бундай ҳолда томонлардан ҳар қайсисининг хоҳишига кўра, иккинчи томонни хабардор қилиш йўли билан бекор қилиниши мумкин бўлади. Халқаро савдо палатаси шартномага уни муддатидан аввал бекор қилиш тартибини, бунда зарарларнинг қопланиши, ҳужжатлар ва намуналарнинг қайтарилиши каби масалаларни киритишни тавсия қилади.

Агар халқаро савдо вакиллиги шартномаси принципал ташаббуси билан муддатидан аввал бекор қилинадиган бўлса, принципал топшириқни бажариш билан боғлиқ барча харажатларни савдо вакилига қоплаб бериши ҳамда топшириқ бажарилишига мутаносиб равишда ҳақ тўлаши лозим бўлади. Одатда бу қоидалар топшириқ бекор бўлганлиги савдо вакилига маълум бўлган ёки у билиши лозим бўлган пайтдан кейин қилинган ижро харажатларига нисбатан қўлланилмайди.

Агар шартнома савдо вакилининг ташаббусига кўра муддатидан аввал бекор қилинаётган бўлса, у ҳолда савдо вакили одатда харажатларнинг қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Принципалнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли юз берган ҳоллар бундан мустасно.

Савдо вакиллик шартномасининг бекор бўлиши учинчи шахс учун ҳеч бир оқибат келтирмаслиги лозим. Бунинг учун учинчи шахс агентлик шартномаси бекор бўлганлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 823–824-моддаларида топшириқ шартномасининг бекор бўлиш асослари ва бекор бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари белгиланган. Хусусан 823-моддада айтилишича, «топшириқ шартномаси: топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши; вакил топшириқдан бош тортиши; топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхта-тилади.

Топшириқ берувчи истаган вақтда топшириқни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан воз кечиш

ҳақидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар вакил топшириқ шартномасининг бекор қилингани ҳақида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлса, унинг топшириқ берувчининг кўрсатмасига мувофиқ қонуний равишда қилган ҳаракатлари топшириқ берувчи (унинг қонуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топшириқ шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли».

824-моддага биноан, «агар топшириқ шартномаси топшириқ вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, топшириқ берувчи вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, вакилга ҳақ берилиши керак бўлганида эса, унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт».

3-§. КОНСИГНАЦИЯГА ОИД МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Халқаро консигнация шартномаси халқаро савдо вакилликнинг турларидан бири бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро савдо вакиллиги шартномасидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Халқаро консигнациянинг тафсилотлари Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат агентлик контрактда (The ICC Model Commercial Agency Contract, Халқаро савдо палатасининг 1991 йил ноябрдаги 496-нашри) ва Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик контрактлари тузиш юзасидан қўлланмаси (The ICC Guide for the Drawing up Commercial Agency of Contracts, Халқаро савдо палатасининг 1983 йилги 410-нашри)да баён этилган.

Халқаро савдо палатасининг Намунавий тижорат контрактга кўра, товарлар консигнацияси (consignment) деганда, принципалнинг агентни у доимий яшайдиган мамлакатдаги товарлар сақланаётган омбор консигнатори қилиб тайинлаш борасидаГИ ҳаракатлари тушунилади.

Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик шартномаларини тузиш юзасидан қўлланмаси (9-банднинг f бандчаси)да айтилишича, «Консигнация» атамаси товар консигнантга (принципалга) тегишли эканлигини англатади.

Шундай қилиб, Халқаро савдо палатасининг ушбу ҳужжатлари халқаро консигнация шартномасининг қуйидаги хусусиятларига эътиборни қаратади:

1) консигнация шартномаси савдо вакиллиги шартномасининг тури (яъни агентлик шартномаси, комиссия шартномаси, тижорат вакиллиги шартномаси ҳам) саналади. Шу туфайли:

*консигнатор консигнант топшириғи асосида фаолият юритади;

*ушбу топшириқ доирасида консигнатор консигнантнинг товарларини учинчи шахсларга сотиш билан шуғулланади;

*консигнатор учинчи шахслар билан ўз номидан ёки консигнант номидан битим тузади;

*товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи консигнаторга ўтмайди;

*консигнант консигнация шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ харажатларни ва тегишли ҳақни консигнаторга тўлайди;

2) консигнация шартномаси консигнаторда тегишли «омбор» бўлишини тақозо қилади ва шу сабабли у омонат сақлаш шартномаси хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради. Бунда омбор деганда, консигнаторга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа асосга кўра тегишли бўлган ва тегишли товарларни сақлаш учун яроқли бўлган ҳар қандай бино (хона ва ҳоказолар) тушунилмоғи лозим;

3) консигнация омбори консигнант давлатидан бошқа давлат ҳудудида жойлашган бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бир каторда «консигнация» таърифини назарда тутувчи халқаро савдо ҳуқуқининг бошқа манбалари ҳам мавжуд.

Хусусан, Европа Иттифоқи комиссиясининг 1962 йил 24 декабрдаги хабарида «консигнация» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Мустақил тижоратчининг мавжудлиги фараз қилинади (бу эса аслида шартноманинг 85-моддасига мос келади). Тижорат вакили деб баҳоланадиган контракт томони контракт предмети ҳисобланувчи йирик омбор эгаси бўлиши ёки мижозларга бепул хизмат кўрсатилишини ташкил қилиши, амалга ошириши лозим. Шундай қилиб, Европа

Иттифоқи ҳуқуқи консигнаторнинг сақлаш ва сотиш функциясини бажаришидан ташқари, мижозларга хизмат кўрсатилишини ташкил эта олишига ҳам эътиборни қаратади. Бунда Европа Иттифоқи комиссиясининг мазкур хабари аниқ мақсадни кўзлаган бўлиб, Рим шартномасининг 85-моддасида гуруҳий истиснони белгилайди».

Халқаро савдо палатаси «консигнацияга» берган таъриф анча универсал ҳисобланади. У, шунингдек, консигнация шартномасини тузиш юзасидан ўз тавсияларини ҳам берган. Масалан, Халқаро савдо палатасининг тижорат агентлик шартномалари тузишга доир қўлланмасида тижорат консигнация контрактларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва музокара юритиш, тузиш чоғида консигнацияга берилаётган товарларга оид масалаларни батафсил тартибга солишни, консигнант барча товарларни ёки уларнинг бир қисмини олиб кета олишини, консигнацияга берилган товарларни суғурталаш масалаларини аниқ белгилашни тавсия қилади. Бундан ташқари, Халқаро савдо палатаси консигнация шартномаларида товарларни сотиш шартлари, уларнинг баҳоси, товарларни кредитга сотиш, консигнатор сотган товарлар пулининг ўтказилиши масалаларини ҳам тартибга солишни тавсия этади. Халқаро савдо палатасининг қўлланмасига мувофиқ, шартномада консигнаторнинг вақти-вақти билан консигнантга ҳисобот бериши, товарлар қолдиғи рўйхатини тақдим этиши лозимлиги белгилаб қўйилиши керак. Шунингдек, омбордаги товар захираларини тўлдириш, товарларни сақлаш, консигнант истаган пайтда текшириши мумкинлиги каби масалаларни ҳам шартномада назарда тутиш тавсия этилди. Бундан ташқари, ҳужжатда муайян аниқ шартномада консигнаторга бериб қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан консигнаторнинг мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги айтилади. Шартномада, шунингдек, консигнаторга топширилган товарларнинг учинчи шахс омборида сақланиши билан боғлиқ шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда халқаро савдо муомаласида консигнация шартномаси деганда, турли давлатларга мансуб бўлган субъектлар ўртасида тузиладиган шундай битим тушуниладики, унга мувофиқ бир томон (консигнатор) иккинчи томон (консигнант) топшириғига кўра, муайян ҳақ эвазига консигнантга тегишли бўлган товарларни сақлаш учун қабул қилиш, учинчи шахсларга

консигнант номидан ёки ўз номидан сотиш, шунингдек, товарни консигнантга ёки унинг топшириғи билан учинчи шахсларга топшириш мажбуриятини олади («Халқаро савдо палатасининг қўлланмасида» баъзи мамлакатларда консигнация оморлари яратилиши факти билан боғлиқ равишда консигнант тегишли солиқ тўловчилар қаторига қўшилиб қолиши кўрсатиб ўтилган).

Консигнация билан боғлиқ бўлган иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 133-моддасида тижорат вакиллиги ҳақидаги асосий қоидалар белгиланган бўлиб, бошқа қоидалар консигнацияга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Фуқаролик кодексининг ана шу қоида асос қилиб олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 21 сентябрда «Консигнация операциялари юзасидан бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш хусусиятлари тўғрисида»ги 607-хати ҳамда 1999 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Консигнация шартномасига кўра товарларни сотадиган корхоналарга солиқ солиш хусусиятлари тўғрисида»ги 654-сонли тушунтиришлари тайёрланган бўлиб, уларда консигнация битимлари ва улар юзасидан вужудга келадиган бухгалтерия ҳамда солиққа оид муносабатлар тартибга солинган.

Текшириш учун саволлар

1. Халқаро савдо воситачилиги нима ва унинг мақсади нималардан иборат?
2. Халқаро савдо воситачилигининг қандай асосий шакллари бор?
3. Савдо ваколатхонаси нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
4. Дистрибьютерлик нима ва унинг ҳуқуқий хусусиятлари қандай?
5. Маклер ким ва у қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга?
6. «Принципал» ва савдо вакили (агенти) тушунчалари нимани билдиради?
7. «Консигнация» атамаси қандай маънони билдиради?

V боб. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР

1-§. «ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосини қарздорнинг етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат кабилар учун кредитор олдидаги пул мажбурияти ташкил қилади.

Бунда халқаро савдо ҳуқуқида унификацияланган урф-одатлар ва қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар фақат ҳисоб-китоблар нақд пул билан (қўлдан қўлга) эмас, балки банк ёки бошқа молия-кредит муассасалари орқали амалга оширилсагина қўлланилади.

Халқаро муомаладаги савдо битими хусусиятининг ўзи бу битим иштирокчилари учун муайян хавф-хатар туғдиради. Тушунарли сабабларга кўра, бу хатар бир давлат ҳудуди доирасида амалга ошириладиган хатардан анча кўпдир. Шу туфайли халқаро савдо амалиётида тўлов ва тўловни олиш кафолатлари юзасидан бир қатор қоидалар ишлаб чиқилган, чунки халқаро савдо муносабатларида товарни топшириш камдан-кам ҳолларда пулни олиш билан бир вақтда содир бўлади, қоидага кўра аввал товар ташувчига топширилади ва фақат шундан кейингина унинг пули тўланади ёки аввал пул тўланади ва кейин товар топширилади (ушбу қоидалар бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашга ҳам тааллуқлидир).

Шу муносабат билан халқаро савдо амалиётида нақд пулсиз халқаро ҳисоб-китобларнинг бир неча шаклларида фойдаланилади. Улар:

*кўрсатилган ҳисобвараққа пул тўлаш (open account), у кредитли кўчириш йўли билан амалга оширилади;

*аккредитивлар воситасида тўловни амалга ошириш (documentary credit);

*инкассо орқали тўлаш (documentary collection).

Булардан ташқари, халқаро савдода ҳисоб-китоблар чеклар ва векселлардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда тўлов юзасидан мажбуриятларни ҳеч бир шартсиз ва маҳсулот етказиб берилиши (иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши)дан мустақил равишда таъминлаш учун векселлар ҳисоб-китобларнинг ҳар қандай

кўринишларида жуда кўп қўлланилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар ҳуқуқий табиатининг асосида топширик муносабатлари, яъни бир шахснинг бошқа бир шахс номидан ва ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиши ётади. Бунда халқаро ҳисоб-китобларда топширик муносабатлари банк ва бошқа шахслар, банк ва банк ўртасида тузиладиган топширик (агентлик) шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Ишонч билдирилган (топширик олган) шахснинг ўзи бажариши лозим бўладиган (айрим ҳоллардагина топширикни учинчи шахсларнинг бажаришича йўл қўйиладиган) умумфуқаровий топширик шартномаларидан фарқли ўлароқ, халқаро ҳисоб-китоблар доирасида топширикларни бажариш пайтида дастлабки ишонч билдирилган (топширик олган) шахс (ўтказма ҳақидаги топширикни олган банк) топширикни деярли ҳар доим ишончли шахс ўринбосаридан (бошқа банклар хизматидан) фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Бунда кўпинча тўловчи билан банк ўртасидаги муносабатлар тўловни амалга оширишга оид топширик билан чекланмасдан, кредитлаштириш ва кафолат бериш элементларини ҳам ўзида бирлаштиради. Бундан ташқари, ушбу муносабатлар, масалан, аккредитивда топширик шартномаси сифатида расмийлаштирилмаслиги ҳам мумкин.

Шуни назарда тутмоқ керакки, ҳисоб-китобларни амалга оширишга оид топширик мустақил шартномалардан ҳисобланади ва тўловни амалга ошириш орқали бажариладиган мажбуриятлардан фарқ қилади. Шу сабабли банклар ушбу мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмайдилар. Айтайлик, масалан, етказиб берилган товарлар учун банк орқали ҳисоб-китоб қилинганида банклар олиш-сотиш шартномаси шартларига ва ҳисоб-китобларнинг шартномада назарда тутилган шаклига боғлиқ бўлмайдилар. Кредит кўчириш воситасида ҳисоб-китобни амалга ошираётган банк шартномада шундай шарт мавжудлиги учун эмас, балки мижоз ана шундай топширик бергани учун ушбу шаклда ҳисоб-китобни амалга оширади. Бунинг маъноси шуки, ҳатто контрактда аккредитив воситасида ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилган бўлса ҳам, мижоз унга кредитли кўчириш шаклида ҳисоб-китоб қилиш вазифасини топширган бўлса, у кредитли кўчириш шаклидан фойдаланишга мажбур ҳисобланади.

Халқаро мажбуриятлардан, масалан, олди-сотди шартномасидан

фарқли равишда, халқаро тўловларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлар кўп томонлама халқаро шартномалар билан тартибга солинмайди.

Шу туфайли томонларнинг халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари томонлар тайинлаган ҳуқуқ билан ёки халқаро хусусий ҳуқуқ қоидалари (коллизия нормалар)га кўра белгиланадиган миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинади. Шунга қармай, савдо муомаласи муайян қоидаларни ишлаб чиққан бўлиб, улар халқаро одатларга айланган ва Халқаро савдо палатасининг бир қатор ҳужжатларида мустаҳкамланган. Шу сабабли халқаро тўловлар соҳасидаги кўпчилик битимлар ушбу қоидаларга мос келади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунлари тизимида ҳисоб-китобларга оид асосий масалалар Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45-боби (790–816-моддалари) ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиққан ҳамда белгилаб қўйган¹. Унга кўра бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- 1) тўлов топшириқлари бериш;
- 2) тўлов талабномалари тақдим этиш;
- 3) аккредитивлар орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 4) инкассо топшириқлари бериш;
- 5) тижорат банклари ҳисоб-китоб чеклари орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 6) мемориал ордерлар орқали ҳисоб-китоб қилиш;
- 7) пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширишга оид қоидаларни ҳам тартибга

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда 496-тартиб рақами билан рўйхатга олинган (496-1 ва 496-2 рақамлар билан қўшимчалар киритилган) «Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақида»ги низом.

солган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувида 2000 йил 5 июлдаги 474-тартиб рақами билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 17 августда 957-сон билан рўйхатга олинган «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидалари»).

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш ваколати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ берилган¹.

2-§. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ХАЛҚАРО КРЕДИТЛИ МАБЛАҒ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Халқаро кредитли кўчириш маблағларни шартнома асосида ўтказиш орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар шакли бўлиб, унга кўра банк (кўчириб бераётган томон банки) муайян ҳақ эвазига ҳисобварағи ушбу банкда бўлган мижоз топшириғига мувофиқ, пул маблағларини бошқа банкка (бенефициар банкига) топшириқда кўрсатилган шахс фойдасига ўтказди (кўчиради). Кредит йўли билан кўчириш пайтида бенефициар кўчириб ўтказувчи банкдан ёки жўнатувчи банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Халқаро кредитли кўчириш воситасида ҳисоб-китоблар қилиш тартиби 1-чизмада келтирилган (1-иловага қаранг).

Ушбу муносабатларнинг моҳияти шундан иборатки, банклар муайян шартлар бажарилган ҳолда берилган топшириқларни тўловчи (маблағ кўчирувчи) кўрсатмаларига мувофиқ бажаради.

Халқаро кредит кўчириш шаклидаги ҳисоб-китоблар энг кўп тарқалган ҳисоб-китоб шаклларида ҳисобланади (шунингдек, «очик ҳисобвараққа тўловлар», «банк орқали кўчириш» каби атамалардан ҳам фойдаланилади).

Халқаро савдо ҳуқуқи тўловнинг ушбу шаклини тартибга солувчи ҳеч бир ҳужжатни назарда тутмайди. Ҳисоб-китобларнинг ушбу шаклини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатлар

¹ Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 12. 247-модда.

сифатида БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг 1992 йил 14 майдаги «Халқаро кредит кўчирмалари тўғрисида»ги ЮНСИТРАЛ Намунавий қонуни, A/CN.9/XXVCRP.1/Add.13. ҳужжати¹ Халқаро савдо палатасининг халқаро банклараро маблағ тўғрисида»ги ЮНСИТРАЛ Намунавий қонунини, шунингдек, Халқаро савдо палатасининг халқаро банклараро маблағларни кўчириш ва бадал (компенсация) (Халқаро савдо палатасининг 1990 йил нашрида) ҳамда маблағларни электрон кўчириш тўғрисидаги 1987 йилги ЮНСИТРАЛ ҳуқуқий йўриқномасини келтириш мумкин, холос.

Айнан ушбу ҳужжатлар, энг аввало, ЮНСИТРАЛ Намунавий қонундан ушбу ҳисоб-китоб шакллари кўриб чиқишда фойдаланилади.

Намунавий қонунга кўра, қуйидагилар халқаро кредитли кўчириш операцияларининг иштирокчиларидирлар:

* *маблағ кўчирувчи* – кредитли кўчириш жараёнида тўлов топшириғини биринчи бўлиб берувчи шахс. Қоидага кўра, маблағ кўчирувчи бўлиб товар харидори (иш ёки хизматнинг буюртмачиси) ҳисобланади;

* *маблағ кўчирувчининг банки*, яъни маблағ кўчирувчи тўловни амалга оширадиган ҳисобварақ жойлашган банк;

* *бенефициар* – маблағ кўчирувчининг тўлов топшириғида кредит орқали кўчириладиган маблағни олувчи сифатида кўрсатиб қўйилган шахс. Одатда бенефициар сифатида контрактга кўра товарнинг сотувчиси (иш ёки хизмат пудратчиси ёхуд ижрочиси) бўлган шахс намоён бўлади;

* *бенефициар банки* – бенефициар кўчирилаётган маблағ келиб тушадиган ҳисобвараққа эга бўлган банк;

* *талабномани жўнатувчи* – тўлов талабномасини берадиган шахс бўлиб, унинг вазифасини маблағ кўчирувчи ёки талабнома жўнатувчи ҳар қандай банк бажариши мумкин;

¹ Ушбу ҳужжат халқаро савдо ҳуқуқининг манбаи ва амалдаги ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. У БМТ Комиссиясининг халқаро ҳисоб-китоб иштирокчиларига халқаро кредитли кўчиришларни амалга оширишлари учун ва давлатларга миллий қонун сифатида қабул қилишлари учун тавсия деб қаралади.

* *талабнома олувчи банк* – тўлов талабномасини олувчи деб ҳисобланадиган банк;

* *воситачи банк* – маблағ кўчирувчининг ва бенефициарнинг банки ҳисобланмайдиган ҳар қандай талабнома олувчи банк.

Халқаро кредитли кўчиришнинг моҳияти шундан иборатки, у маблағ кўчирувчининг банки маблағ кўчирувчи ҳисобидан пул маблағларини чиқариш ва ушбу маблағларни бенефициар банкига ўтказиш орқали ижро этилади. Бенефициар банки эса ушбу маблағларни бенефициар ҳисобига ёзиб қўяди.

Халқаро кредитли кўчириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

* маблағ кўчирувчининг ўз банкига топшириқ бериши;

* маблағ кўчирувчи банкининг воситачи банкка топшириқ бериши;

* маблағ кўчирувчи банки ёки воситачи банкнинг бенефициар банкига топшириқ бериши.

Халқаро кредитли кўчириш маблағ кўчирувчи шахснинг жўнатувчи банкка халқаро кредитли кўчириш ҳақида топшириқ беришидан бошланади. Қоидага кўра, бу маблағ кўчирувчининг ваколатли шахси имзолайдиган стандарт банк шаклини тўлдириш орқали амалга ошади. Башарти банк билан мулоқот электрон алоқа воситалари орқали амалга оширилаётган бўлса, маблағ кўчириш ҳақидаги топшириқ вазифасини маблағ кўчирувчининг жўнатувчи банкка юборган ва идентификация коди ёки калити кўрсатилган электрон хабари бажаради.

Маблағ кўчирувчининг топшириғини унинг банки акцептлаган пайтдан бошлаб топшириқни маблағ кўчирувчининг банки қабул қилган ҳисобланади.

Намунавий қонуннинг 7-моддасига кўра, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тўлов талабномасини акцептлаш бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– маблағ кўчирувчи билан банк ўртасида тўлов топшириғи олинган заҳоти бажарилиши ҳақида келишув мавжуд бўлган тақдирда банкнинг тўлов топшириғини олиши;

– банкнинг маблағ кўчирувчига тўлов топшириғи акцептлангани тўғрисида хабар юбориши;

– маблағ кўчирувчи банкнинг ўз корреспондент банкига (воситачи банкка ёки бенефициар банкига) бажаришга мўлжалланган тўлов топшириғини бериши;

– ушбу банкнинг ўзида тўлов талабномаси бўйича маблағнинг тўлов сифатида кўчирувчи ҳисобварағидан дебетлаштирилиши;

– агар банк тегишли хабарнома юбормаган бўлса, тўлов талабномасини акцептлаш рад этилганлиги тўғрисида хабар юбориш муддатининг ўтиши (одатда банк тўлов топшириғини акцептлаш рад этилганлиги ҳақида уни ижро қилиш муддати ўтган куннинг эртасидан кечикмасдан хабар юбориши лозим бўлади).

Кўчирувчининг ҳисобварағида етарли миқдордаги маблағ бўлмаганда ва тўлов топшириғининг бажарилиши кўчирувчи ҳисобварағидаги маблағни дебетлаш орқали амалга оширилиши лозим бўлса, банк тўлов топшириғини акцептлашдан бош тортиши мумкин. Шунингдек, тўлов бошқа тарзда амалга оширилса ва олинмаган бўлса ёки мавжуд маълумотлар кўчирувчини идентификациялаш учун (аниқлаш учун) етарли бўлмаса ҳам банк топшириқни акцептлашдан бош тортишга ҳақли бўлади. Башарти тўлов топшириғи ўз муддатида бажарилмасдан қолган бўлиб, банк уни акцептлашдан бош тортиши ҳақида кўчириб берувчини хабардор қилмаган бўлса, кўчириб берувчи топшириқ бажарилишини рад этиши, маблағ кўчирувчи банкидан етказилган зарар ўрнини қоплаб беришни талаб қилиши мумкин.

Халқаро кредитли кўчиришнинг ушбу босқичи, маблағ кўчирувчи банкининг воситачи банкка ёки бенефициар банкка кўчирувчидан олинган тўлов топшириғига мос келадиган тўлов топшириғини юбориши билан якунлаган ҳисобланади.

Маблағ кўчирувчининг банки унинг топшириғини олганидан сўнг маблағ кўчирувчи банки билан бенефициар банки ўртасида бевосита корреспондентлик алоқаси ўрнатилмаган бўлса, топшириқни воситачи банк орқали бажаради (бу вазифа бир неча воситачи банклар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин).

Воситачи банки маблағ кўчирувчи банкининг топшириғини акцептлаши билан топшириқ қабул қилинган ҳисобланади.

ЮНСИТРАЛ «Халқаро кредитли кўчиришлар тўғрисида»ги намунавий қонунининг 7-моддасига мувофиқ, тўлов топшириғини воситачи қуйидаги ҳолларда ижрога қабул қилган ҳисобланади:

– маблағ кўчирувчининг банки ҳамда воситачи банк ўртасида воситачи банк топшириқни олиши билан уни бажариши ҳақида ўзаро келишув бўлган тақдирда воситачи банкнинг тўлов топшириғини

олиши;

– воситачи банкнинг маблағ кўчирувчи банкига тўлов топшириғининг акцептлангани ҳақида хабар юбориши;

– воситачи банкнинг бажаришга мўлжалланган тўлов талабномасини бериши;

– воситачи банкнинг, тўлов топшириғига биноан, тўлов сифатида маблағ кўчирувчи банкининг ҳисобварағини дебетлаши;

– топшириқни акцептлашдан бош тортиш муддатининг ўтганлиги, аммо акцептлаш рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилмаганлиги.

Воситачи банк маблағ кўчирувчи банки юборган тўлов топшириғини қуйидаги ҳолларда акцептлашдан бош тортишга ҳақли бўлади:

а) тўлов топшириғини бажариш маблағ кўчирувчи банки ҳисобварағидан маблағни дебетлаш йўли билан амалга оширилиши лозим бўлса, аммо маблағ кўчирувчи банкнинг воситачи банк ҳисобварағидаги маблағлари етарли бўлмаса;

б) бошқача тарзда амалга оширилган тўлов олинмаганида;

в) мавжуд маълумотлар маблағ кўчирувчининг банкни аниқлаш (идентификациялаш) имконини бермаса.

Тўлов топшириғини акцептлашнинг рад этилганлиги тўғрисидаги хабар уни ижро қилиш муддати ўтган куннинг эртасидан кечикмай юборилиши лозим.

Тўлов топшириғининг бажарилишида бир неча банк иштирок этган тақдирда ҳам шундай қоида қўлланилади ва воситачи банк маблағ кўчирувчининг банки сифатида қаралади.

Воситачи банк маблағ кўчирувчи банкдан топшириқ олгач, бенефициар банкига ёки бошқа воситачи банкка топшириқ бериши лозим бўлади.

Воситачи банк бенефициар банкига ёки бошқа воситачи банкка тўлов топшириғини юбориши билан Халқаро кредитли кўчиришнинг бу босқичи яқунланган ҳисобланади.

Маблағ кўчирувчи банки ёки воситачи банк кўчирувчининг ёки бошқа тегишли банкнинг топшириғини олгач, бенефициар банки билан бевосита корреспондентлик алоқалари мавжуд бўлса, кўчирувчининг топшириғини бажаради.

Бенефициар банки топшириқни акцептлаган пайтдан бошлаб, уни қабул қилган ҳисобланади.

ЮНСИТРАЛнинг «Халқаро кредитли кўчиришлар тўғрисида»ги намунавий қонунининг 9-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда бенефициар банки тўлов топшириғини қабул қилган деб топилади:

– жўнатувчи ва бенефициар банки ўртасида топшириқ олинган заҳоти уни ижро этиш тўғрисида келишув мавжуд бўлган ҳолда, бенефициар банки тўлов топшириғини олиши билан;

– бенефициар банки жўнатувчига тўлов топшириғи акцептланганлиги ҳақида хабар юбориши билан;

– бенефициар банки ўзида бўлган жўнатувчи ҳисобварағидаги маблағни топшириқни бажариш мақсадида дебетлаганда;

– бенефициар банки топшириқни бажариш учун бенефициар ҳисобварағини кредитлаганда ёки бошқача тарзда маблағни бенефициар ихтиёрига топширганда;

– бенефициар банки бенефициарга маблағни олиши ёки кредитланган (кўчирилган) маблағдан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида хабарнома юборганда;

– бенефициар банки кредитланган (кўчирилган) маблағдан тўлов топшириғига мувофиқ қандайдир бошқача тарзда фойдаланганда;

– бенефициар банки кредитланган маблағни бенефициарнинг бенефициар банки олдидаги қарзини узиш мақсадида ёки суднинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг қарори асосида ишлатганда;

– тўлов топшириғини акцептлашдан бош тортиш муддати ўтган бўлишига қарамай, бундай хабар юборилмаганда.

Бенефициар банки қуйидаги ҳолларда тўлов топшириғини акцептлашни рад қилиши мумкин бўлади:

– жўнатувчи ҳисобварағидан мавжуд маблағларни дебетлаш орқали топшириқ бажарилиши мумкин бўлгани ҳолда унинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаса;

– тўлов бошқача тарзда бажарилганида маблағ келиб тушмаса;

– мавжуд ахборот маблағ жўнатувчинини аниқлаш (идентификациялаш) учун етарли бўлмаса.

Тўлов талабномаси акцептлаш рад этилганлиги ҳақидаги хабар топшириқни бажариш муддати ўтганидан кейинги банк кунидан кечиктирмай юборилиши лозим.

Намунавий қонуннинг 10-моддасига кўра, бенефициар банки тўлов топшириғини акцептлаганидан сўнг маблағни бенефициар ихтиёрига

ўтказиши ёки ушбу маблағдан тўлов топшириғига кўра бошқача тарзда фойдаланиши лозим бўлади.

Аммо Намунавий қонуннинг 19-моддасига кўра, халқаро кредитли кўчириш айнан ушбу босқичда яқунланган ҳисобланади, яъни бенефициар банки тўлов топшириғини бенефициар манфаати йўлида акцептлаши билан маблағ кўчириш тугаган ҳисобланади.

Кредитли кўчириш яқунланганидан сўнг бенефициар банки акцептланган тўлов топшириғи миқдоридан бенефициар қарздорига айланиб қолади. Кредитли кўчиришнинг тамомланиши бенефициар ва бенефициар банки ўртасидаги муносабатларга мутлақо таъсир қилмайди.

Шундай қилиб, маблағ кўчирувчининг тўловни амалга ошириш мажбурияти бенефициар банки тўлов топшириғини акцептлаган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади. Яъни бенефициар банки топшириқни акцептлаган, аммо бенефициар қандайдир сабаблар билан, масалан, банкнинг банкрот бўлиши оқибатида ушбу маблағлардан амалда фойдалана олмаган ҳолларда ҳам келиб чиққан зарар бенефициарнинг ўзига тушади. Аксинча, кўчирувчи тўловни амалга оширган ва маблағ унинг ҳисобварағидан ўчирилиб, бенефициар банки воситачи банк банкрот бўлгани сабабли топшириқни акцептламаган бўлса (бошқа узрли сабабга кўра ҳам), бу ҳолда тўлов амалга оширилмаган ҳисобланади ва бу ҳолда барча зарарлар кўчирувчининг зиммасига тушади.

Кўчирувчи, ўз навбатида, кўрган зарарларини ўз банкдан талаб қилиши мумкин, у банк эса воситачи банкдан талаб қилиши мумкин ва ҳоказо. Аммо энди бу эътирозлар маблағ кўчирувчи ва бенефициарнинг ўзаро муносабаларига таъсир этмайди.

Намунавий қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, маблағ олувчи банк тўлов топшириғини (уни акцептлаган тақдирда) олганидан кейин бир банк куни давомида уни бажариши лозим. Башарти банк иш кунининг охиригача уни ижро қилиш учун вақт етарли бўлмаса, у ҳолда топшириқ кейинги кундан кечикмасдан бажарилмоғи керак; аммо тўлов топшириғининг ўзида уни ижро қилишнинг муддати кечроқ қилиб белгиланган бўлса, топшириқда кўрсатилган муддат давомида бажарилади.

Жўнатувчи банк ёки қабул қилувчи банк (бенефициар банкдан

ташқари) тўлов топшириғини амалда бажаргунига қадар маблағ кўчирувчи ёки унинг банки уни ўзгартириши ёхуд қайтариб олиши мумкин.

Талабномани жўнатувчи ёки олувчи банк ўзгартирилиши ёки унинг қайтариб олиниши тўғрисидаги тўлов топшириғини бажармаганда, ушбу тўлов топшириғи асосида кейинчалик тўловни амалга оширишга ҳақли бўлмайди. Тўлов топшириғи ўзгартирилиши юзасидан янги топшириқ олган жўнатувчи банк ёки олувчи банк топшириқни тегишли ўзгартиришлар билан ижро қилиши лозим бўлади. Топшириқнинг қайтариб олиниши ҳақида топшириқ олинганида эса жўнатувчи банки ёки олувчи банки тегишли маблағни жўнатувчи (кўчирувчи)га ёки жўнатувчи банкига қайтариши талаб этилади. Шу билан бирга, маблағ кўчирувчи ва жўнатувчи банк, шунингдек, жўнатувчи банк ва тўловни қабул қилувчи банк ўзаро жўнатувчига ёки олувчи банкка берилаётган топшириқ қайтарилмайдиган тўлов топшириғи эканлиги ҳақида (бу тўлов топшириғи кейинчалик ўзгартирилиши ёки қайтариб олиниши мумкин бўлмайди) ўзаро келишиб олишлари мумкин.

Халқаро кредит кўчириши асосидаги ҳисоб-китоблар халқаро савдо муносабатларида кенг тарқалган бўлиши билан бирга, ҳисоб-китобнинг ушбу шакли бенефициар (товарни сотувчи шахс) учун ҳам тўлов кўчираётган томон (товарни харид қилувчи) учун ҳам муайян хавф-хатарлар туғдиради.

Халқаро кредитли кўчиришлар воситасидаги ҳисоб-китобларда қуйидаги асосий хатарлар мавжуд бўлиши мумкин:

- харидорнинг пулни тўламаслиги хатари;
- харидор давлатининг хатари;
- транзит хатари;
- валюта курслари фарқи тарзидаги хатар.

Харидорнинг тўламаслиги хатари шундан иборатки, харидор етказиб берилган товарни ўзиники қилиб олгани ҳолда тўловга қобилиятсизлиги ёки тўлашни хоҳламаслиги оқибатида пул маблағларини ўтказмаслиги мумкин.

Харидор давлатининг хатари. Харидор тўловни амалга ошириш имконияти ва хоҳиши бўлгани ҳолда унинг давлати валютани тартибга солиш (масалан, валюта сотиб олишнинг чеклаб қўйилиши ва ҳоказо)

чораларини кўриши оқибатида пул ўтказилишини амалда таъминлай олмасдан қолиши мумкин.

Мазкур хатарлар харидорнинг тўлов қобилияти, унинг мамлакатига қонунчиликнинг аҳволи тўғрисида мунтазам равишда маълумотлар олиш, пулини олдиндан олиб, товар жўнатиш ёки кичик-кичик партияларда маҳсулот юбориш йўли билан камайтирилиши мумкин. Бундан ташқари, тўловнинг амалга оширилмай қолиши хатари суғурталаб қўйилиши ҳам мумкин.

Транзит хатари. Маҳсулот етказиб бериладиган жой узоқлашгани сайин унинг йўқолиш хавфи ҳам ортиб боради. Ушбу хатарни камайтириш учун товарни суғурталаб қўйиш, ихтисослашган экспедиторлик ташкилотларининг хизматидан фойдаланиш мумкин. Аммо бу ташкилотлар обрўли ва юкнинг йўлда тўлиқ сақланишини кафолатлай оладиган бўлиши керак.

Валюта курслари ўртасидаги фарқ хатари. Бундай хатар шартнома валютаси курсининг пасайиши муносабати билан юз беради. Ушбу хатарни камайтириш учун товар қиймати қандайдир барқарор валюта курсида (масалан, АҚШ долларида) кўрсатилгани ҳолда ҳисоб-китоблар бошқа тегишли валютада амалга оширилиши шартномада белгилаб қўйилиши керак (масалан, товар баҳоси АҚШ долларида кўрсатилгани ҳолда товар учун ҳисоб-китоблар ушбу курс бўйича Ўзбекистон сўмида амалга оширилиши қайд этилиши мумкин).

Бундай хатарлар харидор учун ҳам юзага келиши мумкин, чунки у товар учун олдиндан ҳақ тўлаб қўйгани ҳолда товарни ололмай қолиши мумкин. Яъни кредитли кўчириш шаклидаги халқаро ҳисоб-китобларда маблағ кўчирувчи ва бенефициар бир-бирларини яхши билишлари ҳамда ҳуқуқий ҳимояланиш нуқтаи назаридан энг кўп даражада хатарнинг олдини олишлари лозим бўлади.

3-§. АККРЕДИТИВ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Кредитли кўчириш билан бир қаторда халқаро савдо алоқаларида аккредитив шаклидаги ҳисоб-китоблар (ингл. documentary credit, banker's commercial credit, commercial letter of credit) ҳам кенг қўлланилади. Аммо халқаро савдо ҳуқуқи билан тартибга солин-

майдиган кредитли кўчиришдан фарқли ўлароқ, аккредитивлар халқаро савдо одатлари билан муайян тартибга (шаклга) солинган бўлиб, улар Халқаро савдо палатаси тузган «Ҳужжатли аккредитивлар учун унификацияланган қоидалар» сифатида маълум. Бу қоидалар тавсия хусусиятига эга эканлигига қарамасдан, турли мамлакатларга мансуб субъектлар ўртасида ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган амалдаги барча ҳолларда қўлланиб келади.

Ушбу қоидаларнинг дастлабки таҳрирдаги матни 1933 йилда нашр этилган бўлиб, кейинчалик 1951, 1962, 1974, 1983 йилларда қайта чоп этилди. Ҳозирги пайтда эса халқаро савдо палатасининг 1993 йилги 500-сонли янги таҳрирдаги нашри мавжуд¹.

Кўрсатиб ўтилганидек, Халқаро савдо палатасининг тавсиялари томонлар ўз муносабатларини ушбу палатага бўйсундиришлари ҳақида келишиб олганлари ҳолдагина қўлланилади. Шу сабабли, агар аккредитивда Халқаро савдо палатасининг 500-сонли нашрига ҳавола қилинган бўлса, у ҳолда унификация қоидаларининг шартлари (нафақат 500-нашри, балки аввалги таҳрирдаги қоидалар шартлари ҳам) томонлар учун мажбурий кучга эга бўлиб қолади. Шу боис унификация қоидаларига ҳавола қилинмаслиги натижасида тўловчи аккредитив шартларини ўз банки билан қўшимча равишда келишиб олиши мумкин ва бунда аккредитив қоидаларга бўйсунмайди, аммо бу нарса тўловчи учун қўшимча харажатларга олиб келиши мумкин.

Унификацияланган қоидалар ва бошқа халқаро савдо одатларига биноан, аккредитив шундай шартномаки, унга кўра маблағи сақланаётган шахснинг (аккредитив буйруқ берувчиси) топшириғи билан банк (эмитент банк) ёки ўз номидан фойдасига тўлов амалга оширилаётган шахс (бенефициар) ҳужжатларни тақдим этган ёки

¹ Халқаро савдо палатаси ушбу қоидалар билан бир қаторда аккредитивлар билан боғлиқ бўлган бошқа қоидаларни ҳам ишлаб чиққан. Улар қаторига: Ҳужжатли аккредитивлар бўйича банклараро рамбурслаш учун халқаро савдо палатасининг унификацияланган қоидалари (1995 йил ноябрдаги 525-нашри), Захира ва тижорат аккредитивлари, John Wiley, Халқаро савдо палатасининг 923-нашри. Бундан ташқари, ХСП томонидан Ҳужжатли аккредитивлар бўйича прецедентларни тадқиқ қилиш натижалари, ХСПнинг 400-сонли нашри), ХСПнинг намунавий шакллари, Унификацияланган қоидаларга шарҳлар. 551-нашр ва бошқалар мавжуд.

аккредитив буйруқ берувчиси билан эмитент банк ўртасидаги шартномада назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда ёки тўловни амалга ошириш ёхуд кўчириладиган векселни ҳисобга олиш ёки акцептлаш ёхуд бошқа банкка (авизоловчи банкка) тўловни амалга ошириш юзасидан ёки кўчириладиган векселни ҳисобга олиш ёхуд акцептлаш юзасидан ваколат бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Халқаро аккредитивлар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш тартиби 2-чизмада келтирилган (2-иловага қаранг).

Аккредитивлардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китобларнинг иштирокчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

аккредитив буйруқ берувчиси. Буйруқ берувчи (ингл. applicant, opener, accreditor) – аккредитив чиқариш ҳақида банкка топшириқ берувчи шахс. Одатда буйруқ берувчи сифатида харидор (иш ёки хизмат бюртмачиси) катнашади (контракт асосида);

эмитент банк (ингл. issuing bank) – ўз номидан ёки аккредитив буйруқ берувчисининг илтимоси билан аккредитивларни муомалага чиқарувчи шахс;

бенефициар (ингл. beneficiary) – фойдасига аккредитив очилаётган шахс. Бу шахс эмитент банкка ёки авизоловчи банкка аккредитивда назарда тутилган шартлар бажарилгани ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Одатда бенефициар сифатида товарни сотувчи (пудратчи ижрочи) (контрактга кўра) иштирок этади;

авизоловчи банк (ингл. advising bank) – эмитент топшириғи билан бенефициарга унинг фойдасига очилган аккредитив ҳақида ва унинг бажарилиш тартиби ҳақида хабар берувчи банк.

тасдиқловчи банк (ингл. confirming bank) – эмитент банк ўз ваколатларини топширадиган ёки эмитент банк илтимосига кўра қайтарилмайдиган аккредитивни тасдиқлайдиган банк, бу билан тасдиқловчи банк аккредитив юзасидан эмитент банк билан бир қаторда мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳисобланади.

Унификацияланган қоидаларга ва вужудга келган халқаро амалиётга кўра, шартлари бўйича аккредитивларнинг турларини ажратиш мумкин. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталамиз.

Қайтариб олинмайдиган ва қайтариб олинмайдиган аккредитивлар (ингл. revocable/irrevocable). Қайтариб олинмайдиган аккредитив деганда,

буйруқ берувчининг топшириғи билан эмитент банк бенефициарни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда ўзгартириши мумкин бўлган ёки қайтариб (чақириб) оладиган аккредитив тушунилади. Эмитент банк аккредитивни қайтариб (чақириб) олиши ёки ўзгартириши туфайли эмитент банкда бенефициарга нисбатан қўшимча мажбуриятлар юзага келмайди. Авизоловчи банк аккредитивнинг қайтариб олингани ёки ўзгартирилгани ҳақида тўлов амалга оширилишидан олдинроқ хабар олмаган бўлса, ушбу аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга оширишга мажбур бўлади. Қайтариб олинмайдиган аккредитив деб қайтариб (чақириб) олиниши ёки ўзгартирилиши мумкин бўлмаган аккредитивга айтилади.

Аккредитивда унинг қайтариб (чақириб) олинадиган аккредитив эканлиги кўрсатиб қўйилмаган бўлса, бундай аккредитив қайтариб олинмайдиган ҳисобланади 1993 йилги таҳрирдаги (Унификацияланган қоидаларнинг 6-моддаси,. Унификацияланган қоидаларнинг аввалги таҳрирлари бунинг тескарисини назарда тутган). Шуни таъкидлаш лозимки, амалда қайтариб олинадиган аккредитивлар жуда кам қўлланилади, чунки у бенефициарга маблағларнинг олинишини кафолатламайди.

Тасдиқланадиган ва тасдиқланмайдиган аккредитивлар (ингл. confirmed/not confirmed or unconfirmed). Авизоловчи банк ёки бошқа банк (тасдиқловчи банк) қайтарилмайдиган аккредитив бўйича ижрони кафолатлаши (тасдиқланган аккредитив) ёки кафолатламаслиги (тасдиқланмаган аккредитив) мумкин. Агар аккредитивда унинг тасдиқланганлиги кўрсатилмаган бўлса, у тасдиқланмаган аккредитив ҳисобланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар. Қопланган аккредитивда эмитент банк унинг очилиши пайтида авизоловчи банк ихтиёрига аккредитивнинг бутун амал қилиш муддатига тегишли маблағни ўтказиб қўяди. Қопланмайдиган аккредитив деганда эса, эмитент банк авизоловчи банкка унинг банкидаги эмитент банк ҳисобварағидан аккредитив суммасини ўчириб, ўзига ўтказиб олиш ҳуқуқини берадиган ҳолдаги аккредитив тушунилади.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган аккредитивлар. Бўлинадиган аккредитивда бенефициарга буйруқ берувчи олдидаги ўз мажбуриятларини қисман бажаргани ҳолда уни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим

этганда аккредитивни қисман бажариш ҳуқуқига эга бўлади. Бўлинмайдиган аккредитивлар деганда эса, бенефициар буйруқ берувчи олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганидан ва бундай мажбурият тўла бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин бир йўла бажариладиган аккредитив тушунилади.

Кўчириладиган ва кўчирилмайдиган аккредитивлар (ингл. transferable/not transferable). Кўчириладиган аккредитивлар деганда, бенефициар авизоловчи банкка шартларини сақлаб қолган ҳолда тўла ёки қисман бошқа шахс номига ўтказиш ҳақида кўрсатма бериши мумкин бўлган аккредитив тушунилади. Кўчириладиган аккредитив агар унинг ўзида бошқа шарт назарда тутилмаган бўлса, фақат бир мартагина бошқа шахс номига кўчирилиши мумкин (Унификацияланган қоидаларнинг 48-моддаси). Кўчирилмайдиган аккредитив деганда эса, фақат бенефициарга нисбатангина бажарилиши мумкин бўлган аккредитив тушунилади.

Тикланадиган ва тикланмайдиган аккредитивлар (ингл. revolve credit). Тикланадиган аккредитив деганда, буйруқ берувчи ўз зиммасига тўлиқ ёки қисман бажариб бўлингач, муайян муддат давомида ўз мажбуриятини аккредитивнинг тўла суммасигача бўлган миқдорда янгилаш мажбуриятини оладиган аккредитив назарда тутилади. Тикланадиган аккредитив томонлар ўзаро келишиб белгиладиган муддат давомида ёки муайян маротаба янгилиниши лозим бўлади. Тикланмайдиган аккредитив бажариб бўлингач, барҳам топади ва янгиланмайди.

Куммулятив ва куммулятив бўлмаган аккредитивлар. Тикланадиган аккредитив куммулятив ёки куммулятив бўлмаган аккредитивга бўлинади. Куммулятив аккредитив деганда, амалдаги аккредитивнинг фойдаланилмай қолган суммаси кейинги аккредитивга қўшиб бориладиган аккредитив тушунилади. Куммулятив бўлмаган аккредитивларда эса фойдаланилмай қолган сумма кейингисига қўшилмайди.

Одатдаги ва резерв аккредитивлар. Резерв (захира) аккредитивга кўра, аккредитив буйруқ берувчиси аккредитив бўйича тўловни амалга оширишдан бош тортган тақдирда банк тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Аккредитивнинг бу тури банк кафолатининг айнан ўзидир. «Резерв аккредитив» (ингл. stand-by credit) атамасидан фойдаланиш АҚШнинг айрим штатларида банкларнинг кафолат бериши

тақиқланганлиги сабабли ушбу банкларда «резерв аккредитив» шаклидан фойдаланилиши билан боғлиқ. Халқаро савдо палатасининг унификацияланган қоидаларида, АҚШ банклари таъсирида ушбу қоидалар резерв аккредитивлар учун ҳам қўлланилиши мумкинлиги тан олинган (1-модда).

Бундан ташқари, «қизил изоҳли аккредитив» (ингл. red clause credit) ёки «муддатидан аввал очиладиган аккредитив (ингл. anticipatory credit), шунингдек, «кўк изоҳли аккредитив» (ингл. green clause credit)лар ҳам мавжуд. Қизил изоҳли аккредитивлар асосан Австралия жуни билан савдо-сотик қилиш туфайли пайдо бўлган бўлиб, чекланган маблағга эга бўлган денгиз ташувчиси (айни пайтда савдо воситачиси) юк кемага жойлангунига қадар ўз маҳсулот етказиб берувчиси билан ҳисоб-китоб қила олиши учун шароит яратиш мақсадига йўналтирилган. Ушбу аккредитивнинг «қизил изоҳли» деб аталишига сабаб махсус изоҳнинг қизил тасма шаклида берилишидир. Қизил изоҳли аккредитивнинг моҳияти шундаки, бу аккредитив юклаб жўнатиш ҳужжатлари асосида эмас, балки омбор тилхати ёки варрант ва ҳатто вексель асосида қисман, юклаб жўнатиш ҳужжатлари тақдим этилганида эса – тўлиқ бажарилади.

Яшил изоҳли аккредитивлар қизил изоҳлисидан омборхона ҳужжатлари банк номига расмийлаштирилиши билан фарқ қилади.

Шунингдек, *компенсацион* ёки *муқобил* аккредитивлар ҳам маълум (ингл. back-to back credit). Аккредитивнинг бу тури айнан бир товар бўйича бир неча олди-сотди шартномалари кетма-кет тузиладиган ҳолларда очилади. Бундай ҳолда сўнгги харидор очган аккредитив сотувчи аккредитивни таъминлашга хизмат қилади ва ушбу сотувчи буйруқ берувчи сифатида қаралади. Ушбу аккредитив кўчириладиган аккредитивдан шу билан фарқ қиладики, кўчириладиган аккредитивда фақат бенефициар алмашади ва очилган аккредитив бўйича муносабат амалга ошади. Компенсацион аккредитивлар эса сотувчи фойдасига очилган аккредитивдан фарқ қилувчи мустақил аккредитив ҳисобланади ва сотувчи банки ўз миждози фойдасига аккредитив очилганлиги ҳақида хабар олгач, аввалги сотувчи учун аккредитив очиш пайтида олинган аккредитив шартларини такрорлайверади.

Аккредитивлар қуйидаги шаклларда бажарилиши мумкин:

– *тақдим этилган ҳужжатларга кўра тўловни амалга ошириш*

йўли билан. Тақдим этилган ҳужжатларга кўра тўловлар амалга ошириладиган аккредитив деганда, эмитент банк ёки авизоловчи банк бенефициар эмитент банкка ёки авизоловчи банкка тақдим этган ҳужжатларга мос равишда тўловни амалга оширишга оид аккредитив тушунилади;

– *тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ кўчириладиган векселни акцептлаш йўли билан.* Кўчириладиган векселни тақдим этиладиган ҳужжатларга мувофиқ равишда ҳисобга олишга қаратилган аккредитивда эмитент банк ёки авизоловчи банк бенефициарнинг кўчириладиган векселини ҳисобга олади, тегишли ҳужжатларга мувофиқ тўлов муддати келганда тўловни амалга оширади;

– *кўчириладиган векселни тақдим этиладиган ҳужжатларга кўра ҳисобга олиш орқали.* Кўчириладиган векселни тақдим этиладиган ҳужжатларга кўра ҳисобга олиш аккредитиви деганда, эмитент банк ёки авизоловчи банк тегишли ҳужжатлар тақдим этилганида кўчириладиган векселни ҳисобга олишни амалга оширишга қаратилган аккредитив тушунилади;

– *кечиктириб тўлаш йўли билан.* Кечиктириб тўлаш йўли билан очиладиган аккредитивда эмитент банк ёки авизоловчи банк аккредитивда кўрсатилган муддатларда тўловни амалга оширади ёки тўловнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишига зарур кафолат беради.

Тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ пул маблағларини кўчириш воситасида тўлов амалга оширилгани ҳолда ушбу маблағ олувчининг ёки у кўрсатган шахснинг ҳисобварағига ўтказилади.

Аккредитивнинг бажарилишида нафақат юқорида санаб ўтилган банклар, балки воситачи банклар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Аккредитив жараёни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиниши мумкин:

1) буйруқ берувчи эмитент банкка аккредитив очилиши ҳақида топшириқ беради;

2) эмитент банк авизоловчи банкка аккредитивни ижро қилиш юзасидан топшириқ беради (аккредитивни бажариш функциясини эмитент банкнинг ўзи амалга оширганида бу босқич бўлмаслиги ҳам мумкин);

3) аккредитивнинг тасдиқланиши (тасдиқланмайдиган аккредитивларда бу босқич бўлмайди);

4) авизоловчи ёки эмитент банк¹нинг аккредитивни бажариши.

Аккредитив очиш учун топшириқни буйруқ берувчи эмитент банкка аккредитив очишни топшириш (йўл-йўриқ кўрсатиш) орқали беради.

Буйруқ берувчининг банкка топшириқ бериши пайтида одатда аккредитив суммасига тенг бўлган маблағ эмитент банк ихтиёрига топширилади ёки эмитент банкнинг аккредитивни ижро қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплашнинг бошқа усуллари белгилаб берилади.

Бунда аккредитив очишга берилган топшириқда аккредитивни бажариш учун талаб этиладиган барча маълумотлар кўзда тутилмоғи керак.

Аккредитив бўйича топшириқда аккредитивнинг қайтариб (чақириб) олинмайдиган ёки чақириб олинмайдиган (бундай кўрсатма бўлмаганида аккредитив чақириб олинмайдиган бўлиб ҳисобланади); бўлинадиган ёки бўлинмайдиган (бундай кўрсатма бўлмаганида у бўлинмайдиган ҳисобланади); кўчириладиган ёки кўчирилмайдиган (бундай кўрсатма бўлмаганида у кўчирилмайдиган бўлиб ҳисобланади) эканлиги; агар аккредитив тикланадиган бўлса, у ҳолда унинг куммулятив ёки куммулятив эмаслиги ёхуд аккредитивнинг бошқа тури кўрсатиб қўйилмоғи керак.

Топшириқда, шунингдек, унинг амал қилиш муддати, амал қила бошлаши, аккредитив бўйича тўлов шакли, шунингдек, қайси ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда аккредитив бўйича тўлов амалга оширилиши (транспорт, суғурта ҳужжатлари, тижорат ҳисоб-китоблари ва ҳ.к.) аниқ кўрсатиб қўйилмоғи лозим бўлади.

Аккредитив бўйича йўл-йўриқда авизоловчи банкка ташқи белгиларига кўра бенефициар тақдим қилган ҳужжатлар аккредитив шартларига мувофиқ келиш-келмаслигини аниқлаш учун зарур маълумотлар назарда тутилиши керак.

¹ Бундан буён - авизоловчи банк (аккредитивни бевосита ижро қилиш ва бенефициардан ҳужжатларни олиш билан боғлиқ муносабатлар юзасидан).

Бунда транспорт, суғурта ҳужжатлари, тижорат ҳисоб-китобидан бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этиш талаб қилинса, у ҳолда аккредитивда қандай ҳужжатлар берилиши, уларни ким имзолаши лозимлиги, улар қандай ифодаланиши кераклиги, қандай маълумотларни назарда тутиши кўрсатиб қўйилмоғи лозим (йўриқномада бундай маълумотларнинг бўлмаслиги банкка товар, иш ёки хизматни аккредитивда кўрсатилган товар, иш, хизмат қаторига киритиш мумкин бўлса, уларни қабул қилиш ҳуқуқини беради).

Аккредитив очиш юзасидан топшириқда уни очиш муддати кўрсатиб қўйилиши мумкин. Бунда ҳар қандай муддат аниқ кўрсатиб қўйилади ёки аккредитив дарҳол (аккредитив очиш учун зарур бўлган муддат ичида) очилади ёки бенефициар шартномани бажаришга қаратилган ҳаракатни қилиши билан очилиши аккредитивда кўрсатиб қўйилади.

Аккредитив бу ҳақда бенефициар хабардор қилинган пайтдан бошлаб очилган ҳисобланади. Аккредитивнинг очилиш пайти олдинсиз шартномасида аккредитив очилиши билан кучга кириши деб белгилаб қўйилган ҳолларда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Унификацияланган қоидаларда чалкашлик ва англашилмовчиликнинг олдини олиш мақсадида банкларга ўз буйруқ берувчиларига аккредитивга ортиқча маълумотларни киритмасликни, бошқа аккредитивга ҳавола қилган ҳолда йўриқнома бермасликни маслаҳат бериш тавсия қилинади.

Аккредитив уни очиш учун берилган топшириқда назарда тутилган муддатга очилади. Аккредитив очиш борасидаги топшириқни қабул қилаётган пайтда эмитент банк унинг ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилмоғи шарт.

Ушбу босқич эмитент банкнинг аккредитив бўйича топшириқни қабул қилиши билан яқунланади. Бунда унификацияланган қоидаларга мувофиқ (9-модда), қайтариб олинмайдиган аккредитивда лозим даражадаги топшириқнинг берилиши эмитент банкнинг аккредитив юзасидан мажбуриятлар олишига олиб келади ва тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини пайдо қилади.

Таъкидлаш керакки, аккредитив очиш ва уни ижро қилиш билан боғлиқ барча харажатларни буйруқ берувчи қоплайди.

Агар эмитент банк аккредитив очилиши пайтида ўз номидан ҳаракат қилса, у аккредитив буйруқ берувчисининг ишончли вакили (агенти) сифатида қаралиши мумкин эмас. Шу муносабат билан, аккредитив очиб бўлингач, аккредитивнинг амал қилиш муддати давомида тегишли ҳужжатлар тақдим этилгудек бўлса, аккредитивни ижро қилмаслик тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли бўлмайди. Бундан ташқари, эмитент банк аккредитив очиш ва уни ижро қилиш пайтида йўл қўйган нуқсон ҳамда камчиликлари учун мустақил жавобгар бўлади.

Авизоловчи банкни, буйруқ берувчининг кўрсатмаларига биноан (бу ҳолда авизоловчи банкни жалб этиш билан боғлиқ барча харажатлар ва хатарлар буйруқ берувчининг зиммасига тушади) эмитент банк аниқлайди ёки бу ишни эмитент банк мустақил равишда амалга оширади.

Бунда унификацияланган қоидаларнинг 18-моддасига кўра, агар авизоловчи банкни эмитент банк мустақил равишда танлаган бўлса, авизоловчи банк йўл-йўриқларни бажариш билан боғлиқ ҳеч бир жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Башарти авизоловчи банк у ёки бу сабабга кўра аккредитив топшириғида кўрсатилган йўриқномани бажара олмайдиган бўлса, бу ҳақда дарҳол эмитент банкни хабардор қилиш керак бўлади.

Агар авизоловчи банк аккредитивнинг ҳақиқийлигини аниқлай олмаётган бўлса, бу тўғрида топшириқ юборган банкни хабардор қилиш талаб этилади.

Эмитент банк аккредитив бўйича топшириқни авизоловчи банкка топшириш билан айна бир пайтда қопланадиган аккредитивлар юзасидан буйруқ берувчи маблағларини ҳам авизоловчи банкка ўтказиб бериши лозим.

Кўчириладиган аккредитив тақдим этилгани ҳолда авизоловчи банк ушбу аккредитивни бенефициар кўрсатган бошқа шахс номига ўтказди ва йўриқномада кўрсатилган шартларни сақлаб қолади.

Ушбу босқич авизоловчи банк эмитент банк топшириғини қабул қилиши билан якунланади.

Эмитент банк аккредитив бўйича ўз ваколатларини ўтказиш пайтида бошқа банкдан унинг қайтариб олинмайдиган аккредитивини тасдиқлашни сўраши мумкин ва шу йўл билан бошқа банк рози бўлган

тақдирда (тасдиқловчи банк) эмитент банк мажбуриятлари жумласига аккредитивни ижро қилиш бўйича ўзининг мажбуриятларини ҳам қўшади.

Хусусан, аккредитив тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда бажариладиган шаклда бўлганида зарур ҳужжатлар илова қилиниши билан аккредитив бўйича тўловни амалга оширади (унификацияланган қоидаларнинг 9-моддаси). Бунда тасдиқловчи банк сифатида авизоловчи банк ҳам, бошқа ҳар қандай банк ҳам иштирок этиши мумкин. Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра тасдиқловчи банкнинг мажбуриятлари эмитент банк мажбуриятларига нисбатан субсидар (қўшимча) хусусиятга эга бўлади ва топшириқ шартномасига ўхшаб кетади. Бу мажбурият бажарилиши пайтида биргаликдаги мажбурият мавжуд эканлиги уни топшириқ шартномасидан фарқловчи жиҳат бўлиб ҳисобланади.

Авизоловчи банкнинг аккредитивни бажариш тартиби. Аккредитив юзасидан топшириқ олган авизоловчи банк бенефициарни аккредитив тузилганидан, шу жумладан, аккредитивни тасдиқлаганидан хабардор қилади (агар у ўз зиммасига ана шундай мажбурият олган бўлса). Башарти аккредитив шартлари асосий шартнома (контракт)нинг шартларига тўғри келмаса, бенефициар бу шартларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин ва бу амалда харидорнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлигини англатади (олди-сотди, пудрат ва ҳ.к.).

Аккредитив бажарилиши учун бенефициарнинг авизоловчи банкка йўриқномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши талаб қилинади.

Авизоловчи банк аккредитив шартларига аниқ мос келмайдиган ҳужжатларни қабул қилишни рад қилиши мумкин.

Унификацияланган қоидаларнинг 13-моддасига мувофиқ, банклар улар ташқи белгиларига кўра аккредитив шартларига мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун уларни диққат-эътибор билан текшириб чиқишлари лозим (Бунда банк аккредитивда кўзда тутилмаган ҳужжатларни текшириб чиқмайди, ташқи белгиларига кўра бир-бирига зид келувчи ҳужжатлар эса аккредитив шартларига мос келмайдиган ҳужжатлар деб ҳисобланади).

Аккредитивга доир йўриқномада, қоидага кўра, ҳужжатларни ким бериши, уларда қандай маълумотлар бўлиши кераклиги назарда тутилмоғи лозим. Агар бу маълумотлар кўрсатилмаган бўлса, банклар

ҳужжатларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади.

Бунда топшириқдаги кўрсатмалар битта ҳужжатда тўлалигича берилмаган бўлиши мумкин, аммо ҳужжатлар яхлит (комплекс) ҳолда олинганида бу маълумотлар мавжуд бўлиши лозим, яъни топшириқдаги кўрсатмалар барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиш асосида талқин этилиши мумкин.

Тижорат ҳисоб-китоблари, суғурта ҳужжатлари ва аккредитив бажарилишига асос бўладиган бошқа ҳужжатлар аккредитив буйруқ берувчиси номига ёзилган бўлиши лозим ва бу қоидадан четга чиқишга аккредитивнинг ўзида назарда тутилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Аккредитивнинг ўзида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, аккредитив бўйича тўлов амалга ошириладиган транспорт ҳужжатларини, аккредитив бўйича бенефициар ҳисобланмайдиган шахс бериши мумкин.

Унификацияланган қоидаларга кўра, аккредитивни бажаришнинг асоси сифатидаги транспорт ҳужжатлари сифатида денгиз (океан) коносаменти ёки муомалада бўлмайдиган денгиз юк хати, чартер-туркум (партия) коносаменти, аралаш ташиш туридаги транспорт ҳужжатлари, авиа (ҳаво) юк хати (накладной), автомобиль, темир йўл ёки дарё транспорти ташиш ҳужжатлари, курьерлик ёки почта квитанцияси, экспедитор берадиган транспорт ҳужжатларидан фойдаланилади.

Унификацияланган қоидаларда ҳужжатларни банкларда, яъни эмитент банк, тасдиқловчи банк ёки авизоловчи банкда текшириб чиқиш муддатлари оқилона белгиланиши ҳамда тақдим этилган вақтдан бошлаб етти банк кунидан ортиқ бўлмаслиги лозимлиги кўрсатиб қўйилган.

Аккредитивда банклар ҳужжатларнинг фақат асл нусхасини ёки бенефициар тақдим этганида – нусхасини қабул қилиши белгилаб қўйилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлар йўриқномага тўғри келмаган ёки аккредитив муддати ўтгач тақдим этилган ҳолларда авизоловчи банк аккредитив ижросидан бош тортиши ҳамда бу ҳақда ва рад этиш сабаблари тўғрисида бенефициарни ва эмитент банкни хабардор қилиши керак бўлади. Бундай хабарномада ҳужжат қабул қилинишининг рад этилишига сабаб бўлаётган номувофиқлик тўғрисида кўрсатилган бўлиши зарур.

Аккредитив топшириғи ва тақдим этилган ҳужжатлар ўртасидаги номувофиқлик топшириқ тушунарли бўлмаганлиги ёки ноаниқ ҳужжатлар оқибатида юзага келган бўлиши мумкин. Топшириқ ноаниқлиги туфайли номувофиқлик юз берганида авизоловчи банк эмитент банкка изоҳ беришини сўраб мурожаат қилади. Агарда бунинг имкони бўлмаса, тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ижро қилаверади ва агар оқилона ҳаракат қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Ноаниқ ҳужжатлар тақдим этилганида эса ноаниқлик даражасига кўра ҳаракат қилади, яъни ушбу ноаниқлик мажбуриятнинг бажарилишига таъсир қилмаса, авизоловчи банк аккредитивни бажариши мумкин.

Ҳужжатлардаги нуқсонлар бартараф этилгач ва йўриқномага мос келувчи ҳужжатлар тақдим этилганида авизоловчи банк йўриқномага мувофиқ ижрони амалга оширади.

Авизоловчи банк ҳужжатлардаги нуқсонларга қармасдан ижро қилиш тўғрисида кўрсатма берган ва бунда номувофиқлик мавжуд эканлиги аниқланган тақдирда ҳам аккредитивни ижро қилиши лозим. Бундай ҳолда амалга оширилган тўловнинг номаъқул оқибатлари учун эмитент банк жавобгар бўлади.

Башарти авизоловчи банк қабул қилиб олган ҳужжатлар ташқи белгиларига кўра аккредитив топшириғи шартларига мос келмаса, эмитент банк ёки тасдиқловчи банк авизоловчи банк қабул қилган ҳужжатларни рад этиши, бенефициарга тўланган сумманинг фоизи билан қайтарилишини талаб қилиши, қопланмайдиган аккредитивлар бўйича эса тўланган суммани қоплашдан бош тортиши, ҳужжатларни авизоловчи банкка қайтариши лозим.

Бўлинадиган аккредитив очилган ҳолда авизоловчи банк йўриқномага кўра, бенефициар ўз мажбуриятини қисман бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганида аккредитивни қисман ижро қилади.

Ҳужжатлар авизоловчи банкка аккредитив муддати ўтиб кетмасидан олдин тақдим этилиши лозим, акс ҳолда авизоловчи банк эмитент банк розилигини олмасдан туриб аккредитивни ижро қилишга ҳақли бўлмайди.

Авизоловчи банк аккредитив топшириғини қуйидаги ҳолларда бажарган ҳисобланади:

– тегишли ҳужжатлар олингач, тўлов амалга ошириладиган аккре-

дитивлар бўйича буйруқ берувчининг йўриқномасига кўра ҳужжатлар олинганда ва авизоловчи банк тўлов суммасини бенефициарга ўтказганда (кўчирганда);

– тақдим этилган ҳужжатларга кўра кўчириладиган векселни акцептлаш кўринишидаги аккредитивда – буйруқ берувчи кўрсатмасига мувофиқ ҳужжатлар қабул қилинган пайтдан бошлаб ва бенефициарнинг кўчириладиган вексели акцептланган пайтдан бошлаб;

– тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ кўчириладиган векселни ҳисобга олиш шаклидаги аккредитивда – буйруқ берувчи кўрсатмасига мувофиқ келувчи ҳужжатларнинг олиниши ва олувчига ёки бенефициарга тўловни амалга ошириши йўли билан бенефициар кўчириладиган векселни ҳисобга олиш йўли билан.

Аккредитив бажариб бўлингач, тугайди.

Унификацияланган қоидаларнинг 8-моддасига кўра, аккредитив топшириғида авизоловчи банк аккредитив кўрсатмаларига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилиб олгунига қадар аккредитивни ўзгартириши ёки қайтариши ҳақида топшириқ олса, эмитент банк уни ўзгартиришга ёки қайтариб (чақириб) олишга ҳақли бўлади. Агарда аккредитивни ўзгартириш ёки қайтариб олиш тўғрисидаги кўрсатма авизоловчи банк ҳужжатларни қабул қилгач ва аккредитивни ижро қилгач олинган бўлса, бу ҳолда эмитент банк авизоловчи банкка тўловларни қоплаб бериши лозим бўлади. Топшириқни ўзгартириш ҳақида кўрсатма олган авизоловчи банк янги кўрсатмалар ва юз берган ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда аккредитивни ижро қилиши, қайтариш ҳақида топшириқ олганида эса, олинган пул маблағларини (қопланадиган аккредитивда) эмитент банкка қайтариб бериши керак бўлади.

Унификацияланган қоидаларнинг 9-моддасига биноан, қайтариб олинмайдиган аккредитив (кўчириладиган аккредитивдан ташқари) эмитент банкнинг, тасдиқовчи банкнинг (агар у бўлса) ва бенефициарнинг умумий розилигисиз ўзгартирилиши ҳам, қайтариб (чақириб) олиниши ҳам мумкин эмас, яъни тасдиқланган аккредитив тасдиқловчи банк розилигисиз ўзгартирилиши ҳам, қайтариб олиниши ҳам мумкин эмас. Бунда тасдиқловчи банк аккредитивнинг ўзгартирилишига розилик бериш пайтида бенефициарга ва эмитент банкка ўз тасдиғининг сақланиши ёки қайтариб олиниши ҳақида хабар беради.

Бенефициар эса, тақлиф этилган ўзгаришни қабул қилса, авизо-

ловчи банкни бу ҳақда хабардор қилади, акс ҳолда аккредитив ўзгартирилмаган бўлиб ҳисобланади.

Унификацияланган қоидаларнинг 9-моддасига кўра, бир хабарномада назарда тутилган ўзгартиришни қисман қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Аккредитивни, унинг муддати тамом бўлгач, авизоловчи банк ёпади.

Аккредитив, шунингдек, аккредитив шартларида назарда тутилганида, унинг муддати ўтгунига қадар бенефициарнинг аккредитивдан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра ҳам ёпилиши мумкин.

Қайтариб (чақириб) олинган аккредитив очилган ҳолларда буйруқ берувчи шахс аккредитивнинг муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтарилишини ҳам талаб қилиши мумкин бўлади.

Аккредитив ёпилгани ҳақида авизоловчи банк эмитент банкни хабардор қилиши лозим.

Қопланадиган аккредитивнинг фойдаланилмай қолган суммаси аккредитив ёпилиши билан айна бир пайтда эмитент банкка қайтарилмоғи зарур.

Аккредитив юзасидан топшириқнинг бажарилиши пайтида банкларнинг жавобгарлиги. Эмитент банк ёки авизоловчи банк ўзларининг аккредитив юзасидан мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлари тақдирда улар буйруқ берувчига, авизоловчи банк эса эмитент банкка кўрилган зарар ўрнини қоплаб беради. Хусусан, авизоловчи банк тегишли ҳужжатлар тақдим этилмасдан ёки керакли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмасдан тўловни амалга оширса ёки кўчириладиган векселни акцептласа, ҳисобга олса ва авизоловчи банкнинг бунда қўпол хатоси бўлса, юз берган зарар ўрнини қоплаб бериши лозим бўлади.

Аккредитив бўйича топшириқни бажариш пайтида банклар ҳар қандай ҳужжатнинг шакли, тўлиқлиги, аниқлиги, ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги ёхуд ҳар қандай ҳужжатнинг юридик аҳамияти учун жавобгар бўлмайди. Шунингдек, ҳужжатлардаги шартлар ва улар асосида аккредитивнинг бажарилиши учун ҳам банклар жавобгар эмас (Унификацияланган қоидаларнинг 15-моддаси). Банклар, ҳужжатларда кўрсатилган товарнинг тавсифи, миқдори, оғирлиги, сифати, кондициялиги, ўрами, етказиб берилиши, уларнинг қиймати ёки амалда мавжудлиги

учун, шунингдек, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг инсофли ёки инсофсиз эканлиги, тўловга қобилиятли ёки қобилиятсиз эканлиги, мажбуриятни бажаришда қатнашувчи бошқа шахсларнинг (улар юзасидан аккредитив бажарилиши пайтида) тижоратдаги мавқелари (обрў-эътибори) учун жавоб бермайди.

Унификацияланган қоидаларнинг 16-моддасига кўра, банк хабар ёки ҳужжатларнинг ушланиб қолиши, йўқотиб қўйилиши, шунингдек, телекоммуникация хабарларини юборишдаги маъно бузилишлари ёки бошқа хатоликлар учун ҳам, техник атамаларни таржима қилиш ёки талқин қилишда йўл қўйилган хатолар учун ҳам жавобгар бўлмайди ва аккредитив атамаларини таржима қилинмаган ҳолда юбориш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Унификацияланган қоидаларнинг 18-моддасига мувофиқ, аккредитивнинг топшириқни берувчи томони топшириқ олувчи томоннинг барча харажатларини қоплаб беради. Агар аккредитивда харажатларни учинчи шахс (масалан, бенефициар) қоплаши кўрсатилган бўлса ва ушбу шахс бу мажбуриятини бажармаса, харажатларни топшириқни берган шахс қоплаши лозим бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, аккредитив буйруқ берувчиси аккредитив ижросида иштирок этаётган барча банклар харажатларининг қопланиши учун тўла жавобгар бўлади.

Аккредитив халқаро ҳисоб-китобларда бенефициар (сотувчи, пудратчи, ижрочи) учун ҳам, буйруқ берувчи томон (харидор, буюртмачи) учун ҳам энг хавфсиз шакллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, аккредитивлар воситасида ҳисоб-китоб қилиш пайтида сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам айрим хатарлар мавжуд бўлади. Бундай хатарларнинг асосий турлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- эмитент банкнинг тўламаслик хатари;
- эмитент банк давлати билан боғлиқ хатар;
- транзит хатари;
- валюта курси билан боғлиқ хатар;
- ҳужжатларнинг тўғри келмаслиги хатари;
- аккредитивни қайтариб (чақириб) олиш хавфи.

Сотувчи нуқтаи назаридан қараганда, бу хатарлар қуйидагича кў-

ринади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитивлар орқали ҳисоб-китоб қилишда *харидорнинг пул тўламаслик хатари амалда мавжуд бўлмайди*, чунки харидор аккредитив очар экан, амалда шартли банк кафолатини беради (чунки муайян ҳужжатлар тақдим этилганида банк тўловни амалга оширишга мажбур эканлиги амалда шартли банк кафолатини англатади).

Шу билан бирга, эмитент банк инсофсиз банк бўлган тақдирда *эмитент банк давлати билан боғлиқ хатар* ҳам мавжуд (жаҳоннинг айрим минтақаларида, масалан, Науруда банкни рўйхатдан ўтказиш анча осон иш, шу боис ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган банк юз йиллик тарихга эга бўлган банк билан бир хил баҳоланиши мумкин эмаслиги аниқ). Ушбу хатарни обрўли банкнинг аккредитивни тасдиқлаши орқали камайтириш мумкин.

Худди шунингдек, *эмитент банк давлати билан боғлиқ хатар ҳам мавжуд бўлади*. Чунки валюта тўловлари бўйича чекловлар жорий этилиши оқибатида эмитент банк аккредитив бўйича тўловни амалга ошира олмай қолиши мумкин. Бундай ҳолда ҳам барқарор иқтисодиётли давлатдаги банкнинг аккредитивни тасдиқлаши хатарни камайтиришга хизмат қилади.

Аккредитив воситасида ҳисоб-китоб қилиш пайтида *курс билан боғлиқ хатардан қочиб қутилиши анча қийин* бўлади, чунки айти бир пайтда бир неча валютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш жуда қийин ишдир.

Сотувчи аккредитив воситасида ҳисоб-китоб қилаётганида *ҳужжатларнинг аккредитив топширигига мос келмаслиги хатари* мавжуд бўлади. Бу хатар аккредитивга берилган топширикда тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар аниқ кўрсатилмаган ёхуд контракт шартларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги кўрсатилган бўлиши мумкинлиги туфайли сотувчи бундай ҳужжатларни тақдим эта олмай қолиши, авизоловчи банк эса аккредитивни бажаришдан бош тортиши мумкин.

Ушбу хатарни камайтириш учун аккредитив очилгани ҳақида авизоловчи банк хабарномаси олинган заҳоти аккредитив кўрсатмаларини диққат билан таҳлил қилиш, аккредитив кўрсатмалари билан асосий шартнома шартлари ўртасида номувофиқлик аниқланган ҳолларда буй-

руқ берувчидан эмитент банкка тегишли кўрсатма берилишини талаб қилиш лозим. Шу йўл билан аккредитивнинг контракт шартларига мувофиқлигига эришмоқ керак.

Агар сотувчи тақдим этаётган ҳужжатлар аккредитив шартларига мос келмаса ва авизоловчи банк уларга кўра аккредитивни бажаришдан бош тортса, сотувчи бу ҳужжатларни инкассога топшириш тўғрисида авизоловчи банкка топшириқ бериши мумкин.

Ҳужжатлар аккредитив шартларига аниқ мос келмайдиган, аммо ҳужжатлар мазмунидан сотувчи контракт шартларини бажарганлиги кўриниб турган ҳолларда авизоловчи банк бу ҳужжатларни қабул қилиши ёки уни эмитент банк билан келишиб олиб ёхуд бенефициар билан эмитент банк харажатларни қоплашдан бош тортса, бенефициар уларни ўзи қоплаб бериши ҳақида битим тузиб (агар бенефициар ушбу банк мижози бўлса ва катта обрўга эга бўлса) аккредитивни ижро қилиши мумкин.

Қайтариладиган аккредитив тақдим этилган тақдирда харидор аккредитив муддати тамом бўлмасидан уни қайтариб олиши ва шу йўл билан сотувчига зарар етказиши хатари мавжуд бўлади. Ушбу хатарни йўқ қилиш учун контрактда аккредитив қайтарилмайдиган эканлиги кўрсатиб қўйилиши лозим.

Харидор учун эса асосий хатар қалбаки ҳужжатлар тақдим этилишидир. Унификацияланган қоидаларга мувофиқ, банклар товарларнинг амалда бор-йўқлиги, тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ келиш-келмаслиги учун жавобгар бўлмайдилар. Ушбу хатарни камайтириш учун харидорга яхши маълум бўлган банкни авизоловчи банк сифатида танлаш ёки аккредитив бажарилишига асос бўладиган ҳужжатлар рўйхатига маҳсулот жўнатилаётган ерда унинг миқдори ва сифатини текширувчи бетараф обрўли ташкилот берадиган сертификатни қўшиш лозим бўлади. Харидор учун хавф туғдирадиган яна бир хатар транзит (яъни товарнинг ташиш пайтида йўқолиши ёки шикастланиши) хатаридир. Ушбу хатарни камайтириш учун аккредитивнинг ижроси пайтида талаб қилинадиган ҳужжатлар қаторида (рўйхатида) суғурта бозорида обрўи баланд бўлган ташкилотнинг суғурта полиси ҳам бўлиши лозим.

4-§. ИНКАССО ЙЎЛИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ВА УНИНГ

ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Халқаро кредитли кўчиришлар орқали ҳисоб-китоб қилиш вақтида халқаро савдо муносабатларида доимо харидорнинг пул тўламаслиги ёки (олдиндан пули тўланган бўлса) сотувчининг маҳсулотни етказиб бермаслиги хатари мавжуд бўлади. Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида халқаро савдо-сотик муносабатларида ҳисоб-китобнинг инкассо шакли (ингл. Collections) етарли даражада кенг қўлланилади.

Халқаро кредитли кўчиришлардан фарқли равишда инкассо воситасидаги ҳисоб-китоблар амалиёти Халқаро савдо палатасининг «Инкассо бўйича унификацияланган қоидалари»да тартибга солиниб, умумлаштирилган.

Унификацияланган қоидаларнинг сўнгги таҳрири Халқаро савдо палатасининг 1995 йилги 522-нашрида (аввалги эски таҳрири Халқаро савдо палатасининг 1978 йилги 322-сонли нашрида) эълон қилинган¹.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Халқаро савдо палатасининг қоидалари шартнома қатнашчилари ўзаро келишиб, муносабатлар мазкур қоидаларга бўйсундирилиши ҳақида махсус кўрсатиб қўйилган ҳолдагина татбиқ этилади. Шу билан бирга, унификацияланган қоидалар халқаро банклар амалиётида кенг қўлланиб келади.

Унификацияланган қоидалар ва халқаро савдо алоқаларининг бошқа принцип ҳамда одатларидан келиб чиққан ҳолда инкассо орқали ҳисоб-китобларга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар шундай шартномага кўра амалга ошириладигани, унга кўра тўловни амалга оширишни талаб қилишга ҳақли бўлган (ишонч билдирувчи) шахс ўзининг ҳисобварағи мавжуд бўлган банкка (ремитент банкка) тўловни амалга ошириши ёки кўчириладиган векселни акцептлаши шарт бўлган шахсга (тўловчига) тўловчи банки (тақдим қилувчи банк) орқали тўловлар олинган ёки кўчириладиган вексель акцептланган тақдирда ҳужжатларни бериш вазифасини топширади.

Ремитент банк инкассосо топшириғини олгач, уни бажаришга тақ-

дим қилувчи банкдан ташқари, бошқа (инкассоловчи) банкларни ҳам жалб этиши мумкин бўлади.

Унификацияланган қоидаларга мувофиқ, банк инкассо топширигидан ҳар қандай сабаб билан бош тортиши мумкин, аммо бунда у топшириғи олинган банкни дарҳол хабардор қилиб қўйиши лозим бўлади.

Инкассо бўйича ишонч билдирувчи томон банк билан тузилган шартномада кўзда тутилган ҳолларда, товарни вакил банк манзилига тегишли кўрсатмалар билан бирга юбориш, пули тўлаб бўлингунига қадар банкнинг мутлақ эгалигида сақлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Агар товар пули тўланганидан ёки кўчириладиган вексель акцептланганидан кейин тўловчига бериш шарти билан вакил банк номига олдиндан унинг розилигини олмай юборилган бўлса, банк етказиб берилган товарни қабул қилишга мажбур бўлмайди ва бу маҳсулот учун хатар ва жавобгарлик ишонч билдирувчи томоннинг ўзида қолаверади (Унификацияланган қоидаларнинг 10-моддаси).

Халқаро савдо муносабатларида инкассодан фойдаланиш тартиби 3-чизмада кўрсатилган (3-иловага қаранг).

Инкассодан фойдаланган ҳолдаги халқаро ҳисоб-китоблар қатнашчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

ишонч билдирувчи шахс (ингл. *principal*) – ўз банкига инкассо бўйича топшириқ берувчи шахс. Қоидага кўра ишонч билдирувчи сифатда сотувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) томон қатнашади;

ремитент банк (ингл. *remiting bank*) – ишонч билдирувчи инкассо бўйича операцияни амалга оширишни топшираётган банк;

инкассоловчи банк (ингл. *collecting bank*) – инкассо операциясида иштирок этувчи ва ремитент банк бўлмаган ҳар қандай банк;

тақдим қилувчи банк (ингл. *presenting bank*) – инкассоловчи ёки тўловчига инкассони тақдим этувчи банк;

тўловчи (ингл. *drawee*) – тақдим этилган ҳужжатларга кўра тўловни амалга оширувчи ёки кўчириладиган векселни акцептловчи шахс.

¹ Халқаро савдо палатаси инкассо бўйича унификацияланган қоидаларга шарҳлар тайёрлаб, чоп эттирган. Қаралсин: Халқаро савдо палатасининг 550-сонли нашри.

Одатда тўловчи сифатида товарни харид қилувчи томон (иш ёки хизматнинг буюртмачиси) иштирок этади.

Унификацияланган қоидалардан келиб чиққан ҳолда ва қарор топган амалиётга кўра, инкассо бўйича ҳисоб-китоблар соф инкассо тарзида ёки ҳужжатли инкассо кўринишида амалга оширилади.

Соф инкассо деганда (ингл. clean collections) тўлов ёки кўчириладиган векселни акцептлаш кўчириладиган векселлар, оддий векселлар, чеклар ёки пул тўловларини олиш учун фойдаланиладиган бошқа молиявий ҳужжатлар тақдим этилиши билан амалга ошириладиган инкассо тушунилади. Соф инкассода транспорт ва бошқа тижорат ҳужжатлари тақдим этилмайди.

Ҳужжатли инкассо деганда эса (ингл. documentary collections) тўлов ёки кўчириладиган вексель ҳисоб-китоблар, юк жўнатиш ҳужжатлари, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда тўлов ёки кўчириладиган векселни акцептлаш асосларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина акцептланадиган инкассо тушунилади.

Инкассо қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

– *тўловни олиш орқали*. Бунда тўловни пул ҳолида олиш учун оддий ёки кўчириладиган вексель, чек, тўловга оид тилхат ёки бошқа молиявий ҳужжатлар тақдим этилади;

– *кўчириладиган векселни акцептлаш йўли билан*. Бунда кўчириладиган вексель акцептлаш учун тақдим этилади;

– *тўлов ўрнига тижорат ҳужжатларини бериш орқали* (ингл. documents against payment – D/P). Бунда вакил банк тўловчига тижорат ҳужжатларини тақдим этади ва бунда пул тўланишини шарт қилиб кўяди (Улар молиявий ҳужжатлар билан бирга бўлиши мумкин);

– *ҳужжатларни бошқача шартларда бериш орқали*. Бунда вакил банк ҳужжатларни тўловчига инкассо топшириғида назарда тутилган шартлар бажарилган тақдирдагина беради.

Унификацияланган қоидаларнинг 7-моддасига мувофиқ, ҳужжатли инкассода ҳужжатларни акцепт эвазига (D/A) ёки тўлов эвазига (D/P) бериш кўрсатилмаган бўлса, ушбу тижорат ҳужжатлари фақат тўлов эвазигагина топширилиши мумкин бўлади.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни шартли равишда қуйидаги бир катор *босқичларга* бўлиш мумкин:

- ишонч билдирувчининг ремитент банкка инкассо топшириғини бериши;
- ремитент банкнинг инкассоловчи банкка, шу жумладан, тақдим қилувчи банкка инкассо топшириғини бериши;
- тақдим қилувчи банкнинг инкассо топшириғини бажариши;
- ишонч билдирувчига пулнинг ўтказилиши ёки акцептланган векселнинг топширилиши.

Йўл-йўриқлар ва тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш чоғида ремитент банк ишонч билдирувчидан олинган йўл-йўриқ ҳамда ҳужжатларни инкассоловчи банкка юборади. Инкассоловчи банк, шунингдек, вакил банк функциясини ҳам бажариши мумкин.

Унификацияланган қодаларнинг 5-моддасига кўра, инкассоловчи банк (тақдим қилувчи банк)ни ишонч билдирувчининг кўрсатмасига амал қилган ҳолда ремитент банк белгилайди. Ишонч билдирувчининг бу масаладаги кўрсатмаси мавжуд бўлмаганда ремитент банк бу масалани ўз ташаббуси билан ҳал қилади. Аммо у биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам инкассоловчи банк ҳаракатлари учун ишонч билдирувчи олдида жавобгар ҳисобланмайди.

Инкассоловчи банк ремитент банк берган топшириққа мувофиқ инкассо топшириғи юзасидан айрим ҳаракатларни содир қилганида унда ҳам ремитент банкники сингари мажбуриятлар юзага келади.

Тақдим қилувчи банк инкассо топшириғини олаётганида тижоратга оид ва (ёки) бошқа ҳужжатлар ўзининг ташқи белгиларига кўра ишонч билдирувчининг топшириқларидан келиб чиқувчи кўрсатмаларга мос келишини текшириб кўриши шарт. Агарда у ёки бу ҳужжатнинг этишмаслиги ёки кўрсатмаларга мувофиқ эмаслиги аниқланадиган бўлса, вакиллик қилаётган банк бу ҳақда дарҳол ремитент банкка ҳамда инкассо топшириғини берган банкка хабар бериши лозим. Аммо бу ҳол ҳужжатларни ижрога тақдим этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Агар вакил банк қандайдир сабаблар билан инкассо топшириғида назарда тутилган кўрсатмаларни бажара олмаса, бу ҳақда инкассо топшириғини берган банкка зудлик билан маълум қилиши лозим.

Олинган кўрсатмаларда ва ҳужжатларда номувофиқликлар аниқланмаса, шунингдек, инкассо топшириғини бажаришга бошқа тўсқинликлар бўлмаса, вакил банк тўловчини олинган ҳужжатлар ҳақида хабардор қилади, тўловчи эса бу ҳужжатларни қандай шартларда олиши

мумкинлигини маълум қилади.

Ҳужжатлар фақат тўлов амалга оширилган ёки кўчириладиган вексель акцептланган тақдирдагина топширилиши мумкин. Бунда Унификацияланган қоидаларнинг 19-моддасига кўра, соф инкассода қисман тўловни амалга оширишга тўлов жойи қонунчилигида рухсат этилган бўлсагина йўл қўйилади. Аммо бунда ҳужжатлар тўлов тўлиқ амалга оширилганидан сўнггина тўловчига берилади. Ҳужжатли инкассода қисман тўлов фақат инкассо топшириғида махсус рухсат этилган ҳолдагина қабул қилиниши мумкин. Агар ишонч билдирувчи бошқача кўрсатма бермаган бўлса, ҳужжатлар тўловчига у тўловни тўлиқ амалга оширганидан кейингина берилади.

Бунда унификацияланган қоидаларнинг 17 ва 18-моддаларига кўра, инкассо топшириғи унда кўрсатилган валютадагина бажарилиши мумкин.

Тақдим қилувчи банк тўловни қабул қилгач, комиссия сумма ва (ёки) банк харажатларини чегириб қолган ҳолда, инкассо топшириғи олинган банкка инкассоланган суммани ишонч билдирувчи ҳисобига ўтказиб бериши шарт. Тўловчи векселни акцептлаган тақдирда тақдим қилувчи вакил банк дарҳол уни ишонч билдирувчига топшириш учун топшириқ берган банкка ўтказиши лозим.

Агар тўловчидан тўлов ва (ёки) кўчириладиган векселнинг акцепти олинмаган бўлса, вакил банк зудлик билан бу ҳақда, сабабини кўрсатган ҳолда, ремитент банкни хабардор қилиши лозим.

Ремитент банк бу ҳақда дарҳол ишонч билдирувчини хабардор қилиши ва келгуси ҳаракатлар юзасидан кўрсатма берилишини сўраши керак.

Одатда инкассо топшириғида тўловчи тўловни амалга ошириш ёки векселни акцептлашдан бош тортган тақдирда вакил банк нима қилиши кераклиги назарда тутилмоғи керак. Бундай кўрсатмалар бўлмаганда банк протест келтириш ёки бошқа юридик ҳаракатларни содир этиш учун ҳужжатларни тақдим этишга мажбур бўлмайди (Унификацияланган қоидаларнинг 24-моддаси).

Ишонч билдирувчи, шунингдек, инкассо топшириғида акцепт ёки тўлов олинмаган тақдирда ишончли шахс (агент) сифатида қатнашадиган шахсни кўрсатиб қўйишига ҳақли бўлади. Бунда ишончли шахс (агент)нинг ваколатлари аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим (Унифика-

цияланган қоидаларнинг 25-моддаси). Бундай кўрсатма бўлмаса, банклар ишонч билдирувчининг вакили (агенти)дан кўрсатмалар олишга мажбур бўлмайдилар. Одатда вакил қилиб тўловчининг давлатида доимий яшовчи шахс тайинланади.

Келгуси ҳаракатлар юзасидан кўрсатмалар бўлмаган ёки бундай кўрсатмалар олинмаган тақдирда, вакил банк ҳужжатларни қайси банкдан олган бўлса, ўшанга қайтариб юбориши мумкин бўлади.

Инкассо топшириғини ўзгартириш ёки қайтариб олиш масалалари Унификацияланган қоидалар билан тартибга солинмайди. Аммо қарор топган амалиётга мувофиқ, инкассо топшириғини ишонч билдирувчи ёки ремитент банк ўзгартириши ёхуд қайтариб (чақириб) олиши мумкин, бироқ бунга фақат ремитент банк ёки вакил банк бу ҳақдаги хабарни инкассо топшириғини амалда бажариб бўлгунига қадар олган бўлсагина йўл қўйилади.

Инкассо топшириғининг ўзгартирилганлиги тўғрисида топшириқ олган ремитент банк ёки вакил банк топшириқни юз берган ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда бажаради.

Инкассо топшириғини қайтариб (чақириб) олиш тўғрисида топшириқ олинганида ремитент банк ёки вакил банк барча ҳужжатларни ишонч билдирувчига ёки ремитент банкка топшириши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, Унификацияланган қоидаларнинг 4-моддасига кўра, банклар ўзларига инкассо топшириғини юборган шахслардан бошқа ҳеч бир шахснинг кўрсатмаларини амалга оширишга ҳақли эмаслар (инкассо топшириғида назарда тutilган ҳол бундан мустасно), яъни ишонч билдирувчи инкассоловчи банкка фақат ремитент банк орқалигина кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади.

5-§. БАНКНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИГИ

Банклар инкассо топшириғини бажаришга доир мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда, ремитент банк, инкассоловчи банк ва вакил банк ишонч билдирувчига, тегишлича ремитент банкка ёки ишонч билдирувчи банкка топшириқ етарли бажарилмагани оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаб беради.

Бунда Унификацияланган қоидаларнинг 14-моддасига кўра, банк-

лар хабарларнинг ушланиб қолганлиги, йўлда йўқолганлиги, ҳужжатларнинг кечикиб етиб келганлиги ёки йўқолганлиги, хабар матнида йўл қўйилган камчиликлар, хатолар, таржима қилишдаги хатолар, техник атамалар нотўғри талқин қилинишининг оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

Банклар, шунингдек, ўзларига берилган ҳужжатларнинг шакли, ҳақиқий эмаслиги, қалбакилаштирилганлиги, оригиналлиги ёки ҳуқуқий кучи учун ҳам жавоб бермайдилар (Унификацияланган қоидаларнинг 13-моддаси). Бундан ташқари, тақдим қилувчи банк кўчириладиган вексель акцептига қўйилган имзо учун, уни имзолаган шахснинг бунга ваколоти бор-йўқлиги учун (бошқа ҳужжатларга ҳам) жавобгар эмас (Унификацияланган қоидаларнинг 22 ва 23-моддалари).

Умумий қоидага биноан, инкассо топшириғини бажариш билан боғлиқ барча харажатларни (инкассоловчи ва тақдим қилувчи банклар харажатларини ҳам қўшганда) ишонч билдирувчи қоплайди. Шу билан бирга, инкассо топшириғида уни бажариш харажатларини тўловчи қоплаши кўрсатиб қўйилган бўлиши мумкин. Бундай вазият тақдим қилувчи банк ҳужжатларни топшириш пайтида қилган харажатларини (ремитент банк ва инкассоловчи банк харажатларини ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда) ушлаб қолади. Агар тўловчи инкассо бўйича харажатларни қоплашни рад этса, бундай ҳолда ҳужжатларни топшириш эвазига тўловни амалга оширишни ёки кўчириладиган векселни акцептлашни ҳамда харажатларнинг қопланишини унга инкассо топшириғини берган банкдан талаб қилиши ёки ҳужжатлар тақдим этилган тўловни амалга ошириш йўли билан топширилган тақдирда эса тўлов суммасидан қилинган харажатларни ушлаб қолиши мумкин. Бироқ инкассо топшириғида ишонч билдирувчи инкассо топшириғини бажариш билан боғлиқ ҳеч қандай харажатни қопламаслиги кўрсатиб қўйилган тақдирда, тақдим қилувчи банк қилинган барча харажатларни тўловчи тўла қопламагунига қадар ҳужжатларни унга топширмасдан туришга ҳақли бўлади.

Ҳужжатли инкассо воситасидаги ҳисоб-китоблар халқаро ҳисоб-китобларнинг кредитли кўчириш шаклидаги ҳисоб-китобларга қараганда анча хавфсиз шаклдир. Аммо ҳисоб-китобнинг мазкур шаклида ҳам кредитли кўчириш шаклидаги ҳисоб-китобларга тааллуқли хатарлар мавжуд бўлади (тўланмаслик ва товарни етказиб бермаслик хатаридан

бошқа).

Шу билан бирга, ҳужжатлар эвазига кўчириладиган векселни акцептлаш шаклидаги ҳужжатли инкассода харидорнинг векселни тўламай қолишидан иборат сотувчи хатари ҳам мавжуд бўлади. Бундай ҳолда тақдим қилувчи банк аввалдан олиш йўли билан мазкур хатарни камайтириши мумкин.

Товарлар уларнинг тижорат ҳужжатларидан олдин етиб келганида товарнинг йўқолиб қолиши ёки нобуд бўлиши хатари ҳам мавжуд бўлади. Бундай хатарни камайтиришнинг асосий йўли товарни вакил банкка сақлаш учун топшириш ва суғурталаб қўйишдан иборат бўлади.

Тўловдан бош тортилган ёки кўчириладиган вексель акцептланмаган тақдирда, жўнатиб бўлинган товарга эгалик қилиш билан боғлиқ хатар юз бериши мумкин. Аммо товар юборилган мамлакатда сотувчининг вакили бўлса, у мазкур товарга эгалик қилиши ва шу йўл билан хатар бартараф этилиши мумкин.

6-§. БАНК КАФОЛАТИ ВА ХАЛҚАРО САВДОДА УНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Халқаро савдо муносабатларида томонлар бир-бирларини яхши билмасликлари сабабли сотувчи (пудратчи, ижрочи)нинг ҳам, шунингдек, харидор (буюртмачи)нинг ҳам мажбурият бажарилишини таъминлаши зарур бўлади. Халқаро савдо соҳасида мажбуриятни таъминлашнинг энг кўп тарқалган усулларида бири, кафолат, хусусан банк кафолатидир.

Ҳозирги замон халқаро муомаласи таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий доктрина, суд амалиёти ва халқаро савдо урф-одатларига асосланиб, банк кафолатига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Банк кафолати банкнинг мустақил ва алоҳида турдаги мажбурияти бўлиб, унга кўра банк кафолат бенефициарига кафолат билан белгиланган суммани учинчи шахс (принципал) мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда тўлаш мажбуриятини олади.

Банк кафолатининг тартиби 4-чизмада ифодаланган (4-иловага қаранг).

Шундай қилиб, банк кафолатига оид муносабатлар қуйидагилардан иборат:

принципал – илтимосига кўра банк кафолати бериладиган шахс;

кафил банк – кафолат берувчи, яъни кафолат матнида кўзда тутилган ҳолат юз берганида кафолатда назарда тутилган шахсга тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган банк;

бенефициар – банк кафолатида ўз фойдасига тўлов амалга оширилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида кўрсатиб қўйилган томон.

«Кафолат» атамаси ёки кафолат шартномаси халқаро савдо ҳуқуқи доктринасида ва халқаро савдо амалиётида турли ҳуқуқий институтларни ифодалаш учун қўлланилади. Хусусан кафолат деганда қуйидагилар тушунилиши мумкин:

– *ишлаб чиқарувчи ва сотувчи олди-сотди шартномасида ашёнинг сифатига берадиган кафолат*. Ушбу кафолат одатда давлатларнинг фуқаролик кодекслари билан ёки халқаро шартнома нормалари билан тартибга солинади. Аммо ушбу институт банк кафолатидан бутунлай бошқа мақсадларга хизмат қилади;

– *кафиллик*. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг қонунларида кафиллик деганда, бир шахснинг бошқа шахс кредитори олдида қарздорнинг ўз мажбуриятини бажариши учун жавобгар бўлиши тушунилади. Кафиллик аксессор мажбуриятлар қаторига киради ва унга кўра кафилликнинг амал қилиши асосий шартноманинг амал қилиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Кафилликдан, қоидага кўра, шериклик (солидар) мажбурият юзага келади (шартномада бошқа ҳол кўзда тутилган бўлиши мумкин). Амалиётнинг кўрсатишича, «кафолат» атамаси кўпчилик ҳолларда «кафиллик» атамасининг синоними сифатида қўлланилади. Бунда биргаликдаги кафилликда ушбу атамалар тез-тез чалкаштириб юборилади. Субсидар (қўшимча) кафолатларда эса, хусусан банк кафолати берилган ҳолларда бундай чалкашлик учрамайди.

Айнан кафиллик институти кафолат учун асос бўлиб хизмат қилгани туфайли, уларнинг иккаласини қиёслаш натижасида кафолатнинг сифатларини яхши англаб етиши мумкин бўлади.

Улар учун умумий бўлган жиҳат ҳар иккаласида ҳам гап бошқа шахс ўз мажбуриятини адо эта олмаса, пул тўланиши ҳақида боради.

Кафиллик ва банк кафолати ўртасидаги биринчи ҳамда энг муҳим фарқ шундаки, банк кафолати, кафилликдан фарқли равишда, аксессор мажбурият ҳисобланмайди. Бунинг маъноси шуки, кафилнинг (яъни

банкнинг) мажбурияти қарздор (принципал)нинг мажбуриятидан мустақил ҳисобланади ва бу мустақиллик қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, кафолат берувчи банк бенефициардан мажбурияти кафолат билан таъминланган қарздор талаб қилиши мумкин бўлган кафолатни талаб қила олмайди. Масалан, банк сотилган ашёдаги нуқсонлар хусусида бенефициарга талаб қўя олмайди, қарздор эса бундай талаб қилиши мумкин бўлади. Бу ҳуқуқ, шунингдек, қарздорнинг кафилига ҳам берилган. Банк кафолат суммасининг талаб суммасига мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қила олмайди. Кафилга эса қарздор билан бир қаторда бундай ҳуқуқ берилган.

Иккинчидан, банк мажбуриятининг ҳажми қарздор мажбуриятининг ҳажми билан ўлчанмайди. Кафил мажбуриятининг ҳажми эса қарздор мажбуриятининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Академик Ҳ. Р. Раҳмонқуловнинг фикрича, «кафолат бўйича иккита ўзаро мустақил бўлган мажбуриятларнинг тарафлари сифатида учта шахс қатнашади: кафолат берувчи (кафил), кафолат беришни сўровчи (принципал), кафолатни олувчи (бенефициар) шахслар. Кафил билан принципал ўртасида тузилган шартномага кўра кафил бенефициарга кафолат сифатида пул суммасини тўлаш ҳақида мажбуриятни олади...

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи бошқа усуллардан кафолатга хос яна бошқа хусусиятлар шундан иборатки, у бажарилишини таъминлашга қаратилган асосий мажбурият билан юридик жиҳатдан боғлиқ эмас»¹.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан банк кафолатига тижорат банклари амалга оширадиган тадбиркорлик сифатида қарашдан кўра мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳамда мажбуриятнинг бажарилишига хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм сифатида қараш ҳукмронлик қилади ва Фуқаролик кодексининг махсус қисмида бу тўғрида кўрсатиб ўтилмаганлиги ана шундай ёндашув билан изоҳланиши мумкин.

Банк мажбуриятининг ҳажми (ҳар доим пул мажбуриятидан иборат

бўлади), кафолат шартномасида белгилаб қўйилади. Бу аниқ кўрсатилган сумма ҳам, бошқача усулларда (масалан, мажбурият бажарилмаган тақдирда бенефициар харажатлари ҳажмида) аниқланадиган сумма ҳам бўлиши мумкин.

Учинчидан, кафолат мажбуриятининг ҳақиқийлиги асосий қарздор мажбуриятининг ҳақиқийлигига боғлиқ бўлмайди. Бу нарса банк кафолатининг кафолат бенефициари ва унинг қарздори (принципал) ўртасидаги муносабатларнинг мустақил эканлигидан табиий равишда келиб чиқади. Агар қарздор, хусусан, импортчи ўз эрки ифодасининг ҳуқуқий оқибатларидан воз кечадиган бўлса, масалан, шартнома янглишув оқибатида тузилган бўлса, қарздорнинг бундай ҳуқуқий харақатидан кафолат мажбуриятининг ҳақиқийлигига таъсир этувчи оқибат келиб чиқмайди. Ваҳоланки, бу нарса импортчи-қарздор ва унинг кафили мажбуриятларининг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.

Тўртинчи муҳим фарқ шуки, банк кафолати ҳеч қачон субсидар (қўшимча) бўлмайди. Бу шуни билдирадики, бенефициар банкка кафил сифатида мурожаат қилиб, қарздорнинг мажбуриятини пул тўлови шаклида бажарилишини талаб қилар экан, банк бенефициардан аввал қарздорга мурожаат қилишни талаб қила олмайди. Бошқача айтганда, банк *beneficium discussionis* принциpidан фойдалана олмайди. Кафилга эса бундай ҳуқуқ берилган. Банк кафолатининг хусусияти ана шунда кўринади. Аммо банк амалиётида банк кафиллигига ҳам *beneficium discussionis* принципи қўлланиладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Яъни кафилликни ўз зиммасига олган банк кредитордан аввал қарздорга мурожаат қилишни, у мажбуриятни бажармагандагина банкка мурожаат этишни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

Кўпинча асосиз равишда «банк кафолати» деб юритилувчи бундай кафиллик айрим давлатларнинг фуқаролик ва савдо кодекслари билан тартибга солинади. Бундай «банк кафолатлари» жумласига юқоридаги «мустақил банк кафиллигини» ҳам киритиш мумкин. Бу «мустақиллик» унинг аксессуарлик хусусиятини истисно этмайди.

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг

Шундай қилиб, бундай кафилликни банк бергани билан у ўз ҳуқуқий моҳиятини ўзгартирмайди ва фақат кафил бўлиб қолаверади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кафиллик институти банк кафолати сифатида талқин этилиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, кафилликнинг барча заиф томонлари банк кафолатида мавжуд бўлмайди.

Банк кафолати тўловни таъминлашнинг нисбатан янги воситаси бўлгани ҳолда, халқаро савдо муомаласида унча кенг қўлланмайди. У, энг аввало, Яқин Шарқдаги нефть қазиб олиш, йўллар қуриш ва йирик саноат объектлари барпо этиш соҳасидаги йирик инвестициялар лойиҳаларининг амалга оширилиши туфайли машҳур бўлди.

Аммо халқаро савдо муомаласида тез-тез ишлатилишига қарамай, банк кафолати жаҳоннинг деярли ҳеч бир мамлакатаида (юқорида кўрсатилганидек, АҚШ ва Россиядан бошқа) қонун билан махсус тартибга солинган эмас. Замонавий миллий қонунчилик нормаларининг банк кафолатига қўлланилишда катта фарқ мавжудлиги туфайли, кредиторлар манфаатини етарли даражада таъминлаш учун кафолат бераётган банк билан тузиладиган шартнома шартларини имкони борича тўлиқ ва батафсил таърифлаш зарур. Чунки айнан шартноманинг томонлар ўзаро келишиб белгилаган шартларигина халқаро савдо муомаласида муносабатлар негизи ҳисобланувчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳатто АҚШнинг Бирхиллаштирилган савдо кодексига бўйсунувчи банк кафолатларига оид муносабатларда ҳам, уларда ушбу муносабатларни тартибга солувчи махсус нормалар мавжуд бўлишига қарамай, бенефициар ўзи учун муҳим шартларни келишиб олиши лозим, чунки АҚШ ҳуқуқий тизими ҳам томонлар учун улар ўртасида банк кафолати шартномаси тузишга оид кенг доираларни назарда тутди.

Одатдагидек, бу соҳада Париждаги Халқаро савдо палатаси анча кўп иш қилди. Айнан ушбу ташкилот шартномали кафолатлар учун унификацияланган қоидалар (325-сонли ушбу ҳужжат 1938 йилда эълон қилинган, янги таҳрири 1990 йилда нашр этилди) ва шартномали

биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т., 1997. 427-428-б.

кафолатлар чиқариш учун намунавий шакллар ишлаб чиқди (1983 йил, 406-сонли нашр).

Ушбу манбаларга мувофиқ Халқаро савдо палатаси 1991 йилда биринчи талаблар бўйича кафолатлар юзасидан унификацияланган қоидалар (ICC Uniform Rules for Demand Guarantees (458-сонли ҳужжат) ва Биринчи талаб бўйичаёқ кафолатлар чиқариш учун намунавий шаклларни ишлаб чиқди ва эълон қилди (503-сонли нашр). Ушбу қоидалардан мажбурият кафолатлари, облигациялар ва бошқа тўлов мажбуриятларини кафолатлаш мақсадида фойдаланилади ва уларга кўра кафил ёки эмитентнинг тўловни амалга ошириш мажбурияти кафолатда назарда тутилган ёзма талаб ёки бошқа ҳужжат тақдим этилганида вужудга келади ва ушбу операция иштирокчиси тўловни амалга оширган-оширмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Бундан ташқари, Халқаро савдо палатаси халқаро савдо банк кафолатини ишлаб чиқди ва эълон қилди (547-сонли нашр).

Бироқ ҳужжатли аккредитив ва ҳужжатли аккредитив тўғрисидаги унификацияланган қоидалардан ва инкассо бўйича унификациялаган қоидалардан фарқли ўлароқ, Халқаро савдо палатасининг кафолат соҳасидаги нашрлари кўпчилик кўрсатилган муносабатларни тартибга солишда манба бўла олмайди ва шу сабабли улар чекланган доирадагина қўлланади.

Шундай қилиб, халқаро савдо амалиётидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, банк кафолати муносабатлари қоидага кўра томонлар келишуви билан ҳамда миллий қонунчиликка ҳавола қилиш йўли билан тартибга солинади. Бунда кўпинча банк жойлашган давлат қонунчилигидан фойдаланилади. Бундан ташқари, банк кафолати томонлари молиявий муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчиликдаги бошқа императив нормаларга ҳам амал қиладилар.

Банк кафолати ўзининг предметига кўра қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

Тендерли (ёки танловли) кафолат (ингл. tender guarantee, нем. Bietungsgarantie). Бу кафолат тендер ўтказувчининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, тендер қатнашчиси унда қатнашишдан бош тортган тақдирда кўрилган зарарни қоплаш учун қўлланилади. Шунингдек, тендерда ютиб чиққан иштирокчи шартнома тузишдан бош тортганлиги туфайли келиб чиққан зарарни қоплаш ҳам назарда

тутилади. Тендерда қатнашиш шарти сифатида банк кафолати берилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, экспортчи кафолат беришга топшириқ бераётган шахс сифатида банк билан кафолат шартномасини тендер ташкилотчилари фойдасига тузади. Тендер кафолати офертада назарда тутилган сумманинг 2-5 фоизи миқдорида берилиши мумкин.

Ижро қилиш кафолати (ингл. performance guarantee/ performance bond, нем. und Lieferungsgarante). Бу кафолатнинг мақсади товарларнинг лозим даражада етказиб берилишини, иш ёки хизматнинг кўрсатилишини таъминлашдан иборат. Одатда бундай кафолат импортчининг манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади (харидор ёки буюртмачи) ва кўпинча бутловчи объектлар етказиб берилишида қўлланилади. Одатда бундай кафолат шартнома суммасининг 10 фоизигача миқдорда берилади.

Бўнак (аванс)нинг қайтарилиш кафолати (ингл. repayment guarantee, нем. Anzahlungsgarantie). Бу кафолат тури ҳам импортчи (харидор, буюртмачи)ни таъминлашга қаратилган. Импортчи унинг воситасида экспортчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, тўланган авансни тўлиқ қайтариб олиш имконига эга бўлади. Агар кафолат тестида кўрсатиб қўйилган бўлса, товар етказиб беришнинг ортиб бориши билан аванснинг қайтарилиш кафолати камайиб боради. Ушбу кафолат товарларни комплекс етказиб бериш ҳамда узоқ муддат давом этадиган ишлар ва хизматларда тез-тез қўлланилади.

Тўлов кафолати (ингл. Payment guarantee) ҳар қандай шартнома юзасидан тўловларни таъминлайди (хусусан, кредит шартномаларида), аммо кўпроқ экспорт операцияларида қўлланилади. Бу ҳолда банк юборилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун вужудга келган қарзнинг экспортчига ўз вақтида тўланишини кафолатлайди. Бу кафолат тури, шунингдек, экспортчи ва импортчи ўртасида ҳужжатли инкассодан фойдаланилганда таъминлаш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Кафолатнинг ушбу турига банк вексель кафиллиги (аваль)ни кафолатлаш ҳолларини ёки ҳужжатли аккредитивнинг ўз

вақтида очилишини кафолатлаш ҳолларини ҳам киритиш мумкин¹.

Халқаро савдо соҳасида юқорида ҳисобланган ва кўриб чиқилганлардан бошқа кафолатлар ҳам учрайди. Уларга қисқача тўхталамиз.

Божхона кафолати. Божхона тўловларини тўлашни таъминлаш ва кўпинча товарларни «вақтинча олиб кириш, божхона режими»да олиб киришда ёки товарларни олиб чиқишни таъминлаш сифатидаги транзит мақсадида қўлланилади.

Суд харажатларини кафолатлаш. Бир қатор давлатларнинг қонунларида назарда тутилган бўлиб, суд жараёнидаги харажатлар ва томонларнинг харажатларини қоплаш мақсадида қўлланилади.

Даъвони таъминлаш кафолати. Бу турдаги кафолат орқали ашё (товар) хатланган тақдирда шахс кафолат тақдим этиши ва товарга эгалик қилишда давом этиши мумкин бўлади.

Коносамент кафолати. Бунда товар унга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи коносаментсиз топширилганида ташувчининг мажбуриятни бажариши назарда тутилади. Кафолат орқали ҳимоя қилинадиган хатар турига кўра кафолатнинг бошқа турлари ҳам учраши мумкин. Банк кафолати тўғри (бевосита) ҳамда эгри (билвосита) кафолатларга бўлинади. Тўғри кафолатни бевосита банкнинг ўзи берса (импортчига), эгри (билвосита) кафолатни эса (муқобил кафолат ҳам дейилади) кафолат сўраб мурожаат қилинган банк эмас, балки унинг топшириғи билан корреспондент банк (масалан, импортчи мамлакатидagi) аксилкафолат шаклида беради.

Аксилкафолат бенефициар ўзи жойлашган мамлакатдаги муайян банкдан кафолат берилишини талаб қилганида юзага келади. Агар мазкур банк бундай мажбуриятни ўз зиммасига олишга таваккал қилмаса ва кафолат берадиган банк топилмаса, у ҳолда бундай кафолатни контрагент мамлакатидagi банк ҳам бериши мумкин. Бундай ҳолда мазкур банк бенефициар кўрсатган мамлакатдаги банкка ўзи бераётган кафолатни такрорлашни илтимос қилиб мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда банк ўз кафолатини тақдим этиши мумкин, чунки бунда

¹ Теңдерли кафолат, ижро кафолати ва авансинг қайтарилиш кафолати халқаро савдо ташкилоти унификацияланган қоидаларида шартномали кафолат сифатида тартибга солинади.

номаълум шахс мажбурияти бажарилиши эмас, балки банк кафолатининг таъминланиши назарда тутилади. Кафолат мажбуриятларини бошқа банкнинг кафолатлаши одатда аксилкафолат номи билан юритилади. Амалиётда аксилкафолат кўпинча тендер кафолатини бериш пайтида кенг қўлланилади. Шунингдек, кафил банкнинг машҳур эмаслиги, барқарор ва таъсирга эга бўлмагани туфайли унинг берган кафолати бошқа обрўли ва машҳур банк кафолати билан таъминланади (бундай кафолат кўпинча суперкафолат деб юритилади).

Бунда билвосита кафолатларни кўриб чиқиш пайтида аксилкафолат шартлари асосий кафолат шартларига тўла мос келиши лозимлиги эътиборга олинмоғи лозим.

Аммо аксилкафолат ҳам ўз ҳуқуқий табиатига кўра мустақил битим бўлиб, бошқа битимларга, шу жумладан асосий битимга ҳам боғлиқ бўлмайди.

Банк кафолатининг юқорида кўрсатилганлардан бошқа турлари ҳам бор. Уларни қисқача кўриб ўтамыз.

Талаблар бўйича кафолат. Унга кўра кафил бенефициарнинг биринчи талаби биланоқ тўловни амалга ошириши лозим бўлади (бундай талаб ёзма шаклда тақдим этилиши лозим).

Шартли кафолат. Унга кўра кафил тўловни фақат бенефициар қандайдир ҳужжатни тақдим этган, у ёки бу шартни бажарган (масалан, бенефициар суд қарорини ёки бенефициар фойдасига арбитраж қарорини тақдим этган, обрўли халқаро ташкилотнинг бажарилмай қолган мажбурияти мавжудлиги ҳақидаги хулосасини кўрсатган (хатто Англияда) ёхуд бенефициарнинг принципал ўз мажбуриятини бажарилмаганлиги тўғрисида оддий ёзма аризаси бўлган ҳолдагина тўлов амалга оширилади.

Кафолат, шунингдек, консорциум кафолатидан иборат бўлиши мумкин. Унга кўра бир гуруҳ шахслар (консорциум қатнашчилари) ушбу гуруҳ мажбуриятларини асосий кафилнинг гуруҳ иштирокчиларидан тегишли кафолатларни олиш орқали таъминлайдилар.

Банк кафолатларининг турларини таҳлил қилишни яқунлар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, ҳужжатли аккредитивлар сингари, банк кафолатлари ҳам қайтариладиган (чақириб олинадиган) ва қайтариб олинмайдиган бўлиши мумкин. Фақат қайтариб олинмайдиган кафолатгина бенефициарнинг манфаатига мос келишини таъкидлаш лозим.

Банк кафолати шартномасининг тузилиши ва бажарилиши. Кўпчилик мамлакатларда кафолат шартномаси амалда намунавий шаклларда (кўпинча кафолат хати шаклида) тузилади. Ушбу шаклларнинг намуналарини банк ишлаб чиқиб, ўз мижозларига акцептлаш учун беради. Аммо ушбу намуналарга кўра кафолат шартномаси тузилаётганида ушбу намунавий шакллар танқидий ўрганиб чиқилади, чунки банк уни тайёрлаш пайтида ўз манфаатларини кўпроқ ҳисобга олган бўлади.

Бундан ташқари, банк кафолатини беришдан кўзланган мақсад турлича бўлиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда банк намунавий шартномасининг матни муайян битим шартларига мослаштирилиши лозим бўлади. Бунда экспортчи ва импортчи ўртасида тузилган товарларни сотиш (иш, хизмат кўрсатиш) шартномаси кафолат шартномасининг, хусусан, банк билан экспортчи ўртасида бундай шартнома тузилишининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Яъни экспортчи тўловни амалга оширишнинг ишончли кафолати сифатидаги воситани қўлга киритиш учун, энг аввало, импортчи билан тузадиган шартномасида унинг шартларини аниқ белгилаб олиши, уни банк кафолатини олишга мажбурлаши (муайян жазо қўллаш хавфи билан) лозим бўлади. Кафолатнинг асосий шартларини шартномада кўрсатмаслик келгусида улар ўртасида кафолат мазмуни, унинг қўлланиш тартиби юзасидан низолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутмоқ лозимки, амалда ҳатто энг обрўли банк ҳам банк кафолати шартномасини жуда «эркин», ўз фойдасини кўзлаган ҳолда талқин қилишга, ундаги ҳар қандай ноаниқлик ёки мавҳумликдан белгиланган кафолатни бермаслик учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу ҳол эса, айтайлик, экспортчини, тўловни амалга ошириш кафолатланган тақдирда, белгиланган суммани тезлик билан қайтариб олиш қуроли сифатида кафолатдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилади.

Банк кафолати берилиши биланоқ кучга киради, аммо кафолатнинг ўзида унинг кечроқ кучга кириши назарда тутилиши ҳам мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, халқаро савдо муносабатларида банк кафолати кафолат хати шаклида берилиб, унда банк ушбу ҳужжатда назарда тутилган ҳоллар юз берган тақдирда, пул мажбуриятларини кафолатда кўрсатилган миқдорда ва муддатда бенефициар фой-

дасига ижро қилиш мажбуриятини олади.

Кафолат хати бевосита бенефициар номига, баъзан бенефициар миждоз бўлиб турган банкка йўналтирилади.

Бенефициар учун энг муҳими шартнома матнида аксессор ва субсидиар шартлар бўлишини иложи борича чеклашдан иборат, бундай шартларнинг бўлиши келгусида банк кафолатининг амалга оширилишида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шу мақсадда банк мажбуриятларини аниқ ва қатъий тарзда кўрсатиш, масалан, импортчи қарз суммасини тўлашдан бўйин товлагудек бўлса, юз берган қарзни банк тўлаши лозимлиги аниқ кўрсатиб қўйилиши керак.

Банк кредитор талабига кўра ва қарздорнинг розилиги олинган тақдирда тўловни амалга оширишга мажбур.

Кафолатнинг кейинги муҳим шarti – қарздор ва бенефициар ўртасида банк кафолати шартномаси тузилиши билан боғлиқ равишдаги ҳуқуқлардан банк фойдаланиши мумкин эмаслиги. Банк билан тузилдиган шартномадаги ноаниқликни шу тарзда бартараф этиш мумкин бўлади, чунки у ёки бу шартларнинг шартномада кўрсатилмаслиги, банк жойлашган жой миллий қонунчилигидан фойдаланиш имконини қондиради ва бу нарса бенефициар учун ҳар доим ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин.

Халқаро савдо муомаласида, императив шаклда бўлмаса-да, банк кафолати муддатли мажбурият ҳисобланиши ҳақидаги қарашлар қарор топган. Шу сабабли кафолат хатида кафолатнинг тугаш муддати аниқ кўрсатилиши лозим. Ушбу муддат ўтиши билан, агар бенефициар талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, банк мажбурияти барҳам топади. Шу муносабат билан банк кафолати шартномасида, масалан, импортчи ўз қарзини тўлай олмаган ҳолда, бенефициар ушбу қарз тўланишини талаб қилиб, банкка мурожаат қила олиши учун етарли муддат назарда тутилиши лозим.

Асосий шартнома унинг томонлари келишувига кўра узайтириладиган бўлса, банк кафолати шартномаси ҳам (банк розилик билдирган тақдирда) узайтирилиши лозим. Англо-саксон ҳуқуқи доктринасига мувофиқ, банк кафолати шартномаси муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ва ҳатто асослари бу муддат тамом бўлганидан сўнг юзага келган бўлса-да, бенефициар қарзни тўлаш ҳақидаги талаб билан банкка мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу муносабат билан бўлғуси бенефициардан кафолат мазмунини белгилаш пайтида ўта эҳтиёт бўлиш, шартномани диққат билан ўрганиб чиқиш талаб этилади. Юқорида қайд этилганидек, «кафолат» атамасидан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, чунки бу атама турли маъноларда ишлатилиши мумкин. Масалан, Англия қонунчилиги кафолат шартномасини (ингл. contract of guarantee) шунга ўхшаш кафиллик шартномаси билан (ингл. surety) ифодаляйдилар ва шу сабабли аксессор (ингл. secondary) табиатига эга бўлган мажбуриятлар юзага келади. Шу билан бирга, кафолатга маъно жиҳатдан яқин бўлган «Contract of indemnity» атамаси мавжуд эканлигини эътиборда тутмоқ лозим. Француз ҳуқуқига кўра, «кафолат» атамаси, ташқи ўхшашлигини ҳисобга олмаганда, «банк кафолати» атамаси билан ҳеч бир умумий жиҳатга эга эмас. Шу боис, шартнома матнини тайёрлашда фақатгина ҳуқуқий институт номига аҳамият бермасдан, кафолатнинг аниқ мазмуни, банк мажбуриятларини назарда тутувчи мазмунига эътибор бермоқ керак.

Банк кафолати кафолат бенефициарининг биринчи талабига кўраёқ бажарилиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу қоида кенг тарқалмаганлиги туфайли, манфаатдор томон бу ҳақдаги норма кафолат хатида аниқ кўрсатиб қўйилишини талаб қилиши лозим. Бенефициар кафолат хатида назарда тугилган шартлар юз берган тақдирдагина, масалан, қарздорнинг қарзни тўлашига умид қолмаган, унга белгиланган муддатлар ўтган бўлсагина, кафил банкка кафолатнинг бажарилишини талаб қилиб мурожаат қилиши мумкин бўлади. Шу сабабли кафолат бенефициари банкка талаб билдириш учун лозим бўлган ҳолат, шарт юз берганлигини исботлашга мажбурми, деган савол туғилади. Ҳукмрон ҳуқуқий доктриналарга кўра, бенефициар банкка қарздор ўз қарзини тўламаганлигини (масалан, импортнинг тўлови кафолатда белгиланган муддатда амалга ошмаганлигини) айтиб, кафолатни бажаришни талаб қилиши мумкин. У ҳолат-шарт юзага келганлигини банкка исботлаб беришга мажбур эмас.

Тегишли ҳолат юз бермаган тақдирда бенефициар талабига кўра банк кафолатни бажарган бўлса-ю, аммо кейинчалик бундай ижро учун талаб этиладиган шарт мавжуд эмаслиги маълум бўлиб қолса, у ҳолда бенефициар банкдан олинган суммани қайтариб бериши лозим бўлади. Ушбу ҳолда бенефициар жавобгар сифатида қатнашади ва шу сабабли

бенефициар банкдан пул тўлови олишга асос қилиб кўрсатган ҳолат юз бермаганлигини исботлаб бериш мажбурияти мазкур масала хусусида мурожаат қилган томоннинг зиммасида бўлади. Кафолатни бажариши лозим бўлган банк кафолатда уни бажариш шarti сифатида назарда тутилган ҳолатлар юз бермаганлиги ҳақидаги маълумотлар бўлса-да, бенефициар талаб қилганда кафолат ижросини тўхтатиб туришга ҳақли эмас ва бенефициарнинг биринчи талабига кўраёқ уни бажариши лозим.

Кейинчалик ҳам, банк кафолати бажариб бўлингач, банк тегишли ҳолат юз бермаган ҳолда бенефициар банкдан пул тўловининг қайтарилишини талаб қила олмайди, чунки бу ҳолатларнинг юз берган ёки юз бермаганлиги масаласи бенефициар ва принципал ўртасидаги муносабатга оид масаладир. Шу сабабли банк кафолати сифатида олинган суммани банкка қайтариш талаби билан фақат банк кафолати берилишини илтимос қилган шахс, яъни принципалгина мурожаат этиши мумкин бўлади.

Башarti банк кафолати муайян ҳужжатлар тақдим этилиши эвазига бажарилиши лозим бўлса, у ҳолда бенефициар тегишли ҳолат юз берганида принципалнинг ўз мажбуриятини бажармаганлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни дарҳол олиши, уларни кафил банкка тақдим этиши, кафил банк эса бу ҳужжатларнинг нусхасини принципалга бериши керак. Кафил тақдим этилган ҳужжатларни ўз ташқи белгиларига кўра кафолат шартларига қай даражада мувофиқ келишини текшириб кўришга ҳақли бўлади. Агар бундай мувофиқлик бўлмаса, кафил кафолат бўйича тўвлони амалга оширмасликка ҳақли бўлади. Тўловни амалга оширишни рад қилган ҳолда бу ҳақда дарҳол бенефициарга хабар қилиши талаб этилади. Бунда кафил ҳужжатларнинг мувофиқлигини текшириб кўриши учун унга оқилона, етарли муддат берилиши лозим. Кафил ҳар қандай ҳужжатнинг шакли, етарлилиги, ҳақиқийлиги ва ҳуқуқий самараси, шунингдек, уларнинг ушланиб қолиши, ҳар қандай хабарнинг йўқолиши ёки ўз вақтида келмаслиги, шунингдек, хатоликлари учун жавобгар бўлмайди (ҳалқаро савдодаги бундай ёндашув унификацияланган қоидаларда ҳам белгилаб қўйилган).

Кафил банк банк кафолати берганлиги, шунингдек, бошқа хизматлари учун ҳақ тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Банк кафолатидан фойдаланилмаган тақдирда, ушбу кафолат

барҳам топади. Шунингдек, шахс (принципал) ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаргани, кафолат муддати ўтиши, кафолат суммасининг тўланиши билан ҳам банк кафолати бекор бўлади.

Банк кафолати тугаганидан кейин уни расмийлаштирувчи ҳужжат кафилга қайтариб берилиши лозим. Бунда, Унификацияланган қоидаларга мувофиқ, «кафолат» деб номланувчи ҳужжатнинг бенефициарда қолиши унга кафолат барҳам топганидан кейин ҳам қандайдир ҳуқуқлар берилаётганлигини англатмайди. Аммо бир қатор давлатлар қонунчилигида кафолат расмийлаштирилишига асос бўлган ҳужжат кафил банкка қайтарилмагунча ёки бенефициар томони мажбуриятдан соқит қилинмагунча кафолат шартномаси амалда бўлиб туриши белгилаб қўйилган.

Текшириш учун саволлар

1. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари нима?
2. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда қандай ҳисоб-китоб шакллари қўлланилади?
3. Халқаро кредитли кўчириш шаклидаги ҳисоб-китобларнинг моҳияти нимада ва унда қандай хатарлар мавжуд бўлади?
4. Аккредитив шаклида ҳисоб-китоб қилиш нима?
5. Инкассо шаклидаги ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти нималардан иборат?
6. Ремитент банк, инкассоловчи банк, тақдим қилувчи банк ҳақида нималарни биласиз?
7. Бенефициар нима?
8. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатларига оид қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
9. Банк кафолати ва унинг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
10. Банк кафолати шартномаси нима ва унинг мазмуни нимадан иборат?
11. Банк кафолатининг вужудга келиши ва тугаши ҳақида нималарни биласиз?
12. Савдо-иқтисодий муносабатларда банк кафолати қандай ўрин тутади?
13. Банк кафолатига оид муносабатларга кўра, мажбурият бажарилмаган тақдирда банк жавобгарлиги қандай бўлади?

VI боб. ХАЛҚАРО ФАКТОРИНГ

1-§. ХАЛҚАРО ФАКТОРИНГ ВА УНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

«Факторинг» атамаси лотинча *facere* – ҳаракат қилмоқ, амалга оширмоқ сўзидан олинган (ингл. *factoring*).

Халқаро савдо амалиётида халқаро факторингни, қоида тариқасида бир ташкилот (фактор) бошқа шахс (ишлаб чиқарувчи) экспортини молиялаштириш мақсадида амалга ошириши тушунилади. Унинг шarti бўлиб импортчи қарздор товар етказиб берувчига тўлайдиган сумманинг факторга ўтказилиши (факторга тўланиши ҳақида келишиб олиниши) хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунларида «факторинг» тушунчаси қўлланилмаси-да, аммо Фуқаролик кодексининг 42-бобида (749–758-моддалар) пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар назарда тутилган бўлиб, ушбу нормалар аслида факторинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳларида А.Ж.Асқаров ушбу муносабатлар факторинг эканлигини қайд этган ҳолда қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: «Факторинг шартномаси мижоз ва қарздор ўртасида товарни сотиш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш муносабати билан тузилган шартномалардан келиб чиқади»¹.

Жуда кўп афзалликлари туфайли факторинг халқаро савдо муносабатлари соҳасида кенг қўлланиб келади. Унинг афзалликларидан бири шундаки, товарни истеъмолчига (харидорга) юклаб жўнатган маҳсулот етказиб берувчи шахс харидор билан ҳисоб-китоб қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. 179-б. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 3 августда 953-тартиб рақами билан рўйхатга олган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг амалиётини ўтказиш тўғрисида»ги низомда факторинг билан боғлиқ муносабатларнинг асосий тартиблари белгилаб қўйилган.

муддатини кутиб ўтирмай, жўнатилган маҳсулот ҳақини фактордан олиши мумкин бўлади. Бунда кўп ҳолларда товар етказиб берувчини тўловнинг кечиктирилиши ёки умуман тўланмай қолиши муаммоси ташвишлантормади, чунки бу муаммолар факторга ўтади. Булардан ташқари, маҳсулот етказиб берувчи факторингдан фойдалангани ҳолда анча қиммат турувчи харажатлардан, айниқса, экспорт операциялари бўйича ҳисоб-китоб юритиш ташвишидан, маркетинг тадқиқотлари ўтказишдан, янги бозорларни ўзлаштириш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий муаммолардан қутулади.

Халқаро савдо муносабатларида факторингдан кенг фойдаланилиши ушбу муносабатларни унификациялаш заруратини туғдирди. Шу туфайли 1988 йилда Оттава шаҳрида УНИДРУА доирасида тайёрланган Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенция имзоланди.

Ушбу конвенциянинг 1-моддасига кўра, факторинг шартномаси деганда, маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасида тузиладиган шундай шартнома тушуниладики, унга кўра:

1) маҳсулот етказиб берувчи ўз мижозлари билан тузилган олди-сотди шартномалари юзасидан дебиторлик қарзларини тўплаш (олиш) ҳуқуқини факторга топширади ёки топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда ушбу шартномага кўра, шахсий, оилавий ёки уй-рўзғор эҳтиёжлари учун сотиб олинган мол-мулклар шартнома предмети бўла олмайди;

2) фактор қуйида кўрсатилган функциялардан ҳеч бўлмаганда иккитасини бажариши лозим:

– маҳсулот етказиб берувчини молиявий таъминлаш, шу жумладан ссуда бериш ёки маҳсулоти учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали молиялаш;

– дебиторлик қарзларини олиш билан боғлиқ ҳисоб (бухгалтерия ҳисоб-китоблари) олиб бориш;

– дебиторлик қарзларини ундириш;

– дебиторларнинг қарзни тўламаслигидан ҳимояланиш;

3) дебиторлар маҳсулот етказиб берувчи шахс юборган дебиторлик қарзларини талаб қилиб олиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани олган бўлишлари лозим.

Факторинг тарихини ҳуқуқий воқелик сифатида унинг тадқиқотчилари ҳар хил тасвирлаб келадилар. Айримлар уни ҳозирги замон капиталистик ҳуқуқ маҳсули ва фақат XX асрнинг 30-йилларида

АҚШда юзага келган, деб ҳисобласалар, бошқалар эса факторингга хос белгиларни, ҳатто қадимги Бобил давлати тарихи билан боғламоқдалар. Аммо бизнинг назаримизда, факторингга ўрта аср инглиз савдо воситачилигининг «америкача заминга» мослаштирилиши оқибатида юзага келган ҳодиса сифатидаги қарашлар анча асосли ва тўғри.

Ушбу нуқтаи назарга кўра, «фактор» деб аталувчи субъектлар XIV асрдаёқ маълум бўлган ва «фактор» атамаси инглиз мустамлака савдо муносабатларида «агент», «комиссионер» атамаларининг синоними сифатида қўлланиб келинган.

Инглизлар Шарқий Ҳиндистонни мустамлака қилиш жараёнида XVIII асрда факторлардан, яъни вазифаси нафақат товарларни сотишда воситачилик қилишдан, балки келгусида етказиб берилажак товарлар учун бўнак (аванс) олишдан ҳам иборат бўлган шахслардан фойдаланиб келганлар.

Аммо факторинг фаолиятининг гуркираб ривожланиши фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Шимолий Америкада кузатилди. Бунда америкалик факторлар дастлабки даврларда фақат ишлаб чиқарувчилардан товарларни сотиш учун қабул қилганлар, яъни континентал ҳуқуқ тизимида тушуниладиган мазмундаги комиссия шартномасига ўхшаш битимлар тузилган. Бу нарса, айниқса, тўқимачилик маҳсулотлари савдосида яққол кўзга ташланган. Аммо вақтнинг ўтиши ва тўқимачилик товарларига катта божларнинг жорий этилиши билан ишлаб чиқарувчилар Европада маҳсулот сотишнинг ўз тармоқларини барпо эта бошлаганлар. Шу туфайли америкалик факторлар ўз фаолияти шаклларини ўзгартира бошлаганлар. Агар улар аввал товарлар сотилишида воситачи вазифасини бажарган бўлсалар (agent factorig), энди ишлаб чиқарувчиларни молиявий жиҳатдан таъминловчи институтга айлана бошлаганлар. Улар мижозларни молиявий таъминлашга оид ўзларининг «ноу-хау»ларини ишлаб чиққанлар ва унда дисконт ва мижоздан қабул қилиб олинадиган пул талабларини бажаришни, шунингдек, молиявий таваккалчилик хатарини ўз зиммасига олишни назарда тутганлар. Факторлар ўз фаолият доирасига, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар бухгалтериясини юритиш, пул аванслари, хомашё сотиб олиш учун кредитлар бериш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш ишларини ҳам қўшиб олганлар. Шундай қилиб, америкалик факторлар банк ташкилотларига хос бўлган фаолият билан шуғуллана

бошлаганлар. Ушбу схема АҚШда шу даражада кенг тарқалганки, ҳозирги пайтда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг 90 фоизи факторингга оид мавжуд схемадан фойдаланади.

Ғарбий Европа мамлакатларида факторинг институти фақат XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди ва молиявий муомалада дарҳол сезиларли аҳамият касб эта бошлади. Натижада факторинг банклари ва ихтисослашган факторинг жамиятлари барпо этила бошланди.

Факторингга оид фаолият асосан халқаро хусусиятга эга эканлиги туфайли унинг тартибга солинишини унификациялаш зарурати натижасида 1988 йилда Оттавада дипломатик конференция чақирилди ва унда Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенция ва Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенция лойиҳалари кўриб чиқилди. Бу лойиҳаларни хусусий ҳуқуқни унификациялаш халқаро институти (УНИДРУА) тайёрлаган эди. Ушбу дипломатик конференциянинг якуний ҳужжатларидан бири 1988 йил 28 майда имзоланган Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенция бўлди.

Мазкур конвенция факторинг фаолияти ривожда катта аҳамият касб этди. Чунки кўпчилик давлатларнинг миллий қонунларида факторингга оид нормалар назарда тутилмаган эди ва шу сабабли конвенция ушбу масалада миллий қонунларнинг яратилиши ва ривожлаштирилиши учун замин бўлиб хизмат қилди, чунки мазкур конвенция қабул қилинганидан сўнг бир қатор давлатлар ўз миллий қонунчилиги тизимига факторинг ҳақидаги қоидаларни киритдилар.

Хусусан, Россия Федерациясининг янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси «пул талабларининг ўтказилиши эвазига молиялаштириш» деб номланувчи факторинг муносабатларига оид қонун назарда тутади.

Беларусь Республикаси ҳам Беларусь ва Россия қонунчилигини унификациялаш йўлидан бориб, Фуқаролик кодекси лойиҳасига «Пул талабларининг ўтказилиши эвазига молиялаштириш» номли бобни киритди.

Факторингга оид боб МДХ давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тасдиқлаган Намунавий (модель) фуқаролик кодексида ҳам назарда тутилганлигини эътиборга олиб, айтиш мумкинки, МДХга аъзо бўлган бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам (хусусан бу вазифа Қозоғистон қонунчилигида амалга оширилди) ушбу муносабатларга бағишланган нормалар назарда тутилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, «халқаро факторинг» тушунчаси 1988 йил 28 майда Оттавада (Канада) қабул қилинган «Халқаро факторинг тўғрисида»ги УНИДРУА конвенциясида баён этилган. Конвенцияни 14 та давлат имзолаган ҳамда Италия, Нигерия, Франция ратификациялагач, 1995 йилда кучга кирган.

Халқаро факторинг шартномасининг ҳар икки томони Конвенцияда катнашувчи давлатлар субъектлари бўлгани ҳолда Конвенция қоидалари татбиқ этилади. Унинг қўлланилиши истисно этилиши учун факторинг битими томонлари шартномада бу ҳақда махсус кўрсатиб қўйган бўлсалар ёки асосий олди-сотди шартномаси томонлари дебиторлик қарзлари масаласига Конвенция қўлланилмаслиги ҳақида келишиб олган бўлишлари лозим (бунда Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини қўлламаслик ҳақида келишув тузилишига йўл қўйилмайди, яъни у ё тўлиқ қўлланилиши, ё тўлиқ қўлланилмаслиги тўғрисида келишув тузилиши мумкин).

Бундан ташқари, ушбу Конвенциянинг 17-моддасига кўра, икки давлат – Конвенция аъзоси ва бошқаси ўзаро келишиб, факторинг мажбуриятлари миллий қонунчилик билан тартибга солинадиган ҳолларда мол етказиб берувчи, фактор ёки дебитор ушбу давлатлардан бирининг ҳудудида жойлашган бўлса, Конвенция қоидалари қўлланилмаслигини белгилаб олишлари мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, дастлаб факторинг битимлари ўз ҳуқуқий табиатига кўра агентлик шартномаларига яқин турган, аммо кейинчалик ривожланиб бориши натижасида талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш (цессия) ёки айни пайтда агентлик шартномаси, яъни топширик шартномаси одатда қарз (кредит) шартномасига хос бўлган хусусиятларга эга бўла борди. Бундан ташқари, факторинг шартномаси кўпинча ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси (пудрат)га хос жиҳатларга ҳам эга бўлади.

Факторингга оид операцияларни расмийлаштирувчи битимлар ҳуқуқий табиатидаги бундай фарқлар «факторинг» атамаси билан иқтисодий жиҳатдан яқин, аммо ҳуқуқий жиҳатдан мутлақо турлича бўлган «очиқ факторинг» ва «яширин факторинг» тушунчалари мавжудлиги билан боғлиқ.

Яширин (махфий) факторинг (ингл. confidential factoring) деганда одатда маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи, ишни бажарувчи

томон (етказиб берувчи) товар сотилиши (иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши)дан олинадиган пулни талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга (факторга) ўтказган ҳолда харидор (буюртмачи) билан тузилган битимда томон (иштирокчи) бўлиб қолаверадиган шартнома назарда тутилади (ингл. undisclosed factoring, нем. stilles-verdckes-factoring). Яъни яширин факторинг битими тузилганда бу ҳақда қарздор (маҳсулот олувчи) умуман хабардор қилинмайди. Фактор маҳсулот етказиб берувчининг талаби бўйича ҳақ тўлайди ва шартнома муносабатларида мол етказиб берувчининг номидан иштирок этаверади. Фактор қарзни қарздордан ундиришда маҳсулот етказиб берувчининг топшириғи бўйича ва унинг номидан ҳаракат қилади.

Халқаро амалиётда товар учун пулни бевосита маҳсулот етказиб берувчини молиялаштириш, факторинг шартномаси мавжудлигининг ўзи учинчи шахслардан сир сақланадиган муносабатлар ҳам яширин факторинг деб юритилади. Аммо Оттава конвенциясига кўра бундай муносабатлар факторинг муносабатлари деб тан олинмагани боис, биз уларни муфассал кўриб чиқмаймиз.

Яширин факторинг муносабатлари, аслида, маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасидаги ички алоқалардир. Яширин факторингда фақат келгусидаги пул тушумларига нисбатан иқтисодий ҳуқуққина ўтказилиши ҳамда юридик талаб қилиш ҳуқуқи маҳсулот етказиб берувчининг ўзида сақланиб қолиши туфайли, бундай факторинг шартномасини агентлик (топширик) шартномаси ва, қоидага кўра, қарз шартномаси (мол етказиб берувчини фактор молиялаштириши туфайли) элементларини ўзида мужжассамлаштирувчи шартнома сифатида баҳолаш мумкин. Фактор маҳсулот етказиб берувчига кўшимча бошқа хизматлар ҳам кўрсатган тақдирда эса у ўзида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси белгиларини ҳам акс эттиради.

Англо-америка ҳуқуқ тизимида яширин факторинг кўпинча траст сифатида, яъни олиниси лозим бўлган тўловга нисбатан ишончли мулкдор (trustee) сифатида, фактор-бенефициарнинг ишончли шахси сифатида квалификацияланади.

Яширин факторинг кўпинча факторнинг мажбурият муносабатларида ошқора иштирок этиши мол етказиб берувчининг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади.

Яширин факторингдан фарқли ўларок, ошқора факторингда (ингл.

open factoring, conventional factoring, disclosed factoring, нем. offene factoring) маҳсулот етказиб берувчи ўзи етказиб берган маҳсулоти учун пул тўловлари талаб қилиш ҳуқуқини юридик жиҳатдан факторга ўтказди ва оқибатда фактор харидор билан тузилган шартнома бўйича кредиторга айланади. Молни лозим даражада етказиб бериш ҳуқуқи эса, уни етказиб берувчининг зиммасида қолаверади.

Ошкора факторингда битимда фактор қатнашаётганлиги ҳақидаги хабарни мол етказиб берувчи ҳам, бевосита факторнинг ўзи ҳам харидорга етказиши мумкин. Жуда кўп ҳолларда юклаб жўнатиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шунингдек, ҳисоб-китоб тақдим этилиши пайтида тўлов факторга нисбатан амалга оширилиши лозимлиги кўрсатиб кўйилади. Шунингдек, кўп ҳолларда фақат факторга пул тўланишигина мажбуриятни лозим даражада бажариш ҳисобланиши махсус қайд этилади.

Ошкора факторинг факторнинг манфаатини қарздор мол етказувчи олдидаги мажбуриятини бажармай қолишдан энг кўп ҳимоя қилади. Шу билан бирга, кўпчилик субъектлар ошкора факторингга салбий муносабатда бўладилар, чунки тўловни бошқа шахсга нисбатан бажариш лозимлиги тўғрисида қарздорга юборилган хабар кўпинча маҳсулот етказиб берувчи молиявий жиҳатдан барқарор эмас, деган фикрга олиб келиши ва унга нисбатан контрагентларнинг эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Ошкора факторинг маҳсулот етказиб берувчини молиявий таъминлашдан ташқари (яширин факторингдаги сингари) факторнинг мол етказиб берувчига муайян хизматлар кўрсатишини ҳам назарда тутиши мумкин.

Ярим ошкора факторинг (halboffenes factoring) ошкора факторинг кўринишларидан бири бўлиб, унга кўра шартнома тузиш пайтида мол етказиб берувчи харидорни факторинг шартномаси тузилганидан хабардор қилмайди, аммо пул тўлашга ҳисоб тақдим этаётганида бу шартнома ҳақида, пул тўланиши лозим бўлган ҳисобварағи тўғрисида харидорни хабардор қилади.

Ярим ошкора факторинг маҳсулот етказиб берувчи ўзи ҳисобварағига эга бўлган банк томонидан контокоррент ҳисоб орқали кредит берилиши йўли билан молиявий таъминланадиган, яъни фактор сифатида банк қатнашадиган муносабатлардан иборат бўлади.

Юқорида баён этилганлар факторинг шартномаси ўзида бир неча турдаги мажбуриятларни жамловчи мураккаб шартнома эканлигидан далолат беради. Масалан, ошкора факторингда кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши, факторни эса маҳсулот ҳақини олдиндан тўлаб қўйиш мажбуриятдан ташқари, факторнинг кредиторга муайян хизматлар кўрсатиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш).

Халқаро факторинг шартномаси уч томонлама шартнома бўлиб, унда қуйидагилар қатнашади:

- маҳсулот (иш, хизмат) етказиб берувчи (экспортчи) бўлган кредитор;
- товар (иш, хизмат) харидори (импортчиси) бўлган қарздор;
- фактор (талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олаётган банк ёки бошқа ихтисослашган ташкилот).

Шунга кўра, ошкора факторингни 5-чизма орқали ифодалаш мумкин (5-иловага қаранг).

Халқаро факторингга оид операцияларда уч томон – мол етказувчи, фактор, қарздор иштирок этсалар-да, шартнома икки томонлама ҳисобланади ва унда фақат маҳсулот етказиб берувчи ва фактор иштирок этади, холос. Қарздор бу операцияда иштирок этса-да, шартномада қатнашмайди ва унинг мазмунига таъсир эта олмайди. Бу ҳол қарздорнинг пулни кимга тўлаши аҳамиятсизлиги (чунки талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга оид мажбурият қарздорга нисбатан шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги) билан изоҳланиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида халқаро факторингнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини қайд этиш мумкин:

- халқаро факторинг шартномаси тадбиркорлик битими бўлиб, унинг томонлари сифатида, қоидага кўра, фақат тижоратчилар (тадбиркорлар), шу жумладан тижоратчи ташкилотлар қатнашадилар;
- тадбиркорлик хусусиятига эга эканлиги туфайли, у ҳар доим ҳақ эвазига тузилади;
- шартномани мол етказувчи бажармаганлиги учун фактор харидор олдида жавобгар ҳисобланмайди;
- халқаро факторинг шартномаси мураккаб шартномалардан ҳисобланади ва ўз ичига қарз шартномаси (яширин факторинг), агентлик, топшириқ шартномаси, талабни ўтказиш – цессия шартномаси,

топшириқ шартномаси (яширин факторингда), пулли хизмат кўрсатиш шартномасига хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштиради;

– факторинг шартномасининг халқаро-ҳуқуқий табиати маҳсулот етказиб берувчи ва фактор турли давлатлар ҳудудида эканликлари билан белгиланади. Аммо ҳатто мол етказиб берувчи ва фактор битта давлатда бўлиб, харидор бошқа давлатга мансуб бўлса ҳам факторинг халқаро шартнома сифатида эътироф этилади.

Халқаро факторинг шартномаси, ошқора ва яширин факторингга бўлинишидан ташқари, яна қуйидаги белгиларига кўра ҳам туркумларга ажратилиши мумкин:

- 1) жавобгарлик шартларига кўра;
- 2) пул талабларининг ўтказилиш ҳажмига кўра;
- 3) тўловни амалга ошириш ҳуқуқига кўра;
- 4) халқаро факторинг битимининг амалга оширилиш хусусиятига кўра.

Жавобгарлик шартларига кўра, факторинг шартномаси маҳсулот етказиб берувчи кафолатлайдиган факторинг ва кафолатламайдиган факторингга бўлинади.

Маҳсулот етказиб берувчи кафолатлайдиган факторинг (баъзан уни «регресс ҳуқуқли факторинг», росмана бўлмаган факторинг деб ҳам аташади; поляк тилида – *niewlasciwy factoring*, ингл. *factoring on a recourse basis*). Унга кўра, шартномада кўрсатилган муддат ичида қарздор олинган товар учун пул тўловини амалга оширмаса, фактор тўланмасдан қолган пул суммаси доирасида мол етказиб берувчига нисбатан талаб билдириши мумкин бўлади. Яъни факторинг шартномасида маҳсулот етказиб берувчи қарздор фактор фойдасига воз кечган мажбурият бўйича пул тўловларининг амалга оширилишини кафолатлайди ёки кафиллик беради (миллий ҳуқуқий тизим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда). Маҳсулот етказиб берувчи ўз зиммасига олган кафолат ёки кафиллик аниқ-равшан ва бевосита ифодаланган бўлмоғи лозим. Масалан, агар маҳсулот етказиб берувчи қарздор тўлов қобилиятига эга бўлишини кафолатлаши ҳақида ваъда берса, бу ҳали кафолат бўлиб ҳисобланмайди.

Маҳсулот етказиб берувчининг кафолатисиз факторингга кўра (баъзан уни ҳақиқий факторинг ёки «регресс ҳуқуқисиз факторинг» деб юритишади. Полякча – *wlasciwy factoring*, ингл. *factoring on a non-*

recourse basis) факторингнинг бу турида қарздорнинг пул талабларини бажармаслик хатари батамом факторинг зиммасида бўлади.

Шу билан бирга, фактор биринчи ҳолда ҳам (кафолатланган факторинг), иккинчи ҳолда ҳам (кафолатланмаган факторинг) ўтказилган¹ талаб ҳақиқий бўлиб чиқмаса, маҳсулот етказиб берувчига нисбатан тўланган пулни қайтариш, етказилган зарарни қоплаш тўғрисида талаб билдириши мумкин бўлади.

Пул талабларининг ўтказилиши ҳажмига кўра, факультатив ва тўлиқ факторинг фарқланади.

Факультатив факторингга кўра (ингл. facultative factoring мутлақ ҳуқуқларсиз факторинг) маҳсулот етказиб берувчи фақат ўзаро шартномага кўра аниқлаб олинadиган аниқ бир талабдангина фактор фойдасига воз кечади.

Тўлиқ факторингда эса (ингл. whole turnover factoring, мутлақ ҳуқуқлар берилган ҳолдаги факторинг) маҳсулот етказиб берувчи шартномада махсус кўрсатилганидан бошқа барча талаблардан фактор фойдасига воз кечади. Бунда тўлиқ факторинг (мутлақ ҳуқуқларга эга факторинг) муайян ҳудуддаги барча субъектларга ёхуд муайян субъектлар гуруҳига ёки талабларнинг муайян гуруҳига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Халқаро факторинг битимларининг амалга ошириш хусусиятига кўра, бевосита факторинг ва билвосита факторинг ўзаро фарқланади.

Бевосита факторингда (ингл. direct factoring) фақат битта фактор мавжуд бўлиб, унинг ўзи маҳсулот етказиб берувчи экспортчи олдидаги мажбуриятларни ҳам ўзи бажаради, импортчи қарздорга ҳам юборилган маҳсулот учун ҳақ тўлашни ўзи талаб қилади.

Тўловни амалга ошириш ҳуқуқига кўра, ўтказилган талаб бўйича қарздордан олинadиган пул тўловининг ҳаммасига ёки талаб қилиб олинadиган сумманинг фақат бир қисмига ҳуқуқ пайдо бўладиган факторинг шартномалари фарқланади.

¹ Ушбу бобда «талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш (бу ҳуқуқдан воз кечиш деганда, нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий (амалдаги) маънода мулкӣ ҳуқуқларни ўтказилиши тушунилади. Фақат муносабатларнинг ҳуқуқий табиатидан бошқача ҳулоса чиқмаса, ушбу таъриф ўринли саналади.

Воз кечилган талаб бўйича қарздордан олинган барча суммага факторда ҳуқуқ бўладиган факторингга кўра фактор қарздордан олинган барча суммага, агарда бу сумма унинг мол етказиб берувчига тўлаган суммасидан кўп бўлса ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини кўлга киритади. Кўпчилик факторинг шартномаларида айнан ушбу шаклдан фойдаланилади.

Ўтказилган талаб бўйича қарздор тўлаган сумманинг фақат муайян қисмигагина факторда ҳуқуқ пайдо бўладиган факторингда эса фактор ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган факторинг шартномасида назарда тутилганидан ортиқча суммани фактор мол етказиб берувчига қайтариши лозим бўлади. Одатда бундай ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи қарздор мажбуриятни бажармай қолиши хатарини ўз зиммасига олади.

Тўғри факторинг тўғри импорт факторингга ва тўғри экспорт факторингга бўлинади.

Тўғри импорт факторингнинг (ингл. direct import factoring) моҳияти шундаки, маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган маҳсулот учун олинадиган пулни талаб қилиш ҳуқуқини импортчи жойлашган мамлакатдаги факторга ўтказилади.

Тўғри экспорт факторингда эса (ингл. direct export factoring) маҳсулот етказиб берувчи ўзи жойлашган мамлакатдаги факторга товар учун пулни қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини ўтказилади.

Эгри (билвосита) факторингда (ингл. indirect factoring) ёки икки системали факторингда (ингл. two factors system, нем. zweifactorsystem) маҳсулот етказиб берувчи экспортчи жойлашган мамлакатдаги фактор, қарздор – импортчи жойлашган мамлакатдаги бошқа фактор билан субфакторинг шартномасини тузади, яъни қарздор олган товари учун ўз мамлакатидagi факторга пул тўловини амалга оширади, бу фактор (субфактор) эса, ўз навбатида, қарздордан олган суммани мол етказиб берувчи мамлакатидagi факторга тўлайди.

Бунда субфакторинг шартномаси тузилишига факторинг шартномасида йўл қўйилган бўлса ва фактор мол етказиб берувчидан олган талаб қилиш ҳуқуқининг субфакторга ўтказилишига рози бўлса, рухсат этилади (Халқаро факторинг тўғрисидаги Оттава конвенциясининг 11–12-моддалари).

Халқаро савдо амалиётида факторингнинг бошқа турлари, масалан,

метафакторинг (полякча – meta-factoring) ҳам назарда тутилади. Халқаро факторингнинг мазкур туридан ўз банкига эга бўлган мол етказиб берувчи турли сабабларга кўра фактор сифатида қатнашишни истамаган ҳолда ўзи билан доимий ҳамкорлик қилувчи факторинг ташкилоти билан факторинг шартномаси тузади. Бу ҳолда банк ва фактор ўртасида шартнома тузилади ва унга кўра банк факторга факторинг битимини молиявий таъминлаш учун пул маблағларини беради, қарздорнинг пул тўламай қолиш хатари фактор ва банк ўртасида тақсимланади.

Факторинг битими тузилишидан манфаатдор бўлган маҳсулот етказиб берувчи, ушбу мақсадда банкка (кўпинча ўзига ҳисоб-китоб хизматини кўрсатувчи банкка) мурожаат қилади. Аммо банк фактор сифатида қатнашишни истамагани ҳолда ўз миждидан айрилишни ҳам истамайди ва факторинг ташкилоти билан доимий ҳамкорлик қилади, банк пул ресурсларидан фойдаланади. Бундай ҳолда қарзнинг қайтарилмай қолиши хатари банк ва фактор ўртасида тақсимланади. Шундай қилиб, мета-факторингда иккита шартнома: бири – маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасида, иккинчиси – фактор билан банк ўртасида тузилади.

Факторинг шартномаси унга ўхшаш бошқа муносабатлардан фарқлаб олинмоғи лозим, аммо кўпинча улар ўртасидаги фарқларни аниқ белгилаш бирмунча қийин бўлади, чунки факторинг шартномаси бир неча турларга хос мажбурият элементларини ўзида мужассамловчи мураккаб битимлардан ҳисобланади.

Кўпинча факторинг шартномаси талабни ўтказиш (цессия) билан чалкаштирилади. Аммо бу тўғри эмас, чунки яширин факторинг шартномаси талабни ўтказиш шартномаси билан ҳеч бир умумий хусусиятга эга эмас. Ошкора факторинг шартномасига келсак, унинг асосида цессия ётса-да, объектини, талабни ўтказишдан ташқари, бошқа кўплаб муносабатлар ҳам ташкил этади. Бундан ташқари, ошкора факторингни цессиядан фарқловчи қуйидаги хусусиятларни ҳам санаб кўрсатиш мумкин:

– факторинг шартномасида талабни ўтказиш муносабатининг томонлари бўлиб фуқаролик муомаласининг ҳар қандай иштирокчиси ҳисобланиши мумкин. Факторинг шартномасида эса, албатта, бир томондан, товар (иш, хизмат) етказиб берувчи, иккинчи томондан эса,

ихтисослашган факторинг ташкилоти (кўпинча банк) иштирок этади;

– факторинг шартномаси ҳар доим ҳақ эвазига тузилади, яъни фактор ҳар доим талаб қилиш ҳуқуқини ўзи учун муайян фойда (дисконт) билан сотиб олади. Талабни ўтказиш эса ҳар доим ҳам бундай фойдани назарда тутавермайди ва ҳатто текин бўлиши мумкин (яъни талабни ўтказиш ҳада шартномаси тузиш йўли билан ҳам рўёбга чиқарилиши мумкин);

– агар талабни ўтказиш бир томонлама ҳам бўлиши мумкин бўлса (текин цессияда), факторинг ҳар доим икки томонлама бўлади. Бунда мол етказиб берувчи маҳсулот қийматини фактордан олиш эвазига қарздордан маҳсулот пулини талаб қилиш ҳуқуқини факторга ўтказиш;

– факторинг операциясини ўтказишдан кўзланган мақсад – пул маблағларини самарали жойлаштиришдан иборат, яъни факторинг маҳсулот етказиб берувчини молиялашнинг ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади. Талабни ўтказиш шартномасининг мақсади эса жуда кенг бўлиши мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий талабни ўтказиш, қоида тариқасида, қарзни ундириш мақсадини кўзлайди ва цедент цессиянарий билан ҳисоб-китоб қилиш имконига эга бўлмагани туфайли қарзни тўлаш шакли сифатида талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш;

– талабни ўтказиш предмети бўлиб, одатда ҳар қандай мажбурият ҳисобланиши мумкин. Факторинг мажбуриятининг предмети фақат пул тўловлари бўлиши мумкин ва у олди-сотди (айирбошлаш), пудрат (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш) каби шартномалардан келиб чиқади;

– факторинг, қоидага кўра, давомли шартнома ҳисобланади, яъни шартнома объектини кўпинча харидорлар (буюртмачилар) қарзларининг ўтказилиши ташкил қилади. Цессия одатда бир лаҳзалик шартнома бўлиб ҳисобланади;

– факторингда талабни ўтказиш асоси бўлиб талаб қилиш ҳуқуқини олиш-сотиш шартномаси ҳисобланади. Талабни ўтказиш шартномасининг умумий асослари хилма-хил бўлиши мумкин;

– талабнинг ўтказилишида бундай битим ҳақида қарздорни кредитор хабардор қилиши керак. Факторингда эса, халқаро савдо амалиётига кўра, қарздорни нафақат собиқ кредитор, балки фактор ҳам хабардор қилиши мумкин.

Шундай қилиб, ошқора факторинг, ҳуқуқий табиатига кўра муҳим шартлардан бири сифатида талабни ўтказишни ҳам ўз ичига олади.

Аммо талабни ўтказиш ҳуқуқий воқелик сифатида факторингдан бошқа муносабатларда ҳам қўлланиши мумкин ва факторингда талабни ўтказишдан бошқа турдаги муносабатлар ҳам учрайди.

Факторинг, шунингдек, кредит (қарз) шартномасидан ҳам фарқ қилинмоғи лозим. Уларнинг ташқи ўхшашлиги шундаки, ҳар иккала-сида ҳам (фактор мол етказиб берувчига, кредитор қарздорга) пул тўланади ва пулни олганлар (мол юборувчи, қарздор) ушбу пулни қайтариш мажбуриятини олади. Уларнинг фарқи шундаки, маҳсулот етказиб берувчи факторга пул тўлаш мажбуриятини эмас, балки қарздордан товар учун олиниши лозим бўлган ҳақни – пулни талаб қилиш ҳуқуқини факторга ўтказиши. Иккинчи фарқ фактор ва кредитор оладиган фойдадир. Факторнинг даромади бўлиб одатда мол етказиб берувчига тўланган сумма билан қарздордан олинган сумма ўртасидаги фарқ (дисконт) ҳисобланади. Кредитор эса берган қарзи суммасига нисбатан фоиз тарзида фойда олади. Факторинг шартномасида маҳсулот етказиб берувчига фактор тўлаган суммани учинчи шахс – қарздор қайтаради. Кредит шартномасида эса қарзни одатда қарздорнинг ўзи қайтаради (кредит шартномасида ҳам мажбуриятни учинчи шахс бажарилиши истисно этилмайди).

Кўпинча банк маҳсулот етказиб берувчига берадиган кредитда, башарти кредит кафолати сифатида юклаб жўнатилган товар назарда тутилган бўлса ва мажбурият бажарилмаган тақдирда банк харидордан пулни ўзига тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, бундай муносабат ҳам факторингга тенглаштирилади. Шу билан бирга, одатда фактор талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш билан бирга, қарзнинг тўланмай қолиши хавфини ҳам зиммасига олади (кафолатсиз факторинг). Талаб қилиш ҳуқуқи мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида ўтказилганида эса қайтарилмаслик хатари мол етказиб берувчининг ўзида қолади. Яъни харидорнинг пулни тўламаганлиги ёки тўлиқ тўламаганлиги маҳсулот етказиб берувчини банк олдидаги (кредитни қайтариб бериш) мажбуриятдан озод қилмайди.

Факторинг шартномаси, шунингдек, топшириқ (агентлик) шартномасидан ҳам фарқланмоғи лозим. Уларнинг энг катта ўхшашлиги яширин факторингда кўпроқ кўзга ташланади, чунки бундай ҳолда фактор агент (ишончли вакил) сифатида ҳаракат қилади. Хусусан,

агентлик шартномасидаги принципалдан (топшириқ шартномасидаги ишончли вакилдан) фарқли ўлароқ, факторинг шартномаси бўйича факторинг маблағлари ҳисобидан мол етказиб берувчи ўз талабларини қондиради. Агентлик шартномасида эса талаб қарздор ҳисобига бажарилади. Бундан ташқари, агент (ишончли вакил) принципал фойдасига ҳаракат қилса, фактор эса ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилади.

Факторинг шартномаси пудрат (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш) шартномасига хос элементларни ўзида акс эттирса-да, уларни айнан бир хил деб бўлмайди, чунки факторингнинг бош мақсади муайян турдаги хизмат кўрсатиш бўлмасдан, талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва кўпинча мол етказиб берувчини молиявий таъминлашдан иборат бўлади.

2-§. ФАКТОРИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА БАЖАРИЛИШИ

Халқаро факторинг шартномаси маҳсулот етказиб берувчи билан қарздор ўртасидаги шартнома бажарилишининг исталган босқичида тузилиши мумкин. Яъни маҳсулот етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган маҳсулот учун ҳақ олиш ҳуқуқини маҳсулот юклаб жўнатилганидан кейин ҳам, ундан кейинроқ ёки олдинроқ ҳам факторга ўтказиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчи билан фактор ўртасидаги муайян доирада шартнома тузилгани ва унга кўра вужудга келувчи талаб қилиш ҳуқуқи мунтазам (давомий) равишда факторга ўтказиб турилиши назарда тутилган тақдирда, мол етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатларда бу ҳуқуқни факторга ўтказиб туриши лозим бўлади.

Халқаро савдо амалиётида, башарти фактор маҳсулот етказиб берувчи бухгалтерия ҳисобларини юритиши, маркетинг режалари ишлаб чиқишида ёрдам кўрсатиши каби хизматлар кўрсатиши лозим бўлса, фактор шартнома тузишдан аввал маҳсулот етказиб берувчининг молиявий аҳволини ўрганиб чиқиши, зарур ҳужжатлар билан танишиши, молиявий аҳволини таҳлил қилиб чиқиши талаб этилади.

Халқаро факторинг шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бу ҳақда Оттава конвенциясида ҳам кўрсатиб қўйилган.

Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддасига кўра,

факторинг шартномасининг предметини маҳсулот етказиб берувчининг олди-сотди шартномасидан¹ келиб чиқадиган барча ёки айрим ҳуқуқлари, жумладан ушбу шартноманинг ҳар қандай шарти туфайли олиниши мумкин бўлган ҳар қандай фойда ташкил қилади (бунда ушбу Конвенциянинг 1-моддасига кўра, шахсий, оилавий, уй-рўзгор эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган товарлар билан боғлиқ ҳолдаги талаб қилиш ҳуқуқи факторинг муносабатлари предмети бўла олмайди).

Факторинг шартномасини тафсифлаганда айтиш мумкинки, унинг предмети бўлиб мавжуд пул талаблари ҳам, келгусида юзага келадиган талаблар ҳам хизмат қилиши мумкин.

Оттава конвенциясининг 5-моддасида ҳам бу ҳақда кўрсатиб қўйилган бўлиб, унга кўра факторинг шартномаси, башарти унинг предмети амалдаги ёки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган дебиторлик қарзлари бўлса, ҳақиқий ҳисобланади. Бу қарзлар шартномада ажратиб кўрсатилмайди, бироқ бундай қарзлар юзага келган тақдирда факторинг шартномаси билан боғлиқ ҳолат сифатида аниқлаштирилиши (идентификацияланиши) мумкин бўлмоғи талаб этилади. Бундан ташқари, факторинг предмети сифатида ҳеч бир қўшимча ҳужжатларсиз келгусида юзага келадиган дебиторлик қарзларини факторга топшириш предмети бўлган муносабатлар ҳам амалдаги факторинг шартномаси деб ҳисобланади. Яъни факторинг шартномасининг предмети келгусида вужудга келиши лозим бўлган талабдан иборат бўлса, бу ҳуқуқ пайдо бўлган заҳоти факторга ўтади. Факторинг шартномаси мавжудлигига қарамай, талаб қилиш ҳуқуқи амалда юзага келмагунига қадар битим тарафи бўлиб маҳсулот етказиб берувчи ҳисобланаверади.

Муайян ҳолат ёки муайян муддат билан боғлиқ тарзда юзага келиши белгиланган мажбуриятлар ҳам келгусида ўтказиладиган талаб-

¹ Оттава конвенциясида мол етказиб берувчи ва қарздор ўртасида товарларни олиш-сотиш шартномаси тузилгандагина факторинг муносабатлари юз бериши ҳақида кўрсатилган бўлса-да, халқаро савдо оборотида ҳар қандай пул талабларини ўтказиш (воз кечиш) пайтида, хусусан иш бажариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда ҳам факторингдан фойдаланилади.

лар жумласига киритилиши лозим (яъни факторда ҳуқуқнинг пайдо бўлиши пайти билан қарздорда мажбуриятнинг юзага келиши пайти ўзаро мос келади).

Келгусида юзага келадиган талабни ўтказишнинг иложи йўқлиги қандайдир тадбиркорлик лойиҳасини кредитлаштирувчи банк ва кредит қайтарилишининг кафолати сифатида қарз олувчининг қарздорларга бўлган ҳуқуқининг ҳаммасини ёки бир қисмини қўлга киритишни мўлжаллаган банкнинг манфаатларини таъминлашни ҳам мумкин эмас қилиб қўяди.

Халқаро факторингда, қоида тариқасида, маҳсулот етказиб берувчи факторинг предмети бўлган пул талабларининг ҳақиқийлиги учун фактор олдида жавобгар бўлади. Бунда халқаро факторинг предмети бўлган пул талаблари, агарда маҳсулот етказиб берувчи тегишли пул суммаларини олишга қонуний асосда ҳақли бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади. Бундай пул талаблари кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилгудек бўлса, маҳсулот етказиб берувчи олинган барча пул суммаларини факторга қайтариши ҳамда у кўрган зарар ўрнини қоплаб бериши лозим бўлади.

Факторинг шартномаси бўйича пул талабларини ўтказиш (воз кечиш) пайтида маҳсулот етказиб берувчи шартнома предмети ҳисобланувчи пул талабининг ҳақиқий эканлигини тасдиқловчи барча ҳужжатларни: счет-фактура, шартнома ва бошқаларни факторга топшириши лозим бўлади. Бунда ўтказилаётган талаб ҳақиқий ҳисоблансада, аммо маҳсулот етказиб берувчи тегишли тарзда расмийлаштирмаганлиги сабабли фактор бу ҳуқуқни рўёбга чиқара олмаган бўлса ёки қандайдир зарар кўрган бўлса, ноқулай оқибатлар қоидага кўра маҳсулот етказиб берувчининг зиммасига юкланади.

Башарти талаб ҳақиқий ва мол етказиб берувчи лозим даражада расмийлаштирган бўлса-ю, аммо қандайдир сабаблар билан (айтайлик, иқтисодий қийинчиликлар, тўловга қобилиятсизлик ва бошқалар) қарздор мажбуриятни бажара олмаган бўлса, унинг ноқулай оқибатлари одатда факторнинг зиммасига тушади (кафолатсиз факторинг). Аммо хатарни бошқача тақсимлаш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Шуни ёдда тутиш лозимки, маҳсулот етказиб берувчи ва қарздор ўртасида шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш мумкин эмаслиги назарда тутилган бўлиши мумкин (*factum de non cedento*).

Бундай ҳолда маҳсулот етказиб берувчи шартнома юзасидан талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш олмади. Аммо Оттава конвенциясининг 6-моддасига мувофиқ, қарзни ундириб олишга оид ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги ҳаракатлар, ҳатто бу хусусда шартномада махсус изоҳ назарда тутилган бўлса-да, ҳақиқий ҳисобланаверади. Шу сабабли Оттава конвенцияси тарафларга қўлланилган ҳолларда ҳуқуқни ўтказишга оид бундай чеклашлар юридик кучга эга бўлмайди (агарда тарафлар шартномада Конвенция қоидалари қўлланилишини истисно қилмаган бўлсалар)¹.

Юқорида қайд этилганидек, факторинг шартномаси битта талабни ўтказиш ёки муайян талаблар гуруҳини ўтказиш юзасидан тузилиши мумкин (вақт омилига, ҳудуд омилига, муайян-аниқ қарздор омилига, етказиб бериладиган маҳсулот турига кўра бирлаштирилган талаблар).

Асосий мажбуриятнинг ўтказилиши, қоида тариқасида, айти пайтда қўшимча (аксессор) мажбуриятлар бўйича ҳам мажбуриятларнинг ўтказилишини билдиради, яъни муайян суммани қарздордан талаб қилиш ҳуқуқигина эмас, балки унинг кафиллари, гаровга берувчилар кабилардан ҳам талаб қилишга оид ҳуқуқлари ҳам ўтади. Бундай маҳсулот етказиб берувчи билан қарздор ўртасидаги шартномада ушбу усуллар ҳам мажбуриятни таъминлаш воситаси сифатида қўлланилиши назарда тутилган бўлиши лозим. Ўтказилаётган ҳуқуқ назарда тутилган шартномада арбитраж изоҳи фактор ва қарздор ўртасидаги муносабатларда ҳам амал қилади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонида шериклик асосида бир неча шахс қатнашган ҳолларда ва шерикликка асосланган талаб қилиш ҳуқуқи бўлганида ҳам маҳсулот етказиб берувчилардан бири ўзига тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқини бировга ўтказиши мумкин, фақат бунда бошқа шериклардан розилик олиниши талаб этилади.

Халқаро савдо битимлари икки томонлама мажбуриятлар ҳисоб-

¹ Оттава конвенциясининг 18-моддасига кўра, иштирокчи давлатлар ҳам ушбу қоидадан истисноларни назарда тутиши ва бундай шартноманинг ҳақиқий саналмаслигини белгилашлари мумкин. Бу қоида фақат қарздор давлатига ва маҳсулот етказиб берувчи давлатига татбиқ этилади.

ланиши туфайли талаб қилиш ҳуқуқининг маҳсулот етказувчидан факторга ўтказилиши пайтида муносабатлар мажмуи юзага келади ва унга кўра, қарздор маҳсулот етказиб берувчидан етказиб беришга оид ўз мажбуриятларини бажаришни (иш бажариш, хизмат кўрсатишни) талаб қилишга ҳақли бўлади, фактор эса, ўз навбатида, қарздордан пул мажбуриятлари юзасидан тўловнинг амалга оширилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Халқаро факторинг шартномасининг предметини пул талабларини ўтказиш (фактор фойдасига воз кечиш)дан ташқари, факторнинг маҳсулот етказиб берувчига турли хизматлар кўрсатиши ҳам ташкил қилади. Фактор кўрсатадиган хизматлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот етказиб берувчини дисконтлаш;
- дебиторлик қарзларини олиш (бухгалтерия ҳисоби) билан боғлиқ бўлган маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақларини юритиш;
- дебиторлик қарзларини йиғиш;
- дебиторларнинг қарз суммаларини тўламай қолишидан ҳимояланиш;
- қарздорнинг тўлов қобилиятини текшириш;
- қарздорларга қарзни тўлаш муддати келганлиги ҳақида огоҳлантириш юбориш;
- маҳсулот етказиб берувчини молиявий ахборот, бозорнинг аҳволи, конъюнктураси ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек, маҳсулот етказиб берувчига ишлаб чиқариш ва маркетинг режаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;
- маҳсулот етказиб берувчининг маҳсулотларини реклама қилиш;
- маҳсулот етказиб берувчининг товарларини омборларга жойлаштириш ва навларга ажратиш;
- транспорт-экспедиция фаолиятини амалга ошириш;
- маҳсулот етказиб берувчининг бошқа фаолият соҳаларида агент (ишончли вакил) ёллашга, хусусан божхона агенти ёллашига ёрдам бериш;
- юридик хизмат кўрсатиш, шу жумладан судда манфаатларини ҳимоя қилиш;
- маҳсулот етказиб берувчининг кредит операцияларини бошқариш;

– маҳсулот етказиб берувчига тегишли товарларни суғурталаш.

Шуни ёдда тутиш керакки, Оттава конвенциясига кўра, факторингга оид муносабатлар юзага келиши учун фактор юқорида санаб ўтилган ҳужжатларнинг дастлабки тўрттасидан иккитасини амалга ошириши лозим.

Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенциянинг 9-моддасига кўра, қарздор тўловни олишда факторга нисбатан кўпроқ ёки имтиёзлироқ бошқа шахс борлигини билмасагина қарзини факторга тўлашга мажбур бўлади.

Бунда қарздор (дебитор)нинг пул мажбуриятини факторга нисбатан бажариши, уни маҳсулот етказиб берувчи олдидаги тегишли мажбуриятдан озод қилади.

Қарздор маҳсулот етказиб берувчидан ёки фактордан талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилганлиги тўғрисида тегишли шаклдаги ёзма хабарни олган бўлсагина, тўловни фактор фойдасига амалга оширишга мажбур бўлади.

Оттава конвенциясига кўра, факторинг шартномаси тўғрисидаги ёзма хабарнома қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

– хабарномани қарздорга маҳсулот етказиб берувчи ёки унинг рухсати билан фактор юборган бўлиши;

– хабарнома дебиторлик қарзини оқилона тарзда аниқлаштириши (идентификациялаши) лозим;

– хабарнома у юборилгунига қадар ёки юборилаётган пайтда тузилган халқаро олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи дебиторлик қарзларига нисбатан юборилиши керак.

Оттава конвенциясининг 1-моддасига кўра, хабарноманинг ёзма шаклига реал ҳис қилинадиган тарзда ифодаланадиган телеграмма, телефакс, телехабар киради. Бунда хабар уни адресат (олувчи) қабул қилиб олган бўлсагина юборилган ҳисобланади.

Агарда қарздор талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилгани (ундан бошқа шахс фойдасига воз кечилгани) тўғрисидаги хабарномани қарзнинг бир қисмини маҳсулот етказиб берувчига тўлаб бўлгач олган бўлса, тўланган суммани фактор олдида ҳисобга ўтказишга ҳақи бўлади, чунки фактор пул талаби ҳуқуқини сотиб олаётганда маҳсулот етказиб берувчидан сотиб олаётган ҳуқуқининг ҳажми ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиши керак.

Башарти хабарнома лозим шаклда билдирилмаган бўлса, қарздор маҳсулот етказиб берувчининг олдидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида пулни унга тўлашга ҳақли бўлади.

Халқаро факторинг тўғрисидаги конвенциянинг 9-моддасига биноан, факторнинг қарздорга нисбатан тўлов юзасидан даъво билдирган тақдирда қарздор факторга қарши олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи барча ҳимояланиш воситаларидан даъво маҳсулот етказиб берувчига билдирилганидек фойдаланиши мумкин. Бу даъволар товарнинг камчиликларигагина эмас, балки мажбуриятнинг мазмунига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, қарздор даъво муддати ўтганлиги ёки талабга асос бўлган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигини кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, қарздор факторга қарши маҳсулот етказиб берувчига нисбатан бўлган ҳар қандай даъвонинг ҳисобга олинишини талаб қилишдан иборат ўз ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Бунда Оттава конвенциясининг 9-моддасига кўра, башарти қарздор (дебитор) факторга тўлаб бўлинган ушбу суммани маҳсулот етказиб берувчидан ундириб олиш имконига эга бўлса, халқаро олди-сотди шартномасининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги (микдори, етказилиш муддатлари бўйича) ўз-ўзича қарздорга сумманинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқини беравермайди.

Маҳсулот етказиб берувчи ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор факторга тўлаб юборилган сумманинг ўзига қайтарилишини маҳсулот етказиб берувчидан талаб қилишга ҳақли бўлади. Бунда фактор фақат талаб қилиш ҳуқуқинигина олиши ва унга қарз ўтказилмаслиги туфайли қарздор фактордан сумманинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлмайди, маҳсулот етказиб берувчи ҳам регресс талаб билан факторга мурожаат қила олмайди. Фактор ўтказилган ҳуқуқ учун пул тўламаган ҳоллар бундан мустасно.

Шу билан бирга, Оттава конвенциясида қарздор қуйидаги икки ҳолда тўланган сумманинг қайтарилишини талаб қилиши мумкинлиги кўрсатилган:

1) қарздор факторга пул тўлаган, аммо фактор маҳсулот етказиб берувчига пул тўламаган бўлса;

2) фактор маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаган, аммо у маҳсулот етказиб берувчининг қарздор олдидаги ўз мажбуриятларини ба-

жарганидан хабардор бўлса.

Халқаро савдо амалиётида фактор даромад олишнинг қуйидаги усуллари қўллайди:

- дисконт кўринишида;
- кўрсатилган хизмат учун мукофот тарзида.

Фактор маҳсулот етказиб берувчини молиялаштирган тақдирда дисконт шаклида даромад олади. Дисконт етказиб берувчи ўтказган (воз кечган) пул талабларининг баҳоси билан фактор етказиб берувчига тўлаган сумма ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади. Бунда ушбу фарқ қуйидагиларга кўра кўпайиши ёки камайиши мумкин:

- фактор товар етказиб берувчига пул тўлаган сана билан қарздордан тўлов факторга келиб тушган санагача ўтган муддатга кўра;
- қарздорнинг ишончилигига кўра;
- факторнинг товар етказиб берувчига қўшимча мажбуриятларни бажаришига кўра.

3-§. ХАЛҚАРО ФОРФЕЙТИНГ

Халқаро форфейтинг шартномаси ҳам халқаро факторингнинг бир тури бўлиб, унга кўра тўловнинг амалга оширилишига бўлган ҳуқуқ эмас, балки оддий ва кўчириладиган векселлар (тратта) форфейтерга (факторга) индоссамент ёзиб бериш йўли билан ўтказилади.

Шундай қилиб, халқаро форфейтинг (французча Forfait – қарзни сотиб олиш) шартномасига кўра, форфейтер (фактор) маҳсулот етказиб берувчидан қарздор мамлакатида тўланиши кафолатланган (аваллаштирилган), тўлов муддати келгусида келадиган кўчириладиган ёки оддий векселни сотиб олади. Бунда форфейтер сифатида халқаро савдо амалиётида одатда маҳсулот етказиб берувчининг банки иштирок этади ва у маҳсулот етказиб берувчидан кўрсатилган векселларни маҳсулот етказиб берувчига регресс талаблар билдириш ҳуқуқисиз сотиб олади.

Форфейтингнинг факторингдан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, форфейтинг шартномаси одатда маҳсулот етказиб берувчини ўрта ва узоқ муддатларга молиявий таъминлаш эҳтиёжи туғилганида тузилади, факторинг эса асосан қисқа муддатга молиялашни назарда тутлади.

Форфейтер векселларни ҳисобга олади, яъни уларни маҳсулот

етказиб берувчидан дисконт билан сотиб олади.

Одатда форфейтинг тўғрисидаги шартлар маҳсулот етказиб берувчи билан қарздор ўртасида тузиладиган шартнома билан келишиб олинади. Чунки акс ҳолда қарздорда векселни бериш ёки акцептлаш ва банк авалини олиш юзасидан мажбурият юзага келмайди.

Форфейтингнинг ошкора факторингнинг бошқа шакллариغا нисбатан афзаллиги шундаки, вексель унинг берилишига асос бўлган шартнома билан боғлиқ бўлмаган мавҳум қарз мажбурияти ҳисобланади. Яъни қарздор форфейтерга нисбатан маҳсулот етказиб берувчига билдиргани сингари қандайдир талаблар билдиришга ҳақли бўлмайди. Шу тўғрисида факторингнинг бошқа шаклларида факторга ҳам талаб билдира олади.

Форфейтинг молия бозорида тузиладиган битимларнинг янги замонавий талабларга мос келадиган прогрессив шакллари билан бири сифатида товар ҳамда молиявий ресурслар муомаласини интенсификацияга қаратилган бўлиб, шу орқали бозор иштирокчиларининг ҳар бири оладиган фойда массасини оширишга хизмат қилади. Товар ва молиявий муомаланинг жадаллашуви, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши орқали иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир қилади. Халқаро олди-сотди муносабатларида кенг қўлланиладиган ана шундай форфейтинг битимлар Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи иқтисодий муомаласида ҳам тобора кўпроқ тузила бормоқда.

Текшириш учун саволлар

1. Факторинг операцияси ва унинг мазмуни ҳақида нималарни биласиз?
2. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда факторингдан фойдаланишнинг аҳамияти қандай?
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра факторинг қандай ҳуқуқий тартибга солинади?
4. Халқаро иқтисодий муносабатларда факторинг қандай ҳуқуқий тартибга солинади?
5. Ошкора ва яширин факторинг ҳақида нималарни биласиз?
6. Факторингнинг қандай турларини биласиз?
7. Факторингга оид шартномалар қандай бажарилади?
8. Халқаро форфейтинг ҳақида нималарни биласиз?

VII боб. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ

1-§. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

«Лизинг» (ингл. leasing) термини инглизчадан келиб чиққан бўлиб, ҳозирги вақтда кўпгина ҳуқуқий тизимларда қўлланилади. Лизинг битимлари АҚШ лизинг компанияларининг бошқа мамлакатларга кириб келиши натижасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида тарқалди. Ҳозирги вақтда АҚШда лизинг деганда, бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи)га муайян муддатга белгиланган ҳақ эвазига ашёни турли шароитларда фойдаланиш мақсадида эгаллик қилиш учун берадиган шартнома тушунилади¹.

Тадбиркорлик соҳасидаги лизинг турларидан бири молиявий лизингдир. Халқаро молиявий лизинг бўйича битимларнинг иқтисодий моҳиятини лизинг олувчига, яъни ускуна харид қилувчи, аммо уни мулк қилиб олиш учун ўз молиявий маблағларига эга бўлмаган шахсга кредит бериш ташкил қилади. Умуман олганда, лизинг олувчига бошқача усулда, масалан, кредит бериш орқали молиялаштириш имкони ҳам мавжуд. Бироқ ушбу ҳолда кредит берувчи шахс кредит қайтарилмаган тақдирда кредит олувчига берган ускунаси учун мулк ҳуқуқини қайтариб олиш мақсадида кўпинча ҳуқуқий амалга ошириш кўплаб расмийликлар ва қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган муайян ҳаракатларни қилиши керак бўлади. Молиявий лизинг унинг предмети бўлган нарсага нисбатан лизинг берувчининг мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда лизинг олувчига амалда кредит бериш имконини беради. Яъни лизинг берувчи молиявий лизинг бўйича битимни молиялаштиради, холос. Унинг лизинг предметида кутилган манфаати ушбу ашёни ижарага беришдан фойда олиш билан чекланади. Шу билан бирга, лизинг берувчи лизинг предметининг мулкдори бўлиб, лизинг предметининг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши билан

¹ Англо-америка Пуқуқида лизинг муносабатлари континентал Пуқуқ тизимидаги ашёвий ижара муносабатларига мувофиқ келади. Аммо ушбу бобда тадбиркорлик соҳасида (савдо оборотида) фойдаланиладиган лизингга тўхталамиз.

боғлиқ хавф муаммосига, ускунага кафолатли хизмат кўрсатиш муаммосига, ўз номидан (харидор сифатида) мол етказиб берувчига сифатсиз мол ёки тўлиқ бутланмаган ускуна етказиб берганлиги муносабати билан талаб қўйиш каби заруратларга дуч келади. Айнан шу боис халқаро молиявий лизинг бўйича муносабатларни унификациялашдаги асосий тамойилни лизинг берувчининг лизинг предмети билан боғлиқ хавфларини камайтириш ва ушбу хавфларни ё лизингга берилган мулкдан фойдаланувчи сифатида лизинг олувчига, ё ушбу усқунани ишлаб чиқарувчи (сотувчи) сифатида етказиб берувчига ўтказиш орқали лизинг берувчининг хавфларини камайтириш ташкил қилади.

Лизингга доир Америка тажрибаси ҳамда континентал Европа мамлакатларининг лизинг тажрибасини умумлаштириш асосида Европа лизинг компанияларининг бирлашмаси бўлмиш LEASEUROPE 1983 йилда молиявий лизингнинг таърифини ишлаб чиқди.

Мазкур таърифга кўра, кўчар мулк молиявий лизинги деганда, корхоналарнинг усқунаси бўлган кўчар инвестиция бойликларини касб бўйича қўллаш мақсадида бировга бериш тушунилади. Мазкур бойликларни дастлаб лизинг жамияти лизингга бериш мақсадида махсус харид қилади ва улар бутун битим муддати мобайнида жамиятнинг мулки бўлиб қолади.

Бунда:

– лизинг олувчи лизинг предмети ва уни етказиб берувчи шахсни ўзи танлайди ҳамда ушбу предметдан касб фаолияти мақсадларида фойдаланади;

– лизинг берувчи лизинг предмети сотиб олади ва бутун лизинг муддати давомида унинг мулкдори бўлиб қолади;

– лизинг олувчи лизинг предмети ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади;

– лизинг муддати усқунанинг амортизация муддатидан келиб чиқиб белгиланади;

– лизинг олувчи лизинг шартномасининг муддати тугаганидан сўнг лизинг предмети лизинг берувчига топшириш ёки шартномани келишилган шартлар асосида узайтириш ёхуд лизинг предмети сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Молиявий лизингнинг ушбу таърифи ЕХ доирасида молиявий

лизингни уйғунлаштириш мақсадида, аввало, уни солиққа тортиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, айнан шу сабабга кўра, молиявий лизингнинг ушбу таърифида ўша вақтларда ҳам ушбу муаммолар билан шуғулланган етакчи ташкилотларда тан олинган деб ҳисоблаб келинган унинг айрим муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топмаган.

Кейинчалик молиявий лизингнинг умумий тушунчасини шакллантириш борасидаги муайян ишларни БМТнинг транснационал корпорациялар маркази (UNCTC) амалга оширди. Ушбу ташкилот ҳам уч минтақадаги етита давлатнинг лизинг амалиётини ҳамда 1984 йилда УНИДРУА ва Халқаро молиявий корпорациялар ушбу соҳада амалга оширган ишларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида лизингнинг LEASEUROPE берган таърифдан жуда кам фарқ қиладиган таърифини ишлаб чиқди.

Бироқ халқаро молиявий лизинг нормаларини ривожлантиришга энг кўп ҳиссани УНИДРУА халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаш институти кўшди. УНИДРУА тайёрлаган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Оттава конвенцияси 1-моддасининг 1-бандига мувофиқ, халқаро молиявий лизинг деганда, бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи) маъқуллаган хусусиятлар ва шартларга мувофиқ учинчи томон (мол етказиб берувчи) билан лизинг берувчининг sanoat курилмаси, ишлаб чиқариш воситаси ёки бошқа ускуна харид қилишига асос бўлувчи мол етказиб бериш шартномаси тузадиган ҳамда лизинг олувчига вақти-вақти билан бўладиган тўлов эвазига ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги шартномага киришадиган битим тушунилади.

Ушбу бобда кўриб чиқиладиган муносабатларни тавсифлашда лизингга берилган айнан шу таъриф асос қилиб олинади.

2-§. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТАРИХИ

Лизингнинг энг қадимги прототипларини Миср ва Месопотамияда милoddан аввалги 5 минг йилликда тузилган ижара шартномалариданок топиш мумкин. Қадимги Римда ҳозирги ижара шартномасига ўхшаш жиҳатларни ашёлар ижарасига оид шартномалар (*locatio conductio rei*)да топиш мумкин. Ушбу шартномаларга биноан, ижарага берувчи

ижарачига келишилган ҳақ эвазига муайян мол-мулкни ё фақат шахсан фойдаланиш (ҳозирги ашёвий ижарага ўхшаш), ё фойда олиш мақсадида ишлатиш (ҳозирги ижарага ўхшаш) мақсадида тақдим этиш мажбуриятини олган. Ашёларни ижарага олиш тўғрисидаги шартнома муайян муддатга тузилган, бунда ижара (масалан, ер ижараси) муддати 5 йилдан ортиқ бўлмаган, чунки давлат ерини ижарага бериш учун ваколатли цензорлар айнан шу муддатга тайинланганлар.

Англияда XVIII асргача узоқ муддатли лизинг (lease) предмети бўлиб фақат кўчмас мулк хизмат қилиши мумкин бўлган. Кўчар мулк (мол) лизингга фақат кўчмас мулк билан боғлиқ бўлгандагина («ўлик» ва «тирик» инвентарь) берилиши мумкин бўлган. Кўчмас мулк лизингининг кенг миқёсда қўлланилишига ёрдам берган бош омиллардан бири шундан иборат эдики, ўша вақтларда Англияда ҳукмрон бўлган доктринага кўра, ерга бўлган чексиз мулкчилик ҳуқуқига (absolute ownership) фақат тожгина эга бўлган, шу боис лизинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини бировга бериш сифатида қўлланилган, чунки ерни олиш-сотиш, умумий ҳуқуққа биноан, кўплаб шарт-шароитлар билан чекланган. Шунинг учун лизинг битимлари ерни олиш-сотиш битимларини алмаштирган ва узоқ муддатга (99 йилдан 999 йилгача ёки муайян шахсинг ҳаёти муддатига) тузилган.

Кўчар мулк эса ўрта асрлар Англиясида континентал ҳуқуқ тизимидаги ёллаш шартномасига яқин бўлган hire шартномаси асосида қисқа муддат фойдаланиш учун берилган.

Шу билан бирга, Англияда товар хўжалигининг ривожланиши лизингга нафақат кўчмас мулкни, балки кўчар мулкни ҳам бериш талаб этилган. Шу боис XIII асрдаёқ баъзи ҳужжатларда кўчар мулк лизингига доир шартноманинг томонлари кўчмас мулк лизингига оид шартнома томонлари билан бир хил ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга эканликлари кўрсатилган. Бироқ кўчар мулк лизинги фақат XVIII аср охирига келиб, яъни Англия ҳуқуқи доктринасида кимгадир доимий равишда берилиши мумкин бўлган ҳар қандай ашё унга узоқ муддатга ҳам берилиши мумкинлиги тан олинганда, кенг тарқалган.

XIX асрда кўчар мулк лизингидан асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва транспорт ускуналарига нисбатан фойдаланилган. Масалан, Лондон–Гринвич темир йўли 999 йилга South Eastern Railway компаниясига паравозлари ва вагонлари билан бирга лизингга берилган.

Шахталарда фойдаланиш учун бериладиган кўмир ташийдиган вагонлар лизинги ҳам кенг қўлланилган. Бунда лизинг шартномаларида кўпинча лизинг олувчининг шартнома муддати тугаганидан сўнг лизингга берилган ашёни бозор нархида сотиб олиш ҳуқуқи назарда тутилган. Англияда темир йўл транспорти воситалари лизингидан темир йўлни давлат сотиб олган 1947 йилгача фойдаланилган.

XX аср бошларида лизингни пойафзал тайёрловчи фабрикалар учун асбоб-ускунлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қўллаганлар. Бунда кўпинча лизинг шартномаларида рақобатни чеклашга қаратилган қоидалар (масалан, лизинг олувчи асбоб-ускуналарни бошқа корхоналардан сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳақидаги нормалар) бўлган. Шундай қилиб, 1919 йилда пойафзал фабрикаларининг 80% фақат битта корхонанинг асбоб-ускунларидан фойдаланган.

АҚШда ҳам анча узоқ вақт давомида (XIX асрнинг иккинчи ярмигача) лизинг фақат кўчмас мулк объектларига нисбатан кенг қўлланилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчмас нарсалар лизинги темир йўлларга инвестиция киритиш шакли сифатида, шунингдек, сотувчи сотган ашёсига мулкдорлик ҳуқуқини харидор унинг ҳақини тўлиқ тўлагунча сақлаб қолган товарларни насияга олиш-сотиш битимларининг ўзига хос кўриниши сифатида кенг қўлланилган.

Худди Англиядаги каби, АҚШда ҳам махсус трастлар ишлаб чиқарувчилардан локомотивлар ва вагонларни сотиб олиб, темир йўлларга лизингга берганлар.

1877 йилда Bell Telephone Company компанияси лизингдан телефонлар ва асбоб-ускуналарни тарқатиш учун лизингни кенг қўллай бошлади.

АҚШда ҳам лизинг шартномаларидан рақобатни чеклаш воситаси сифатида фойдаланилган, лекин аксилтрест қонунчилиги, аввало Клейтон қонуни қабул қилинганидан сўнг лизинг шартномаларининг лизинг олувчини ноқулай ҳолатга солувчи кўплаб қоидалари ноқонуний деб тан олина бошлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШда лизинг муносабатлари жуда тез ривожланган давр бошланди. Бу, энг аввало, юз бераётган фан-техника инқилоби билан боғлиқ эди. Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчилар доимий равишда асбоб-ускуналарни янгилашга мажбур

эдилар. Бошқа томондан, АҚШда етарлича барқарор кредит ресурслари бозори қарор топди. Бу эса молиявий лизинг битимларини ҳам анча самарали ўтказишга имкон берди.

Фақат лизинг операцияларини, жумладан, молиявий лизинг операцияларини амалга оширадиган биринчи компания 1952 йилда Сан-Францискода ташкил этилган «United States Leasing Corporation» бўлди. Ушбу корпорациянинг тадбиркорлик концепциясини «фойда олиш учун ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш шарт эмас, ушбу ускуналардан фойдаланиш имконига эга бўлишнинг ўзи етарли», деган ғоя ташкил қилди.

Лизинг компаниялари оладиган нисбатан катта даромадлар шунга олиб келдики, лизинг билан бошқа молиявий ташкилотлар ва, аввало, банклар ҳам шуғуллана бошладилар. Лизинг компаниялари учун махсус кредит ресурслари бозорини яратишдан ташқари, лизинг чоғида юзага келадиган хавфлар бўйича суғурта қилиш билан шуғулланадиган тегишли суғурта бозорлари ҳам юзага келди. Лизингдан ўз маҳсулотини ўтказишни рағбатлантиришнинг янги шакли сифатида катта молиявий ресурсларга эга бўлган йирик корхоналар ҳам кенг фойдалана бошладилар.

Лизинг хизматлари бозори кескин ошганлиги натижасида илгари лизинг бўйича турли хил фаолият билан шуғулланган лизинг компаниялари ё муайян турдаги ускуналар лизингига ихтисослаша бошладилар, ё муайян турдаги инвесторлар билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қила бошладилар. Ҳатто, махсус тоифадаги воситачилар – лизинг битимлари тузишда воситачилик қилишга ихтисослашган лизинг брокерлари тоифаси юзага келди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Американинг лизинг компаниялари ўз фаолиятларини Канада, Ғарбий Европа, Узоқ Шарқ худудларида, кейинчалик эса дунёнинг бошқа қисмларида ҳам тарқата бошладилар.

1995 йилда Европа мамлакатларида халқаро лизинг улушига инвестиция умумий ҳажмининг 15-17%, Англияда эса 30% тўғри келарди. 1995 йилда АҚШдаги лизинг шартномаларининг ҳажми 130 миллиард долларни, Европада – 123,5 миллиард, Японияда – 35 миллиард долларни ташкил қилди. Бунда Европада енгил ва юк автомобилларининг халқаро лизинг ҳиссасига барча лизинг шартномаларининг 50% тўғри келади. Саноат ускуналари, самолётлар,

денгиз кемалари, ҳисоблаш техникасининг халқаро лизинги ҳам оммалашган. Россияда 1995 йилда лизинг шартномалари тахминан 100 миллион долларлик миқдорда, 1996 йилда эса 300 миллион долларлик миқдорда тузилди.

Шу билан бирга лизинг борасидаги Америка тажрибасидан фойдаланиш АҚШ билан континентал Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизими ўртасидаги катта фарқ туфайли кўплаб муаммолар туғдирди.

Шу боис деярли 15 йил давомида Халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаш бўйича халқаро институт (УНИДРУА)да халқаро лизингни тартибга солувчи ва мазкур муносабатларни тартибга солишга турли давлатларнинг ёндашувларини ўзида уйғунлаштирган қоидалар ишлаб чиқилди. Натижада Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенциянинг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Оттавада (Канада) 1988 йил 9 майдан 28 майгача бўлиб ўтган дипломатик конференция тўпланган 55 давлатга қабул қилиш учун таклиф этилди. Мазкур конференциянинг натижасида Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенциясини АҚШ, СССР, Франция, ГФР, Буюк Британия Бирлашган Қироллиги ва Шимолий Ирландия каби мамлакатлар имзоладилар.

3-§. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГНИНГ ХАЛҚАРО ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Халқаро лизинг бўйича муносабатларни тартибга солувчи халқаро қонунчиликнинг асосий ҳужжати юқорида кўрсатилган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенциясидир.

Ушбу конвенциянинг қабул қилиниши халқаро молиявий лизинг соҳасидаги тартибга солишни унификациялаш муаммосига қизиқиш уйғотди. Натижада ЕҲ комиссияси ЕҲ иштирокчилари бўлган барча давлатлар ушбу конвенцияга қўшилиш истагини билдирди. Ушбу конвенциянинг қоидаларидан LEASEUROPE ҳуқуқий қўмитаси Европа доирасидаги муомалада қўллаш учун Намунавий лизинг шартномасини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланди.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда ушбу конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар доираси унчалик кенг эмас, шу боис кўпинча халқаро молиявий лизинг муносабатлари лизинг (мулкий ёллаш, ижара ва ҳ.к.) бўйича миллий ҳуқуқ нормалари билан ҳам

тартибга солинади.

Бундан ташқари, халқаро молиявий лизинг бўйича муносабатларни тартибга солиш ҳақида гапирганда, халқаро лизинг шартномасининг шартларига шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар қонунчилигидаги маъмурий нормалар ва, аввало, божхона, валюта ҳамда солиқ қонунчилиги ҳам катта таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш лозим, чунки кўпинча ушбу қоидалар инобатга олинмайдиган бўлса, халқаро молиявий лизингнинг иқтисодий маъноси йўққа чиқиши мумкин.

4-§. «ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ» ТУШУНЧАСИ

Юқорида таъкидланганидек, Оттава конвенциясида келтирилган «Халқаро молиявий лизинг шартномаси» тушунчаси бир қанча ўзига хос жиҳатларига эга.

Аввало, ушбу тушунчадан келиб чиқиб, халқаро лизинг бўйича битим уч томонлама шартнома эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Ушбу ҳуқуқий конструкция континентал Европа мамлакатларининг кўп томонлама мажбуриятларнинг фақат ширкат битимларига нисбатан мавжудлигини тан оладиган ҳуқуқий тизимлари учун ноанъанавийдир. Шу боис халқаро молиявий лизинг шартномасини кўп томонлама (уч томонлама) мажбурият деб эмас, балки мол етказиб бериш муносабатлари ҳамда мулкӣ ёллаш (ижара) лизингини ўз ичига оладиган мураккаб шартнома сифатида баҳолаш тўғрӣроқ бўлади.

Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги конвенция 1-моддасининг 2-бандида халқаро молиявий лизинг шартномасининг қуйидаги фарқ қилувчи белгилари кўрсатилган:

– лизинг берувчи ва лизинг олувчи турли давлатларнинг субъектлари бўлиши керак. Сотувчи эса лизинг берувчи давлатининг ҳам, лизинг олувчи давлатининг ҳам субъекти бўлиши мумкин, яъни халқаро молиявий лизинг шартномасининг қисмидаги миллий хусусият унинг халқаро мақомига таъсир этмайди;

– лизинг олувчи асбоб-ускуналар ва уларни етказиб берувчини мустақил равишда танлайди. Лизинг берувчи лизингга берилган асбоб-ускуналарнинг бўлиш эҳтимоли бўлган камчиликлари учун лизинг олувчи олдида ҳар қандай жавобгарликдан озод бўлиши, лизинг олувчи эса одатда олди-сотди шартномаси бўйича харидор эга бўладиган

сотувчига даъво қилиш ҳуқуқларини қўлга киритиши ана шу билан изоҳланади;

– лизинг берувчи асбоб-ускунани уни етказиб берувчидан кейинчалик лизингга бериш учун атайин сотиб олади. Шу муносабат билан, мол етказиб берувчи ушбу ашёнинг охириги фойдаланувчиси (яъни мулкка ҳақ тўлайдиган ва унга мулкдорлик ҳуқуқини сотиб оладиган) лизинг берувчи эмас, балки сотилган ускунанинг камчиликлари ёки етказиб берувчининг кафолатлари мажбуриятлари билан боғлиқ талабларини етказиб берувчига бевосита қўйишга ҳақли бўлган лизинг олувчи бўлиши ҳақида хабар қилинади. Шундай қилиб, халқаро лизинг шартномасининг хусусиятини лизинг олувчи асбоб-ускуналар сотувчиси билан шартномавий муносабатларда бўлмай туриб, ушбу шахсга нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлиши ташкил қилади;

– лизинг тўловлари ускунанинг амортизация муддатига қараб ҳисобланади.

Бундан ташқари, халқаро лизингни тавсифлаганда халқаро молиявий лизинг шартномаси фақат тадбиркорлик соҳасида қўлланиладиган битим эканлигини ва шу боис мазкур шартнома доимо пулли бўлиши, унинг иштирокчилари эса савдо муомаласининг профессионал иштирокчилари эканликларини кўрсатиш зарур.

Шу билан бирга, халқаро лизинг нафақат молиявий лизинг шаклида, балки бевосита лизинг шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин эканлигини таъкидлаш лозим. Масалан, лизинг берувчи (ускуна мулкдори) ва лизинг олувчи ўртасида икки томонлама шартнома тузилганда ҳам халқаро лизинг бўйича битим мавжуд бўлаверади. Бунда лизинг берувчи кейинчалик лизингга бериш учун бошқа сотувчидан ускуналарни махсус сотиб олмайди. Бундай ҳолларда халқаро лизинг бўйича битим нафақат лизинг олувчини кредитлашга, балки лизинг берувчининг товарни ўтказишини рағбатлантиришга ҳам қаратилган бўлади.

Бундан ташқари, халқаро лизинг шартномавий муносабатларга олдинма-кетин икки ва ундан ортиқ лизинг берувчилар ва (ёки) икки ёки ундан ортиқ лизинг олувчилар киришадиган мураккаб шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

5-§. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТИПЛАРИ

Халқаро лизинг муддати ва ҳуқуқий таркибининг мураккаблигига (битимда иштирок этаётган томонларнинг сонига) қараб одатда молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Молиявий лизингда (ингл. financial or finance lease), бошқача айтганда, инвестиция лизингида лизинг олувчи лизингга усқунани ундан хўжаликда фойдаланиш имконини берадиган муддат билан қиёсланадиган муддатга олади. Бундай фойдаланиш муддати ушбу усқунанинг жисмоний ва маънавий эскириш имкониятидан келиб чиқиб белгиланади. Молиявий лизинг одатда 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга тузилади, ҳолбуки айрим ҳолларда лизинг муддати 10 йилдан ҳам ошиши мумкин. Бунда молиявий лизинг шартномаси лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқининг лизинг муддати тугаганидан сўнг лизинг олувчига ўтишини назарда тутиши шарт эмас, чунки ушбу усқуна бу вақтга келиб, лизинг берувчи учун ҳам, лизинг олувчи учун ҳам ҳеч қандай қадрга эга бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, халқаро молиявий лизинг, юқорида айтганимиздек, уч томонлама (мураккаб) битимдир.

Оператив лизингда (operating or operational lease) лизинг олувчи усқунани қисқа ёки ўртача муддатга олади, бу эса лизинг берувчига лизинг муддати тугаганидан сўнг ушбу усқунани бошқа шахс фойдаланиши учун бериш ёки мазкур лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномасини бошқа шартлар асосида узайтириш имконини беради.

Сарфланган маблағларнинг қайтарилиши бўйича лизинглар сарфхаражатлар тўлиқ қопланадиган ва тўлиқ қопланмайдиган лизингларга бўлинади.

Харажатлар тўлиқ қопланадиган лизингда (full payout lease) лизинг тўловлари суммасига лизинг берувчининг барча харажатлари (жумладан, кредит учун фоизлар), шунингдек, лизинг берувчининг фойдаси ҳам киритилади.

Харажатлар тўлиқ қопланмайдиган лизингда (non-full payout lease) лизинг берувчи харажатларининг бир қисмигина қопланади, шу боис лизинг муддати тугаганидан сўнг лизинг берувчи ё лизинг объектини бошқа шахсларга бериши, ё лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномасини узайтириши, ё лизинг объектини харажатларнинг қолган

қисми қопланиши ва фойда олинишини таъминлайдиган нархда сотиши керак бўлади.

Баъзан халқаро лизинг шартномасида лизинг олувчи лизинг предмети лизинг муддати тугаганидан сўнг кафолатланган қиймат (open-end lease) бўйича сотилишини кафолатлаши назарда тутилади. Ушбу объект шартномада белгиланганидан пастроқ нархда сотилган тақдирда лизинг олувчи лизинг берувчига фарқини тўлаб бериши шарт. Агар лизинг предмети шартномада кафолатланганидан анча қимматроқ сотилаётган бўлса, ушбу нархлар ўртасидаги фарқ лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тақсимланади.

Одатда халқаро молиявий лизинг *билвосита лизинг (indirect lease)* бўлади, чунки лизинг берувчи лизинг предмети товар етказиб берувчидан атайин лизинг олувчига лизинг сифатида бериш учун харид қилади, бунда кўп ҳолларда лизинг берувчи банклар ёки бошқа кредит ташкилотларининг молиявий маблағларини ҳам жалб қилади. *Бевосита лизингда (direct lease)* айни пайтда одатда халқаро лизинг предмети ишлаб чиқарувчи бўлган мол етказиб берувчи ушбу предметни лизинг олувчига халқаро лизинг сифатида беради, яъни етказиб берувчи айни вақтда лизинг берувчи ҳам бўлади.

Лизинг предмети нисбатан хавфлар ва мажбуриятларнинг тақсимланишига қараб *тўлиқ халқаро лизинг* (бунда лизинг предмети соз ҳолда сақлаб туриш, яъни унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаб туриш мажбурияти ҳамда хавфлар лизинг берувчида бўлади), шунингдек, *соф халқаро лизингга* (бунда лизинг предмети нисбатан барча мажбуриятлар ва хавфлар лизинг олувчининг зиммасида бўлади) бўлинади.

Бундан ташқари, лизинг шартномаси кўпинча лизинг олувчининг лизинг объектини лизинг муддати тугаганидан сўнг келишилган нархда сотиб олиши мумкинлигини назарда тутди (lease with purchase option).

Шунингдек, лизингнинг *қайтариладиган лизинг (sale end leaseback)* тури ҳам мавжуд бўлиб, у мулкдор ўз мулкни банкка ёки кредит ташкилотига сотиб, сўнгра ушбу мулкни лизингга қабул қиладиган кредит шакли сифатида қўлланилади.

Сублизинг лизинг шартномасининг шундай турики, унда лизинг олувчи илгари лизинг берувчидан олинган ва халқаро лизинг объекти бўлган ашёни сублизинг шартномаси бўйича бошқа лизинг олувчиларга

фойдаланиш учун беради. Оттава конвенциясининг 2-моддасига биноан халқаро лизинг муносабатлари икки ва ундан ортиқ сублизинг шартномаларининг барча бошқа турларида ҳам мавжуд бўлади.

6-§. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГНИНГ ЎХШАШ МУНОСАБАТЛАРДАН ФАРҚИ

Халқаро молиявий лизинг шартномаси олди-сотди шартномаси ва соф лизинг (мулккий ёллаш (ижара) шартномаси элементларига эга бўлган мураккаб шартнома бўлганлиги учун ушбу шартнома мазкур шартномаларга ўзининг асосий белгилари бўйича жуда яқин туради.

Бунда, шубҳасиз, лизинг берувчи билан сотувчи ўртасидаги муносабатлар аслида олди-сотди шартномаси бўлади. Шу билан бирга, халқаро молиявий лизингда учинчи шахсининг, яъни харидор бўлмаган лизинг олувчининг бевосита сотувчи (етказиб берувчи)га даъво қилиш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари, лизинг муносабатлари ривожланишининг муайян босқичида молиявий лизинг ашёни насияга олиш-сотиш шартномасининг тури бўлиб, бунда сотувчи (лизинг берувчи) шартнома предметига бўлган мулк ҳуқуқини харидор (лизинг олувчи) тўловларни тўлиқ амалга оширадиган пайтгача ўзида сақлаб қолади, деган нуқтаи назар билдирилган.

Шу билан бирга, молиявий лизинг шартномасининг бундай олди-сотди шартномасидан асосий фарқи шундаки, олди-сотди шартномасининг мақсади шартнома предметига бўлган мулкдорлик ҳуқуқининг харидорга ўтишидан иборат, молиявий лизинг шартномасининг мақсади эса лизинг олувчига унинг зарур ашёдан фойдаланиш имконини бериб уни кредитлашдан иборат. Шу боис молиявий лизинг предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқининг бировга ўтиши лизинг олувчининг ҳуқуқидир, яъни мулкдорлик ҳуқуқи одатда лизинг олувчи барча лизинг тўловларини тўлаганидан сўнг унга ўз-ўзидан ўтмайди ва лизинг олувчи лизинг муддати тугаганидан кейин ашёни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш ёки лизинг берувчига топшириш ҳуқуқига эга бўлади.

Молиявий лизингда ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи лизинг берувчида эмас, балки лизинг олувчида бўлади (олди-сотди шартномаси бўйича мулк ҳуқуқи сақлаб қолинганда тасодифий нобуд бўлиш хавфи

сотувчида бўлади). Бундан ташқари, халқаро молиявий лизинг шартномаси уч томонлама битим бўлиб, лизинг олувчига шартнома предметининг камчиликлари билан боғлиқ талабларни бевосита мол етказиб берувчига (ишлаб чиқарувчига) қўйиш имконини беради, лизинг берувчи эса, сотувчидан фарқли равишда сотилган ашёнинг камчиликлари билан боғлиқ жавобгарликдан озод бўлади.

Лизинг берувчида (сотувчидан фарқли равишда) ашёни лизинг олувчига топшириш мажбурият йўқ, чунки лизингга бериладиган ашёни одатда мол етказиб берувчининг ўзи бевосита топширади. Бундан ташқари, молиявий лизинг муддати одатда ашёдан хўжаликда фойдаланиш муддатига мос келади, насияга олиш-сотиш шартномасининг муддати эса анча қисқа бўлади.

Континентал Европадаги айрим мамлакатларнинг доктринаси ва суд амалиётида молиявий лизинг шартномаси муайян хусусиятларга эга бўлган лизинг (мулкий ёллаш ва ижара) шартномасининг турларидан биридир, деган нуқтаи назар учраб туради.

Шу билан бирга, молиявий лизингнинг ижара шартномасидан асосий фарқи шундаки, унда лизинг предметини лизинг берувчи лизинг олувчининг кўрсатмаси бўйича харид қилади, шу боис лизинг олувчи лизинг берувчига (ижарачи ижара берувчига нисбатан бўлганидек) фойдаланиш учун берилган ашёнинг камчиликлари билан боғлиқ талабни қўйишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, одатда, молиявий лизинг шартномасига кўра, ижара шартномасидан фарқли равишда, лизинг предмети билан боғлиқ барча хавфлар (мулкдор сифатида) лизинг берувчининг эмас, балки лизинг олувчининг зиммасида бўлади.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, мулкий ёллаш (ижара) шартномасининг мақсади шартнома предметига бўлган фойдаланиш ҳуқуқини олишдан иборат. Молиявий лизинг шартномаси эса, аввало, харид қилинаётган мулкдан фойдаланувчини кредитлашга қаратилган. Айнан шу боис лизинг берувчининг бурчи муайян мулкни унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун беришдангина иборат бўлмай, балки илгаридан белгиланган мулкни учинчи шахсдан харид қилишдан ҳам иборат.

Молиявий лизингнинг мулкий ёллашдан ушбу анча жиддий фарқлари ГФР суд амалиёти молиявий лизинг шартномаларига нисбатан

ёллаш ҳақидаги қонунчилик нормаларини қўллашга умуман йўл қўймайди.

Халқаро молиявий лизинг шартномасини кредит шартномасидан ҳам фарқлаш керак, чунки одатда халқаро лизинг шартномасида ушбу битимнинг учинчи таркибий қисми, яъни банк ёки унинг кредит ташкилоти лизинг берувчи фаолиятини молиялаштириши билан боғлиқ кредит элементи мавжуд. Бунда иқтисодий нуқтаи назардан халқаро молиявий лизинг кредит шартномасига жуда ўхшаш, чунки биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам фоиз тўлаш эвазига қарзга ашё олинади. Бироқ биринчи ҳолда лизинг предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқи кредиторда сақланиб қолади, иккинчи ҳолда эса ашёга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини қарздор сотиб олади. Кредит бераётган банк ушбу ашёнинг гарови ҳақида шартнома расмийлаштиришни талаб қилиши мумкин бўлса ҳам, бироқ, барибир, ашёга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи банкка ўтмайди. Бундан ташқари, молиявий лизингда лизинг берувчи ашёни сотувчидан ўз номи асосида харид қилади. Кредит беришда эса сотувчи билан шартномани қарз олувчи имзолайди.

Лизинг берувчи ашёни сотувчи (етказиб берувчи)дан лизинг олувчининг топшириғи бўйича харид қилиши маълум маънода молиявий лизинг шартномасини комиссия шартномаси (агентлик шартномаси) билан ўхшаш қилади. Шу билан бирга, комиссия шартномасида шартнома предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқини комитент сотиб олади. Молиявий лизингда эса шартнома предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқи лизинг берувчида қолади. Комиссия шартномасига мувофиқ, комиссиянер учинчи шахс билан бўладиган битимни комитент воситалари эвазига бажаради. Молиявий лизингда лизинг берувчи лизинг предметини ё ўз маблағлари эвазига, ё банкдан ўз номидан сотиб олинган молиявий маблағлар эвазига харид қилади. Бундан ташқари, молиявий лизингда лизинг предметини лизинг олувчи амалда ўз номидан олади, комиссия шартномасида эса бу функцияни комиссиянер бажаради.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Халқаро молиявий лизинг шартномаси мураккаб шартнома бўлиб, олди-сотди, ёллаш (ижара), кредит ва комиссия (агентлик) шартномаларининг айрим жиҳатларини ўз ичига олса ҳам, уларнинг турларидан бири эмас. Шу боис халқаро лизинг шарт-

номасида, «халқаро қонунчилик» ҳужжатларида, шунингдек, лизинг ҳақидаги миллий ҳуқуқнинг қўлланадиган махсус нормаларида муайян муносабатлар тартибга солинмаса ҳам, ўхшаш муносабатлар ҳақидаги қўлланиладиган моддий ҳуқуқнинг бошқа нормаларига асосланиш зарур (бунда халқаро молиявий лизинг шартномасининг хусусиятларини ёдда тутиш лозим).

7-§. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Халқаро молиявий лизинг шартномасининг предметини лизинг олувчи тижорат мақсадларида фойдаланишни мўлжаллаган ҳар қандай мулк ташкил қилиши мумкин.

Масалан, Оттава конвенцияси 1-моддасининг 4-бандига мувофиқ, халқаро молиявий лизинг шартномасининг предметини асосан шахсий ҳамда уйда, оилада фойдаланиш учун қўлланиладиган асбоб-ускуналардан бошқа ҳар қандай асбоб-ускуналар ташкил этиши мумкин.

Умуман, халқаро молиявий лизинг шартномасининг предмети нафақат кўчар, балки кўчмас мулкдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Аммо Оттава конвенцияси кўчмас мулкни бундай битимлар халқаро муомалага хос бўлмаганлиги сабабли мазкур Конвенциянинг қўлланиш соҳасидан чиқариб ташлади.

Халқаро молиявий лизинг шартномасининг предметини танлаш ташаббуси одатда лизинг олувчига тегишли бўлади, халқаро лизинг шартномасининг предметини эса лизинг олувчига лизинг берувчи эмас, балки товарни етказиб берувчи топширади.

Шу боис Оттава конвенцияси қоидаларига мувофиқ, лизинг берувчи лизинг олувчи учун ашёни харид қилар экан, сотувчини мазкур ашё муайян шахсга халқаро молиявий лизингга бериш учун мўлжалланганлигини маълум қилиши керак.

Шу муносабат билан Оттава конвенциясининг 8-моддасига мувофиқ, лизинг берувчи лизинг олувчи олдида ускунанинг хоссалари (сифати) учун жавоб бермайди, лизинг олувчи лизинг берувчининг ускунани ёки уни етказиб берувчини танлашдаги аралашуви билан боғлиқ зарар кўрган ҳоллар, шунингдек, лизинг олувчи лизинг берувчининг тажрибасига суянган ҳоллар бундан мустасно. Бунда лизинг берувчи ускуна туфайли содир бўлган ўлим, соғлиққа етказилган зарар ёки ашёнинг бузилиши учун учинчи шахслар олдида ҳам жавобгар бўлмайди.

Оттава конвенциясининг 10-моддасига биноан, лизинг олувчи мол етказиб берувчига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга, мол етказиб берувчи эса лизинг олувчига нисбатан лизинг олувчи етказиб бериш шартномасининг бир томони бўлганда қандай ҳажмдаги мажбу-

риятларга эга бўлса, ўшандай тегишли мажбуриятларга эга. Бунда, албатта, мол етказиб берувчи айти бир зарар учун бир вақтнинг ўзида лизинг берувчи ва лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди. Бундан ташқари, лизинг олувчи бир томонлама тартибда етказиб бериш шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас.

Оттава конвенциясининг 12-моддасига мувофиқ, агар мол етказиб берувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни лизинг олувчига халқаро лизинг предметини етказиб бермаслик ёки кечикиб етказиб бериш орқали бузган бўлса, лизинг олувчи бир томонлама тартибда халқаро лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг берувчига нисбатан ускуналардан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчига халқаро лизинг шартномасига мос келувчи ускунани таклиф қилиб, шартномани лозим даражада бажармаганлигини тузатишга ҳақли бўлади. Бундан ташқари, лизинг олувчи лизинг берувчи унга халқаро лизинг шартномаси талабларига жавоб берувчи ускунани таклиф қилиб, шартноманинг лозим даражада бажармаганлигини тузатмагунча, халқаро молиявий лизинг шартномаси бўйича вақти-вақти билан тўланадиган тўловларни кечиктиришга ҳақли бўлади. Агар лизинг олувчи ҳар ҳолда халқаро молиявий лизинг шартномасини бир томонлама тартибда бекор қилган бўлса, у лизинг берувчидан ўзи тўлаган даврий тўловларни ва аванс тариқасида тўлаган бошқа суммаларни лизинг олувчи ускуналардан олган фойдани чегирган ҳолда қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Ниҳоят, лизинг олувчи лизинг берувчига нисбатан ускуналарни етказиб бермаслик, етказиб беришни кечиктирганлик ёки талабга жавоб бермайдиган ускунани етказиб берганлик билан боғлиқ бошқа ҳеч бир ҳуқуқларга эга эмас. Лизинг берувчи ҳаракатлардаги камчиликларнинг оқибати бўлганлари бундан мустасно.

Бироқ лизинг берувчи халқаро лизингга берилган ускуналарнинг камчиликлари учун лизинг олувчи олдида жавобгар эмаслигига қарамай, унинг ўзи лизинг олувчи билан бир қаторда мол етказиб берувчига лизинг предметининг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли бўлади.

Халқаро молиявий лизинг предметидан фойдаланиш айнан лизинг олувчининг мақсади бўлганлиги учун, лизинг предмети одатда (масалан, автотранспорт воситалари лизингида) лизинг олувчининг номига

қайд этилади. Бунда, қоида тариқасида, қайд ҳужжатларида, лизинг олувчидан ташқари, халқаро лизинг объектининг мулкдори (лизинг берувчи) ҳам кўрсатилади. Бундай объектларнинг халқаро молиявий лизинги ҳақидаги шартномада эса лизинг олувчининг лизинг берувчи розилигисиз қайд ҳужжатларига ҳеч бир ўзгартишлар киритмаслик; халқаро молиявий лизинг шартномаси муддатидан илгари тўхтатилган ёхуд лизинг олувчи лизинг предметини сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда эса ушбу предметнинг қайд этилишини бекор қилиш мажбурияти назарда тутилади.

Лизинг берувчи лизинг олувчига халқаро молиявий лизинг предметига эгалик қилишини ва ушбу эгаликнинг ҳар қандай шахслар тажовузидан ҳимоя қилинишини кафолатлаши керак. Мазкур тажовуз лизинг олувчининг ҳаракатлари ёки камчиликлари туфайли келиб чиққан ҳоллар бундан мустасно.

Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ, лизинг олувчи халқаро лизинг предмети ҳақида лозим даражада ғамхўрлик қилиши, ускунадан одатдаги лизинг олувчи қандай фойдаланса, шундай фойдаланиши ва ускунани у қўйилган шартга мувофиқ сақлаши керак. Бунда ускунанинг табиий эскириши ва томонлар келишган ҳолдаги ўзгаришлари инобатга олинади. Томонларнинг ускуналарни жорий ва капитал таъмирлаш борасидаги мажбуриятлари шартномада белгилаб қўйилади. Одатда, халқаро молиявий лизингда бундай мажбурият лизинг олувчининг зиммасига юклатилади.

Лизинг олувчи халқаро молиявий лизингга берилган ашёда амалга оширган ва ажратиб олса бўладиган яхшилашлар одатда халқаро савдо муомаласида унинг мулки бўлиб ҳисобланади.

Халқаро молиявий лизинг шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида лизинг берувчи лизинг олувчининг шартноманинг халқаро лизинг объектини лозим даражада ва иш ҳолатида сақлашга оид қисмидаги талабларни қандай бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Халқаро молиявий лизинг предметини одатда лизинг берувчи ёки лизинг олувчи суғурта қилдиради. Халқаро молиявий лизинг предметини лизинг берувчи суғурта қилдирган тақдирда шартнома шартларига биноан, суғурта суммаси лизинг тўловига киритилади. Лизинг олувчи суғурта шартномасини тузган тақдирда шартнома одатда лизинг

берувчи фойдасига тузилади, яъни айнан лизинг берувчи суғурта полиси бўйича суғурта қопламасининг олувчиси бўлади.

Оттава конвенциясининг 7-моддасига биноан, лизинг берувчи халқаро молиявий лизинг шартномасининг предмети бўлган ускунага нисбатан ўзининг мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолади, шу боис лизинг олувчи банкротга учраган тақдирда унинг кредиторлари халқаро молиявий лизинг предметига бўлган мулкчилик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтмагунича, ушбу предмет ҳисобидан маблағ ундириши ёки уни хатлаши мумкин эмас.

Конвенциянинг 14-моддасига биноан, лизинг берувчи халқаро лизинг предмети билан боғлиқ ёки лизинг тўғрисидаги шартномадан келиб чиқувчи ўз ҳуқуқларининг ҳаммасини ёки бир қисмини бировга беришга ҳақлидир, бироқ ҳуқуқларни бундай бегоналаштириш шартнома табиатининг ўзгаришига олиб келмайди ва лизинг берувчини унинг ҳеч бир мажбуриятдан озод қилмайди. Лизинг олувчи эса халқаро молиявий лизинг шартномасининг предметини бировга бериш орқали ўз ихтиёрга тасарруф этишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, Оттава конвенцияси 14-моддасининг 2-бандида лизинг олувчига халқаро молиявий лизинг предметидан фойдаланиш ҳуқуқини ёки лизинг тўғрисидаги шартномадан келиб чиқувчи ҳар қандай бошқа ҳуқуқни бировга беришига рухсат этилган. Бироқ у буни фақат лизинг берувчининг розилиги билан ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши мумкин. Бунда сублизинг шартномаси халқаро молиявий лизинг шартномасининг муддатидан ортиқ вақтга тузилиши мумкин эмас.

Халқаро молиявий лизинг предметига нисбатан мулкчилик ҳуқуқига эга бўлмаган лизинг олувчи халқаро молиявий лизинг шартномаси тўхтатилганидан сўнг ёки, шартнома муддати узайтирилмаган тақдирда, шартнома шартларига мувофиқ лизинг берувчига усқунани (халқаро лизинг предметини) қайтариши шарт.

8-§. ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИ

Халқаро молиявий лизинг шартномаси бўйича тўловлар одатда ускуна амортизация муддатининг ҳаммасини ёки асосий қисмини инобатга олган ҳолда, лизинг берувчининг инвестиция харажатларини

қоплайдиган ва унга режалаштирилган фойдани келтирадиган қилиб ҳисобланади.

Лизинг берувчига қоплаб бериладиган инвестиция харажатлари таркибига одатда қуйидагилар киради:

- халқаро молиявий лизинг объектининг дастлабки қиймати;
- лизинг берувчи унга халқаро молиявий лизинг объекти сотиб олиш учун қарз берувчи (кредитор) билан тузиладиган қарз (кредит) шартномаси бўйича тўлайдиган фоизлар;
- кафил билан кафолат шартномаси тузилган бўлса, ушбу шартнома бўйича кафолатларни жалб қилиш харажатлари;
- халқаро молиявий лизинг предметига ҳисобланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (агар лизинг берувчи бундай солиқ ва тўловларни тўлайдиган бўлса);
- лизинг берувчининг халқаро лизинг предметини капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатлари (агар ушбу таъмирлашни лизинг берувчи амалга оширадиган бўлса);
- халқаро молиявий лизингни суғурталаш бўйича тўловлар (агар суғурталашни лизинг берувчи амалга оширадиган ва халқаро лизинг шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса).

Халқаро савдо муомаласида лизинг тўловлари одатда бутун лизинг ашёси бўйича тўлов кўринишида белгиланади, халқаро молиявий лизингга бериладиган ашёлар турли хўжалиқда фойдаланиш муддатларига эга бўлган тақдирда эса лизинг тўловлари ашёларнинг ҳар бир гуруҳи учун алоҳида белгиланиши мумкин.

Лизинг берувчи аввал бошдан лизинг олувчига қараганда қулайроқ ҳуқуқий ҳолатда бўлганлиги учун, халқаро молиявий лизинг шартномаларида одатда лизинг берувчининг мамлакатадаги солиққа тортиш тизими ўзгарган тақдирда лизинг берувчи лизинг тўловининг миқдорини ҳам қайта кўришга ҳақли эканлиги назарда тутилган бўлади. Шу билан бирга, лизинг олувчининг мамлакатадаги шарт-шароитнинг худди шундай ўзгариши, одатда ҳатто лизинг олувчи катта зарар кўриши мумкин бўлган тақдирда ҳам лизинг шартларининг ўзгаришига олиб келмайди.

Қоида тариқасида, халқаро молиявий лизингда лизинг тўловлари қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- 1) пул тўловлари;
- 2) қоплама тўловлар (товарлар ёхуд хизматлар шаклида);
- 3) аралаш тўловлар (юқорида келтирилган иккала шаклнинг аралашмаси).

Бундан ташқари, лизинг тўловларининг қуйидаги турлари ҳам мавжуд:

- аниқ белгиланган умумий суммадаги тўловлар;
- авансли тўловлар (дастлаб лизинг олувчи аванс тўлайдиган, сўнгра эса даврий тўловларни тўлаб борадиган тури);
- ноаниқ тўловлар (бунда тўлов миқдори илгаридан номаълум бўлади, аммо томонлардан бири белгилаган фоизлардан келиб чиқиб ҳисобланади).

Халқаро савдо муомаласи амалиётида лизинг тўловларини пул шаклида тўланганда кўпинча лизинг олувчи лизинг объектини олганидан сўнг ўзининг бўлғуси лизинг тўловлари бўйича қарзини векселларда расмийлаштиради. Бу эса унинг мазкур тўловларни тўлаш мажбуриятини муқаррар қилади ва лизинг берувчининг ушбу тўловларни олиш ҳуқуқини қайта молиялаштириш мақсадида бошқа бировга беришини осонлаштиради.

Оттава конвенциясининг 13-моддасига биноан, агар лизинг олувчи шартнома талабларини бузган бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчидан тўланмаган даврий тўловларни фоизлари ва бой берилган фойдаси билан бирга ундириб олиши мумкин. Бунинг устига агар мазкур бузилишлар жиддий бўлса, лизинг берувчи бўлғуси тўловларни муддатидан олдин талаб қилиб олишга ва лизинг предметини зарарни қоплаган ҳолда қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тўғри, лизинг берувчи талаб қилиши мумкин бўлган зарарлар фақат компенсацион зарарлардир, чунки Оттава конвенциясида ортиқча ҳисобланган зарарларни тўламаслик лозимлиги кўрсатилган.

Лизинг олувчи халқаро молиявий лизинг шартномаси предмети билан боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олиши муносабати билан лизинг предметининг нобуд бўлиши ёки шикастланиши лизинг олувчини лизинг тўловларини тўлашдан озод қилмайди. Шартнома шартларида лизинг берувчига лизинг предмети қайтарилиши назарда тутилган тақдирда лизинг олувчи лизинг берувчига етказган зарарини ҳам

қоплаши шарт.

9-§. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Халқаро молиявий лизинг шартномаси, қоида тариқасида, унда кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг тўхтатилади. Бунда одатда лизинг олувчи лизинг предметини лизинг берувчи билан келишилган нархда сотиб олади. Баъзан лизинг берувчи ва лизинг олувчи шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришлари ва бунда янги шартларни келишиб олишлари мумкин. Одатда шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажарган лизинг олувчи халқаро молиявий лизинг шартномасини янгидан тузиш учун кўпроқ ҳуқуққа эга бўлади.

Агар лизинг берувчи халқаро молиявий лизинг шартномасини давом эттиришни ёки лизинг предметини сотиб олишни (шубҳасиз, унинг шундай ҳуқуқи бўлганда) истамаса, лизинг предмети лизинг берувчига халқаро молиявий лизинг муддати давомида унинг нормал эскиришига мос келадиган ҳолатда қайтарилиши керак.

Халқаро молиявий лизинг шартномаси одатда лизинг предмети йўқолган ва уни ўхшаш предмет билан алмаштириш мумкин бўлмаган ҳолда, шунингдек, томонлар ўзларининг шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаган бошқа ҳолларда муддатидан илгари тўхтатилади.

Лизинг олувчининг шартномани бажармаслик ҳоллари (агар бу шартномада назарда тутилган бўлса) қуйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) лизинг тўловларини умуман ёки ўз вақтида тўламаслик;
- 2) лизинг ашёсини суғурта қилиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги;
- 3) лизинг предметидан шартнома шартларига номувофиқ ҳолда фойдаланиш;
- 4) лизинг олувчи зиммасидаги усқунани жорий ёки капитал таъмирлашнинг амалга оширилмаслиги;
- 5) шартномада белгиланган бошқа ҳоллар.

Лизинг берувчининг ўз мажбуриятларини умуман ёки лозим даражада бажармаслиги ҳам халқаро лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Бироқ одатда халқаро молиявий лизинг шартномаларида лизинг берувчи лизинг олувчига

лизинг предметини берганидан сўнг амалда унга ҳеч қандай мажбурият юклатилмайди, лизинг берувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги асосан лизинг предмети учун сотувчи (етказиб берувчига)га ҳақ тўламаслик муносабати билан юзага келиши мумкин.

Халқаро молиявий лизинг шартномаси томонлардан бирининг айби билан муддатидан олдин тўхтатилганда ушбу томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплаши шарт, чунончи лизинг олувчи ҳам халқаро лизинг шартномасида белгиланган бутун муддат учун лизинг тўловларини тўлиқ тўлаши керак.

Лизинг шартномасининг тугатилиши, шубҳасиз, сублизинг шартномасининг ҳам тугатилишига олиб келади.

Текшириш учун саволлар

1. Лизинг нима?
2. Халқаро молиявий лизингга қандай хусусиятлар хос?
3. Халқаро лизинг қандай келиб чиққан?
4. Халқаро молиявий лизинг қайси халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?
5. Халқаро молиявий лизинг шартномасининг қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Халқаро лизингнинг қандай типларини биласиз?
7. Халқаро лизинг муносабатлари бошқа халқаро иқтисодий муносабатлардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?
8. Халқаро молиявий лизингнинг предметини нималар ташкил қилади?
9. Лизинг тўловлари нима?
10. Халқаро молиявий лизинг шартномаси қандай ҳолларда ва қайси тартибда тугатилади?

VIII бoб. ТОВАРЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШ. ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯ

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Амалдаги халқаро савдода товар ва хизматларни чегара орқали ташиш зарурати юзага келади. Бунинг учун турли хил транспорт воситаларидан фойдаланилади. Шу муносабат билан товарларни ташишнинг икки хил тури, яъни бир турдаги транспорт воситасидан фойдаланишга имкон берадиган **оддий ташиш** ва турли транспорт воситаларидан фойдаланиладиган **аралаш ташиш** фарқланади.

Ташувчи мажбуриятининг предмети бўлмиш товарни давлат чегараси орқали кўчирган ҳолда ташиш **товарларни халқаро ташиш** (ёки **халқаро юк ташиш**) дейилади.

Халқаро юк ташиш қуйидагилар сингари турли хил ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади:

- турли давлатларнинг миллий ҳуқуқида қўлланиладиган юк ташиш муносабатларини тартибга солувчи нормалар;
- халқаро муомалада юк ташишни тартибга солувчи халқаро (унификациялаштирилган) нормалар;
- халқаро муомаладаги халқаро коллизия (унификациялаштирилган) нормалар.

Сўнги пайтларда транспорт техникасининг тез суръатларда ривожланиши (транспорт воситалари тезлиги ва ҳаракат радиусининг ошиши) муносабати билан, давлатлар борган сари кўпроқ ўзаро муносабатга киришмоқдалар. Шу боис ушбу соҳадаги турли халқаро битимларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунда мазкур халқаро шартномалар оммавий (маъмурий) муносабатлар (масалан, транспорт воситаларининг ҳаракатланиш хавфсизлиги)ни ҳам, хусусий (фуқаролик-ҳуқуқий) муносабатларни ҳам, хусусан, товарларни ташишни ҳам тартибга солади.

Муайян давлатнинг бирор халқаро шартномада иштирок этиши одатда уни ўз ички қонунчилигини халқаро шартнома қоидалари билан унификациялашга мажбур қилмайди. Бироқ амалда халқаро шартномалар миллий ҳуқуққа ҳар ҳолда катта таъсир кўрсатади. Ушбу

амалиёт турли давлатлар худудида транспортнинг аниқ тармоғига нисбатан амал қилувчи нормаларни анча унификациялашга ёрдам беради. Бу айниқса денгиз ва ҳаво транспортига, шунингдек, почтага тааллуқлидир. Бошқа томондан қараганда, халқаро миқёсдаги бундай унификациялаш, тармоқ хусусиятига эга бўлиб, турли транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган аралаш (кўп режимли) юк ташишларда қийинчиликлар туғдиради. Шу боис ушбу соҳадаги унификациялаш ҳам халқаро юк ташишларни соддалаштириш бўлган бўларди. Бироқ мақсади контейнерли юк ташишларни соддалаштириш бўлган Товарларни кўп режимли ташишга оид 1980 йилги Женева конвенцияси бугунги кунгача ратификация қилиш учун зарур миқдордаги овозларга эга эмас.

Конвенциялар ва юк ташишлар соҳасидаги бошқа халқаро шартномалар унификациялаштирилган ҳуқуқни яратади. Бу уларнинг нафақат шартнома иштирокчилари бўлган давлатларни бирлаштиришларини, балки алоҳида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган аниқ хусусий юк ташиш шартномалари учун ҳам бевосита қўлланилишини билдиради. Бу билан турли давлатларнинг худудларида амал қилувчи нормалар ўртасидаги баҳсли жиҳатларни йўқ қилиш мақсадида юк ташишларга нисбатан қўлланиладиган ўзига хос коллизия нормалардан фойдаланиш камаяди.

Кўпгина муаллифлар халқаро транспорт ҳуқуқини анъанавий тушуниладиган халқаро савдо ҳуқуқининг таркибий қисми деб ҳисобламайдилар. Бироқ, юк ташишларнинг халқаро савдо муомаласи учун аҳамиятини эътиборга олиб, ушбу соҳадаги лоақал айрим ҳуқуқий манбаларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

2-§. ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ

Халқаро муомалада темир йўл транспортини тартибга солувчи асосий ҳужжат 1980 йил 9 майда Бёрн шаҳрида қабул қилинган ва қисқача COTIF деб номланадиган Темир йўллар бўйича халқаро юк ташишлар тўғрисидаги конвенциядир (*Convention relative aux transports internationaux ferroviaires*). Бунда одамлар ва қўл юкларини ташишга оид муносабатлар тартиби ушбу Конвенциянинг А иловаси (қисқача – CIV)да белгиланган, юкларни ташиш бўйича муносабатлар тартиби эса

худди шу конвенциянинг В иловаси (қисқача – СИМ)да белгиланган (ҳозир СИV ва СИМ иловаларида белгиланган нормалар 1985 йилгача иккита алоҳида конвенцияни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтиш зарур).

СОТИF конвенциясига Европанинг собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари ва Албаниядан (ушбу мамлакат бошқа мамлакатлар билан темир йўл алоқаларига эга эмас) бошқа барча мамлакатлари шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг айрим мамлакатлари ҳам қўшилган. СОТИF конвенцияси ҳамда унинг А ва В иловалари темир йўллар бўйича халқаро юк ташишнинг умумий принципларини тартибга солади. Уларда қандайдир муайян муаммонинг ҳал қилиниши белгилаб қўйилмаган бўлса, конвенция иштирокчилари бўлган давлат-ларнинг тегишли ҳуқуқи қўлланилади.

Темир йўллар бўйича халқаро алоқаларнинг ташкилий масалалари Женевада 1923 йил 9 декабрда имзоланган Темир йўлларнинг ҳуқуқий ҳолати ва халқаро тузилиши ҳақидаги конвенция доирасида унификациялаштирилган.

Девонхонаси Швейцариянинг Бёрн шаҳрида жойлашган Халқаро темир йўл орқали юк ташишлар ташкилотини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

3-§. АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ

Автомобиль транспорти соҳасидаги асосий конвенция 1956 йил 19 майда қабул қилинган халқаро йўлларда юкларни ташиш шартномаси тўғрисидаги Женева конвенциясидир (*Convention relative au contract de transport international des marchandises par route*, қисқача CMR). Ушбу конвенциянинг қоидалари ўша вақтнинг ўзиде Бёрн шаҳрида темир йўл транспортида товарларни ташиш борасидаги СИМ бўйича конференцияда намуна сифатида олинган. CMR конвенциясига, аввало, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари қўшилдилар.

Одамларни автомобилда ташишни тартибга солувчи халқаро конвенция бугунги кунгача ҳам қабул қилинмаган. Ҳозирча йўловчиларни ташиш икки томонлама битимлар асосида амалга оширилмоқда.

Автомобилларда одамларни ташишда божхона конвенциялари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар ичида TIR китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро миқёсда ташиш тўғрисидаги 1959 йил 15 январдаги

божхона конвенцияси (1978 йилда ушбу конвенциянинг янги таҳрири кучга кирди).

Давлатга қарашли бўлмаган, аммо халқаро автомобиль транспортини тартибга солувчи ҳужжатларнинг шаклланишига таъсир қилувчи Автомобиль транспорти халқаро иттифоқи (IRU) сезиларли ўрин тутди.

4-§. ҲАВО ТРАНСПОРТИ

Ҳаво транспорти орқали халқаро юк ташишларда халқаро ҳаво орқали ташишга дахлдор баъзи қоидаларни унификациялаш учун 1929 йил 12 октябрдаги Варшава конвенцияси қўлланилади. Ушбу конвенция 1955 йилги Гаага протоколи деб номланувчи ҳужжат билан, сўнгра эса 1961 йилда Гвадалахара шаҳрида имзоланган Шартнома бўйича ташувчи бўлмаган шахслар амалга оширадиган ҳаво транспорти орқали халқаро юк ташишларга дахлдор айрим қоидаларни унификациялаш тўғрисидаги конвенция билан тўлдирилди. Варшава конвенциясига 1971 йилги Гватемала протоколи ва 1975 йилги Монреаль протоколи билан жиддий ўзгартишлар киритилди.

Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА)га бирлашган ташувчи компаниялар, бундан ташқари, ИАТА белгилаган ва ташиш ҳужжатларининг орқа томонида акс эттирилган «Ташиш шартлари»дан фойдаланадилар (ушбу «Шартлар» тавсия этувчи хусусиятга эга).

Ҳаво транспортининг маъмурий муаммолари, аввало, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги (1944 йил 7 декабрь) Чикаго конвенцияси билан тартибга солинади. Ушбу конвенция қарорларининг амалга оширилишини фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) кузатиб туради.

5-§. ДАРЁ КЕМАЧИЛИГИ

Шу пайтгача дарё кемаларида халқаро юк ташишлар ҳақида ҳеч қандай халқаро шартнома тузилмаган, ҳолбуки тегишли конвенцияни қабул қилиш борасидаги ишлар анчадан буён олиб борилмоқда. 1960 йил 15 мартда Женевада имзоланган Дарё кемалари тўқнашиб кетганда келиб чиқадиган жавобгарликка дахлдор айрим принципларни унификациялаш тўғрисидаги конвенциягина кучга кирган.

6-§. ДЕНГИЗ ТРАНСПОРТИ

Денгиз орқали халқаро юк ташишлар масалада ҳозирги вақтда комплекс кодификациялашган халқаро шартнома йўқ, ҳолбуки БМТ-нинг Юкларни денгиз орқали ташиш тўғрисидаги 1978 йилги Гамбург конвенциясида кодификациялаштиришга ҳаракат қилинган эди. Бу

Конвенция уни 20дан ортиқ давлатлар ратификация қилганларидан сўнг 1992 йил 11 ноябрда кучга кирди. Бунда ушбу конвенцияни унга ҳали қўшилмаган давлатларнинг ҳам (Гамбург қоидалари номи билан) қўллаш ҳолларининг кўпаяётганлиги кузатилади.

Шунга қарамай, кўпчилик денгиз давлатлари эски конвенцияларнинг қоидаларидан фойдаланиб келмоқдалар, ҳолбуки уларнинг мазмуни борган сари кўпроқ эътирозлар келтириб чиқармоқда, чунки улар кема эгалари ва ташувчилар учун жуда фойдали, аммо контрагентлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун фойдали бўлмаган шароитни яратади. Амалиётда Брюссельда имзоланган иккита конвенция энг катта аҳамиятга эга. Улардан бири – коносаментга дахлдор айрим принципларни унификациялаш тўғрисидаги конвенция – 1924 йилда қабул қилинган; баъзан у қисқача Гаага қоидалари деб юритилади. Ушбу Конвенция 1968 йил 23 февралдаги ва 1979 йил 21 февралдаги Брюссель протоколлари билан тўлдирилган. Ушбу конвенциянинг тўлдирилган вариантини баъзан Гаага/Визби қоидалари деб атайдилар. Иккинчи Брюссель конвенцияси ҳам 1924 йилда чиққан бўлиб, унда денгиз кемалари эгаларининг масъулиятини чеклашга доир айрим принциплар унификациялаштирилган (бу конвенциянинг янги варианты 1957 йилда қабул қилинган). Сўнгра у 1979 йил 23 февралдаги Брюссель протоколи билан тўлдирилган.

1074 йил 13 декабрда қабул қилинган Денгиз орқали йўловчилар ва уларнинг юкларини ташиш бўйича Афина конвенциясини ва 1976 йил 19 ноябрда Лондонда қабул қилинган Денгизнинг айрим қисмларига даъволар бўйича масъулиятни чеклаш тўғрисидаги конвенцияни ҳам эслатиб ўтиш мумкин.

7-§. ПОЧТА ТРАНСПОРТИ

Халқаро йўлларда почта юкларини ташиш масалалари Бутун жаҳон почта конвенцияси ва унинг иловалари билан тартибга солинган. Унинг ҳозирги пайтда ҳам кучда бўлган матнлари 1989 йилда Вашингтонда бўлиб ўтган Жаҳон почта иттифоқининг XIX конгрессида, охириги матн эса Сеулда 1994 йилда бўлган конференцияда тасдиқланган ва 1996 йил 1 январда кучга кирган.

8-§. ТРАНЗИТ

Транзит – икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудидан юкларни олиб ўтиш. Бундай юк ташишлар учун 1921 йилда қабул қилинган Транзит эркинлиги тўғрисидаги Барселона конвенцияси дастурий аҳамиятга эга. Ушбу конвенциянинг қоидалари умумий хусусиятга эга бўлиб, барча турдаги транспорт воситаларига тегишли. Амалиётда эса у дарё транспортига нисбатан қўлланилади, чунки унга нисбатан ҳалигача юк ташишлар бўйича халқаро ҳужжатлар йўқ. Бошқа турдаги транспорт воситаларига келганда эса тегишли халқаро конвенция айни вақтда ўз нормалари билан транзит муаммоларини ҳам қамраб олади.

Текшириш учун саволлар

1. Товарларни халқаро ташиш нима ва унинг қандай турларини биласиз?
2. Халқаро юк ташиш қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?
3. Халқаро экспедиция нима?
4. Халқаро муомалада темир йўл транспортини тартибга солувчи асосий ҳужжат қайси?
5. Автомобиль транспорти соҳасидаги халқаро муносабатлар қайси ҳужжат билан тартибга солинади?
6. Одамларни халқаро ташиш қайси халқаро ҳужжат билан тартибга солинади?
7. Ҳаво транспорти орқали халқаро юк ташишларда қайси халқаро ҳужжатларга асосланилади?
8. Денгиз орқали халқаро миқёсда юк ташиш қандай тартибга солинади?
9. Халқаро транзит нима ва у қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

IX боб. ХАЛҚАРО САВДОДА ФРАНЧАЙЗИНГ

1-§. ФРАНЧАЙЗИНГ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТАСАВВУР

«Франчайзинг» термини французчадан келиб чиққан. «Франшиза» (фр. franchise) – имтиёз, афзаллик. Бироқ термин инглизча бўлмаса ҳам, франчайзинг муносабатларининг ўзи Европа минтақасида эмас, балки АҚШда юзага келган. АҚШ ҳуқуқида «франшиза» термини турли хил муносабатларни тавсифлаш учун қўлланилади. Масалан, «спорт франшизаси» муайян ҳудудда спорт командаси тузишга рухсат берган лиганинг ҳомийлигида бундай командани тузиш учун берилган рухсатдир. «Сайлов франшизаси» АҚШ Конституциясининг 15, 19 ва 24-тузатишлари билан кафолатланган овоз беришда иштирок этишдир. Шу билан бирга, корпорация устави ҳам «франшиза» – «бош (умумий) франшиза» деб талқин этилади, айти пайтда «махсус франшиза» жамият мулкидан жамият учун фойдали мақсадларда ва шахсий даромад олиш мақсадларида фойдаланишга доир ҳар қандай ҳуқуқни ўз ичига олади.

Бироқ ушбу бобнинг мақсади фақат «тадбиркорлик франчайзинги» (ингл. business format franchising)ни келиб чиқишдан иборат. Тадбиркорлик франчайзинги деганда, АҚШ қонунларига биноан, «франчайзер ва франчайзи ўртасидаги давом этаётган ҳамда нафақат маҳсулот, хизматлар ва савдо маркасини, балки бир қатор ишбилармонлик муносабатлари, яъни маркетинг стратегияси ва режаси, ходимлар учун йўриқнома ва ишлаб чиқариш стандартлари, сифат назорати ва доимий икки томонлама ахборот алмашинувини ўз ичига олувчи ишга оид муносабатлар» тушунилади.

Яъни **тадбиркорлик франчайзинги** деганда, бир шахс (франчайзер) иккинчи шахс (франчайзи)га франчайзер фаолиятига ўхшаш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун қўриқланишга қодир (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва бошқ.) ҳамда қўриқланишга қодир бўлмаган (иш тажрибаси ва бошқ.) мулкӣ ҳуқуқлар ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари (тижорат маълумотлари ва бошқ.) берадиган муносабатлар тушунилади.

«Тадбиркорлик франчайзинги»га (бундан буён – франчайзинг) бундай ёндашув мазкур муносабатларни тартибга солувчи деярли барча

ҳуқуқий тизимларда мавжуд.

2-§. ФРАНЧАЙЗИНГ ТАРИХИ

Франчайзинг тадбиркорлик муносабатларининг махсус тури сифатида АҚШда XIX асрдаёқ юзага келган, бироқ Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида фақат 1950 йиллардан кейингина кенг тарқалган. Ушбу шартнома оммалашганлигининг сабаби шундаки, ундан фойдаланиш, бир томондан, франчайзернинг илгари у камраб олмаган ҳудудлардаги бозорларда унинг таъсир доирасини кенгайтиришга ёрдам берса, бошқа томондан эса, франчайзига бозорнинг ушбу соҳасида маълум бўлиб улгурган шахс номидан янги турдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имконини беради. Бунда кўпинча франчайзерга янги (айниқса, хорижий давлатлардаги) бозорларни франчайзи орқали ўзлаштириш савдо ваколатхоналари шаклини қўллашдан кўра анча фойдалироқ бўлади, одатда франчайзи шахсий масъулияти асосида ҳаракат қилиб, ходим ёки агентга қараганда кўпроқ фаоллик кўрсатади.

Бугунги кунда франчайзингдан жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатиде кенг фойдаланилади. АҚШда чакана савдо-сотик ҳажмининг учдан бир қисми франчайзинг тармоқлари орқали амалга оширилади. Австралияде франчайзинг тез овқатланиш тармоғиде кўрсатиладиган хизматлар умумий ҳажмининг 90 % ини ташкил қилади. Бироқ бир қанча давлатлардаги франчайзинг қонун даражасиде тартибга солинган. Чунончи, Россия фуқаролик кодексида «Тижорат концессияси» деган алоҳиде боб бўлиб, муносабатларнинг маъносиге кўра франчайзингга яқин туради. АҚШ федерал қонунларида ҳам франчайзингни тартибга солувчи бир қанча ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Савдо бўйича федерал комиссия Франчайзинг ва қўшма тадбиркорлик фаолиятига доир қоидаларни ишлаб чиққан. Ушбу қоидалар франчайзингнинг баъзи турлариге нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, АҚШдаги бир қатор штатларининг қонунларида франчайзинг битимларини қайд этишга оид мажбурий талаб мавжуд. Аммо бошқа миллий ҳуқуқий тизимларда франчайзинг муносабатларининг қонун билан тартибга солинмаганлиги ушбу давлатларда ҳам шартномаларнинг мазкур турларини кенг қўллашга халақит бермайди.

Франчайзинг халқаро савдода ҳам кенг қўлланилади. Масалан,

McDonald's, Holiday Inn, Yves Rocher ва бошқа халқаро франчайзинг тармоқлари машҳур.

3-§. ФРАНЧАЙЗИНГНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАРТИБГА СОЛИШ

Халқаро франчайзингнинг кенг тарқалганлиги ушбу муносабатларнинг универсал халқаро тартибга солинишига олиб келмади, шу боис ҳуқуқларни ҳимоя қилишда халқаро франчайзинг шартномасининг томонлари одатда саноат ва муаллифлик ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро конвенциялар тақдим этадиган воситалардан фойдаланадилар. Масалан, саноат ҳуқуқлари 1883 йилда қабул қилинган Саноат мулкани қўриқлаш тўғрисидаги Париж конвенцияси ва унинг протоколларига мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқлари эса – 1952 йилда қабул қилинган Муаллифлик ҳуқуқи бўйича бутунжаҳон (Женева) конвенцияси, 1886 йилда қабул қилинган Бёрн конвенцияси ва бошқа халқаро шартномалар билан ҳимоя қилиниши мумкин.

Халқаро франчайзинг шартномаси бўйича муносабатлар асосан тузилган шартнома шартлари, шунингдек, франчайзер ва франчайзи мансуб бўлган давлатнинг миллий қонунлари билан тартибга солинади.

Франчайзининг шартномасига, миллий қонунларни қўллашга доир умумий қоидалардан ташқари, деярли ҳар доим франчайзи мансуб бўлган давлатнинг монополистик фаолиятга қаршилик кўрсатишни ва рақобатни ривожлантиришни тартибга солувчи ёхуд франчайзинг шартномасини рўйхатга олиш тартибини белгиловчи қонунлари таъсир этади.

Франчайзинг шартномасига доир муносабатларни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Халқаро франшиза уюшмасининг тавсиялари (масалан, ушбу ташкилот франчайзернинг франчайзига таъсир кўрсатиш чегараларини белгиловчи ахлоқ кодексини ишлаб чиққан), шунингдек, «Халқаро қонунчилик»нинг минтақавий ҳужжатлари билан (масалан, Европа ҳамжамияти доирасида) чекланади.

Бунда ЕҲ ҳуқуқи узоқ вақт мобайнида франчайзинг муносабатларини махсус тартибга солмай келди. 1986 йилда Европа Адолат Суди франчайзинг шартномасининг ҳақиқийлиги тўғрисидаги биринчи қарорини чиқарди ва уни ЕҲнинг қонунчилигига зид эмас, деб эътироф этди.

Ушбу масала Рим шартномаси (Европа иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома)нинг 85-моддасида сотув ёки харид

нархларини ёхуд бошқа савдо шартларини бевосита ёки билвосита белгиловчи, ишлаб чиқариш, бозор, техник ривожланиш ёки инвестицияларни чекловчи ёки назорат қилувчи бозор ёки хомашё манбаларини бўлувчи ҳар қандай битимларни ҳақиқий эмас деб тан олиб, рақобатни чеклашни тақиқлаши муносабати билан юзага келди.

Шу билан бирга, ушбу модданинг учинчи қисми ЕҲ Комиссиясига бундай битимлардан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зарар етказмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки товар сотишни яхшилашга олиб келса ёхуд техникавий ёки иқтисодий тараққиётга ёрдам берса, 85-модданинг биринчи қисмида белгиланган қоидадан истиснолар қилади.

«*Pronuptia de Paris GmbH v. Pronuptia de Paris Irmgard Schillgallis* (1986)» иши Европа Адолат Судида франчайзи франчайзерга пул тўлашдан бош тортганлиги муносабати билан кўриб чиқиларди. Ишнинг моҳияти қуйидагича эди. *Pronuptia* фирмасининг тўй либослари ГФРда франчайзер дўконларининг тармоғи орқали, шунингдек, франчайзинг шартномаси асосида фаолият кўрсатувчи мустақил савдо ташкилотлари орқали сотиларди. Франчайзи (*Pronuptia de Paris Irmgard Schillgallis*) учта ҳудудда – Гамбург, Олденбург ва Гоноверда савдо қилиш учун рухсат олган. Франчайзер франчайзига *Pronuptia de Paris* савдо маркасидан мазкур ҳудудларда фойдаланиш бўйича эксклюзив ҳуқуқ берган ва ушбу ҳудудларда худди шундай дўконлар очмаслик мажбуриятини олган. Франчайзер, шунингдек, франчайзининг тадбиркорлик стратегиясини ишлаб чиқишда ва дўконларнинг фойдасини оширишда кўмаклашиш мажбуриятини олган.

Франчайзи мустақил савдо воситачиси сифатида барча хавфларни ва товарларни фақат шартномада кўрсатилган дўконлар тармоғи орқали сотиш, бир йиллик сотув ҳажмининг 10% миқдорида роялти тўлаш, рекламани фақат франчайзер билан келишилган услуга ва франшизанинг тегишли халқаро обрўсига мувофиқ амалга ошириш, франчайзинг шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бир йил давомида франчайзер билан бевосита ёки билвосита рақобатга киришмаслик, шартномада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсларга бериш учун франчайзернинг розилигини олиш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Суд қарори франчайзинг шартномаси Рим шартномасининг 85-

моддасига мувофиқ келиш-келмаслиги масаласи атрофида жамланди (бунда дастлаб суд (*Pronuptia de Paris* билан бўлган ҳол каби) дистрибьюторлик сотув франчайзинги билан ишлаб чиқариш ва сервис франчайзинги ўртасидаги фарқни аниқлади). Суд кўриб чиқиладиган франчайзинг шартномаси рақобатни чекламайди, бинобарин, шартноманинг франчайзинг амал қилишини таъминловчи нормалари Европа ҳамжамиятининг қонунларига зид эмас, деган хулосага келди. Масалан, франчайзер мазкур ноу-хау ва ёрдам франчайзернинг рақобатчиларига маълум бўлмаслиги чораларини кўриб, ноу-хауни бошқа шахсларга бериши ва унинг усулини қўллашда франчайзига ёрдам бериши мумкин. Франчайзи (франчайзерга) шартноманинг амал қилиш даврида ёки ушбу муддат тугаганидан сўнг оқилона давр мобайнида франчайзинг тармоғининг бошқа аъзолари билан рақобатга киришиб қолиши мумкин бўлган ҳудудда худди шундай ёки ўхшаш товарлар сотиладиган дўконлар очишни тақиқловчи ҳудудий шартлар франчайзингнинг ривожланиши учун зарур ва шу боис бунга йўл қўйиш мумкин. Франчайзингнинг лицензия олинган объектларни сотмаслик мажбуриятини олишига ҳам йўл қўйилади.

Шартномага франчайзинг тармоғининг айнанлигини ва обрўсини сақлаб қолишга доир истиснолар киритишга ҳам йўл қўйилади. Ушбу талаб шартномага франчайзига фақат франчайзер етказиб берган ёки у маъқуллаган манбалардан олинган товарларни сотиш мажбуриятини юқловчи қоидаларни киритишга имкон беради. Бунда ҳар бир франчайзининг бошқа франчайзилардан товар сотиб олишига рухсат этилиши керак.

Шу билан бирга, суд шартноманинг Умумий бозорни франчайзер ва франчайзи ёки бир неча франчайзилар ўртасида тақсимлашга қаратилган нормалари рақобатни чеклаши ва Рим шартномасининг 85-моддасида бузиши мумкин, деган хулосага келди.

Шундан сўнг ЕҲ Комиссияси Европа Адолат Судининг *Pronuptia de Paris* иши бўйича қабул қилган қароридан сўнг Рим шартномаси 85-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, франчайзинг шартномалари учун гуруҳий истисноларни берувчи № 4087/88 директивани қабул қилди.

Мазкур директива фақат товарларнинг чакана савдоси ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги франчайзинг шартномаларига нисбатан қўллани-

лади ҳамда франчайзинг шартномасига киритилиши мумкин бўлган (ўзига хос «оқ рўйхат») чеклашлар рўйхати, шунингдек, йўл қўйиб бўлмайдиган чеклашлар рўйхати («қора рўйхат»)га эгадир.

Ушбу чекловларнинг шартлари «Умумий Европа» давлатларида бажарилиши мажбурийдир, чунки директива қоидаларидан ҳар қандай четга чиқиш Рим шартномаси 85-моддасининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳар қандай битимнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги иккинчи қисми қўлланилишига олиб келиши мумкин.

4087/88 директиваси ҳар бир франчайзидан, савдо маркасининг эгаси ким эканлигидан қатъи назар, ўзини алоҳида корхона деб билишини (идентификация қилишини) талаб этади. Бу франчайзернинг франчайзи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш чоғида йўл қўйган камчиликлар учун биргаликда ёки қўшимча равишда жавобгар бўлмаслигига имкон беради.

4087/88 директиваси франшизани савдо маркази, савдо номи, белгиси, фойдали моделлар, дизайн, муаллифлик ҳуқуқлари, ноу-хау ёки товарларни олиб сотиш ёхуд истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун олинадиган патентларга доир саноат ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар мажмуи сифатида таърифлайди. Франчайзинг шартномаси франчайзер бевосита ёки билвосита ҳақ тўлаш эвазига франчайзига муайян турдаги товарлар ва (ёки) хизматлар бозорида франшизадан фойдаланиш ҳуқуқини беришига асос бўладиган шартнома сифатида таърифланади. Мастер-франчайзинг шартномаси франшизадан учинчи шахслар билан франчайзинг шартномаси тузиш орқали фойдаланиш ҳуқуқи деб тушунилади.

4087/88 Директивасининг 1-моддаси ЕҲ доирасида франчайзинг шартномаларида рақобатни қуйидагича чеклашга рухсат беради:

– франчайзининг айрим ҳудудий ҳуқуқларга, жумладан франчайзернинг товарларни учинчи шахсларга сотмаслик ёки ушбу ҳудуддаги бошқа франчайзиларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятига эга бўлиш имконияти;

– франчайзининг фаолиятини шартномада белгиланган хона (бино)ларда ҳудудий чеклаш (франчайзининг ўхшаш хона (бино)ларга кўчиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда);

– франчайзини шартномада белгиланган ҳудуддан ташқарида учинчи шахслар билан мастер-франчайзинг шартномалари тузишини

тақиқлаш;

– франчайзининг франчайзер билан келишилган ҳудуддан ташкарида истеъмолчиларни фаол излашини ёки бошқа франчайзилар ёхуд франчайзер билан рақобатга киришишини чеклаш;

– франчайзининг франчайзер ҳамда бошқа франчайзилар билан рақобатга киришадиган товарларни ишлаб чиқариши, сотиши ёки улардан фойдаланишини чеклаш (эҳтиёт қисмлари ва қўшимча буюмлар бундан мустасно), шунингдек, франчайзернинг рақобатчиларга инвестиция киритишини чеклаш.

4087/88 Директиваси франчайзерга зарур даражада франчайзидан ўз саноат ва интеллектуал мулкани ҳимоя қилишини, шунингдек, умумий франчайзинг тармоғининг айнанлиги ва обрўсига риоя этишни талаб қилишига рухсат беради. Франчайзернинг талаблари франчайзининг сифати бўйича франчайзер белгилаб берадиган объектив талабларнинг муайян минимумига жавоб берувчи товарларни сотиш ёки улардан фойдаланиш ёхуд, агар сифатнинг ҳолисона хусусиятларини белгилаш имкони бўлмаса, франчайзер танлаган учинчи шахсларнинг товарларини сотиш мажбуриятини ҳам қамраб олиши мумкин.

Франчайзи франчайзернинг дистрибьюторлик тармоғи доирасида фақат истеъмолчиларга, бошқа франчайзиларга ва (ёки) бошқа шахсларга товарларни сотиши, муайян сотиш «тактикасини» қўллаши ёки товарларнинг муайян минимумини таклиф этиши шарт.

Бундан ташқари, франчайзи сотувда маълум даражага эришиши, товарларнинг муайян минимумини ишлаб чиқариши, франчайзинг усулида франчайзер таклиф қилган ўзгаришларни инобатга олиши, миждозлик ва кафиллик хизматини кўрсатиши, франчайзернинг кафолатларига риоя этиши ва бошқа ишларни амалга ошириши шарт бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, 4087/88 Директивасида франчайзининг бошқа франчайзилар ёки дистрибьюторлардан товарлар сотиб олиш, сотув баҳоларини белгилаш (баҳоларни франчайзер фақат тавсия этиши мумкин), учинчи шахслардан эҳтиёт қисмларни ва қўшимча буюмларни олиш, ўзи жойлашган ердаги келишилмаган истеъмолчиларга товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

4087/88 Директиваси франчайзерга ўзининг ноу-хаусини ҳимоя

қилишига рухсат беради. Франчайзер франчайзига ўзининг ноу-хаусини ошкор қилмаслик ёки франшизадан фойдаланиш доирасидагина қўллаш мажбуриятини юклаши мумкин. Бироқ ноу-хау ҳаммага маълум бўлиб улгурган ёки франчайзининг шартномани бузишидан бошқа сабаб туфайли ноу-хаудан фойдаланиш осон бўлиб қолган ҳоллар бундан мустасно. Франчайзи ходимлари ноу-хауни сир сақлашлари шарт. Франчайзи франчайзернинг рекламага оид талабларига риоя этиши ва амалга ошираётган рекламасида франчайзернинг маъқуллашига эришиши шарт.

Франчайзер франчайзига франшизанинг қисми бўлган саноат ва муаллифлик ҳуқуқларининг қадрини шубҳа остига олишини тақиқлай олмайди. Франчайзи у ёки бу ҳуқуқларнинг қадрига нисбатан шубҳа билдирса, франчайзер шартномани бекор қилишни талаб этиши мумкин. Франчайзер ўзининг франчайзи фаолиятини текшириш, бошқа биноларга кўчишни тақиқлаш ёки франчайзинг шартномасини сотишга розилик бермаслик ҳуқуқларидан саноат ёки муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, франчайзинг тармоғининг умумий айнанлиги ва обрўсига риоя этилишини ёки франчайзи шартнома шартларини қандай бажараётганлигини текширишдан бўлак мақсадларда фойдаланмаслиги керак.

4-§. «ХАЛҚАРО ФРАНЧАЙЗИНГ ШАРТНОМАСИ» ТУШУНЧАСИ

Франчайзинг шартномасининг умумий таърифидан ва уни халқаро савдода қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, халқаро франчайзинг шартномаси қуйидаги асосий белгиларга эга:

– у тадбиркорлик битимининг тури бўлиб, бунинг оқибатида унинг томонларини фақат тижоратчилар (тадбиркорлар) ташкил қилиши мумкин;

– у ўзаро мажбурият юкловчи шартномадир, яъни ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар франчайзерда, франчайзида ҳам пайдо бўлади;

– у интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш, олди-сотди, ширкат (шериклик) муносабатлари элементларини бирлаштирувчи комплекс шартнома сифатида қаралади;

– ўзининг тадбиркорлик хусусияти туфайли франчайзинг шарт-

номаси ҳақ тўланадиган шартномадир;

– одатда муддатли битим бўлади;

– ўзининг «ишга оид комплекс» – интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар – фирма номи, товар белгиси, ноу-хау (тижорот сири) – ва бошқа саноат ҳуқуқлари, шунингдек, муайян усулда товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишга ёхуд истеъмолчиларга хизмат кўрсатишга имкон берувчи муаллифлик ҳуқуқлари ва ахборотни ўз ичига оладиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тизимидан иборат битим предмети билан ажралиб туради;

– соф кўринишдаги айирбошлаш битими эмас, яъни қарама-қарши бўлса-да, томонлар манфаатлари бор, бироқ, шу билан бирга франчайзер ва франчайзининг франчайзи фаолиятини муваффақиятли амалга оширишдан (айниқса франчайзи олган фойдадан фоиз кўринишидаги мукофот тўлаш ҳолларида) умумий манфаатдорлик мавжуд.

5-§. ХАЛҚАРО ФРАНЧАЙЗИНГ ТУРЛАРИ

Халқаро франчайзинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўлланилади. Бунинг натижасида уни қўллаш усуллариغا кўра, унинг хилма-хил турларини учратиш мумкин. Бунда, агар франчайзингни қўлланиш соҳаси бўйича таърифлайдиган бўлсак, унинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. **Ишлаб чиқариш франчайзинги** (ингл. processing franchise). Унга кўра, франчайзер муайян товарни қайта ишлайдиган ёки ишлаб чиқарадиган шахсга маълум бир таркибий қисмларини ёки техникавий билимларни етказиб беради, яъни франчайзер франчайзига ўз савдо маркаси остида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини беради. Франчайзингнинг ушбу тури бўйича франчайзер франчайзига, шунингдек, маркетинг, маҳсулот сотиш ва унга хизмат кўрсатишга доир маълумотларни бериши мумкин. Франчайзингнинг ушбу тури умумий овқатланиш соҳасида анча кенг тарқалган.

2. **Сервис франчайзинги** (ингл. service franchise). Унга мувофиқ, франчайзер ўзи ишлаб чиққан хизмат кўрсатиш тизимини франчайзига беради. Франчайзи эса франчайзернинг савдо маркаси остида истеъмолчиларга хизмат кўрсатади. Франчайзингнинг бу тури автомобилларга хизмат кўрсатиш ёки кредит карточкалари бўйича хизмат

кўрсатиш соҳаларида етарлича кенг тарқалган.

3. **Сотув франчайзинги** (ингл. distribution franchise). Унга кўра, франчайзи муайян ҳудудда франчайзернинг товарини унинг савдо маркази остида сотади. Масалан, автомобиль ёнилғиси ёки косметика кўпинча ушбу турдаги франчайзинг асосида сотилади.

Франчайзингни франчайзер билан франчайзи ўртасидаги муносабатларнинг турларига, яъни ишлаб чиқарувчи билан улгуржи сотувчи ўртасидаги, ишлаб чиқарувчи билан чакана сотувчи ўртасидаги, улгуржи ва чакана сотувчилар ўртасидаги муносабатларга кўра ҳам таснифлаш мумкин.

6-§. ХАЛҚАРО ФРАНЧАЙЗИНГНИНГ ЎХШАШ МУНОСАБАТЛАРДАН ФАРҚИ

Франчайзинг шартномаси турли соҳаларда қўлланилганлиги ва хилма-хил турларга эгаллиги туфайли, франчайзинг шартномаларининг баъзи турлари мажбуриятларнинг бошқа турлари билан ўхшаш бўлган кўпгина умумий жиҳатларга эга.

Франчайзинг шартномасига энг яқин бўлганларидан бири лицензия асосидаги шартномалар, яъни интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга доир шартномалардир. Бир қатор муаллифлар ҳатто франчайзинг шартномасини лицензия асосидаги шартномаларнинг тури сифатида қарайди, чунки франчайзинг предметининг асосини ҳам интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бировга бериш ташкил қилади. Бироқ уларнинг ўхшаш жиҳатлари билан бирга, муайян фарқлари ҳам мавжуд. Бундай фарқларнинг асосийси шундаки, франчайзинг шартномасининг мақсади доимо янги тадбиркорлик комплексларини яратишдан иборат бўлади, лицензияга асосланган шартномалар эса, қайси мақсадда қўлланилишидан қатъи назар, интеллектуал мулкнинг айрим объектларидан фойдаланишгагина қаратилган. Бундан ташқари, франчайзинг шартномасининг предмети интеллектуал мулк объектларини фойдаланишга топшириш билан чекланиб қолмайди ва пулли асосда хизмат кўрсатиш шартномаси, ширкат шартномаси ва ҳатто олди-сотди шартномасининг у ёки бу жиҳатларини қамраб олади. Лицензиат ташқи муносабатларда лицензиардан фарқ қилувчи шахс сифатида қатнашадиган одатдаги лицензия шартномаларидан фарқли равишда, франчайзинг шартномасида фран-

чайзи истемолчилар билан бўладиган муносабатларда амалда франчайзер билан бир хил бўлади.

Сотув франчайзингига доир шартномани баъзан фақат (истисноли) товарлар сотиш тўғрисидаги шартнома (ингл. solo distribution agreement), Франция, Бельгия ва Швейцарияда бошқача, яъни тижорат концессияси шартномаси (contract de concession commercial) ёки, халқаро товарлар олди-сотдисига нисбатан, фақат (истисноли) импорт тўғрисидаги шартнома деб аталадиган шартнома билан қиёслайдилар.

Фақат (истисноли) товарларни сотиш тўғрисидаги шартномада дистрибьюторнинг товарларни сотишда юридик жиҳатдан мустақиллиги, унинг муайян саноат ҳуқуқларини, жумладан, товар белгисидан фойдаланиш, асосий сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар)нинг дистрибьюторга муайян хизматлар кўрсатиши, муайян хулқ-атвор шартларини, чунончи, рекламада, мижозлар билан ўзаро муносабатдаги хулқ-атвор шартларини белгилаб бериши, дистрибьюторга муҳофаза қилина олмайдиган ҳуқуқларни, хусусан, тижорат тажрибасини бериш кабиларни назарда тутди.

Бундан ташқари, фақат (истисноли) товарларни сотиш тўғрисидаги шартномада бир томонлама ёки икки томонлама «истиснолар тўғрисидаги шартлар» (яъни ё дистрибьютор учун бошқа товарларни сотиш, ё асосий сотувчи учун товарларни шартнома «худудида» сотиш мумкин эмаслиги, ё томонларнинг «истиснолар» ҳақидаги шартларга риоя этиши бўйича мажбурияти) мавжудлиги назарда тутилади.

Юқорида баён этилган шартлар сотув франчайзинги шартномасига ҳам хос, бироқ франчайзинг шартномаси томонларнинг анча яқин ўзаро муносабатларини тақозо этади (ҳолбуки, ҳуқуқ нуқтаи назаридан, ушбу мезон аниқ эмас, бу эса айрим муаллифларга сотув франчайзинги шартномасини ва фақат (истисноли) товарларни сотиш тўғрисидаги шартномани шартноманинг бир тури деб талқин этиш имконини беради). Бунда франчайзингнинг бошқа турлари (ишлаб чиқариш ва сервис франчайзинги) ўзининг хусусиятига кўра фақат (истисноли) сотиш шартномасидан жиддий фарқ қилади.

Франчайзинг шартномасини бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсни бошқариши билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик шартномасидан ҳам фарқлаш зарур. Уларнинг ўхшашлиги шундаки, франчайзинг шартномасига ҳам, бошқарув шартномасига ҳам бир шахснинг бошқа

шахсни назорат қилиши ва амалда бошқариши хос бўлиб, бунинг натижасида айрим мамлакатларнинг қонунларида «бошқарувчи» шахсинг у назорат қиладиган шахс мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги назарда тутилган. Бироқ ушбу шартномалар ўртасида катта фарқлар ҳам mavjud бўлиб, франчайзинг шартномасининг мақсади «ишга оид комплексни» объект сифатида топшириш ва бошқа шахсинг ушбу корхонани ишлатиб фойда олишидан иборат. Тадбиркорлик бошқаруви шартномасининг мақсади эса бир шахсинг бошқа шахсни бошқариш органлари устидан назорат ўрнатишидан иборат. Бунда мазкур шахслар, франчайзинг шартномаси томонларидан фарқли равишда, турли хил фаолият билан шуғулланишлари мумкин (масалан, банкнинг қурилиш корхонасини бошқариш органлари устидан назорат ўрнатиши каби).

Франчайзинг шартномаси франчайзерга аниқ белгиланган бир марталик тўлов кўринишидаги мукофот тўлаганда, амалда олди-сотди шартномасига яқин шартнома сифатида тасаввур қилиниши мумкин (масалан, бирон хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод сотиб олинган ҳолда), чунки иккала ҳолда ҳам фуқаролик ҳуқуқларининг ўхшаш объектини топширганлик учун пул тўланади. Бироқ ушбу битимлар ўртасидаги юридик фарқ анча катта. Биринчидан, олди-сотди шартномасининг предметини ашёлар ташкил қилади, франчайзинг шартномасининг предмети ҳам ашёлар бўлиши мумкин, аммо, аввало, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи топширилади. Иккинчидан, олди-сотди шартномаси бўйича доимо шартнома объекти бошқа бировга топширилади. Франчайзинг шартномаси бўйича ҳам ашё (буюмлар) бировга берилиши мумкин, бироқ интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ, ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа субъектга берилишига қарамай, франчайзерда сақланиб қолади ва ҳ.к.

Франчайзи франчайзерга франшизадан фойдаланиш ҳуқуқи учун пул тўлаган тақдирда, франчайзинг шартномаси амалда мулкый ижара шартномасига ўхшаш бўлади, чунки иккала ҳолда ҳам фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланишга берилади. Шу билан бирга, ижара шартномасининг предметини, франчайзинг шартномасиникидан фарқли ўлароқ, интеллектуал мулк объектлари эмас, балки ашёлар ташкил қилади. Бундан ташқари, ижарага берувчи ва ижарачининг муносабатлари пировардида оддий схемадан –

ҳақ эвазига фойдаланишдан иборат бўлади. Франчайзер ва франчайзининг муносабатлари эса анча кенг.

Текшириш учун саволлар

1. Франчайзинг нима?
2. Халқаро савдо франчайзинги қандай хусусиятларга эга?
3. Франчайзингнинг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Халқаро франчайзинг қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?
5. Халқаро франчайзингнинг қандай турларини биласиз?
6. Халқаро франчайзинг шартномасининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
7. Халқаро франчайзинг бошқа ўхшаш муносабатлардан нимаси билан фарк қилади?

Х боб. ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАР

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Хориждаги инвестиция фаолияти кўпчилик тадбиркорлар учун ўз товар (иш, хизмат)ларини сотиш бозорини кенгайтиришнинг етарлича жозибали шаклидир. Товарни бозорда турли хил воситачи (дилер, агент ва бошқа)лардан фойдаланиб ўтказишдан фарқли равишда, тадбиркор хорижий давлатда ўз корхонасини ташкил этганда икки хил фойда олади: биринчи марта – ўз товарларини ушбу давлатдаги ўзига тегишли субъектга сотишдан, иккинчи марта – ушбу субъектнинг маҳаллий бозорда савдо қилишидан тушган фойда шаклида. Маҳаллий бозорда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳам анча фойдалидир. Чунки бу тадбиркорнинг товарига сифати бўйича ўхшаш, аммо таннархи хомашё ва иш кучи арзон бўлган маҳаллий бозор ҳисобига анча паст бўладиган товар олиш имконини беради.

Шу муносабат билан, халқаро инвестициялар кўплаб йирик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро инвестиция фаолияти ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, транснационал корпорациялар айниқса кенг миқёсда ўтказила бошланди, бунинг натижасида хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1992 йилга келиб 2 млрд. АҚШ доллариغا етди.

Халқаро инвестиция фаолияти минтақавий ташкилотларнинг иштирокчилари бўлган давлатларнинг савдо иттифоқлари – ЕҲ ва НАҒТА бошқа шахснинг доирасида айниқса ривожланган. 1993 йилда ГАТТнинг Уругвай босқичи тугаши хорижий инвестицияларга нисбатан қўлланиладиган қўшимча қоидаларнинг ишлаб чиқилишига, бу эса халқаро инвестиция фаолиятининг янада ривожланишига олиб келди.

Инвестицияларни биргаликда ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро

шартномаларнинг¹ кўпчилигида «инвестиция» деганда, ҳар бир давлатнинг юридик ёки жисмоний шахслари бир-бирларининг ҳудудларига инвестиция сифатида киритган ҳар қандай мулк тушунилади.

Бунда «инвестиция» таърифига нисбатан «мулк» термини қуйидагиларни билдиради:

- ҳам кўчар, ҳам кўчмас мулк, жумладан, ашёвий ҳуқуқ;
- акциялар, бошқа субъектларнинг устав фондидаги улушлар;
- облигациялар ёки бошқа ҳар қандай кредит бўйича мажбуриятлар, шунингдек, давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари ва қимматбаҳо муниципал ҳужжатлар;

- пул талабномаларига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, жумладан, фойда;

- муаллифлик ва саноат ҳуқуқлари, шунингдек, гудвилл;

- лицензиялар ва имтиёзлар олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, табиий ресурсларни қидириб топиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланиш;

- дастлабки инвестицияларнинг баҳосини ҳар қандай ошириш.

Бунда халқаро инвестиция фаолияти инвестиция киритиш жараёни билангина чекланиб қололмайди. У одатда инвестиция жараёнининг қисмига айланадиган бошқа фаолият турлари билан бирга кечади. Инвестицияларни биргаликда ҳимоя қилишга доир битимлар фаолиятининг турлари деганда, қуйидагилар тушунилади:

- 1) шартномаларни бажариш учун филиаллар, агентликларни ташкил қилиш ва назорат қилиш;

- 2) турли хил мулкларни харид қилиш, кўриқлаш ва ишлатиш;

- 3) қарзга маблағ олиш;

- 4) акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ҳамда сотиш;

- 5) импортёр учун валюта харид қилиш;

- 6) лицензиялар бўйича имтиёзлар ва ҳуқуқлар бериш;

- 7) хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсатлар ва

¹ Одатда, улар икки томонлама шартномалар бўлади, Полбуки минтақавий ташкилотлар доирасида инвестицияларни ўзаро Пимоя қилиш бўйича кўп томонлама Пужжатлар Пам қабул қилинади.

хужжатлар олиш;

8) молиявий ташкилотлар ва валюта бозорларига чиқиш имконияти;

9) молиявий ташкилотларга жойлаштирилган маблағлардан фойдаланиш имконияти;

10) ишга доир операцияларни нормал даражада ўтказиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар (яъни офис учун ускуналар, автомобиллар ва ҳ.к.)ни хориждан келтириш ва ўрнатиш;

11) тижоратга оид ахборотни тарқатиш;

12) мавжуд аҳволга оид тадқиқотларни амалга ошириш;

13) тижорат вакиллари, маслаҳатчилар, дистрибьюторларни тайинлаш ва уларнинг савдо ярмаркаларида иштирок этиши;

14) товар ва хизматлар маркетинги (жумладан, реклама ва бевосита алоқага киришиш йўли билан);

15) товар ва хизматлар учун ҳақни маҳаллий валютада тўлаш;

16) ижара хизматлари.

Шундай қилиб, хорижий инвестициялар ва улар билан боғлиқ фаолият турлари деганда, нафақат хорижий инвестицияларнинг ўзлари билан боғлиқ шартлар, балки хорижий инвестицияларга эга субъектларнинг фаолият шароитларига тааллуқли кенг муносабатлар ҳам тушунилади.

Миллий ва «халқаро» қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш халқаро инвестиция фаолиятининг қуйидаги энг умумий тушунчасини ифодалаш имконини беради: халқаро инвестиция фаолияти деганда, юридик ва (ёки) жисмоний шахс ёхуд давлатнинг фойда (даромад) олиш ёхуд инвестор учун муҳим бўлган бошқа самарага эришиш мақсадида ўз мулкидан бир қисмини (инвестиция мулкни) ажратиш ва ушбу мулкни бошқа давлат ҳудудидаги хўжалик муомаласига жалб қилиши тушунилади.

2-§. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

XX асрнинг иккинчи ярмида капиталнинг хорижга фаол чиқарилиши, транснационал корпорацияларнинг юзага келиши муносабати билан ривожланиб кетган халқаро инвестиция фаолияти ушбу масалаларни тартибга солувчи «халқаро қонунчилик»нинг бир қатор ҳужжатлари қабул қилинишига олиб келди.

Аввало, давлатлар ва хорижий инвестициялар ўртасидаги инвестиция баҳсларини кўриб чиқиш масалаларига ҳамда хорижий инвестицияларни суғурта қилишга бағишланган иккита кўп томонлама конвенцияга, яъни 1965 йилда қабул қилинган Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси ва 1985 йилги Инвестицияларни кафолатлашга доир Кўп томонлама агентликни таъсис этиш тўғрисидаги Сеул конвенциясига тўхталиш зарур.

Шунингдек, ушбу масалаларни тартибга солувчи «минтақавий халқаро қонунчилик» ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Бунда, аввало, Рим шартномасининг ЕҲ доирасида субъектларни эркин таъсис этишга рухсат берувчи (хорижий инвесторлар учун айрим чеклашлар билан) 52-моддаси ҳамда умумий бозорнинг асосий принципларидан бири бўлган капиталнинг эркин ҳаракатланишига доир 67-моддани кўрсатиб ўтиш лозим.

МДҲ доирасида МДҲ иштирокчилари бўлган давлатлар ва уларнинг бир-бирлари ҳудудидаги субъектларининг мулки ва инвестицияларига бағишланган 10 га яқин халқаро шартномалар тузилган.

«Халқаро инвестиция қонунчилиги»нинг кейинги манбаи инвестицияларнинг амалга оширилиши ва ҳимояланишига доир икки томонлама шартномалар бўлиб, уларда давлатлар бошқа давлатлар ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган субъектлари учун биргалликда кафолатлар яратадилар.

Ушбу масалаларни тартибга солувчи икки томонлама халқаро савдо шартномаларининг бўлимлари ҳам шунга ўхшаш вазифани бажаради.

Икки томонлама савдо шартномалари хорижий инвестициялар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг энг дастлабки манбаидир, чунки халқаро инвестиция фаолиятининг илк босқичида у бир давлат субъектларининг бошқа давлатлар ҳудудидаги умумсавдо фаолиятдан ажратилмаган. Бу шунинг учун ҳам рўй берганки, хорижга товарларни чиқариш билан бир қаторда, муқаррар тарзда капитал ҳам чиқарилган.

Афтидан, бир вақтнинг ўзида халқаро инвестиция фаолиятига ҳам бағишланган савдо шартномаларининг дастлабки намуналари АҚШ XX асрнинг 40-йиллари охирида Иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган давлатлар билан тузган савдо шартномаларидан иборат бўлган.

Чунончи, бундай шартнома Германия билан тузилган, чунки Маршалл режасининг амалга оширилиши муносабати билан Америка капитали Германия иқтисодиётига маблағни фаол инвестиция қила бошлаган.

Икки томонлама халқаро савдо шартномалари доирасидаги инвестиция муносабатларини тартибга солиш асосан XX асрнинг мустамлака тизим парчаланиши муносабати билан кўплаб давлатлар ва ҳудудлар ўз муносабатларини бутунлай янги асосда қура бошлаган 50-йилларига тўғри келади. Айнан шу боис, масалан, АҚШ Эрон, Никарагуа, Эфиопия, Покистон билан савдо шартномалари тузиб, уларда, албатта, капитални экспорт ва импорт қилиш ҳамда ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни назарда тутган.

Кейинчалик, халқаро инвестиция жараёни борган сари кўпроқ куч олганидан сўнг, инвестицияларни тартибга солиш умумсавдо масалаларини тартибга солишдан ажрала бошлаган ҳамда давлатлар энди инвестицияларга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида махсус шартномалар туза бошлаганлар. Масалан, БМТ Марказининг маълумотларига қараганда, 1988 йил бошларига келиб, дунёда инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилишга доир 265 та халқаро шартнома тузилган.

Халқаро инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг яна бир манбаи икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги халқаро шартномалардир, чунки кўпинча бундай шартномаларни тузмай туриб, ҳеч қандай хорижий инвестициялар ҳақида сўз юритиш мумкин бўлмайди.

Бундан ташқари, энг йирик инвесторлар катта инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда миллий қонунчилик ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларга суянмасдан (ёхуд бундай ҳужжатлар ёки шартномалар бўлмаганда), тегишли давлатлар билан инвестиция шартномаларини мустақил равишда тузадилар.

Одатда бундай шартномаларда қуйидагилар белгиланади:

- инвестиция объекти ва ҳажми;
- инвестицияларни амалга ошириш ва инвестиция мулкидан фойда муддатлари;
- инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, ижтимоий инфраструктурани шакллантириш, экология талабларига риоя этиш ва ҳ.к.
- ушбу инвестиция лойиҳасига нисбатан шартномада белгиланган

муддат давомида мулк экспорти ва импорти, солиқ шартлари, экологик нормалар ва инвестор учун муҳим бўлган бошқа қоидаларга дахлдор қонунчилик шартларини ўзгартирмаслик ҳақидаги кафолатлар;

– инвестор ва давлатнинг инвестиция шартномасида белгиланган шартларга риоя этмаганлик учун жавобгарлиги;

– инвестиция шартномасидан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилиш тартиби.

Жаҳондаги кўпчилик давлатларнинг доктриналарида бундай инвестиция шартномалари халқаро оммавий-ҳуқуқий шартнома сифатида қаралишига асос бўлган концепция кенг тарқалган, чунки бу оммавий халқаро ҳуқуқ нормаларидан хусусий хорижий инвестор учун фойдаланиш имконини беради. Бироқ собиқ СССР ҳудудида бунинг аксича бўлган қарашларга асосланиб келиндики, уларга мувофиқ бундай шартномаларга халқаро ҳуқуқ эмас, балки инвестиция киритилаётган ҳудудда жойлашган давлатнинг ички ҳуқуқи қўлланилиши керак эди.

БМТ Халқаро Судидан аввал амал қилган Халқаро одил судловнинг доимий палатаси ҳам шу нуқтаи назарга асосланар эди (1929 йилда Сербия давлат заёмларининг француз эгалари Югославия ҳукуматига қилган даъво бўйича чиқарилган қарор). БМТнинг Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссияси ҳам шу нуқтаи назарга асосланади. Унинг фикрича 1959 йилда Нью-Йорк шаҳрида XI сессиясида қилган маърузасида иштирокчиларидан фақат биттаси давлат, бошқаси эса хусусий шахс бўлган битимлар, ташқи томондан қараганда ўхшаса ҳам, халқаро шартнома ёки халқаро битим деб қаралиши мумкин эмас.

Хорижий инвестицияларнинг жалб этилишига муҳтож бўлган кўпчилик давлатларда хорижий инвестицияларни тартибга солувчи махсус қонунлар ҳам мавжуд. Ҳолбуки, хорижий инвестицияларга дахлдор нормалар қонунчиликнинг умумий ҳужжатларида – солиқ, ер ва бошқа соҳаларга доир қонунларда ҳам учрайди. Халқаро инвестиция фаолияти ҳақида гапирганда уларни инобатга олмаслик мумкин эмас.

3-§. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, хорижий давлатларнинг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслари, шунингдек, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган ширкатлари хорижий инвестицияларнинг субъектлари бўлиб

ҳисобланиши мумкин. Бундан ташқари, хорижий давлатнинг ўзи ҳам хорижий инвестиция субъекти бўлиши мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий тартиби инвесторнинг «миллати»га (қайси давлатга мансублигига) боғлиқ бўлиши мумкин бўлгани учун, кўпинча «инвесторнинг миллати»ни аниқлаш муаммоси юзага келади.

Қоида тариқасида, ушбу муаммо ё миллий қонунчилик нормалари билан, ё инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартномалар билан ҳал этилади.

Одатда, халқаро шартномалар ва ҳуқуқлари ушбу битимлар билан ҳимоя қилинадиган инвестор тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, аввало, шартноманинг иккинчи томони фуқароси бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, шартноманинг иккинчи томони юрисдикциясида бўлган юридик шахслар назарда тутилади. Бунда, одатда, юридик шахснинг «миллати» иккала давлат учун тўғри келадиган халқаро хусусий ҳуқуқнинг юридик шахс «миллатини» аниқлашга оид принципларидан келиб чиқиб белгиланади. Бундай принцип одатда юридик шахсни тузган (қайд этган) давлат билан ёки юридик шахсни бошқарувчи ижроия орган жойлашган давлат билан боғлиқ бўлади.

4-§. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РЕЖИМИ

Хорижий инвестициялар режими ё миллий қонунчилик ҳужжатларида ё инвестицияларни ҳимоя қилишга доир халқаро шартномаларда белгиланади.

Одатда хорижий инвесторларга ё «миллий режим» берилади (бунинг натижасида хорижий давлат инвесторлари ушбу давлат субъектлари билан бир хил ҳуқуқларга эга бўладилар), ё «энг кўп қулайлик бериладиган режим» яратилади (бунинг натижасида хорижий давлатнинг барча инвесторлари инвестицияларни амалга ошириш ва даромад олиш тартиби бўйича худди шундай шароитларда учинчи давлатларнинг инвесторлари амалга оширган инвестицияларга яратилганидан кам бўлмаган қулайликларга эга бўладилар.

Бинобарин, агар ушбу давлат инвестицияларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисидаги бирон-бир шартномада давлатлардан бирининг инвесторлари учун имтиёзлироқ шароит назарда тутилса (ва бу «миллий режим» бўлмаса), мазкур шартномалар тузилган ва инвестиция режими «энг кўп қулайлик бериладиган режим» сифатида таърифланган бошқа давлатларнинг инвесторлари ҳам ана шундай имтиёз ва афзалликлар берилишига ҳақли бўладилар.

Лекин бошқа давлатларнинг инвесторлари бир давлатнинг инвестиция киритилаётган бошқа давлат билан божхона ёки иқтисодий иттифоқда, умумий бозорда, эркин савдо зонасида, қайсидир минтақавий ёки субминтақавий битимда, шунингдек, кўп томонли иқтисодий битимда биргаликда иштирок этиши асосида ёхуд икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ёки чегара атрофидаги савдони енгиллаштириш мақсадида имзоланган шартномага мувофиқ таъминланаётган имтиёзлар ва афзалликларга даъво қила олмайдилар.

«Энг кўп қулайлик бериладиган режим»нинг берилиши кўпинча барча хорижий инвестициялар (инвестиция киритаётган давлатдан қатъи назар) ушбу давлатда муайян чеклашларга учрашини билдириши мумкин (ҳолбуки, бундай бўлиши шарт эмас).

Мазкур чекловлар иқтисодиётнинг муайян соҳасидаги инвестицияларга бўлган тақиққа (масалан, хомашё саноати, транспорт ва коммуникация, мудофаа тармоқлари ва ҳ.к.) тегишли бўлиши ёхуд муайян

соҳалардаги (масалан, банклар ёки суғурта ташкилотлари) маҳаллий инвесторлар билан биргаликда ташкил қилинган корхоналардаги хорижий инвесторнинг энг кўп улушига нисбатан муайян чекловлар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқий тизимларда кўпинча хорижий инвесторларнинг ҳам, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳам ер сотиб олишига нисбатан чекловлар учраб туради.

Чекловлар, шунингдек, хорижий инвестицияли юридик шахс бошқаруви олий органи аъзоларининг «миллати»га ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор давлатнинг ишлаб чиқариш соҳасида корхона тузилганда, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва материалларнинг муайян қисмини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган бўлиши ҳақидаги қоида белгиланади.

Баъзан хорижий инвестор маҳаллий корхонада қўллайдиган технология инвесторнинг ўз давлатида фойдаланадиган технологиясининг даражасига мос келиши ҳақидаги талаб ҳам қўйилади.

Бироқ айрим ҳуқуқий тизимларда хорижий инвесторларга бир қатор муносабатлар бўйича (чунончи, солиқ ёки ташқи иқтисодий фаолият соҳасида) миллий режимга қараганда анча қулай режим берилиши мумкин.

Қоида тариқасида, миллий қонунчиликда хорижий инвестициялар махсус тартибга солинган тақдирда, ушбу қонунчилик нормаларида хорижий инвестицияларнинг режими муайян давр мобайнида ўзгармай қолишини кафолатловчи қоидалар бўлади. Бундай қоидалар кўпинча инвестиция шартномаларига ҳам киритилади.

5-§. ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ХАВФ ВА ЧЕКЛОВЛАР

5.1. Умумий қоидалар

Хорижий давлатга инвестициялар киритишда инвестор товарларни ушбу давлатларнинг бозорларига воситачилар орқали чиқаргандагига қараганда кўпроқ хавф ва чекловларга дуч келади.

Бу ўринда қуйидаги хавфларни санаб ўтиш мумкин:

- хорижий инвестиция киритилган субъектлар фаолиятини амалга ошириш ёки тўхтатиш шакллари ва усуллари бўйича чекловлар;
- тузилган субъект мажбуриятлари бўйича қўшимча масъулият хавфи;
- валюта билан боғлиқ хавф;
- солиқ хавфи;
- хорижий инвестор мулкани мажбуран олиб қўйиш (национализация, экспроприация қилиш ва бошқ.) билан боғлиқ хавфлар;
- кутилмаган вазиятлар (уруш, қўзғолон ва ҳ.к.) юзага келиши хавфи;
- бошқа хавфлар.

5.2. Қўшимча масъулият хавфи

Хорижий давлатда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган инвестор (маҳаллий қонунларнинг мазмунига кўра) ўзи учун энг афзал ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаб олишга ҳақли бўлади. Айрим давлатлар ўз ҳудудларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган хорижий субъектларнинг шўьбалари (бўлинмалари) тузилишига йўл қўядилар, айримлари эса ушбу давлатда юридик шахс тузиш мажбурияти ҳақидаги нормаларга эга. Бунда шўьба ёки бўлинма тузишда, шўьба (бўлинма) юридик шахс бўлмаганлиги туфайли у маҳаллий бозорда фаолият кўрсатиш чоғида ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз номидан эмас, балки бош субъект номидан олишини эътиборга олиш керак. Шу билан бирга, шўьба (бўлинма) хорижий давлат ҳудудида фаолият кўрсатиш давомида маҳаллий қонунларнинг (аввало, валюта, солиққа оид ва ҳ.к.) нормаларига риоя этиши шарт, чунки маҳаллий қонунларнинг нормаларига риоя этмаслик маҳаллий шўьбага топширилган мулк билан чекланиб қолмай, бош субъектнинг мулкий жавобгарлиги учун асос бўлиши мумкин.

Айнан бош субъектнинг ўзи ташкил этган шўьба (бўлинма) мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига чекловнинг йўқлиги шунга олиб келадикки, кўп ҳолларда хорижий давлатга инвестиция киритишда юридик шахс шакли танланади, чунки юридик шахснинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг ўз мажбуриятлари бўйича мустақил жавоб-

гарликка эгаллиги. Шу билан бирга, маҳаллий юридик шахс шаклидан фойдаланган ҳолда хорижий инвестицияларни амалга ошириш ҳар доим ҳам ушбу шахсни таъсис этувчининг масъулиятини чеклаш кафолати бўлмайди. Кўпгина давлатларнинг миллий қонунларида иштирокчилар (акционерлар)нинг улар назоратида бўлган шахсларнинг мажбуриятлари бўйича масъул эканлиги кўрсатилади. Масалан, кўпгина ривожланаётган давлатларнинг қонунларини таҳлил қилиш маҳаллий қонунчилик нормаларида бош компаниялар ўзларига тегишли шўба компанияларининг мажбуриятлари бўйича 100% жавобгар деб тан олинishi ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Бундан ташқари, ЕҲнинг Адолат Суди кўпинча бош компанияларни ўз назоратида бўлган шўба компанияларнинг ҳаракатлари учун жавобгар деб тан олади («Ягона корхона» назарияси).

5.3. Валюта билан боғлиқ хавф

Маҳаллий бозорда ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқига эга шўба ёки субъект орқали фаолият кўрсатишда кўпинча валюта хавфи муаммолари юзага келади. Ушбу муаммолар давлатнинг миллий валюта барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриб, валюта операциялари ўтказишда муайян чекловлар ва шартлар киритиши билан боғлиқ. Ушбу чекловлар қуйидагиларга тааллуқли бўлиши мумкин:

- эркин конвертация қилинадиган валютадаги тушумнинг бир қисмини ёки ҳаммасини мажбурий сотиш;
- ички бозорда хорижий валютани харид қилиш бўйича чекловлар;
- ташқи савдо операцияларини ўтказиш муддатлари ва шартлари бўйича чекловлар;
- хорижий валютада қарз бериш шартлари ва бошқ.

Ушбу чекловлар, масалан, олинган фойдани хорижга ўтказиш учун юридик имконият бўлгани ҳолда хорижий инвестор ана шу мақсадда эркин конвертация қилинадиган валютани амалда харид қилиб бўлмаганлиги учун буни амалга ошира олмаслигига олиб келиши мумкин.

Айнан шу боис инвестицияни амалга ошириш ва ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисидаги шартномаларда одатда ҳар қандай конвертация қилинадиган валютада эркин ва асоссиз кечиктирмаган ҳолда

куйидагиларни хорижга ўтказиш (репатриация) кафолатланади:

– инвестицияларни, қўшимча капитални, жумладан, қайта инвестиция қилинган даромадни;

– соф фойда, дивидендлар, роялти, кўрсатилган ёрдам ва техник хизмат учун тўловлар, фоизлар ва бошқа даромадларни;

– инвестицияларни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш натижасида олинган даромадларни;

– ёлланган ажнабий фуқароларга уларнинг бажарган ишлари ва инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан кўрсатган хизматлари учун тўланган пул мукофотлари ва бошқа тўловларни.

Инвестициялар билан боғлиқ қарзларни ва тегишли фоизларни тўлаш учун сарфланадиган маблағларга нисбатан ҳам шунга ўхшаш кафолатлар қабул қилинади.

Бунда, қоида тариқасида, давлат асосиз кечиктиришларсиз, яъни бир неча ой ичида ушбу ўтказишларнинг амалга оширилишини кафолатлайди.

5.4. Солиқ билан боғлиқ хавф

Инвестор киритган капиталидан фақат дивиденд кўринишида даромад олмайди. Масалан, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартномаларда даромад деганда, одатда нафақат фойда, фоизлар, капитал қиймат ўсишидан келадиган даромадларни, балки роялти ҳисобидан тўловлар, пул ёки натура шаклида олинган ҳар қандай мукофотлар ва бошқа тўловлар назарда тутилади.

Жаҳондаги кўпчилик солиқ тизимлари даромад, солиққа тортиладиган фаолият қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда амалга оширилганидан қатъи назар, у олинган жойда солиққа тортилиши керак, деган принцип асосига қурилган. Бу, масалан, Европа мамлакатларида мавжуд бўлган асосий солиқлар, яъни қўшимча қиймат солиғи ва фойдадан олинган солиқни юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба субъектлар ҳам, бундай ҳуқуқларга эга бўлмаган филиаллар ҳам тўлаши кераклигини билдиради.

Шу билан бирга, турли давлатларнинг қонунчилик тизимларида хорижга ўтказиладиган фойдадан солиқ олиш ҳақидаги масала турлича баҳоланади. Баъзи ҳолларда бу ҳар қандай фойдани хорижга ўтка-

зишдан олинадиган солиқ бўлиб, бунда ушбу фойда қайси шаклда олинганлигининг аҳамияти бўлмайди. Бошқа ҳолларда – шўъба компания ўзининг бош компаниясига ўтказадиган дивидендлардангина тўланадиган дивиденд солиғи бўлиб, бу кўп ҳолларда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган шўъба корхона ушбу солиқни тўламаслигини билдиради.

Айни пайтда хорижий давлатдаги инвестициялардан ўтказиладиган фойда инвесторнинг давлатида ҳам солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Шу боис кўпинча икки томонлама солиққа тортишнинг ўзи хорижда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун жиддий тўсиқ бўлади.

Инвестиция киритиладиган жойдаги давлат билан инвестор давлати ўртасида икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги шартноманинг мавжудлиги инвестиция киритиш ҳақидаги қарорга таъсир этувчи анча жиддий омилдир.

Икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги кўпгина шартномалар икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Бироқ икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги умумий (жаҳон миқёсидаги) битимлар йўқлигига қарамай, минтақавий даражада бундай битимлар тез-тез учраб туради. Чунончи, ИЎЁК доирасида тузилган кўп томонлама битимларни, яъни 1977 йил 27 майда тузилган Жисмоний шахслар даромадлари ва мулкидан икки томонлама солиқ олишни йўқ қилиш тўғрисидаги битим ҳамда 1978 йил 19 майда қабул қилинган Юридик шахсларнинг даромадлари ва мулкидан икки томонлама солиқ олишни йўқ қилиш тўғрисидаги битимни эслатиб ўтиш лозим. Мазкур битимлар Болгария, Венгрия, Мўғулистон, Руминия, ЧССР ва СССР ўртасида тузилган эди. Ушбу битимлар денонсация қилинмаганлиги, МДҲ доирасида эса СССР шартномаларига нисбатан ҳуқуқий ворислик тўғрисида қарор қабул қилинганлиги (ЧССРга нисбатан ҳам шуни айтиш мумкин) туфайли мазкур битимлар МДҲ иштирокчилари бўлган давлатларга ҳам тегишлидир.

Бундан ташқари, икки томонлама солиқ олишга йўл қўймаслик тўғрисидаги шартномаларнинг кенг қўлланилиши халқаро ҳуқуқ соҳасида муайян унификациялашга олиб келди. Масалан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) доирасида шартнома-

ларнинг бундай тури учун айрим стандарт шартларни белгилаган конвенция қабул қилинди. Кўпгина давлатлар ушбу ташкилотнинг иштирокчилари бўлмаса-да, бироқ иштирокчи давлатлар билан тузилган битимларда улар иккинчи томоннинг қатъий талаблари туфайли ушбу намунавий конвенцияга риоя этишга мажбурдирлар.

Англия, АҚШ, Франция, ГФР, Россия, Беларусь, Италия, Канада ва баъзи бошқа давлатлар билан тузиладиган бошқа шартномалар асосида ушбу шартномаларнинг қуйидаги энг умумий жиҳатларини кўрсатиш мумкин.

Икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилишга доир шартномалардаги асосий тушунчалардан баъзиларига «резидент» ва «доимий ваколатхона» тушунчалари киради.

«Резидент» термини одатда тегишли давлат қонунларига кўра ушбу давлатда яшаш жойи, доимий турар жойи, бошқариш жойи, қайд этилиш жойи ёки ҳар қандай бошқа ўхшаш белгилари асосида солиққа тортилиши лозим бўлган шахсни билдиради. Бунда жисмоний шахсларга доир қоидалар алоҳида таъкидланади. Масалан, юқорида келтирилган белгилари бўйича жисмоний шахс иккала шартлашувчи давлатнинг резиденти бўлса, унинг ҳуқуқий ҳолати бир қатор хусусиятларга эга бўлади.

Ушбу ҳолда резидентнинг ҳуқуқий ҳолати қуйидагилар билан белгиланади:

– у доимий яшаш жойига эга бўлган давлатнинг резиденти ҳисобланади, агар жисмоний шахс иккала давлатда ҳам доимий яшаш жойига эга бўлса, у кўпроқ яқин шахсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган давлатнинг резиденти ҳисобланади;

– ушбу жисмоний шахс ҳаётининг манфаатларининг маркази жойлашган давлатни аниқлаш имкони бўлмаса ёки у ҳеч бир давлатда доимий яшаш жойига эга бўлмаса, у одатда яшайдиган давлатнинг резиденти ҳисобланади;

– агар жисмоний шахс ҳеч қаерда «одатда яшамаса», у ҳолда у қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг резиденти ҳисобланади;

– агар юқоридагилар асосида резидентнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаб бўлмаса, масала тегишли давлатларнинг ваколатли органлари

ўртасидаги ўзаро келишув асосида ҳал қилинади.

«Доимий ваколатхона» деганда, одатда корхонанинг тижорат фаолияти тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган доимий фаолият жойи тушунилади. Бунда «доимий ваколатхона» тушунчасига деярли барча ҳолларда қуйидагилар киритилади: бошқарилиш жойи, бўлинмаси, идораси, фабрика, устахона, кон, нефть ёки газ қазиб чиқариладиган жой, карьер ёки табиий ресурслар қидириб топиладиган ёхуд қазиб чиқариладиган бошқа ҳар қандай жой. Қурилиш майдончаси одатда олти ойдан ортиқ вақт мавжуд бўлганда доимий ваколатхона ҳисобланади.

«Доимий ваколатхона» тушунчасига одатда қуйидагилар киритилмайди:

– товарларни сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадидагина фойдаланадиган иншоотлар;

– юқорида кўрсатилган мақсадларда, шунингдек, бошқа корхонада қайта ишлаш мақсадларида товарлар захирасини сақлашга доир фаолият;

– доимий фаолият кўрсатиш жойини фақат товарларни ёки буюмларни харид қилиш ёхуд корхона учун ахборот тўплаш мақсадида, шунингдек, тайёрлов ёки ёрдамчи фаолиятни амалга ошириш мақсадида сақлаш.

Шунингдек, бошқа бир шахс (мустақил ҳуқуқий ҳолатга эга агентдан бошқа) корхона номидан иш кўрса, жумладан, шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлса ва ушбу фаолият товарни сақлаш, намойиш қилиш, етказиб бериш ҳамда бошқа ёрдамчи ва тайёрлов ҳаракатлари билан чекланиб қолмаган бўлса, корхона давлатда доимий ваколатхонага эга деб ҳисобланади. Бунда одатда субъект ўз фаолиятини мустақил статусга эга бўлган агент орқали амалга ошираётган бўлса, у доимий ваколатхона орқали иш кўрмаётган ҳисобланади. Фаолияти тўлалигича мазкур субъект номидан амалга ошириладиган мустақил статусли шахс агент ҳисобланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, битимларда бир давлат ҳудудида жойлашган тобе субъект фақат шу факт туфайлигина асосий субъектнинг доимий ваколатхонаси сифатида қаралиши мумкин эмас.

Икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги би-

тимларда улар тааллуқли бўлган даромадларнинг турлари бевосита кўрсатилади.

Масалан, одатда агар бир давлат субъекти бошқа давлатда жойлашган доимий ваколатхонаси орқали хўжалик фаолияти билан шуғулланмаётган бўлса, мазкур субъектининг фойдаси фақат шундай фаолият амалга ошириладиган давлатда солиққа тортилиши кўрсатилади. Бундай ҳолда доимий ваколатхона фаолиятдан олинган фойда ушбу фойда олинган жойда солиққа тортилади.

Бунда ҳар бир алоҳида олинган доимий ваколатхона мустақил солиқ тўловчи сифатида қаралади.

Даромад келтираётган кўчмас мулкдан олинадиган даромад солиғи ушбу даромад олинган давлатда ундирилиши мумкин.

Халқаро юк ташишларда денгиз ёки ҳаво кемаларини ишлатиб олинган фойда одатда фақат ушбу кемалар эгасининг давлатида солиққа тортилади. Бу қоида пул, яъни қўшма фаолиятга ҳам тааллуқлидир.

Хорижий инвестицияларни кўпинча транснационал корпорациялар амалга оширганлиги муносабати билан икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги битимларда одатда «ассоциациялашган корхоналар»дан, яъни улардан бири назорат қиладиган ва айна пайтда турли давлатларда жойлашган корхоналардан солиқ олиш билан боғлиқ масалалар алоҳида тартибга солинади. Одатда битимда давлат ўз субъектининг фойдасига бошқа давлатнинг ассоциациялашган корхонаси оладиган фойдани ҳам киритиши мумкинлиги кўрсатилади (чунки мазкур корхоналар ўртасида фойда бемалол бирдан иккинчисига ўтиб юриши мумкин). Бироқ ушбу ҳолда иккинчи давлат ўз субъектининг фойдасидан олинадиган солиқ суммасида тегишли мурося қилиши керак, ушбу давлатларнинг ҳар бирида тўланадиган солиқ миқдори эса одатда томонлар ўртасида келишиб олинади.

Умумий қоидага кўра, бир давлат субъекти бошқа давлат субъектига тўлайдиган дивидендлар уни тўлайдиган давлатда ҳам, дивиденд оладиган давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин. Бунда одатда дивиденд тўлайдиган давлатда дивиденддан олинадиган солиқнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилади.

Рояльтини, яъни муаллифлик ҳуқуқлари ва саноат ҳуқуқларидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этганлик, шунингдек, ахборот учун мукофот тариқасида олинган ҳар қандай турдаги

тўловни солиққа тортиш масалалари одатда фоизлар ва дивидендларни солиққа тортиш каби тартибга солинади.

Бир давлатнинг резиденти бошқа давлатда жойлашган кўчмас мулкни, шунингдек, мулки асосан кўчмас мулклардан иборат бўлган жамиятлар акцияларини бировга беришдан оладиган даромадлари, икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги кўпчилик шартномаларга мувофиқ, бошқа давлат ҳудудида ҳам, даромад оладиган резидент давлати ҳудудида ҳам солиққа тортилиши мумкин.

Директорларнинг гонорарлари ва жисмоний шахс – бир давлатнинг резиденти бошқа давлат резиденти юридик шахсининг директори сифатида оладиган шу каби тўловлар кўп ҳолларда юридик шахснинг давлатида солиққа тортилиши мумкин.

Икки томонлама солиққа тортишни йўқ қилиш тўғрисидаги шартномаларнинг муҳим қондасини икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш процедураси ташкил қилади. Ушбу процедура одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

– агар бир давлатнинг резиденти битимга мувофиқ бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад оладиган бўлса ва бундай давлатнинг миллий қонунларида бундан қулайроқ режим назарда тутилмаган бўлса, биринчи давлат ушбу резидент даромадига солинадиган солиқдан иккинчи давлатда тўланган даромад солиғига тенг суммани чегиришга имкон беради. Бироқ бундай чегириш биринчи давлатдаги солиқлардан ошиб кетмаслиги керак;

– агар бир давлатнинг резиденти бўлган юридик шахс бошқа давлатнинг резиденти бўлган жамиятдан дивиденд оладиган бўлса бунда ва ушбу жамиятда у одатда овоз берувчи акцияларнинг камида 10 % га эга бўлса, акционерлик жамияти жойлашган давлатда тўланган солиқ нафақат дивидендлар бўйича тўланган солиқни, балки акционерлик жамиятининг дивидендлар тўланган асосий фойдасидан тўланган солиқни ҳам ўз ичига олади.

Битимлар одатда ушбу давлатлар субъектларининг тенглиги ҳақидаги қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, субъектлар жойлашган давлатдаги доимий ваколатхонага солинадиган солиқ ушбу давлатнинг худди шундай фаолиятни амалга ошираётган субъектларидан оладиган солиқларга қараганда кўпроқ қулайлик туғдириши керак.

5.5. Хорижий инвесторлар мулкани мажбуран олиб қўйиш (национализация, экспроприация қилиш ва бошқа) хавфи

Хорижий инвестор дуч келиши мумкин бўлган энг катта хавфлардан бири национализация ёки бошқа шунга тенг чоралардир.

Айнан шу боис халқаро инвестиция шартномаларида давлатларнинг инвесторнинг мулк ҳуқуқини ёхуд бошқа эгалик ҳуқуқини чекловчи бирон-бир (вақтинчалик ёки доимий) чорани қўлламасликка доир ўзаро мажбуриятлари кўрсатилади, миллий қонунларда махсус назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Национализация ва бошқа шунга тенг чоралар масаласида, умумий қоида бўйича, давлатлар одатда амалда ҳам, юридик жиҳатдан ҳам, бевосита ҳам, билвосита ҳам хорижий инвесторларнинг мулкани национализация, экспроприация, реквизиция қилмаслик, бошқа ўхшаш чораларни қўлламаслик мажбуриятини оладилар. Бироқ ижтимоий ёки миллий манфаатлар юзага келган тақдирда давлат мазкур чораларни қўллаши мумкин. Бунда истисносиз барча шартномаларда мазкур чоралар қўлланилган ҳолда давлатнинг бундай ҳаракатларини қоплаш ўз вақтида, адекват, самарали бўлиши ва камситмайдиган, яъни адолатли бўлиши назарда тутилади. Бунда қоплашнинг адолатлилиги ҳақиқий бозор қийматлари асосида белгиланади.

Қоплаш чекловларсиз (тўлиқ) бўлиши, яъни дастлабки инвестицияларга ҳам, инвестицияларни хўжалик фаолиятига жалб этиш муносабати билан улардан келган барча фойдалар (натижа ва даромадлар)га ҳам тааллуқли бўлиши керак. Юридик шахс устав фондига киритилган инвестициялар масаласида тўлиқ қоплаш тақсимланмаган фойда ва резерв фондлар учун ҳам қоплашни билдиради.

Одатда қоплаш инвестициялар валютасида (қоида тариқасида, эркин алмашадиган валютада) амалга оширилган бўлса, тўғри (яъни амалий) ҳисобланади, ҳолбуки хорижий инвестор рози бўлса, бошқа ҳар қандай валютада ҳам амалга ошириш мумкин.

Қоплаш, шунингдек, ўз вақтида бўлиши ва уни чет элга ўтказиш имконияти берилиши керак. Қоплашнинг ўз вақтидалиги турли шартномаларда турлича баҳоланади, кўпинча у инвестициялар мажбурий

олиб қўйилган пайдан бошлаб, бир неча ойдан кечиктирмай тўланган бўлиши керак.

5.6. Кўзда тутилмаган вазиятларнинг юзага келиш хавфи

Хорижий инвестициялар мулкни национализация қилиш ёки бошқа мажбурий олиб қўйиш хавфидан ташқари, бошқа нотижорат хавфларига, чунончи, уруш, кўзғолон кабилар бўлганда юзага келадиган хавфларга ҳам дуч келиши мумкин.

Қоида тариқасида, халқаро инвестиция шартномаларида давлатларнинг инвесторлар уларнинг худудида урушлар, бошқа қуролли тўқнашувлар, ғавқулдда ҳолат жорий этилиши, фуқаролар тартибсизликлари ва бошқа шунга ўхшаш воқеалар муносабати билан зарар кўрганда уни адекват равишда қоплашлари назарда тутилади. Бунда мазкур қоплаш одатда, халқаро инвестор ўз зарарларини ҳукумат кучларининг ёхуд ҳукуматга қарши курашувчи кучларнинг (масалан, кўзғолончиларнинг) ҳаракатлари муносабати билан кўрганлигидан қатъи назар, кафолатланади.

Бундай қоплашларга нисбатан, қоида тариқасида, «энг кўп қулайлик яратиш режими» қўлланилади, яъни тегишли давлат инвесторлари инвестицияларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида битимлар тузилган бошқа давлатларнинг субъектлари билан бир хил миқдорда ва муддатларда қоплаш маблағларини олишлари керак.

6-§. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ (КАФОЛАТЛАШ)

Хорижий инвестор ўзининг хавфларини хорижий давлатдаги инвестицияларини суғурталаш (кафолатлар олиш) орқали камайтириши мумкин. Ушбу суғурталаш хусусий тарзда, яъни хусусий суғурта (ёки бошқа молия) ташкилотиде ёхуд давлатни жалб қилиб амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг хусусий инвестицияларни суғурта қилишдаги иштироки одатда ё инвестор давлат инвестиция фаолияти амалга ошириладиган жой давлати билан тузадиган инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартнома доирасида, ё кўп томонлама халқаро шартномалар доирасида амалга оширилади.

Одатда инвестицияларни ҳимоялаш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда бир давлатнинг давлат органи бошқа давлат ҳудудида амалга оширилган инвестициялар учун нотижорат хавфларга қарши кафолат берган бўлса ва мазкур кафолат бўйича пул тўлашга мажбур бўлган бўлса, у ҳолда иккинчи давлат (унинг давлат органлари биринчи давлат (унинг давлат органлари)нинг тегишли бадал (суброгация)га бўлган ҳуқуқларини тан олиши шарт бўладиган нормалар назарда тутилган бўлади. Шартноманинг ушбу нормаси хусусий инвестор билан давлат ўртасидаги муносабатларни оммавий (давлатлараро) муносабатлар соҳасига кўчириш имконини беради, чунки кўп ҳолларда сиёсий хавфлар юзага келганда, хусусий инвесторлар ўз ҳуқуқларини хусусий шахслар учун берилган усуллар билан ҳимоя қилишга қодир бўлмайдилар.

Давлат икки томонлама шартномалардан ташқари зиммасига умумий халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида ҳам инвестиция хавфларини суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар олиши мумкин.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича давлатларни жалб қилиш билан боғлиқ муносабатлар 1985 йилда қабул қилинган «Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликни таъсис этиш тўғрисидаги» Сеул конвенцияси билан тартибга солинади.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик таъсис этилган бўлиб, Конвенциянинг 2-моддасига биноан, унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

– Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар (айниқса, ривожланаётган мамлакатлар) ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш;

– Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки, Халқаро молиявий корпорация ва бошқа халқаро молиявий муассасалар фаолиятига кўмаклашиш;

– бир иштирокчи давлатнинг бошқа иштирокчи давлатдаги инвестицияларига нисбатан нотижорат хавфларидан суғурта қилиш, кафолатлаш фаолиятини амалга ошириш.

Мазкур Конвенция хусусий инвесторлари халқаро инвестиция фаолиятини амалга ошираётган давлатлар билан мазкур фаолият кечаётган ҳудуддаги ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилди.

Агентлик ўзлаштириладиган 1 млрд. махсус ҳуқуқлар ҳажмидаги устав капиталини шакллантириш йўли билан ташкил этилган. Янги аъзолар қабул қилинганда устав капитали янги аъзонинг тегишли улуши миқдорида ошиши керак.

Конвенциянинг 11-моддасига биноан, агентлик қўйидаги хавфлар туфайли зарар кўриш ҳолларида инвестицияларни кафолатлаши мумкин:

- давлат валютани ўтказишни чеклаганда;
- экспроприация ва шунга ўхшаш чоралар қўлланилганда;
- уруш ва фуқаролик тартибсизликлари бўлганда;
- Агентлик директорлар кенгашининг қарори бўйича бошқа нотижорат хавфлар туғилганда.

Бунда зарар инвесторнинг розилиги билан ёхуд у жавобгарликка тортилиши керак бўлган ҳаракатлар туфайли юзага келган тақдирда Агентликнинг директорлар кенгаши ушбу зарарни қоплашга ҳақли бўлмайди.

Агентлик кафолат тўғрисидаги шартнома тузилгунча юз берган воқеа туфайли юзага келган хавфларни қопламайди. Конвенциянинг 12-моддасида инвестицияларнинг кафолат берилиши мумкин бўлган турлари белгиланган.

Уларга қўйидагилар киради:

- акционерлик жамиятида иштирок этиш;
- акционер ўз акционерлик жамиятига берган ёхуд акционер кафолатлаган ўрта муддатли ва узоқ муддатли қарзлар;
- бевосита инвестицияларнинг бошқа турлари;
- Агентлик директорларининг кенгаши кафолат бериш мумкин деб ҳисоблайдиган ўрта муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар кўринишидаги инвестицияларнинг бошқа шакллари.

Конвенцияда (13-моддасида), кафолат олиш ҳуқуқига эга бўлган инвесторлар ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Уларга Конвенцияга кўра, ривожланаётган мамлакат бўлган иштирокчи давлат ҳудудига инвестиция амалга ошираётган бир иштирокчи давлатнинг жисмоний ва юридик шахслари киритилади.

Конвенциянинг 16, 18-моддаларида кафолат шартлари, кафолат ва цессия муносабати билан кафолат шартлари, талаблар бўйича тўловлар

билан боғлиқ масалалар батафсил тартибга солинган.

Конвенциянинг 21-моддасида Агентлик инвестицияларни нотижорат хавфларидан суғурталаш мақсадида хусусий суғурта ташкилотлари билан хўжалик муносабатларига киришишига йўл қўйилади.

Конвенцияда (22-моддасида) бериладиган кафолатлар миқдори масаласи ҳам батафсил тартибга солинган.

7-§. ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Хорижий инвестор манфаатларини ҳимоя қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Биринчидан, бирон-бир давлат органи хорижий инвесторнинг манфаатларини бузган тақдирда, хорижий инвестор ушбу қарорлар юзасидан инвестиция амалга оширилаётган ҳудуддаги давлатнинг ваколатли органларига миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ шикоят қилишга ҳақли бўлади.

Иккинчидан, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома мавжуд бўлганда, инвесторнинг давлати ушбу шартномада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

Учинчидан, хусусий инвестор билан давлат ўртасида инвестиция низоларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган инвестиция шартномаси мавжуд бўлганда, инвестор мазкур шартномада белгиланган чораларни кўришга ёхуд «Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Вашингтон конвенциясида белгиланган чораларни кўришга ҳақли бўлади (инвестор билан инвестиция амалга оширилаётган ҳудуддаги давлат ўртасида ана шундай битим мавжуд бўлганда).

Инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўпчилик халқаро давлатлараро шартномаларда низо келиб чиққан тақдирда ушбу муаммо кўриб чиқиш учун қуйидаги органларга берилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлади:

- давлат судига;
- UNCITRAL регламенти нормаларига мувофиқ тузиладиган *ad hoc* ҳакамлик судларига;
- Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасида юзага келадиган инвестиция низоларини тартибга солиш тўғрисидаги конвенция билан тузилган Инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича халқаро марказ (ICSID)га. Ушбу Конвенция 1965 йил 18 мартда Вашингтонда имзоланган учун очиқ қўйилган. Бунда шартлашувчи иккала давлат ушбу конвенциянинг иштирокчиси бўлиши шарт.

«Давлатлар билан ажнабий шахслар ўртасидаги инвестиция низо-

ларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги конвенцияни 1965 йил 18 мартда Вашингтонда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг аъзолари бўлган 46 та давлат имзолади ва у 1966 йил 14 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Ҳозирги вақтда 160 та давлат, жумладан, МДХ иштирокчилари бўлган давлатлар, чунончи, Россия ва Беларусь ушбу Конвенциянинг иштирокчиларидир.

Мазкур Конвенция Халқаро тикланиш банки саъй-ҳаракатларининг самараси бўлиб, давлатлар билан хусусий инвесторлар ўртасида юзага келадиган ҳар қандай шартнома қоидаларини бузишни холисона кўриб чиқишнинг амалий механизмини яратиш мақсадида имзоланган.

Конвенцияда инвестиция низоларини ҳал қилиш механизми Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг фаолияти орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Конвенцияда (25-модда) ушбу марказ Конвенция иштирокчиси бўлган давлат (ёки унинг органи) билан худди шундай иштирокчи бўлган бошқа давлатнинг хусусий инвестори ўртасида амалга ошириладиган инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан бевосита келиб чиқувчи ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун махсус тузилиши белгилаб қўйилган. Бироқ низони Марказда кўриб чиқишга бериш учун низо иштирокчиларининг ёзма розилиги зарур.

Бунда Конвенция (25-модда)да иштирокчи давлатга улар зарур деб билган ҳар қандай низоларни Марказ ваколатидан чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилди.

Бироқ агар томонлар ўз низосини Марказда кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди усулида берган бўлсалар, бу томонларнинг низоларни ҳал этишнинг ҳар қандай бошқа воситаларини (агар бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса) қўллашдан воз кечганлигини билдиради (Конвенция иштирокчиси бўлган давлат дастлаб хусусий инвестор низони Марказда кўриб чиқиш учун беришга розилик билдириш шарти сифатида низони ҳал этишнинг миллий маъмурий ёки суд воситаларидан фойдаланишини талаб қилиши мумкин). Бунда иштирокчи давлатларнинг ҳеч бири дипломатик ҳимоя воситаларидан фойдаланишга ёки халқаро-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган даъволар билан мурожаат этишга ҳақли эмас.

Бинобарин, мазкур Конвенция бошқа давлат ҳудудидаги барча

хорижий инвесторларнинг эмас, балки инвестиция амалга ошириладиган давлат билан махсус битим туза олганларининггина ҳимоя қилинишини таъминлайди. Бундан ташқари, муҳим инвестиция ҳудудлари бўлмиш барча давлатлар ҳам ушбу Конвенциянинг иштирокчилари эмас.

Ҳакамлик суди ва яраштирув регламенти Маъмурий Кенгашда тасдиқланишига қарамай, Конвенцияда (III, IV боблари) яраштирув ва ҳакамлик суди таомилларини ўтказиш асослари етарлича муфассал тартибга солинган.

Конвенция бўйича яраштирув таомили томонлардан бирининг Бош Котибга ёзма ариза билан мурожаат қилишидан бошланади. Бунда аризада баҳс мавзуи (предмети), томонлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг яраштирув таомилига розилиги акс эттирилган бўлиши керак.

Томонлар зарур шартларга риоя этган бўлсалар, томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тайинладиган ва бир нафар ёки тоқ сонли воситачилардан иборат яраштирув комиссияси таъсис этилади. Лекин агар томонлар воситачиларнинг сони ва уларни тайинлаш тартиби масаласида бир тўхтамга келмаган бўлсалар, комиссия уч нафар воситачидан иборат қилиб тузилади: ҳар бир томондан биттадан ва томонларнинг келишуви билан учинчиси – раиси тайинланади. Агар томонлар 90 кун ёки ўзлари келишган бошқа муддат мобайнида воситачини тайинламасалар, бу ишни Маъмурий Кенгаш Раиси бажаради.

Тузилган яраштирув комиссияси ўз ваколати ҳақидаги комиссияни ўзи ҳал қилади. Бунда яраштирув Конвенция қоидалари ва Маъмурий Кенгаш тасдиқлайдиган яраштирув таомили қоидаларига биноан амалга оширилади.

Комиссия ишининг моҳиятини низонинг барча ҳолатларини аниқлаш ва томонлар учун масалани ҳал этишнинг ўзаро маъқул шартларини таклиф қилиш ташкил этади. Шу боис комиссия яраштирув жарёнининг исталган босқичида (вақти-вақти билан) бундай қарорларни таклиф этиши керак. Томонлар эса комиссия билан виждонан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар. Улар бирор тўхтамга (келишувга) келганлари тақдирда, комиссия низоли масалалар ва томонлар битимга келганликлари баён этилган доклад тузади. Агар томонлар бир тўхтамга келмасалар, комиссия яраштирув жарёнини тўхтатади.

Конвенцияда назарда тутилган (IV боб, 36-модда) низоларни ҳал

қилишнинг ҳакамлик суди тартиби ҳам Бош Котибга (ёзма шаклда) ариза беришдан бошланади. Аризада баҳс мавзуи, низолашувчи томонлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳакамлик судига розилиги ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Ҳакамлик суди ҳам, яраштирув таомилидаги каби томонларнинг келишувига мувофиқ битта ёки тоқ сондаги ҳакамлардан иборат таркибда таъсис этилади. Келишувга келинмаган тақдирда ҳакамлар сони 3 кишидан иборат қилиб белгиланади, ҳакамлик суди шаклланмаган тақдирда қарорни яраштирув таомили учун белгиланган тартибда Маъмурий Кенгаш Раиси қабул қилади.

Конвенцияда (39-модда) ҳакамлар таркибига ҳам муайян талаблар қўйилади. Унга кўра, ҳакамларнинг кўпчилиги низолашувчи томонларнинг фуқаролари бўлмаслиги керак (ушбу талаб битта ҳакамдан иборат ҳакамлик судига ёки ҳар бир аъзоси томонларнинг келишуви бўйича тайинланган ҳакамлик судига тааллуқли эмас).

Ҳакамлик суди ўзининг ваколати ҳақидаги масалани ўзи ҳал қилади ва низони томонлар танлаган ҳуқуқ асосида кўриб чиқади. Бундай келишув бўлмаганда низо унинг томони бўлган давлат қонунларига, шунингдек, «халқаро қонунчилик»ка мувофиқ кўриб чиқилади.

Конвенция (43-модда) асосида ҳакамлик суди томонларидан далилларни тақдим этиш, шунингдек, низо бўлган жойда далилларни мустақил тўплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Конвенцияда (45-модда) томонлардан бирининг келмаслиги бошқа томоннинг даъвосини қабул қилишга мажбур этмаслиги назарда тутилган.

Ҳакамлик суди қарорни кўпчилик овози билан қабул қилади, бунда қарор низо мавзуи бўлган ҳар бир масала бўйича алоҳида чиқарилади. Конвенция (5-бўлим) асосида ҳакамлик суди томонлардан исталган биттасининг талаби бўйича ўз қарорларини ҳам шарҳлайди. Ҳакамлик суди, шунингдек, агар бирор томонга ҳакамлик суди қарорига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги фактлар маълум бўлиб қолса, унинг аризасига кўра, башарти ушбу фактлар ҳакамлик судига ва аризачига қарор қабул қилинаётган пайтда маълум бўлмаган бўлса, шунингдек, уни билмаслик аризачи бепарволигининг оқибати бўлмаса, ўз қарорини ўзгартириши ҳам мумкин. Бундай ариза қарор қабул қилинганидан сўнг кўпи билан уч йил ичида берилиши мумкин. Бунда

ариза Конвенция (51-модда) асосида имкон қадар қарор чиқарган ҳакамлик судига тақдим этилиши керак. Бунинг имкони бўлмаган тақдирда янги ҳакамлик суди тузилади.

Конвенциянинг 51-моддасига биноан, ҳакамлик суди қарор ижросини кўшимча қарор чиқарилгунча тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Конвенциянинг 52-моддасида томонларнинг ҳар бири қуйидаги ҳолларда ҳакамлик суди қарорини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли бўлади:

- ҳакамлик суди лозим тартибда тузилмаган бўлса;
- ҳакамлик суди ўз ваколатларидан четга чиққан бўлса;
- ҳакамлардан бири сотилган бўлса;
- таомил қоидаларидан жиддий четга чиқилган бўлса;
- ҳакамлик суди қарори талаб даражасида асосланмаган бўлса.

Низоланган томоннинг бундай аризаси Маъмурий Кенгаш Раисининг мазкур аризани кўриб чиқиш учун *ad hoc* қўмита тайинлашига олиб келади.

Конвенция (54-модда)да унинг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат ҳакамлик судининг қарорини мажбур қилувчи қарор сифатида тан олишини ва ҳакамлик суди қарори билан юкланадиган пул мажбуриятларининг ўз ҳудудида бажарилишини таъминлаши яна бир бор таъкидланган. Конвенцияда (VI боб), шунингдек, марказнинг яраштирувчи суд ёхуд ҳакамлик судида кўриб чиқиши ҳақ эвазига бўлиши белгиланган.

8-§. МДҲ ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ

СССР парчаланганидан сўнг МДҲ иштирокчилари бўлган давлатлар субъектларининг, шунингдек, давлатларнинг ўзлари бир-бирларининг ҳудудларига киритган инвестициялар дастлаб миллий статусга эга эди. Бироқ Ҳуқуқларни ўзаро тан олиш ва мулкчилик муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги битимга (Бишкек, 1992 йил 10 октябрь) мувофиқ, иштирокчи давлатлар юридик ва жисмоний шахсларининг инвестициялари бир-бирларининг ҳудудида хорижий инвестициялар сифатида тан олинди (16-модда). Бунда давлатларнинг ҳар бири бошқасининг, унинг фуқаролари ва юридик шахсларининг ушбу давлат ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа

объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олди (1990 йил 1 декабрдаги ҳолат бўйича) (худди шунинг ўзи ижтимоий соҳа объектлари, жумладан санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, меҳмонхоналар кабиларга ҳам тааллуқли). Аммо 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартномага давлатлар ушбу Шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар хўжалик субъектлари учун ўз ҳудудларида миллий ҳуқуқий режимни таъминлаш вазифасини зиммаларига олдилар, бинобарин, миллий режим давлатлар субъектларининг инвестиция фаолиятига нисбатан ҳам кўриб чиқилиши керак (10-модда). Мазкур шартномада (13-модда) иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига ўзаро қизиқиш уйғотувчи соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб этишда ўзининг инвестиция сиёсатини мувофиқлаштириш, шунингдек, биргаликда капитал киритиш (жумладан бадал асосида ҳам) мажбуриятларини олдилар.

Бунда 1993 йил 24 декабрда МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши Ашхабод шаҳрида Ҳуқуқларни ўзаро тан олиш ва мулкчилик муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги битимнинг иштирокчи давлатлар субъектларининг бир-бирларининг ҳудудидаги инвестицияларига хорижий инвестиция статусини белгиловчи 16-моддасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо Ашхабоднинг ўзида 1993 йил 24 декабрда Инвестиция фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим тузилди. Унга биноан Битим иштирокчилари бўлган давлатлар ўз ҳудудларида бошқа иштирокчи давлатлар ва уларнинг субъектлари инвестицияларини қўллаб-қувватлайдилар. Бунда ушбу давлатлар инвестиция билан боғлиқ муносабатлар инвестиция амалга оширилаётган жойдаги давлат қонунлари билан тартибга солинишидан ҳамда қонунчиликнинг бундан кейинги такомиллаштирилиши давомида давлатларнинг инвестицияга доир ҳуқуқий режими ва инвесторларнинг уларни амалга ошириш борасидаги фаолияти инвестиция амалга оширилаётган жойдаги давлат шахсларининг инвестиция фаолияти учун амал қиладиган режимга қараганда ноқулайроқ бўлмаслигидан (яъни миллий режим ўрнига бошқача (миллий режимга қараганда қулайроқ) режим бўлиши мумкинлигидан келиб чиқадилар (6-модда).

Мазкур битимда томонлар Битимда иштирок этувчи бошқа давлатлардаги инвесторлар деганда, қуйидагиларни тушунишга келишиб олдилар (2-модда):

– давлатлардан бирининг қонунларига мувофиқ ташкил этилган ва инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар;

– жисмоний шахслар – давлатларнинг фуқаролари ҳамда уларнинг ҳудудларида доимий равишда яшовчи бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

– Битим иштирокчилари бўлган давлатлар ва уларнинг ҳудудида жойлашган давлат ва маъмурий-ҳудудий ташкилотларнинг ваколатли юридик ва жисмоний шахслари.

Инвестиция фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (3-модда)да **инвестиция** иштирокчи давлатларнинг инвесторлари тадбиркорлик объектларига ва фаолиятнинг бошқа турларига фойда (даромад) олиш, ижтимоий самарага эришиш мақсадида сарфлайдиган ҳар қандай мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар деб таърифланади. Бунда **инвестиция фаолияти** қуйидаги йўллар билан амалга оширилади (4-модда):

– иштирокчи давлатларнинг инвесторларига бутунлай тегишли бўлган корхоналарни ҳамда бундай корхоналарнинг филиалларини ташкил қилиш;

– инвестиция киритилаётган жойдаги юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда тузиладиган корхоналарда ўз улуши билан иштирок этиш;

– миллий қонунларга мувофиқ корхона, бино, иншоот, корхонада иштирок этиш улуши, пай, акция, облигация ҳамда қимматбаҳо қоғозлар харид қилиш;

– инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа фаолият.

Бунда Битим иштирокчилари бўлган давлатларнинг хорижий инвестициялари иштирокида ташкил қилинган корхона унинг уставда назарда тутилган мақсадларга жавоб берувчи инвестиция жойидаги қонунчиликда тақиқланган фаолият турларидан бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Битимда (7-модда), шунингдек, иштирокчи давлатларнинг ва улар субъектларининг инвестициялари инвестиция жойидаги давлатнинг тўлиқ ва шартсиз ҳуқуқӣ ҳимоясидан фойдаланиши, яъни улар национализация қилинмаслиги ва қонунда назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳолларда реквизиция қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Аммо бундай ҳолларда ҳам инвесторга тезда, мос келадиган ва самарали бадал тўланиши керак. Бунда низолар Битим иштирокчилари бўлган давлатлар ўртасида юзага келган ҳолларда ҳам, инвестиция киритилган давлат судида ҳам ҳал қилинади. Битимда инвесторлар инвестиция киритилган жойдаги давлат ёки унинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ва лозим бўлмаган ҳаракатлар қилган тақдирда ўзларига етказилган зарарни, жумладан йўқотилган фойдани тўлиқ қоплатиш ҳуқуқига эга эканликлари назарда тутилган.

Битимнинг 8-моддасида инвесторларнинг улар инвестиция фаолиятини амалга ошириши натижасида олган фойда ва бошқа суммаларни ўз давлатларига тўсқинликсиз ўтказиш имконияти назарда тутилган.

Бундан ташқари, Битимда иштирокчи давлатлар ва улар субъектларининг инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бундай корхона иштирокчилари ўртасидаги келишув асосида баҳоланади, агар корхонанинг ҳаммаси хорижий инвесторга тегишли бўлса, хорижий инвесторнинг ўзи мустақил равишда баҳолайди.

Инвестиция фаолияти соҳасидаги ҳамкорликка доир битим (9-модда)да инвестор ўз фойдасини ўзи билганича тасарруф этишга, жумладан уни инвестиция амалга оширилган давлат ҳудудида қайта инвестиция қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Битимда (10-модда), агар инвестиция киритилган жойдаги иштирокчи давлат инвестицияларга ёки мазкур битимни денонсация қилишга тааллуқли қонунлар қабул қилган ва бунинг натижасида Битим иштирокчилари бўлган давлатлар ва уларнинг субъектларининг инвестициялари иштирокида ташкил қилинган корхоналарнинг фаолият шароити ёмонлашган тақдирда, инвесторнинг беш йил мобайнида хорижий инвестиция иштирокидаги корхона қайд этилган пайтда амал қилган нормаларни қўллаш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Битимда у, аввало, бевосита инвестицияларни қўллаб-қувватлашга ҳамда иштирокчи ва учинчи давлатлар ҳудудларидаги кўп томонлама иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилганлиги кўрсатилади. Битимда (13, 23-моддалар) иштирокчи давлатлар ва улар субъектларининг бошқа иштирокчи давлатлар ҳудудидаги инвестициялари киритилган корхоналарнинг амал қилиш масалалари етарлича батафсил тартибга солинади. Чунончи, битимда бундай корхонанинг инвестиция

киритилган давлат ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил қилиш ҳуқуқи белгиланган. Бунда Битимда ушбу филиаллар ва ваколатхоналарнинг банк ҳисобварақларини очиш ҳуқуқи назарда тутилган. Битимда хорижий инвестицияли корхона ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш шартларини, жумладан, уларнинг нархларини мустақил равишда белгилаши, бироқ бунда инвестиция киритилаётган давлат қонунларини инобатга олиши белгилаб қўйилган. Битимда бундай корхоналарнинг инвестиция киритилаётган давлат ҳудудидаги ер майдонларидан, турар жой, яшаш учун мўлжалланмаган хоналардан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўлови ушбу давлат миллий субъектлари учун белгиланган тўлов шартларидан фарқ қилмайди.

Битим (15-модда) инвесторларни хорижий инвестицияли корхоналарнинг устав фондига қўшган ва ўз моддий ишлаб чиқариши учун мўлжалланган улушини бож ва солиқлардан озод қилишни назарда тутди. Хорижий инвестицияли корхона ходимининг шахсий эҳтиёжи учун давлат ҳудудига олиб кириладиган буюмлар ҳам бож олишдан озод қилинади.

Битимда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, мулк ва хавфларни суғурта қилиш, солиқларни тўлаш, шунингдек, меҳнат муносабатлари, ердан фойдаланиш ва низоларни ҳал этиш тартиби инвестиция амалга ошириладиётган жойдаги давлатнинг қонунлари билан белгиланиши таъкидланган.

Битим иштирокчилари бўлган давлатлар учинчи давлатлардан келадиган инвестицияларга келишган ҳолда ёндашиш масаласида аҳдлашиб олдилар. Бунда ушбу Битим ва уни ривожлантирадиган ҳужжатларда берилган имтиёзлар ва афзалликлар ушбу Битимнинг иштирокчилари бўлмаган бошқа давлатлар ва уларнинг инвесторларига тааллуқли бўлмаслиги назарда тутилди.

1997 йил 28 мартда Москва шаҳрида Инвестор ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенция (5-моддаси)да ҳам инвестицияларни амалга ошириш шартлари, шунингдек, *инвесторларнинг амалга оширилган инвестициялар билан боғлиқ фаолиятининг ҳуқуқий режими реципиент мамлакатнинг юридик ва жисмоний шахслари учун белгиланган инвестицияларни амалга ошириши*

шартлари ва бу билан боғлиқ фаолият режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмаслиги, бундан фақат реципиент мамлакат қонунларида белгиланган олиб қўйишларгина мустасно бўлиши белгилаб қўйилган.

Конвенция Иқтисодий иттифоқни ташкил қилиш тўғрисидаги шартнома ва Инвестиция фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ривожлантириб тузилган шартнома ҳисобланади. У турли хил инвестицияларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ва инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини белгилаб беради.

Конвенцияда (4-моддасида) инвестицияни амалга ошириш шакллари, агар улар инвестиция фаолияти амалга оширилаётган ҳудуддаги давлат (реципиент мамлакат) қонунларида тақиқланмаган бўлса, исталган шаклда бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бунда ушбу давлат инвестиция лойиҳаларини экологик, антимонопол ва бошқа талабларга риоя этилганлиги мавзуда экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Конвенция (5-модда)да иштирокчи давлатлар тармоқлар, минтақаларнинг фаолият турларига нисбатан устунлик рўйхатини белгилашга ҳақли эканлиги назарда тутилган. Бунда инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлироқ режими жорий қилинади. Конвенцияда, Битимдан фарқли ўлароқ, агар у кучга кирганидан сўнг инвестицияларни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ўзгарадиган бўлса ва ушбу нормалар иштирокчи давлатнинг фикрича, инвестиция фаолиятининг шартлари ва тартибини ёмонлаштирадиган бўлса, бу ҳақдаги масала МДҲнинг Иқтисодий суди ёки бошқа халқаро судлар ёхуд халқаро ҳакамлик судлари муҳокамасига қўйилиши мумкин эканлиги белгиланган. Бунда судлар инвестиция фаолияти амалга ошириладиган шароит ёмонлашганлиги фактини тасдиқласалар, ушбу қонунчилик нормаларининг амал қилиши улар қабул қилган пайтдан бошлаб қарор қабул қилинган пайтдан сўнг беш йиллик муддат ўтадиган пайтгача тўхтатилади (бунда Конвенциянинг мазкур қонидаси мудоффа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини, табиий муҳитни, аҳолининг ахлоқи ёки соғлиғини муҳофаза қилиш, солиққа тортиш, шунингдек, миллий режимдан олишга доир рўйхатдаги масалаларга тааллуқли қонунлардаги ўзгартишларга дахл қилмайди (Бунда мазкур рўйхатга хусусийлаштирилиши ёки давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин бўлмаган

тармоқлар, корхоналар, ташкилотларнинг номлари ҳам киритилган).

Мазкур конвенциянинг каттагина қисми хорижий инвестицияларни химоялашнинг давлат томонидан кафолатланишига бағишланган. Шу муносабат билан Конвенция (8-модда)да иштирокчи давлатлар бошқа давлатлар ва уларнинг субъектлари инвестицияларини ҳеч бир шартсиз химоя қилишлари эълон қилинган.

Сўнгра Конвенция (9-модда)да иштирок давлатлар ва улар субъектларининг реципиент мамлакатдаги инвестициялари, табиий фалокатлар, авария, эпидемия, эпизоотия ва бошқа фавқулодда хусусиятга эга ҳолатлардан иборат камдан-кам ҳоллардан ташқари, национализация ва реквизиция қилинмаслиги кўрсатилган.

Бунда ушбу чоралар миллий қонунларда назарда тутилиши ва реципиент мамлакатнинг конституциясида белгиланган жамоат манфаатлари йўлида қабул қилиниши керак.

Конвенцияда, шунингдек, национализация ҳам, реквизиция ҳам инвесторга муносиб бадал тўламай туриб амалга оширилиши мумкин эмаслиги, бунинг устига мазкур бадал, 10-моддага мувофиқ, инвестиция амалга оширилган валютада тўланиши белгиланган. Бадал миқдори эса реципиент мамлакатнинг миллий қонунларида белгиланади.

Конвенция (9-модда)да реквизиция ёки национализация юзасидан шикоят қилиш тартиби реципиент мамлакатнинг миллий қонунларида белгиланиши назарда тутилган, аммо инвестицияларга амалга оширишга доир низоларни (11-моддага биноан) миллий давлат судлари ҳам, МДҲнинг Иқтисодий Суди ҳам, бундан ташқари, бошқа халқаро судлар ва халқаро ҳакамлик судлари ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Инвестор, шунингдек, унга давлат органлари ёхуд мансабдор шахсларнинг реципиент мамлакатнинг миллий қонунларига ёки халқаро ҳуқуқ нормаларига зид қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқига эга.

Конвенциянинг 12-моддасида инвесторнинг солиқ ва йиғимларни тўлаганидан сўнг қолган даромадларидан фойдаланиш кафолатлари санаб ўтилган. Ушбу нормага биноан инвесторга қуйидагилар кафолатланади:

– даромадлардан инвестор давлатнинг валютасида ҳам, реципиент давлатнинг валютасида ҳам реципиент мамлакат ҳудудида инвестиция (реинвестиция) мақсадларида, товарлар харид қилиш учун фойдаланиш;

– реципиент мамлакат валютасидаги даромадлардан реципиент мамлакат бозорида бошқа давлатнинг валютасини харид қилиш учун фойдаланиш;

– даромадларни инвесторнинг ихтиёри бўйича ҳар қандай мамлакатга тўсқинликсиз ўтказиш.

Мазкур кафолатларнинг ҳаммаси инвесторнинг натурал шаклда олган даромадларига ҳам тааллуқлидир. Бунда ашёларни (товарларни) олиб чиқиш реципиент мамлакатнинг миллий қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Конвенциянинг алоҳида қисми (III қисми) хорижий инвесторларнинг акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни харид қилишга, шунингдек, уларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишига бағишланган. Бунда Конвенцияда (14-модда) инвестор хусусий шахсларнинг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини, шунингдек, давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини реципиент мамлакатнинг миллий қонунларига риоя этган тақдирда харид қилишга ҳақли эканлиги назарда тутилган. Бунда инвестор мазкур қимматбаҳо қоғозларнинг нархини реципиент мамлакат валютасида ҳам, ҳар қандай бошқа валютада ҳам тўлаши мумкин (агар реципиент мамлакат қонунларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса).

Конвенция (15-модда)дан хорижий инвесторлар давлат ёки муниципал мулк кирувчи объектларни хусусийлаштиришда реципиент мамлакатнинг миллий қонунларида белгиланган шартлар асосида иштирок этиши мумкинлиги маълум бўлади. Бунда Конвенция хусусийлаштиришга доир қарорнинг бекор қилиниши, хусусийлаштириш тартиби ва усулининг ўзгартирилиши, агар унда хорижий инвестор (табиийки, конвенция иштирокчиси бўлган давлатдан), шунингдек, хусусийлаштиришга оид бундай битимларнинг бекор қилиниши фақат суд тартибида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланиб, хорижий инвестор учун муҳим кафолатлар назарда тутилган. Конвенция (16-модда) иштирокчи давлатларга бир-бирларини қуйидаги масалалар бўйича хабардор қилиш мажбуриятини юклайди:

– хусусийлаштиришнинг моҳияти ҳақида;

– хусусийлаштиришнинг бориши, жумладан, аукционлар, танловлар, уларнинг ўтказиладиган жойи ва вақти, хусусийлаштириладиган

корхоналар;

- аукционлар, танловларнинг ўтказилишига доир режа-графиклар;
- хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини харид қилиш тартиби;
- хусусийлаштириш объектларини сотишнинг бориши ҳақида;
- сотувга чиқарилаётган энг муҳим объектлар;
- хусусийлаштириш объектларининг мўлжалланаётган сотувлари.

Конвенция (17-модда)да, шунингдек, хусусийлаштириш жараёнида мулк инвестор билан хусусийлаштирилаётган мулк сотувчиси вазифасини бажараётган шахс ўртасида тузилаётган олди-сотди шартномалари асосида харид қилиниши махсус кўрсатилган. Бунда олди-сотди шартномалари, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг акциялари реципиент мамлакатнинг миллий қонунларида белгиланадиган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Хусусийлаштирилиш жараёнида мулкни харид қилишнинг бошқа тартибига йўл қўйилмайди.

Конвенцияда (IV қисм), шунингдек, инвесторларнинг ерга, бошқа табиий ресурсларга бўлган ашёвий ҳуқуқни ва бошқа мулкый ҳуқуқларни харид қилиши ҳам тартибга солинган. Бунда ушбу ҳуқуқларнинг реципиент мамлакат миллий қонунларига мувофиқ харид қилиниши кўрсатилган.

Конвенция (19-модда)да инвестор табиий ресурслардан фойдаланиш ва реципиент мамлакатнинг давлат монополиясига кирувчи бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини сотиб олиши, шунингдек, реципиент мамлакатнинг давлат мулки бўлган объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини концессия шартномалари ҳамда реципиент мамлакатнинг миллий қонунларида белгиланган маҳсулотни тақсимлашга доир битимлар асосида олиши кўрсатилган. Инвесторнинг реципиент мамлакатдаги иштирокига асосланган ижара муносабатлари ҳам миллий қонунларига асосланади (Конвенциянинг 20-моддаси).

Конвенцияни кўриб чиқиш ниҳоясида у иштирокчи давлатларнинг бошқа халқаро шартномаларидаги қоидаларга дахл қилмаслигини (20-модда), зарур бўлганда иштирокчи давлатлар икки томонлама шартномаларда Конвенциянинг қоидаларига аниқлик киритишлари мумкин эканлигини (21-модда) назарда тутганлигини таъкидлаш зарур.

Текшириш учун саволлар

1. Инвестиция нима?
2. Инвестиция фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш нималарда намоён бўлади?
3. Хорижий инвестицияларнинг субъектларига нималар киради?
4. Хорижий инвестициялар қандай режимга эга?
5. Халқаро инвестиция фаолиятини амалга оширишда қандай хавфлар мавжуд?
6. Хорижий инвестициялар қай тариқа суғурта қилинади?
7. Инвестиция низолари нима ва улар қандай ҳал қилинади?
8. МДҲ доирасидаги халқаро инвестициялар қандай хусусиятларга эга?

XI боб. ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИДА НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

1-§. ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИДА НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида савдо-иқтисодий битимларни тузиш, уларни бажариш жараёнида турли келишмовчиликлар, шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳоллари юз бериб туради. Ана шундай вазиятларда низонинг тез ва самарали, энг асосийси, адолатли ҳамда оқилона ҳал этилиши жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу вазифанинг мураккаблиги кўп ҳолларда низолашаётган томонларнинг ўз ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий режими билан бир-биридан фарқ қиладиган турли давлатлар ҳудудида жойлашганликлари билан боғлиқ. Бундай ҳолларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормаларида назарда тутилган ечимлардан фойдаланилиши табиий, аммо ана шундай ечимни ким топиши, низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизмлари қандай эканлигини чуқур тушуниб етиш лозим бўлади.

Хусусий ҳуқуққа оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўра ҳам, кўпчилик мамлакатларнинг миллий қонунчилик тизимларига мувофиқ ҳам тарафлар эркининг автономлиги принципи эътироф этилади. Унга кўра, халқаро савдо-сотик битимини тузаётган томонлар бошқа масалалар қаторида миллий қонунчилик йўл қўядиган даражада келгусида юз бериши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш усуллари масаласини ҳам олдиндан белгилаб олишлари (низонинг миллий судларга ёки халқаро судларга тааллуқлилигини кўзда тутиб қўйишлари) мумкин. Бу нарса шартноманинг арбитраж изоҳига оид қоидаларида назарда тутиб қўйилади.

Битим тузган томонлар низони улардан бири жойлашган давлат судларида кўриб, ҳал этиш ҳақида келишиб олганлари тақдирда ёки муайян мамлакатнинг миллий қонунчилигида айрим турдаги низолар фақат давлат судларидагина кўриб ҳал этилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган ҳолларда (масалан, 1992 йил 20 мартда МДХ қатнашчиси бўлган давлатлар ўртасида имзоланган «Хўжалик фао-

лиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги битим 4-моддасининг 3-бандига кўра, кўчмас мулк билан боғлиқ низоларни фақат давлат судларигина кўриши мумкинлиги белгиланган) низо тегишли давлатнинг процессуал қонунчилигига мувофиқ кўриб ҳал этилади.

Низолар давлат судларида эмас, балки томонлар келишиб танлайдиган нодавлат арбитраж (хўжалик судлари) ёки ҳакамлик судларида кўриб ҳал этилиши белгиланган ҳолларда масала томонлар келишиб олган тарзда ҳал этилади.

Халқаро савдо-сотик муносабатлари чоғида юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тизимлари яратилган бўлиб, унинг асосий шакли халқаро савдо арбитражлари (ҳакамлик судлари)дир. Айрим муаллифларнинг «арбитраж» ва «ҳакамлик»ни халқаро муносабатлар соҳасидаги мустақил тушунчалар ҳамда институтлардир, деб талқин этиш ҳоллари учрайди¹. Аммо, бизнинг назаримизда, улар айни бир нарсадир. Бу фикр кўпчилик илмий таърифларда ўз тасдиғини топган².

Ҳакамлик судлари давлат суд маҳкамаларидан анча аввал вужудга келган бўлиб, уларнинг юзага келиш тарихи Қадимги Рим давлатига бориб тақалади. Даставвал ҳакамлик судлари низолашаётган томонларнинг ўз ташаббуслари билан тузилиб, унинг қарорлари ижросини ҳам давлат зўрлиги ва аралашувисиз мустақил равишда таъмин этганлар. Император Юстиниан замонида ҳакамлик қарорлари давлат кучи – мажбурлови орқали бажарилиши белгиланган.

Арбитраж суди деганда, савдо-иқтисодий низони низолашаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча жисмоний шахсларнинг кўриб ҳал этиши, улар давлат суд тизимига мансуб бўлмаса-да, чиқарган қарорлари мажбурий тарзда бажариладиган холис орган назарда тутилади.

Феодализм даврида феодал ўз ерида мутлақ ҳоким, ҳам суд, ҳам ҳакам бўлгани туфайли, тижорат арбитражлари ривожланмай қолган. Бироқ саноат ва савдонинг авж олиши, капиталистик муносабатларнинг

¹ Қаралсин: *Ҳамидов И.А., Алимов А.М.* Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари: Дарслик. Т., 2001. 282-б.

² Қаралсин: *Юридик энциклопедия.* Т., 2001. 629-б.

кенг ёйилиши билан низолар сони кўпайган, уларни ҳал этишнинг мукамал тизимларига эҳтиёж кучайган ва бу ҳол тижорат арбитражларининг ривожини учун туртки бўлган. Тижорат арбитражларининг ҳозирги кўриниши XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларига келиб шаклланган ҳамда саноат, транспорт, савдо ва бошқа соҳалардаги низоларни кўриб ҳал эта бошлаган.

Биринчи жаҳон уруши тамом бўлганидан сўнг Париж шаҳрида Халқаро савдо палатасининг ташкил этилиши билан халқаро тижорат арбитражлари фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, улар тез ривожлана бошлаган. Халқаро савдо палатаси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ савдо соҳасида халқаро муносабатлар пайтида юз берувчи низоларни тез, арзон ва узил-кесил (пайсалга солмай) ҳал этиш йўллари ахтариб топа бошлади.

Халқаро савдо арбитражлари ўз хусусиятларига кўра қуйидаги уч турга бўлинади:

1) халқаро майдонда фаолият юритувчи турли тижоратчи ташкилотлар таъсис этган ва улар тасдиқлаган регламент (қоидалар) асосида иш кўрувчи доимий (стационар) арбитраж судлари (масалан, Лондон халқаро арбитраж суди (London Court of international Arbitration));

2) низолашаётган тарафлар хоҳиши ва келишуви асосида аниқ бир низони кўриб ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳамда низо ҳал этилгач, барҳам топадиган бир марталик (*ad hoc*) арбитраж судлари;

3) доимий арбитраж судлари билан *ad hoc* арбитраж судлари ўртасидаги оралиқ мавқени эгалловчи, муайян тижорат ташкилоти ёки доимий тижорат арбитражи махсус регламентда белгиланган шартларга кўра *ad hoc* тарзида низонинг маъмурий муҳокамасини ташкил этувчи арбитражлар.

Халқаро савдо низоларининг тижорат арбитражларида кўриб ҳал этилиши ўзининг бир қатор афзал жиҳатларига эга бўлганлиги туфайли кейинги пайтларда машҳур бўлиб бормоқда ва уларда низоларнинг кўрилиши мунтазам ортмоқда.

Низонинг давлат суд тизимига кирувчи суд муассасаларида кўрилиши низо қатнашчиларига қуйидаги ноқулайликларни туғдиради:

а) хорижий давлат суди учун мажбурий бўлган тартиб-қоидалардан беҳабарлик ва шу туфайли низони ҳал этишга оид ҳужжатларни таржима қилиш, ишга адвокатни жалб этиш, расмий таржимон хизматидан

фойдаланиш заруратининг юзага келиши;

б) суд процессини суд бўлаётган мамлакат тилида олиб боришнинг шарт эканлиги ва таржиманинг баъзан сифатсиз бўлиши;

в) низонинг бир неча суд босқичларида ҳал этилиши ва шу туфайли унинг чўзилиб кетиши;

г) давлат судларининг ҳар доим ҳам халқаро савдога оид низоларни ҳал қилиш учун керак бўладиган билим ва ваколатга эга бўлмаслиги;

д) низо юзасидан миллий қонунчилик доирасида далиллар тўпланиши ва уларга баҳо берилиши;

е) бир давлат суди чиқарган қарорларнинг бошқа давлат ҳудудида бажарилиши анча қийин эканлиги.

Халқаро савдо арбитражининг давлатлар одил судлов муассасаларидан афзал жиҳатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) уларнинг фаолиятига халқаро савдо соҳасида ихтисослашган экспертларни жалб этиш имконининг мавжудлиги;

2) низо томонларининг суд таркибига таъсир ўтказиши, унда ўзлари танлаган судьялар қатнашишига эришилиши мумкинлиги;

3) низони ҳал қилиш тартиби ҳам низолашаётган тарафлар фикрига кўра белгиланиши мумкинлиги;

4) низонинг арбитражда кўрилиши давлат судларидагига нисбатан тез ва расмийчиликлардан анча холи эканлиги;

5) арбитражда иш кўриш одатда омма иштирокисиз (тор доирада) амалга оширилиши;

6) арбитраж жараёни давлат судларида иш кўришга нисбатан арзон ва тез кечиши;

7) қарорнинг томонлар хоҳишини эътиборга олган ҳолда чиқарилиши ҳамда халқаро муомала принциплари ва одатларининг ҳисобга олиниши;

8) халқаро конвенцияларнинг мавжуд тизими халқаро арбитраж қарорларининг бажарилишини таъминлаши.

Низони арбитраж муҳокамасига топшириш низо томонларининг эрки ва хоҳишига биноан амалга оширилади ва арбитражнинг ваколат ҳажми ҳам уларнинг хоҳиши асосида белгиланади (ингл. arbitration agreement, нем. schiedsfereinbarung). Арбитраж келишувлари икки шаклда ифодаланади ва улар, биринчидан, компромисс (ҳакамлик судида қайд этиш) (ингл. submission to arbitration, франц. compromis) ва,

иккинчидан, арбитраж изоҳи (ингл. arbitration clause, франц. clause d'arbitraige) тарзида бўлиши мумкин.

2-§. ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Халқаро тижорат арбитражларида иш кўрилиши кўп жиҳатдан савдо-сотик битими қатнашчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг ташкил этилиши бериладиган ваколатлар, низони кўриб ҳал этиш тартиби, низо юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг албатта бажарилишини таъминлаш масалалари ҳам низо иштирокчиларининг хоҳиши билан, яъни улар ўртасидаги арбитраж келишувлари ва арбитраж изоҳларига кўра белгиланади.

Шу билан бирга, улар фаолиятининг тартибга солинишида миллий ҳуқуқий тизимларнинг аҳамияти ҳам катта бўлиб, кўпчилик давлатларнинг хўжалик ва фуқаролик-процессуал қонунчилигида низоларнинг халқаро арбитражларга тааллуқлилигини белгилаш, улар ишини ташкил қилиш, қабул қилган ҳал қилув қарорларининг мажбурий бажарилишига оид нормалар белгилаб қўйилган (Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 13, 25, 26 ва бошқа моддалари).

Булардан ташқари, халқаро тижорат арбитражлари фаолиятининг тартибга солинишида турли савдо-иқтисодий битимлар, кўп томонлама шартномалар, халқаро конвенциялар муҳим ўрин тутаяди.

Халқаро савдо-сотик соҳасидаги низоларни ҳал этишнинг тижорат арбитражларидан афзалроқ бўлган муқобил шакли ҳозирча аниқланган эмас. Шу сабабли уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга мунтазам эътибор бериб келинмоқда. Бунда Халқаро савдо палатаси катта жонбозлик кўрсатиб келади. Унинг ташаббуси ва иштироки билан низоларни ҳал қилиш масалаларига оид ўнлаб халқаро конвенциялар, намунавий қонунлар, унификациялаш нормалари қабул қилинди.

Қуйида халқаро тижорат арбитражлари ва низоларнинг ҳал этилишига оид жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иштирок этадиган энг муҳим конвенция ва ҳужжатларни санаб ўтаемиз:

1) 1923 йилда Женева шаҳрида қабул қилинган арбитраж изоҳлари тўғрисидаги энг дастлабки ҳужжат – Женева протоколи. У қабул

қилиниши билан арбитраж изоҳларини давлатлар тан олиши учун ҳуқуқий асос яратилди ва унга қўшилган давлат ҳакамлик келишувлари ҳамда изоҳларини тан олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

2) хорижий мамлакатлардаги арбитраж қарорларини мажбурий ба-жариш тўғрисидаги 1923 йилги Женева конвенцияси. Унга кўра, Женева протоколинини имзолаган давлатлар ушбу конвенцияни ҳам тан оладилар;

3) хорижий арбитражнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро қилиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси. У 1958 йилда қабул қилинган. Бу конвенция жаҳон миқёсидаги ҳужжат эканлиги билан ажралиб туради;

4) ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси – у 1961 йилда қабул қилинган бўлиб, Нью-Йорк конвенциясини тўлдиради ва Фарбий ҳамда Шарқий Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро ёнберишларни ифодалайди. Ушбу конвенция билан турли давлатлар ҳудудидаги шахслар ўртасида юзага келадиган ташқи савдо низоларини ҳал қилиш учун арбитраж битимлари тузиш, низони кўриб ҳал этиш масалалари тартибга солинган;

5) Панама шаҳрида 1975 йил 30 январда тузилган халқаро тижорат арбитражлари тўғрисидаги америкаликлараро конвенция. Бу конвенцияда Нью-Йорк конвенциясининг қоидалари такрорланса-да, аммо муайян янги қоидалар ҳам белгиланган;

б) Ad hoc тарзидаги арбитраж муҳокамасига тааллуқли халқаро ҳужжатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) Европа Иқтисодий комиссияси 1963 йилда ишлаб чиққан Арбитраж регламенти;

б) БМТ Бош Ассамблеясининг яқдил маъқуллаши асосида ЮНСИТРАЛ 1976 йилда қабул қилган Арбитраж регламенти.

Булардан ташқари, халқаро тижорат арбитражлари фаолиятига доир намунавий қонун ЮНСИТРАЛ доирасида 1985 йилда тайёрланган. Ушбу намунавий қонун асосида бир қатор давлатлар ушбу масалага оид ўз миллий қонунларини қабул қилдилар.

3-§. ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАРЗДАГИ НИЗОЛАРДА ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ КЎРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

Халқаро савдо палатаси 1923 йилдаёқ доимий иш кўрувчи халқаро

арбитраж судини ташкил этган эди.

Шунингдек, халқаро савдо арбитражлари тараққиётига катта ҳисса қўшган ташкилотлардан яна бири – тижорат арбитражлари бўйича Халқаро Кенгашдир (ICCA – International Council for Commercial Arbitration). Кенгаш таркибида турли мамлакат вакиллари бўлган 25 нафар мутахассис иш олиб боради. Кенгаш ҳар икки йилда бир марта арбитражлар фаолиятига доир семинар ва конгрессларни ўтказиб туради. Бундан ташқари, унинг ҳомийлигида икки машҳур нашр: «Yearbook Commercial Arbitration» (Тижорат арбитражлари йиллик журнали) ва «International Handbook of Commercial Arbitration» (Тижорат арбитражлари бўйича маълумотнома) чоп этилади.

Кейинги пайтларда ўз таркибига 74 та доимий ишловчи суд ва жаҳондаги кўпгина мамлакатлар арбитраж муассасаларини бирлаштирувчи Тижорат арбитражлари халқаро муассасалари Халқаро федерацияси (International Federation of Commercial Arbitration Institutions) нинг фаоллиги ортмоқда ва таъсири кучаймоқда.

Одатда арбитраж соҳасидаги фаолиятни ноҳукумат миллий ташкилотлар амалга оширади.

Дунёда машҳур бўлган арбитраж муассасаларидан айримлари каторига қуйидагилар киради:

- Америка арбитраж ассоциацияси (American Arbitration Association);
- Лондон халқаро арбитраж суди (London Court of International Arbitration);
- Федерал хўжалик палатаси қошидаги Арбитраж Маркази (Schiedsgericht der Bundesammer der Gewerblichen Wirtschaft);
- Стокгольм савдо палатаси Арбитраж институти (The Arbitration of the Stockholm Chamber of Commerce);
- собиқ Иқтисодий ёрдам кенгаши аъзоси бўлган давлатлар савдо палаталари қошидаги доимий иш олиб борувчи арбитраж судлари.

Юқорида санаб ўтилган арбитраж ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда олиб бордилар ва шу йўл билан халқаро тижорат арбитражлари тараққиётини таъминлайдилар.

Кейинги пайтларда савдо-сотик соҳасидаги халқаро низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари (Alternative dispute Resolution) ҳам тобора кенг тарқалиб бормоқда. Халқаро ҳамжамият унга катта эътибор берди

ва 1982 йилда Тижорат арбитражлари бўйича Халқаро Кенгашнинг (ИССА) махсус конгресси ушбу масалага бағишланди.

Низолашаётган тарафларнинг яраштирилиши – низони ҳал этишда қўлланиладиган муқобил усулнинг кенг тарқалган шакли. Ярашиш кўпгина хусусиятлари билан низонинг арбитражда кўрилишидан фарқ қилади ҳамда низонинг тез ва самарали ҳал этилишига имкон беради. Шу сабабли кейинги йилларда у тобора кенг тарқалиб бормоқда.

Текшириш учун саволлар

1. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг қандай усуллари ва воситалари мавжуд?
2. Халқаро ҳакамлик тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Халқаро тижорат арбитражлари ва уларнинг турларини биласизми?
4. Ad hoc нима?
5. Арбитраж келишуви деганда, нима назарда тутилади?
6. Арбитраж изоҳи нима?
7. Халқаро савдо-иқтисодий битимлардан келиб чиқувчи низоларнинг ҳал этилишига оид қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
8. Халқаро савдо-иқтисодий битимларни кўриб ҳал этувчи қандай ташкилотларни биласиз?
9. Савдо-иқтисодий битимларга оид низолар Ўзбекистон Республикасида қандай кўриб ҳал этилади?

ГЛОССАРИЙ

Унификациялашган қоидалар – халқаро шартномаларда акс эттириш йўли билан бир неча давлат ёки давлатлар гуруҳи ҳудуди доирасида бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши ўзаро келишиб олинган тушунчалар, қоидалар, тартибга солиш усуллари.

Халқаро шартномалар – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзаро ёхуд муайян халқаро ташкилот доирасида ишлаб чиққан ҳамда имзолаган халқаро-ҳуқуқий келишув. Унинг иштирокчилари ўз зиммаларига муайян мажбуриятларни олади.

Халқаро қонунчилик – давлатлараро ва халқаро ташкилотлар қабул қилган икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар (битимлар, конвенциялар, пактлар ва бошқалар) ва улар асосида халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг тартибга солиниши.

Lex mercatoria – халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда таркиб топган ва кенг қўлланиладиган принциплар, расм-русумлар ва ишбилармонлик одатлари йиғиндиси. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тизимига оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1995 йил 22 декабрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган (қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. 12-сон. 263-модда).

ИНКОТЕРМС (International Commercial Terms – INCOTERMS) – халқаро савдо-сотик муносабатларида қўлланиладиган савдо атамалари ва уларга шарҳларни назарда тутувчи ҳужжатлар тўплами. Улар вақти-вақти билан тўлдирилиб, қайта кўриб чиқиб турилади.

Шартнома кафолатларига оид унификациялаш қонуни Халқаро савдо палатаси 1977 йилда қабул қилган (1990 йилда матни қайта таҳрир қилинган). Турли давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кафолатларининг бирхиллаштирилишида катта аҳамиятга эга бўлиб, турли миллий қонунчилик тизимлари ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Автоном савдогарлик ҳуқуқи – халқаро шартномалардан муайян даражада «автоном» ҳолда қўлланилувчи халқаро муомалага оид урф-одатлар, принциплар, атамалар йиғиндиси. Халқаро савдо ҳуқуқининг

манбаларидан ҳисобланади.

ЮНСИТРАЛ (*United National Commision on International Trede Law*) – БМТнинг 1966 йилда ташкил этилган махсус комиссияси, халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг ташкил этилиши, мувофиқлаштирилиши ва ривожлантирилишида етакчи ўрин тутувчи халқаро муассаса.

Jus gentium – халқлар ҳуқуқи, яъни Қадимги Рим давлатида хорижий фуқаролар билан юзага келувчи муносабатларни тартибга солишга оид қонун-қоидалар.

Jus civile – римлик фуқаролар ўртасидаги муносабатларда қўлланиладиган ва ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қоидалар. Юстиниан замонида келиб *Jus gentium* ва *Jus civile* ягона Рим фуқаролик ҳуқуқи бўлиб қўшилиб кетган.

Перегринлар претори (*pretor peregrinus*) – Қадимги Рим давлатида хорижлик фуқаролар фаолиятини назорат қилувчи, улар билан Рим фуқаролари ўртасидаги алоқаларни ва низоларни ҳал этувчи махсус маъмурий орган, мансабдор шахс.

Омрион қоидалари (*судебниги*) (*Roles d'oleron*) – ўрта асрларда (XII–XIII асрлар) Англия ва Францияда кенг тарқалган савдо-сотик урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган тўплам. Халқаро савдо ҳуқуқининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Халқаро савдо муомаласи субъектлари – турли мамлакатларга мансуб юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда битимнинг предмети бўла оладиган моддий ёки номоддий бойликлар (товар, иш, хизмат, интеллектуал бойликлар, ахборот ва бошқалар). Халқаро савдо муомаласи объектлари муайян давлат миллий қонунчилиги билан ушбу мамлакатда жорий этилган савдо муомаласи объектлари доирасидан бирмунча фарқ қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. 5–6-сон. 148-модда). Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган савдо муомаласи объектлари доирасини тўғри белгилашга ва шунга кўра Ўзбекистон Республикаси субъектлари иштирокидаги халқаро муомала объектларини аниқлашга кўмак берувчи ҳуқуқий ҳужжат.

Пул – халқаро муносабатларда тўлов ва ўзаро ҳисоб-китоб воситаси

вазифасини бажаришдан ташқари, мустақил тарзда халқаро савдо муомаласининг объекти ҳисобланадиган (олди-сотди объекти, кредит бериш объекти) алоҳида бойлик тури.

Облигация (Bond) – қарзнинг мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида давлат ёки муайян юридик шахс берган қимматли қоғоз. Қайтариш муддати келганда унда кўрсатилган пул суммасининг қайтариб берилиши кафолатланади.

Вексель – муайян шахснинг қарздор эканлигини тасдиқлайдиган қимматли қоғоз бўлиб, унда кўрсатилган муддат етиб келиши билан вексель берувчи шахс ҳеч бир шартларсиз тегишли суммани вексель сақлаб турувчига тўлаш мажбуриятини олади. Оддий ва кўчириладиган векселлар кенг қўлланилади.

Чек (check) – банкнинг чекни тақдим этган шахсга шу заҳоти унда кўрсатилган пул суммасини тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз, ҳужжат.

Коносамент (bill of lading) – юк ташувчи ёки унинг вакили ҳисобланувчи шахснинг юкни ташиш учун қабул қилганлиги, ташиш шартлари, юк хусусиятлари, жўнатувчи ва юкни олувчи шахслар, юк топшириладиган жой кўрсатилган ҳужжат, қимматли қоғоз.

Акция (certificate of stock) – акционерлик жамиятида иштирок этишни тасдиқловчи, ушбу жамият мулкидан ҳисса эгаси эканлиги ҳақида гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз. Оддий ва имтиёзли (овоз бермайдиган) акциялар мавжуд.

Омбор гувоҳномаси (Warehouse receipt) – муайян товарнинг шахсдан сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз (тилхат).

Варрант (Warrant) – шахсда омборга жойлаштирилган ва у ерда сақланаётган муайян товарда гаровга олувчининг ҳақи борлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Деливери ордери (delivery order) – муайян туркумдаги товарни бундай ордерни тақдим этган шахсга бериш лозимлиги ҳақида омбор эгасига берилган фармойиш (коносамент ёки омбор гувоҳномасининг соҳиби берадиган фармойиш).

Халқаро савдо битимлари – турли давлатларга мансуб юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки бошқа объектларга бўлган ҳуқуқларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор

килишга қаратилган иродавий-онгли ҳаракатлар (шартнома тузилганида – келишувлар). Халқаро савдо битимларига нисбатан миллий ҳуқуқий режим ҳам татбиқ этилади ва унинг доираси битимнинг ўзида белгилаб олинади.

Биржа – олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошқора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шароит яратадиган юридик шахс. Ўзбекистон Республикасида «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» янги таҳрирдаги қонун қабул қилинган бўлиб (қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. 18-сон. 128-модда), биржалар ва биржа савдосига оид муносабатлар ушбу қонун ҳамда унинг асосида қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Аукцион – махсус ташкил этиладиган ва юридик шахс тарзида фаолият олиб борадиган, ошқора ва оммавий ким ошди савдосини ташкил этадиган савдо муассасаси.

Битимларнинг шакли – битим тузувчи томонлар эркининг ифода этилиши. Битимнинг қандай шаклда тузилишини унинг иштирокчилари ҳал этишлари мумкин. Бироқ кўпчилик мамлакатлар миллий қонунларига кўра (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддаси) битимларнинг ёзма шаклда тузилиши мезонлари белгилаб қўйилган ва ушбу талабнинг бажарилмаслиги ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишида қийинчилик туғилишига, ҳатто гувоҳлар тасдиқлаган ҳолларда ҳам ҳимоя қилинмасдан қолишига олиб келиши мумкин.

Халқаро савдо битимлари бўйича жавобгарлик – халқаро шартномага кўра олинган мажбуриятнинг айбли тарзда бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли вужудга келадиган оқибат. Халқаро савдо битимлари юзасидан жавобгарлик муайян давлат қонунчилигига кўра, тегишли ҳолларда халқаро шартномаларга ҳамда хорижий элементи бўлган шартнома иштирокчилари ўзаро тузган шартномага кўра вужудга келади.

Халқаро савдо битимлари бўйича жавобгарликдан озод қилиш – ўзаро тузилган шартномада, халқаро ҳуқуқий ҳужжатда, тегишли ҳолларда миллий қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда ёки воқеа-ҳодисалар юз берганда битимни бажармаган

(лозим даражада бажармаган) томонни жавобгарликдан ҳамда жазодан озод қилиш.

Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) – муайян шароитда олдиндан кўриш, олдини олиш, хавф-хатар юз беришини бартараф этиш мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисалар. Уларнинг таърифи миллий қонунчилик тизимларида кўзда тутиб қўйилади (жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 333-моддаси). Енгиб бўлмас кучлар ўз ичига табиат ҳодисаларини ҳам, ижтимоий воқеалар ва техноген ҳодисаларни ҳам камраб олади. Улар қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин: табиий ҳодисалар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқалар); ҳарбий ҳаракатлар; иш ташлашлар; авариялар; транспорт қийинчиликлари; давлат органларининг норматив ҳужжатлари; вазиятнинг фавқулодда, кутилмаган тарзда ўзгариши.

Даъво муддати – бузилган мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларни қонун кучидан фойдаланиб ҳимоя қилиш мумкин бўлган вақт. Даъво муддати ҳақидаги қоидалар миллий қонун ҳужжатларида (масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 149–163-моддаларида) белгиланган. Даъво муддатига оид махсус халқаро конвенция ҳам мавжуд (1980 йил 11 апрелдаги Вена конвенцияси).

Олди-сотди шартномаси – фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли икки ёки ундан ортиқ субъектлари ўртасида тузиладиган битим бўлиб, унинг мақсади муайян моддий ашёларни бир шахс эгалигидан бошқа шахс эгалигига ўтказишга қаратилган бўлади. Олди-сотди шартномасини тузиш ва бажаришга оид қоидалар миллий қонунчилик тизими ҳамда халқаро ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Олди-сотди шартномаларига оид Вена конвенцияси – кенг камровли халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, товарларни халқаро бозорда сотиш ва олишга оид қоидаларни ўзида бирлаштирган. «Товарларни олиш-сотиш шартномалари тўғрисида»ги Вена конвенцияси 1980 йилда Вена шаҳрида қабул қилинган. Ҳозирги пайтда унга кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган.

Оферта – муайян товарлар олди-сотдиси бўйича шартнома тузишга таклиф. Офертада муайян шартлар акс эттирилиши, хусусан: оферта эгасининг номи ва аниқ манзили кўрсатилган бўлиши; шартномага оид аниқ таклифлар билдирилиши; шартнома тузиш юзасидан аниқ таклиф мавжуд бўлиши лозим.

Акцепт – шартнома тузиш юзасидан оферент таклифининг қабул қилиниши. Акцепт ҳам аниқ бўлиши ва акцептантнинг шартнома тузиш юзасидан розилигини аниқ ифодалаши керак.

Савдо ваколатхонаси – вакил (савдо воситачиси) ўзига берилган ваколат доирасида ва топшириқ мазмунига тўла мос равишда принципал фойдасига ҳамда унинг номидан савдо битимларини тузади. Савдо воситачилигининг кенг тарқалган шакллардан бири ҳисобланади.

Дистрибьютерлик (тижорат концессионери). Дистрибьютерлик шартномасига кўра вакил (дистрибьютер) товарни ўз ҳисобидан ва ўз номидан сотиб олади ва сотади. Дистрибьютер ва ишлаб чиқарувчи (экспортчи) ўртасидаги муносабат қоидалари улар ўртасида тузиладиган битимда (дистрибьютерлик шартномасида) белгилаб қўйилади.

Маклер (брокер) халқаро савдо муомаласида нисбатан камроқ тарқалган бўлса-да, алоҳида аҳамият касб этади. Маклер (брокер) ўз номидан шартномалар тузади.

Консигнация – ишлаб чиқарувчи (экспортчи) товарларни вакил (агент, консигнатор) жойлашган мамлакатдаги омборга юборади ва ўзаро тузилган шартнома шартларига мувофиқ тарзда ундан фойдаланади (реализация қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки – Ўзбекистон Республикасида валюта барқарорлигини таъминлаш, монетар сиёсатни шакллантириш ва юритиш, ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи давлат бошқарув органи. Ички ва ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишга оид кўпгина қоидаларни ушбу давлат органи жорий этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади (Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. 12-сон. 247-модда).

Ҳисоб-китобни амалга ошириш шакллари – етказиб берилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёки ҳақ эвазига бажариладиган бошқа ҳаракатлар содир этилганлиги учун мажбурият эгаси (қарздор) талаб қилувчи томон (кредитор)га пул тўлашининг кундалик амалиётда таркиб топган ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган тартиби. Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб,

юримдик шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўлланилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг бир қанча шакллари (масалан, кредит ўтказиш, аккредитивлар йўли билан инкассо орқали ва бошқалар)дан фойдаланилади. Ҳисоб-китоб шаклларидадан бирини танлаш одатда муносабат иштирокчиларининг хоҳишига боғлиқ (қаралсин: Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 790–816-моддалари).

Халқаро кредитли кўчирмалар тўғрисидаги намунавий қонун – БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) 1992 йил 14 майда қабул қилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат. Унга кўра, халқаро савдо-иқтисодий алоқалар соҳасида мижозлар ўртасида ҳисоб-китобнинг кредитли кўчириш йўли билан амалга оширилишига оид тартиб-қоидалар назарда тутилган.

Халқаро кредитли кўчириш воситасидаги ҳисоб-китоблар чоғида хатар – пул маблағларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтказилиши чоғида тўловчи томон ёки бенефициар учун зарар келиб чиқиши хавфи. Ҳисоб-китобни амалга оширишнинг ушбу шаклида куйидаги хатарлар мавжуд бўлиши мумкин: харидорнинг пул тўламай қолиши хатари; тўловчи томон давлати билан боғлиқ хатар; валюта курсларидаги фарқ хатари. Халқаро муносабатларда ана шундай хатарларни бартараф этиш чораларини кўрган ҳолда ҳаракат қилинади.

Бенефициар – ўз фойдасига аккредитив очаётган шахс, яъни маҳсулотни сотувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) томон. Ётказиб берган товари учун ҳақ тўлаш аккредитив очиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Авизо – битим тузган томонлардан бирининг иккинчи томонга берган хабари. Халқаро ҳисоб-китобларда банк авизоси кенг қўлланилади. Авизоловчи банк эмитент топшириғи билан бенефициарнинг фойдасига аккредитив очилганлиги ҳақида, уни бажариш тартиби тўғрисида хабардор қилади.

Инкассо – ҳисоб-китоб шаклларидадан бири. Унга кўра, ҳисоб-китоб амалга оширилганда мижоз ўз банкига (эмитент банк) тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини мижоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади. Халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида инкассодан фойдаланиш пайтида Халқаро савдо палатасининг «Инкассо бўйича унификацияланган қоидалари»дан фойдаланилади (янги таҳрири 1995 йилда эълон қилинган. 522-сонли нашр).

Кафиллик – муайян шахснинг ўз зиммасидаги мажбуриятини лозим даражада бажаришини учинчи бир шахс таъминлаши юзасидан қўшимча мажбурият. Кафолатнинг бир тури. Банкка оид муносабатларда соф ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин.

Банк кафолати. Унга кўра банк, бошқа кредит ташкилоти принципалнинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Тендер (танлов) кафолати (tender guarantee) – тендер ўтказувчини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, қатнашчи унда иштирок этишдан бош тортган тақдирда кўрилиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаш мақсадини кўзлайди.

Тўлов кафолати (payment guarantee) – юборилган товар учун пул тўловларининг амалга оширилишини экспортчи (ишлаб чиқарувчи)га таъминлаб берилишига қаратилади.

Аксилкафолат. Бундай кафолат бенефициар ўз мамлакатидаги банкдан мажбуриятнинг бажарилишини кафолатлашни талаб қилганида юзага келади.

Банк кафолати шартномаси – банк (бошқа кредит муассасаси) билан унинг мижозлари ўртасидаги келишув. Унга кўра, банк (бошқа кредит муассасаси) муайян ҳақ олиш эвазига принципал ва бенефициар ўртасидаги муносабатларда кафил бўлишни, яъни қарздор мажбуриятни бажармай қолган тақдирда қўшимча жавобгар бўлишни ўз зиммасига олади. Кўпчилик мамлакатларда бундай шартнома намунавий шаклда ёки кафиллик хати тарзида тузилади.

Факторинг – пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси. Унга кўра, бир тараф (молия агенти, фактор) иккинчи тараф (мижоз, маҳсулот етказиб берувчи)га шу мижознинг учинчи шахс (қарздор, товар олувчи томон)га тўлаши лозим бўлган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради, мижоз (мол етказиб берувчи) эса факторга ушбу талабномасини (қарздордан пул тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини) унга беради. Факторингдан халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда кенг фойдаланилади.

Факторингга оид халқаро конвенция – 1988 йил 28 майда Оттава (Канада) шаҳрида қабул қилинган ва уни 14 та давлат имзолагач, 1995

йилдан бошлаб кучга кирган. Унда халқаро факторинг операциялари (битимлари, шартномалари)га оид асосий қоидалар баён этилган.

Яширин факторинг – етказиб берилган товар учун пулни факторга тўлаш лозимлиги (талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилганлиги) сир сақланадиган ва товар етказиб берган шахс шартномада формал иштирокчи бўлиб қолаверадиган факторинг шартномаси. Бундай шартномаларда факторинг мавжудлиги қарздорга (тўловчига) маълум қилинмайди.

Ошкора факторинг. Бунда мол етказиб берувчи ошкора тарзда сотилган товар учун пул олиш ҳуқуқини факторга ўтказди ва бу ҳақда қарздор (тўловчи)ни хабардор қилади.

Регресс ҳуқуқли ва регресс ҳуқуқсиз факторинг. Регресс ҳуқуқли факторингда қарздор (пул тўловчи) муайян муддатда факторга тўловни амалга оширмаса, у ҳолда тўланмай қолган сумманинг қайтарилишини факторга мол етказиб берувчидан талаб қилишга (қайтарилишини талаб қилишга) ҳақли бўлади. Регресс ҳуқуқсиз факторингда эса қарздор (тўловчи томон) пулни тўламаганлигидан келиб чиқадиган хатар тўлалигича факторнинг зиммасида бўлади ва у қарздор тўламаган суммани мол етказиб берувчининг ўзига қайтаришини талаб қила олмайди.

Халқаро факторинг шартномаси – товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан банк (бошқа кредит муассасаси) ўртасида ёзма шаклда тузиладиган битим. Факторинг шартномасига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 3 августда 953-сон билан рўйхатга олган шу ҳақдаги низомда белгиланган. Халқаро савдо-сотик алоқаларида факторингга оид қоидалар 1988 йил 28 майдаги Оттава конвенциясида назарда тутилган.

Савдо-иқтисодий низолар – халқаро савдо-сотик битимлари тузилиши ва уларнинг бажарилиши жараёнида унинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган, тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти қолмаган келишмовчиликлар. Халқаро савдо амалиётида бундай низоларни ҳал этишнинг муайян механизмлари (воситалари, усуллари) таркиб топган. Миллий ҳуқуқий тизимлар (жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги) савдо-иқтисодий низоларни

ҳал этишнинг давлат механизмларини назарда тутати.

Халқаро тижорат арбитражи – Халқаро савдо палатаси қошида фаолият юритувчи халқаро орган. Унинг устави Халқаро савдо палатасида тасдиқланган.

Доимий арбитражлар – турли тижорат ташкилотлари тузадиган арбитраж судлари. Масалан, Америка арбитраж ассоциацияси, Лондон халқаро арбитраж суди Стокгольм савдо палатаси ва бошқалар машҳур.

Арбитраж изоҳи – савдо-сотик битимини тузиш пайтида унинг ўзаро келишувига мувофиқ келгусида юз бериш эҳтимоли бўлган низоларнинг қайси судда ёки қандай тартибда ҳал этилишига оид қоидалар. Арбитраж изоҳининг мавжудлиги низонинг қайси органда кўриб чиқилишини ҳал қилишга имкон беради.

Ad hoc арбитраж суди – низолашаётган томонлар аниқ бир низони ўзаро келишиб белгилайдиган қоидаларга мувофиқ ҳал этиш мақсадида ташкил этадиган бир марталик (ad hoc) арбитраж. Низо ҳал этиб бўлиниши билан бундай арбитраж фаолиятига ҳам барҳам берилади.

Арбитраж изоҳлари тўғрисидаги Женева Протоколи – 1923 йилда қабул қилинган халқаро тижорат арбитражларига тааллуқли конвенция. Ушбу конвенциянинг қабул қилиниши халқаро тижорат арбитражларини давлатлар тан олиши учун ҳуқуқий замин яратди.

Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қабул қилиш ҳақидаги Нью-Йорк конвенцияси – 1961 йилда Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида қабул қилинган бўлиб, жаҳон миқёсида қўлланилади ва арбитраж қарорларини ижро қилиш механизмларини назарда тутати.

ICCA (International Concise for Commercial Arbitration) – Тижорат арбитражлари бўйича халқаро кенгаш. Халқаро савдо палатаси ҳомийлигида иш олиб боради. Кенгаш таркибида турли мамлакатларнинг вакиллари бўлган 25 нафар мутахассис иш олиб боради. У халқаро семинарлар ўтказиб туради. Унинг ҳомийлигида икки халқаро нашр – «Тижорат арбитражларининг йиллик журнали (Yearbook Commercial Arbitration) ва Тижорат арбитражлари бўйича маълумотнома (International Handbook of Commercial) чоп этилади.

IFCAI (International Federation for Commercial Arbitration Institutions) – Тижорат арбитраж муассасаларининг халқаро федерацияси. Ўзбекистон таркибида 74 та доимий ишловчи суд ва жаҳондаги кўплаб арбитраж муассасаларини бирлаштирган. Унинг фаолияти ту-

файли савдо-иқтисодий низолар амалиётини умумлаштириш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари амалга оширилади, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикасида хўжалик низоларини, шу жумладан савдо-сотиққа оид низоларни ҳал қилишга оид асосий қонун. 1997 йил 30 августда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан амалга киритилган. 5 бўлим, 24 боб ва 226 та моддадан иборат.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТ

I. Раҳбарий адабиёт

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Адолат, 1998.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 1998.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 1998.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. Т.: Адолат, 2000.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т., 1996.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т., 1996.

Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. Т., 1999.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т., 2000.

Каримов И. А. Ватан манфаати учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т., 2001.

Юридик энциклопедия. Т.: Шарқ, 2001.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Расмий нашр. Т., 2000-2001 йиллар.

II. Махсус адабиёт

- Агарков М. М.* Основы банковского права. М., 1994.
- Богуславский М.М.* Международное частное право. М., 1994.
- Брагинский М.И., Витрянский В.В.* Договорное право. М., 1997.
- Вельяминов Г.М.* Основы международного экономического права. М., 1986.
- Венская конвенция о договорах международной купли-продажи. Комментарий. М., 1994.
- Государственная программа развития экспортного потенциала Республики Узбекистан. Т., 1997.
- Гражданское и торговое право капиталистических государств. М., 1993.
- Жатен С., Лакур Л.* Торговое право. М., 1993.
- Ибратов Б.И.* Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т., 2001.
- Ўлдошев М.И., Турсунов Ё.* Банк ҳуқуқи. Т.: Молия, 2000.
- Ўлдошев М.И., Турсунов Ё.* Суғурта ҳуқуқи, Т.: «Молия, 2002.
- Каминка А. И.* Очерки торгового права. СПб., 1912.
- Международное право / Под. ред. Г. И. Тункина. М., 1994.
- Портер М.* Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993.
- Рахмонкулов Х.Р.* Законодательные основы рынка. Т., 1996.
- Рахмонкулов Х.Р.* Фуқаролик кодексининг биринч қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1997.
- Рикардо Д.* Принципы политической экономий М.: 1992.
- Саъдуллаев Т., Турсунов Ё.* Халқаро иқтисодий ҳуқуқ. Т.: Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, 2000.
- Синецкий Б.И.* Внешнеторговые операции. М.: Международные отношения, 1987.
- Уфимова Л.Г.* Банковское право. М., 1994.
- Федотова И.Г., Цыганкова Н.Н.* Коммерция и право. М., 1991.
- Фельдман А.А.* Вексельное обращение Российская и международная прхужжатика. М., 1995.
- Хамедов И.А., Алимов А.М.* Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т., 2001.
- Цитович П.* Учебник торгового права. Вып. 1. Киев–СПб., 1891.
- Шершеневич Г. Ф.* Курс торгового права. Казань, 1899.
- Шершеневич Г. Ф.* Учебник торгового права. М., 1919.

Шмидтгофф К. Экспорт: право и прхужжатика международной торговли. М., 1993.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. Т., 2001.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар. Т., 1998.

Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: Адолат, 1992–2001 йиллар. №1–21.

Berman G., Goebel R., Davey W., Fox E. European Community Law. Selected Documents. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1993.

Endereein F., Maskow D. International Salls Law. Oriana Publications, 1992.

Folsom R., Gordon M. International Business Transactions. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.

Goode R. Commercial Law. 2nd Edition. Penguin Books, 1995.

Jackson J., Davey W., Sykes A. Jr. International Economic Relations. Cases, Materials and Text. 3d Edition. West Publishing Co., St. Paul, Minn., 1995.

Jukubowski J., Tomaszewski., Tynel A., Wisniewski A. Zarys Mikdzynarodowego Prawa Handlowego. Pactwowe Wydawnictwo Naukowe, Warsawa, 1983.

Loussourn Y., Bredin I.A. Droit duommerce international. Paris, 1969.


Moussern J.M., Fabre R., Raynard J., Pierre J.L. Droit du commerce international. Paris, 1997.

Watson A. Finance of international Trade. 5 th Edition. The chartered institute of Bankers. London, 1990.


Weatherill St., Beaumont P., EC Law, Penguin books, 2-nd ed. 1995.

ИЛОВАЛАР


1-илова. Халқаро кредитли кўчириш орқали ҳисоб-китоб қилиш тартиби




2-илова. Халқаро аккредитивлар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш тартиби




3-илова. Халқаро савдо муносабатларида инкассодан фойдаланиш тартиби



4-илова. Банк кафолатининг тартиби



5-илова. Очиқ (ошкора) факторинг бўйича муносабатлар



МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| СЎЗ БОШИ..... | 3 |
| I боб. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪРИФИ..... | 11 |
| 1-§. Халқаро савдо ҳуқуқи, унинг предмети ва асосий вазифалари..... | 11 |
| 2-§. Халқаро савдо ҳуқуқи ўқув фанининг тизими..... | 12 |
| 3-§. Халқаро савдо ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи..... | 13 |
| 4-§. Халқаро савдо ҳуқуқининг тарихи..... | 15 |
| 5-§. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари..... | 22 |
| 5.1. «Халқаро қонунчилик» тушунчаси..... | 22 |
| 5.2. Янги Lex mercatoria..... | 26 |
| Текшириш учун саволлар..... | 27 |
| II боб. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ..... | 29 |
| 1-§. Халқаро савдо ҳуқуқининг объектлари ва уларнинг турлари..... | 29 |
| 1.1. Товарлар..... | 31 |
| 1.2. Пул..... | 34 |
| 1.3. Қимматли қоғозлар..... | 36 |
| 1.4. Интеллектуал фаолият маҳсуллари..... | 42 |
| 1.5. Ишлар ва хизматлар..... | 48 |
| 1.6. Ахборот..... | 49 |
| 2-§. Халқаро савдо ҳуқуқининг субъектлари..... | 50 |
| 2.1. Халқаро савдо муомаласи субъектларининг умумий тавсифи..... | 50 |
| 2.2. Хусусий тадбиркор..... | 58 |
| 2.3. Тўлиқ ширкат..... | 61 |
| 2.4. Коммандит ширкат..... | 62 |
| 2.5. Акционерлик жамияти..... | 64 |
| 2.6. Масъулияти чекланган жамият..... | 66 |
| 3-§. Халқаро савдо муомаласи субъектларининг бошқа турлари..... | 68 |
| 3.1. Умумий иқтисодий мақсадга эга бўлган Европа бирлашмаси..... | 68 |
| 3.2. Транснационал бирлашмалар..... | 69 |
| 3.3. Давлат..... | 73 |

| | |
|---|-----|
| 3.4. Давлат мулкига асосланган субъектлар..... | 74 |
| 3.5. Бизнестраст | 75 |
| Текшириш учун саволлар | 77 |
| III боб. ХАЛҚАРО САВДО БИТИМЛАРИ..... | 78 |
| 1-§. Биржаларда битимлар тузилиши | 82 |
| 2-§. Аукцион..... | 83 |
| 3-§. Тендер..... | 84 |
| 4-§. Савдо музокаралари йўли билан шартномалар тузиш | 85 |
| 5-§. Битим шакллари | 90 |
| 6-§. Халқаро савдо-сотик шартномаларини шарҳлаш | 91 |
| 7-§. Халқаро савдо битимлари бўйича жавобгарлик | 92 |
| 8-§. Халқаро савдо шартномаларида жавобгарликдан озод қилиш масалалари..... | 96 |
| 9-§. Енгиб бўлмайдиган воқеа-ҳодисалар юз берганлигини ҳужжатлаштириш..... | 101 |
| 10-§. Халқаро савдо шартномаларида енгиб бўлмас кучлар ҳақидаги қоидаларнинг назарда тутилиши | 103 |
| 11-§. Даъво муддати ҳақидаги қоидаларнинг халқаро савдо ҳуқуқидаги аҳамияти | 105 |
| 12-§. Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотиш шартномаси | 110 |
| 13-§. Товарлар олди-сотдисида оид Вена конвенцияси | 115 |
| ва унинг халқаро ҳуқуқий аҳамияти | 115 |
| 14-§. Халқаро олди-сотди шартномаларини тузиш ва улар юзасидан тарафларнинг жавобгарлиги | 123 |
| Текшириш учун саволлар | 136 |
| IV боб. ХАЛҚАРО ОЛДИ-СОТДИ ВОСИТАЧИЛИГИ | 138 |
| 1-§. Халқаро олди-сотди воситачилиги, унинг аҳамияти ва асосий шакллари..... | 138 |
| 2-§. Халқаро савдо вакиллиги | 156 |
| 3-§. Консигнацияга оид муносабатлар ва уларнинг халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солиниши..... | 168 |
| Текшириш учун саволлар | 171 |
| V боб. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР | 172 |
| 1-§. «Халқаро ҳисоб-китоблар» тушунчаси ва унинг турлари | 172 |
| 2-§. Ҳисоб-китобнинг халқаро кредитли маблаф ўтказиш орқали амалга оширилиши | 175 |
| 3-§. Аккредитив орқали амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар..... | 183 |
| 4-§. Инкассо йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ва унинг халқаро савдо | |

| | |
|--|-----|
| муносабатларида қўлланилиши | 200 |
| 5-§. Банкнинг ҳисоб-китоблар юзасидан жавобгарлиги..... | 206 |
| 6-§. Банк кафолати ва халқаро савдода унинг қўлланилиши | 208 |
| Текшириш учун саволлар | 221 |
| VI боб. ХАЛҚАРО ФАКТОРИНГ | 222 |
| 1-§. Халқаро факторинг ва унинг умумий тавсифи..... | 222 |
| 2-§. Факторинг шартномасининг тузилиши ва бажарилиши | 236 |
| 3-§. Халқаро форфейтинг..... | 243 |
| Текшириш учун саволлар | 244 |
| VII боб. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ | 245 |
| 1-§. Халқаро молиявий лизинг ҳақида умумий тушунча..... | 245 |
| 2-§. Халқаро лизинг тарихи | 247 |
| 3-§. Халқаро молиявий лизингнинг халқаро тартибга солиниши | 251 |
| 4-§. «Халқаро молиявий лизинг шартномаси» тушунчаси | 252 |
| 5-§. Халқаро лизинг типлари..... | 254 |
| 6-§. Халқаро молиявий лизингнинг ўхшаш муносабатлардан фарқи | 256 |
| 7-§. Халқаро молиявий лизинг шартномасининг предмети..... | 260 |
| 8-§. Лизинг тўловлари..... | 263 |
| 9-§. Халқаро молиявий лизинг шартномасининг тугатилиши..... | 266 |
| Текшириш учун саволлар | 267 |
| VIII боб. ТОВАРЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШ. ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯ | 268 |
| 1-§. Умумий қоидалар | 268 |
| 2-§. Темир йўл транспорти | 269 |
| 3-§. Автомобиль транспорти | 270 |
| 4-§. Ҳаво транспорти..... | 272 |
| 5-§. Дарё кемачилиги | 272 |
| 6-§. Денгиз транспорти | 272 |
| 7-§. Почта транспорти | 273 |
| 8-§. Транзит..... | 274 |
| Текшириш учун саволлар | 274 |
| IX боб. ХАЛҚАРО САВДОДА ФРАНЧАЙЗИНГ | 275 |
| 1-§. Франчайзинг ҳақида умумий тасаввур..... | 275 |
| 2-§. Франчайзинг тарихи | 276 |

| | |
|--|------------|
| 3-§. Франчайзингни халқаро миқёсда тартибга солиш..... | 278 |
| 4-§. «Халқаро франчайзинг шартномаси» тушунчаси | 283 |
| 5-§. Халқаро франчайзинг турлари | 284 |
| 6-§. Халқаро франчайзингнинг ўхшаш муносабатлардан фарқи..... | 285 |
| Текшириш учун саволлар | 288 |
| X боб. ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАР | 289 |
| 1-§. Умумий қоидалар | 289 |
| 2-§. Инвестиция фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш | 291 |
| 3-§. Хорижий инвестицияларнинг субъектлари | 294 |
| 4-§. Хорижий инвестицияларнинг режими..... | 296 |
| 5-§. Халқаро инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги хавф ва чекловлар | 297 |
| 5.1. Умумий қоидалар | 297 |
| 5.2. Қўшимча масъулият хавфи..... | 298 |
| 5.3. Валюта билан боғлиқ хавф | 299 |
| 5.4. Солиқ билан боғлиқ хавф | 300 |
| 5.5. Хорижий инвесторлар мулкани мажбуран олиб қўйиш (национализация, экспроприация қилиш ва бошқа) хавфи..... | 306 |
| 5.6. Кўзда тутилмаган вазиятларнинг юзага келиш хавфи..... | 307 |
| 6-§. Хорижий инвестицияларни суфурта қилиш (кафолатлаш)..... | 307 |
| 7-§. Инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби | 311 |
| 8-§. МДҲ доирасидаги халқаро инвестицияларнинг хусусияти..... | 315 |
| Текшириш учун саволлар | 325 |
| XI боб. ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИДА НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ..... | 326 |
| 1-§. Халқаро савдо муносабатларида низолар ва уларни ҳал қилишнинг умумий принциплари | 326 |
| 2-§. Халқаро тижорат арбитражлари фаолиятининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши..... | 330 |
| 3-§. Хусусий ҳуқуқий тарздаги низоларда халқаро низоларни кўрувчи ташкилотлар .. | 331 |
| Текшириш учун саволлар | 333 |
| ГЛОССАРИЙ | 334 |
| ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТ | 345 |
| ИЛОВАЛАР | 348 |

ГУЛЯМОВ Сайидилла Саидахорович

ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Муҳаррир С. А. Раззоқов
Нашриёт муҳаррири И. Шоймардонов
Мусахҳиҳ Н. С. Раззоқова
Техник муҳаррир

Босишга рухсат этилди 2002 й. Қоғоз бичими 60x90¹/₁₆.
Офсет босма усули. Босма табағи 20,0. Адади 5000 нусха.
3703-бўйртма. Нархи шартнома асосида.

Шарқ нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.